

# ТАФАККУР



ИЖТИМОЙ - ФАЛСАФИЙ,  
МАЪНАВИЙ - МАЪРИФИЙ,  
РАНГЛИ - БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

ТАФАККУР

3/2001





*Ватан, манзилларинг мунаввар бўлгай...*



## VATAN QANDAY YUKSALADI



“Давлатни оддийгина ошпаз хотин ҳам бошқара олсин!” — Йўқсиллар дохийсининг бу шиори эндиликда эрмакка айланиб кетган. Дохий бу нақлни ижтимоий тенгликка мисол тариқасидами, анчайин ошпаз хотинларнинг кўнглига борибми, айтган бўлса ажабмас. Аммо жаҳон инқилоби ташвишларидан ҳориб, қорни очикқанда оғзидан чиқиб кетган шу сафсатага ўзи ҳам ишонмагани аниқ.

Ошпазми ё оқсоч хотинми давлатни бошқаролмайди, албатта. У агар ростдан ҳам пазанда бўлса, ошхонасидан чиқмай, картошка-пиёзини арчиб, нари борса, ўша давлатбошиларга, майли, йўқсилларга ҳам карамшўрвасини қайнатиб бераверсин. Шу кифоя ундан.

Дейлик, дохийнинг орзусини амалга ошираман деб ошпаз давлатни бошқарса, давлатни идора этиши лозим кўрилган киши эса енг шимариб маккажўхори экмoққа тушиб кетса, тўрт амални чала-чулпа ўзлаштирган яна бирови молия вазирлигини даъво қилиб чиқса, дўкондаги қассоб шоирликни, бозордаги қаззоб қонуншуносликни ҳавас этиб кўз очирмай кўйса... ҳақиқий ижтимоий тенглигу инсон ҳуқуқлари деган гаплар ўшанда юзага чиқадими? Балки. Лекин унда дунёнинг остин-устун бўлиб кетмоғи ҳам нақд гап. Михаил Булгаковнинг “Итюрoк” асаридаги мўъжизакор профессор Преображенскийнинг сўзларини эсланг: “Одам ўз ишини кўйиб бошқа иш билан шуғулландими, билинги, бир қор-қол рўй беради”.

Дунёни нима сақлаб турибди бўлмаса? Унинг мувозанат посангиси кимнинг қўлида? Бизнингча, чинакам миришқорнинг, чинакам қобилият соҳибининг, бир сўз билан айтганда — ўз ишининг усталарию ўз ўрнида турганларнинг қўлида!

Биз, мана, ўн йилдирки, озод ва обод Ватан орзусида яшамoқдамиз, меҳнат қилмоқдамиз. Бундай Ватанни ким барпо этади? Ватан қачон орзудагидек бўлиб қад ростлайди? “Америка очмоқ”қа ҳожат йўқ: Ватан ҳар ким ўз ўрнида виждонан меҳнат қилсагина бир нарсали бўлади. Ватанни анчайин чаламулла, чаладеҳқон, чалаишчи ёки чалаарбоб — яъни жўн бир ҳаваскорлар бунёд этoлмайдди. Аммо биз умидли дунёнинг орзуларини, дейлик, оддий муаллимнинг маориф вазири бўлмоққа ҳалол интилишини ёки бир боғбоннинг қўшиқ айтиб доврoқ таратишини тақиқлаш ниятида эмасмиз. Асло. Зинҳор-базинҳор. Эпласа, қўлидан келса — қандини ўрсин! Биз чала-чалаларга, баданида бир нима бўлса-бўлмаса, нотавон кўнги, ҳар ишни орзу қилиб, ўзини ҳар ёққа уриб бировнинг ўрнини эгалламоққа ўринадиган номуносиб даъвогарларга қаршимиз, холос. Ахир, ҳамма ҳам арбоб бўлавермайди, ҳамма ҳам шоир бўлавермайди. Ахир, Ватаннинг қўй-қўрасию подаси ҳам бўлади, уни ҳам кимдир боқиши керак. Бу ҳам шараф, ҳеч биридан кам бўлмаган шараф.


Гап — жамиятда ҳар ким ўз ўрнида туриб, ҳар ишни астойдил адо этишида. Ватан ўшанда юксалади.

Зарин Аҳмад

1991

# MUSTAQILLIK

# MA'NAVIYAT



Аллома Бурхониддин Марғинойий мажмуи



Термиз — 2500



“Авесто” — 2700

2001




*Ислам Каримов: "Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Ўзбекистоннинг буюк келажагини назарда тутамиз"*



*Ўзбекистоннинг Берлин шаҳридаги элчихона биноси*

# TAFAKKUR



*ЎзФА Ядро физикаси институтининг реактор қурилмаси*



# ТАФАККУР

## Тафаккур



ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ, РАНГЛИ-БЕЗАКЛИ ЖУРНАЛ

Бош муҳаррир  
Эркин АЪЗАМ

Таҳрир ҳайъати:

Дилором АЛИМОВА  
Абдулла АЪЗАМ  
Муҳсин АШУРОВ  
Ҳалим БОБОЕВ  
Хуршид ДАВРОН  
Ольга ЖОЛДАСОВА  
(бадний муҳаррир)  
Нуриддин ЗАЙНИЕВ  
Баҳодир ЗОКИР  
(масъул котиб)  
Нажмиддин КОМИЛ  
Султонмурод ОЛИМ  
Хайриддин СУЛТОН  
Нурисломо ТҶҲЛИЕВ  
Озод ШАРАФИДДИНОВ  
Муҳаммад ЮСУФ  
Абдурахим ЭРКАЕВ  
Тўлепберген ҚАЙИПБЕРГЕНОВ  
Муртазо ҚАРШИБОЙ

Муассис — Республика Маънавият ва маърифат кенгаши

Ўзбекистон Республикаси давлат  
Матбуот қўмитасида 00124-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Матнларда фойдаланилган мисол,  
кўчирма ва маълумотлар аниқлиги учун  
муаллифлар жавобгардир.  
Журналдан кўчириб босилганда ман-  
ба кўчид этилиши шарт.

Манзилимиз: 700047, Тошкент шаҳри,  
Мовароуннаҳр кўчаси, 6-уй



133-10-68  
139-05-19  
139-05-29

Журнал андозаси таҳририятнинг  
компьютер бўлимида тайёрланди.

“Шарқ” нашриёт-матбоа акционерлик  
компанияси босиб-хонаси. 700029,  
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

2001 йил 8 июнь кўни босиб-хонага  
топширилди. Қоғоз бичими 70×100 1/16,  
8 босма тобок, 2041-бўюртма.  
Нашр одади 7 000 нуска.

Журнални Омон АРСЛОН  
сахифалаган.

Ушбу сонда Машраб Нуринов  
олган суратлардан фойдаланилди.

### МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Матназар АБДУЛҲАКИМ. Буюк интилишлар ифодаси.....	6
Нигора УМАРОВА. Мафкура тарғиботи.....	12

### ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Фарида АФРЎЗ. Ишқ — ҳаёт, ишқ — нажот.....	18
--	----

### САНЪАТ ФАЛСАФАСИ

Обиджон МУСАЕВ. Тасвир ва тасаввур.....	22
---	----



Камолдин Бегзод миниятураси

### ЮРАК ТИЛГА КИРДИ

Маҳмуд ТОИРОВ. Дунё — дилдек тилсимли китоб.....	28
--	----

### ТАРИХ ВА ТАРАҚҚИЁТ

Шариф ЮСУПОВ. Янгиланиш йўлидаги тарих.....	32
Сафтер НАГАЕВ. Эл қалбининг таржимони .....	58

# САНИФАЛАРИДА

## САҲИФАЛАРИДА

### ИНСОН ЎЗИНГ, ИНСОН ЎЗИНГ

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Жимжитхонага  
йўл. Ҳикоя.....66



Асқар Маҳкам

### БУЮКЛИК ТИМСОЛЛАРИ

“Маснавий”дан таралган нур. *Шоир ва таржимон*  
Асқар МАҲКАМ билан суҳбат.....92

Исматулла ТЎХТАРОВ. Римни забт этган нотиқ.....102



Марк Туллий Цицерон

### ТАЛҚИН ВА ТАДҚИҚОТЛАР

Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ. Собитқадам интилиш.....	112
Жаннат ТОШМАТОВА. Фаровон жамият орзуси.....	113
Жовли ТУРСУНОВ. Жамият жавҳари.....	114
Маҳлиё СОҲИБОВА. Сабоқ ва амалиёт боғлиқлиги.....	114
Хайрулла УМАРОВ. Давлат ва геосиёсат.....	115
Сарваржон ҒАФУРОВ. Манфаатларни туташирган минтақа.....	117
Аъзам ҒОЗИЕВ. Мақсад сари элтувчи дастур.....	119
Хуррам ҲАЙДАРОВ. Шартлар уйғунлиги — тараққиёт асоси.....	120
Самад КАРИМБЕКОВ. Ақлнинг ўлчови борми?.....	122
Солижон ҚУДРАТОВ. “Авесто” ва ўзбек давлатчилиги.....	124
Зилола ҲАЙДАРОВА. Уруғ-аймоқ аънаналари.....	126
Журналнинг инглизча мухтасар мазмуни.....	127



Шариф Юсупов

## МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Матназар АБДУЛҲАКИМ

# BUYUK INTILISHLAR IFODASI



Биз — азал-азалдан катта орзу-умидлар, буюк мақсад-муддаолар билан яшаб келган халқмиз. Бизнинг бундай интилишларимиз аждодларимизнинг бунёдкорлик фаолиятида, миллий қадриятларимизда акс этиб келган. Халқимизга хос барча орзу-интилишлар, айниқса, унинг миллий ғояси ва мафқурасида яққол мужас-самлашган.

Бундан роппа-роса ўн йил муқаддам давлат мустақиллигини қўлга киритганимиздан сўнг, барча соҳаларда бўлгани каби, халқимизнинг бу борадаги орзу-интилишларини ҳам рўёбга чиқариш имконияти туғилди. Шунинг учун шаклланиб бораётган миллий истиқлол мафқурасининг маъно-мазмунини ифодалаб берган “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласини диққат билан ўқиб чиқсак, унда халқимизнинг мустақиллик йилларида босиб ўтган мураккаб ва шарафли йўли ўз ифодасини топганига ишонч ҳосил қиламиз. Айнан шу боис бу рисола ўқиган одамни бепарво қолдирмайди. Унинг кўнглида Ватан, халқ тақдирига боғлиқ юксак ҳис-туйғулар, теран фикр-мулоҳазалар уйғотади. Президент Ислам Каримовнинг миллий мафқурани халқни халқ, миллатни миллат этишга хизмат қиладиган ҳаётбахш куч сифатида тарифлагани ҳам бежиз эмас. Чунки миллий мафқура ҳам халқнинг озодлиги, мустақиллиги рамзларидан биридир. Фақат озод ва мустақил халқгина ўз миллий ғояси ва мафқурасига эга бўлиши, уларни ривожлантириши мумкин. Бинобарин, мафқураси бор халқ ва миллат фикрлайди, олдинга интилади, дўст-душманнинг фарқини яхши билади. Шунинг учун мустабид ту-

Матназар АБДУЛҲАКИМ. *Шоир ва таржимон, Хоразм Маъмун академиясининг илмий ходими.*



зумлар халқни аввало фикрлашдан, миллий мафкураси ва қадриятларидан жудо этишга ҳаракат қилган. Собиқ шўролар замонини бунинг яққол мисоли дейиш мумкин.

Шу ўринда бошимдан ўтган бир воқеани эсга олмоқчиман. Биз — бир гуруҳ ўзбекистонлик талабалар шўро даврида Россиянинг олис Таганрог шаҳрида педагогика институтининг филология бўлимида таҳсил олганмиз. Бир гал домлаларимиздан бири “Девони луғатит-турк” асари ҳақида гап очиб қолди. Бизга Маҳмуд Қошғарий ва унинг мазкур асари хусусида саволлар берди. Биздан садо чиқавермагач, устознинг жаҳли кўзиб, деди: “Нима, сизлар ўз миллий адабиётингизга қизиқмайсизми? Ёки бу ерга рус бўлиш учун келдингизми? Агар шундай деб ўйласаларинг бунинг иложи ҳам, кераги ҳам йўқ. Модомики, сизлар рус адабиётини ўрганмоқчи экансиз, буни аввало ўз адабиётингизни ўрганишдан бошланг. Акс ҳолда рус адабиётининг ҳам, жаҳон адабиётининг ҳам қадрига етмайсизлар”. Шу гап қаттиқ таъсир қилдими, ўшанда ёзги таътилга келишим билан Алишер Навоий ва бошқа мумтоз шоирларимиз асарларини зўр ихлос билан ахтариб, мутолаа қилишга киришганман.

Шу тариқа халқнинг тараққиёт даражаси унинг китоб ўқиш даражасига нечоғли боғлиқ эканига ишонч ҳосил қилдим. Бугун ҳам ҳаётимиздаги муаммоларни бартараф этишнинг муҳим шартларидан бири оммавий китобхонликка эришишдан иборат, деб ўйлайман.

Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимида хизмат қилаётган пайтларим эди. Журналист дўстларимдан бири халқнинг китобхонлиги ҳақида мақола ёзишни ўйлаб юргани ҳақида гапириб қолди. Мен одамлар китобга мутлақо қизиқмай кўяётганини айтдим.

— Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? — деб сўради дўстим ва ўзи жавоб берган бўлди: — Одамлар иқтисодий аҳволининг кўнгилдагидек эмаслигида эмасмикан?

Мен унга эътироз билдириб, дедим:

— Яхшиси, вилоят статистика бошқармасига боринг-да, Хоразмда бир йилда ароқ ва тамаки савдоси билан сотиб олинаётган китоблар ўртасидаги фарқни аниқланг.

Бошқармага кетган дўстимнинг ҳайратдан кўзлари олайиб қайтди. Ўртадаги тафовут жуда катта эди.

— Э, бу ҳали ҳаммаси эмас, — дедим мен, — азаматлар вилоятнинг ўзидаги тамаки ва ароқ билан кифояланмай, четдан олиб келиб ҳам чекади ва ичади. Харид қилинаётган китобларнинг ҳаммасини ҳам хоразмликлар ўқийтгани йўқ, кўпинча четдан келган саёҳатчилар олиб кетади...

Мен бизни китоб мутолаасига ўргатган ўша русиялик устозларимдан миннатдорман. Чунки улар бизни ўз миллатимизнинг маънавий бойликларини ўзлаштиришга даъват этган. Аслида бизни Азов денгизи соҳилларига чиндан ҳам “рус бўлиш” учун жўнатишган эди. Бироқ домлалари-



мизнинг донишмандлиги туфайли, биз Дон соҳилларидан Жайхунга меҳримиз яна ҳам ортиб, ўз она тилимизга бўлган ихлосимиз чандон кучайиб қайтган эдик.

Бу гапларни эслашдан мақсад шуки, “Миллий истиқлол ғояси” рисо-ласидаги “турли миллат вакиллариغا ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш” деган иборанинг чуқур ҳикмат билан суғорилганини таъкидлашдан иборат. Бу ҳикмат бизни фақат “ўз қадрини биладиган одамгина ўзганинг қадрини билади” деган фикрни эмас, айти пайтда “ўзганинг қадрини биладиган одамгина ўз қадрини билади” деган ҳақиқатни-да ёдда тутишга ундайди. Биз бугун ўз миллий қадриятларимизни тиклаб, уларни янада бойитиб бормоқдамиз. Турли миллат вакиллариغا ҳурмат ва улар билан баҳамжихат яшаш ҳам бебаҳо қадрият бўлиб, у мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни мўътадиллаштирибгина қолмай, бошқа халқларга хос қадриятларнинг мақбул жиҳатларини ўзлаштиришга, яхши маънода ўзимизники қилиб олишга ҳам имкон яратади. Шу ўринда муҳтарам шоиримиз Эркин Воҳидовнинг қуйидаги пурҳикмат байтини келтириш жоиз деб ўйлайман:

*Яхши дўстлар даврасида очилурсан ҳар замон,  
Кўркни шода ичра топгай марварид, дурдона ҳам.*

Бошқа миллатлар шодасида дурдона бўлиш бу ўз маънавий қадриятларимиздан бошқаларни баҳраманд қилиш билан бирга, ўзимизни ҳам қардошларимиз яратган ва яратаётган маънавий қадриятлардан баҳра олиб яшашга мушарраф этади. Бу эса миллат сифатида тараққий топишимизнинг энг қулай ва маъқул йўлидир. Ҳар қандай миллатчиликнинг тиғи аввало уни келтириб чиқарган миллатнинг ўзига қарши қаратилади. Бирон-бир миллатнинг ер юзидан йўқолиши эса, бир тиш тушганда бошқаларининг ҳам тушиб кетиши тезлашгани сингари, охир-оқибатда бутун инсониятнинг заволидан далолатдир.

Мазкур рисоланинг яна бир муҳим тамойили “Халқимиз ҳаётида қадим-қадимдан жамоа бўлиб яшаш руҳи устунлигини барқарор қилиш” масаласидир. “Жамоа” ва “жамият” сўзларининг луғавий маъноларидан қатъи назар, уларнинг бугунги мазмунидан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, биз элатдан миллат бўлишга қараб тараққий топиб бораётганимиз сингари, халқимизнинг ўтмиш ҳаётида бекиёс аҳамият касб этган жамоа бўлиб яшаш руҳидан эндиликда мукамал жамият бўлиб яшаш сари ривожланиб бормоқдамиз. Оломон бўлиш, бир қарашда, осон, бироқ ҳалокатли. Халқ бўлиб ҳаёт кечириш эса қийин, бироқ истиқболли. Бошқа миллатлар “шода”сида муносиб “марварид, дурдона” бўлиш учун биз ҳар бир одамни шахс қилиб вояга етказишимиз ва шу тариқа чинакам жамият, чинакам халқ бўлмоғимиз мумкин. Шахслардан иборат халқ бўлиб камол топмоқ учун эса миллатимизнинг ҳар бир вакилида фикр эркинлиги, тафаккур озодлиги бўлиши лозим. Тўдага хос ўйлаш — бошқа, шахс бўлиб тафаккур қилиш — бошқа. Шеър:

*Келар эдик тўйдан қишлоққа қайтиб,  
Отам билан икков кечиб пўрсанг, чанг.*

Кимдир жуда ҳам шўх бир кўшиқ айтиб  
Келаверди — кўйиб овозини ванг.  
Сўлим оқшом ичра поёнсиз адир  
Ойдинда сут янглиғ ялтирар эди.  
Лекин... кўшиқчининг саси негадир  
Алланечук мудҳиш туюлар эди.  
Нақ кулоқни ёрай дерди овози  
Ўзи кўп узокда бўлса ҳам.  
Дадил, жасур каби эди навоси  
Аслида қалбаки, сохта бўлса ҳам.  
Фамгин тортиб қолдим. Рухдан кетди нур.  
Отам кўп донишманд одам эдилар.  
“Болам, бу кўшиқда хосият йўқ, юр,  
Бошқа йўлдан кетамиз, дедилар, —  
Тун ваҳмидан кўрқиб куйляпти у,  
Шундай одамлар ҳам бўлади.  
Ҳозир салом берсак, чиқиб рўбарў,  
Юраги ёрилиб ўлади”.  
Кетдик — шундан бериб ўтди кўп замон.  
Кўшиққа тош отиш, ахир, эриш гап.  
Куйланган кўшиқни кўрганим замон  
Мен оғиз жуфтлайман салом беришга.  
Кўшиқда бўлмаса ҳалоллик ва шахд,  
У топган завол ҳам бебаҳо бир ганж.  
Кўрққанингдан кўшиқ айтсанг, бу — даҳшат,  
Кўрққанингдан кўшиқ айтсанг, бу — жирканч.

Шахс бўлиб камол топмаган одамнинг ҳамма иши кўрқоқ одамнинг кўшиғига ўхшайди. Чунки у зўракилик ва тазйиқ маҳсули бўлиб қолаверади.

Рисолада таъкидланганидек, халқ шахслардан таркиб топса, бу халқнинг турли тарздаги жамоалари тимсоли — оила, маҳалла, эл юрт мустаҳкам бўлади. Ҳар бир халқнинг вакили ўзини ҳурмат қилиш даражасига етишсагина бундай жамоа ва жамиятнинг ҳаёти маъно-мазмун касб этади.

Маълумки, оталар ва болалар масаласи инсониятга хос азалий муаммо. Ҳаётнинг тадрижий ривожини, диалектик ўзгаришлар оқибатида авлодлар ўртасида юзага келадиган баъзи фикрларга табиий деб қарамоқ керак. Бироқ мана шу табиий ва меъёрий зиддият бемеъёр бир қарама-қаршилиққа, хусуматга айланса, ҳаётдаги ўзгаришлар қонли инқилоблар тарзида кечса, буни ҳеч қандай фалсафа билан оқлаб бўлмайди. Жамият бундай муаммонинг оқилона ечимини топа олмас экан, кўзлаган мақсадга эришолмайди.

Ёшлигимизда отам ва отам тенгилар “ишлар қалай, комсомоллар” деганида бизни эркалаб шундай дейишармикан, деб ўйлардим. Кейин билсам, қайси бири кулоқ, қайси бири Украинага сургун қилинган, яна бири қатағонга учраган бу одамларнинг “комсомол” деган сўзида киноя оҳанги бор экан. Худога шукр, у мусибатлар орқада қолди. Бироқ оталар ва болалар бир сўз замирида ҳар хил маънони англаса, бу яхши эмас.

Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, биз — ота-оналар ўзимизга эътибор талаб қилишдан олдин ўзимиз ҳам унга муносиб бўлишимиз керак. Чунки ўзини ҳурмат қилмайдиган фарзандларни “камол”га етказган одамнинг ўзи ҳам иллатдан холи эмас. Миллий истиқлол ғоясини ҳаётга татбиқ этишда ана шу масалани ҳам эътибордан соқит қилмаслигимиз керак.

Рисолада тил масаласига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам айна муддао бўлган. Ҳазрат Алишер Навоий бежиз бундай демаган:

*Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин,  
Билгил, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.*

Ватан аслида тилдан бошланади. Шунинг учун ҳам биз она тилимизни, демак, она Ватанимизни асраб-авайламоқ учун астойдил ҳаракат қилмоғимиз лозим. Ўзбек тили ҳали ўз имкониятларини тўлиқ намоён этиб улгургани йўқ. Менинг назаримда, айниқса, шевашуносликни ривожлантириш, адабий тилимизни шевалардан кириб келадиган сўзлар ҳисобига бойитиш диққат-марказимизда турмоғи лозим.

Бир гал ёзувчи дўстим Шухрат Маткарим билан Андижонга борган эдим. Адабий учрашувлар ўтказдик. Шунда мен адабиёт мухлисларининг сўзга Хоразмдагига қараганда кучлироқ эътибор қаратишини сездим. Бу ҳақда Шухратга айтган эдим, у, бу — табиий, Матназар ака, чунки сиз водий шевасида ижод қиласиз. Хоразм шевасида ёзиб, Хоразмда шеърхонлик қилиб кўринг-чи, қанақа бўларкан, деди. Унинг гапида жон бор эди. Мен буни Хоразм шевасида ёзилган шеърларимни ўқиганимдан кейин пайқадим. Мен бу билан адабий тилимизнинг аҳамиятини камситмоқчи эмасман, албатта. Чунки ҳар бир тил ўзининг адабий меъёрларига эга бўлмоғи шарт. Бироқ дарахтлар илдизсиз бўлмагани каби, тил ҳам шевасиз ҳаёт кечира олмайди. Жаҳонда бир қанча ўлик тиллар бор. Баъзан ўйлаб қоламан: хўш, уларнинг ўлими нимадан бошланган? Тилларнинг имкони сарҳад билмайди. Бироқ шуниси ҳам борки, дунёда нафақат битта сўз, балки муайян тилга сайқал бўлиб турган бирон-бир товуш йўқолса ҳам маънавият учун оғир йўқотиш ҳисобланади. Дарёлар бориб қуйилмаса, денгизлар қуриб қолганидек, шева ва лаҳжаларимиздан сўзлар, янги-янги ифода воситалари қуйилиб турмаса, ҳар қандай адабий тил таназзул хавфидан халос бўла олмайди.

Илм-фанни, жумладан, тил билан боғлиқ бўлган соҳаларни ҳам сиёсийлаштириш ҳалокатлидир. Бироқ тил софлиги учун кураш бу — миллат софлиги учун кураш эканини унутмаслигимиз лозим.

Оила ва маҳалла, эл-юрт тушунчаларининг муқаддаслиги халқимизнинг азалдан жамоа бўлиб яшаш жараёнида орттирган бебаҳо маънавий туйғусидир. Бир фарзандга етти маҳалла ҳам ота, ҳам она, дейди халқимиз. Бу эса болаларимизнинг яхши маънода муттасил жамоат назарида (назоратида эмас) бўлишига, халқимизнинг энг яхши аъёнлари руҳида тарбияланишига имкон яратади.

Рисолада меҳнатсеварлик алоҳида таъкидлангани ҳам теран мазмунга эга. У ҳаётимизнинг ўзига хос тамал тоши, тараққиётимизнинг мунтазамлигини таъмин этадиган хислат, муҳаббат рамзидир. Муҳаббат ўзаро

тенглик асосида бўлса, икки тарафлама фойда бўлгани каби, меҳнатни севган одамни ҳам меҳнат севиши керак. Меҳнатни севгучини эътиборсиз қолдириб, бошқаларга манфаат етказадиган меҳнат — вафосиз меҳнатдир. Шу боисдан ҳам у севимли бўла олмайди. Бу мувозанатни таъминлаш учун эса меҳнатга муносиб ва вақтида ҳақ тўлаш мезонларини шакллантириш зарур. Ҳадиси шарифда меҳнаткашнинг меҳнат ҳақини унинг манглайидаги тер қуримасдан туриб тўлаш алоҳида таъкидланган. Меҳнаткаш одамга нафи тегмаган кишининг бошқа бировга манфаат етказишида шубҳа бор. Бундай “манфаат” эса ундан “бахраманд” бўлаётган номуносиб одамни айнитади.

Рисолада алоҳида қайд қилинган миллатлараро муносабатларни йўлга қўйиш масаласида ҳам ота-боболаримиз ажойиб ибрат намуналарини кўрсатиб кетганлар.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг шундай бир байти бор:

*Мен тилаб хусн, вале шоҳ тилаб наслу насаб,  
Менга лўлий била ҳинду, анга кўнғироту қиёт.*

Ёхуд:

*Навоий туркларнинг таркин тутса айб қилмангким,  
Анга бир туркмон маҳваш гами маҳкам дўлошибдур.*

Шеърят султонининг бу фикрларини бир неча асрдан кейин француз файласуфи Жан Даламбер ўзгача бир шаклда баён этган эди: “Ҳақиқий соф виждонли киши ўзидан оилани, оиладан ватанни, ватандан инсониятни устун қўйиши керак”.

Биз фуқароларимизда миллатлараро тотувлик туйғусини тарбиялар эканмиз, уни донишмандлар бисотидан олиб ёдланадиган иқтибослар воситасида эмас, балки ҳаётдаги ибратли воқеалар асосида шакллантиришимиз лозим. Мен шу ўринда Пахлавон Маҳмуд ҳазратларининг миллатлараро дўстликни ҳам, диний бағрикенгликни ҳам ўзида ёрқин акс эттирган рубоийсини келтирмоқчиман:

*Эй дўст, қани, айт, жонми керак, жон берайин мен,  
Ҳар не энг азиз, сен сўра, шул он берайин мен.  
Эй кофири шаддод, агар қошима келсанг,  
Зунноринг олиб, ўрнига иймон берайин мен.*

Юқорида айтганимиздек, Ватанимиз мустақиллик йиллари кўпдан-кўп ютуқларга эришди. Биз шулардан фақат биттаси — миллий ғоя ва мафкура соҳасидаги натижаларга тўхталдик, холос. Чунки халқнинг олижаноб интилишлари, юксак тафаккури ва маънавияти унинг мафкурасида яққол акс этади. Бизни бир ижодкор сифатида аввало мана шу йўлдаги ютуқларимиз жалб этади, фикрлашга ундайди.

Бир сўз билан айтганда, “Миллий истиқлол ғояси” рисоласидан ўрин олган барча олижаноб ғоя ва мақсад-муддаолар ҳаётга теранроқ назар ташлаб, ўзлигимизни чуқурроқ англашга даъват этади. Энг муҳими, у халқимизга хос буюк орзу-интилишларни ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимизга сингдиради.



МИЛЛАТ ВА МАЪНАВИЯТ

Нигора УМАРОВА

## МАФКУРА ТАРҒИБОТИ

Ҳозирги асримизни қандай ном билан атаманг, юксак технологиялар асри дейсизми, ахборот асри дейсизми, барибир, менимча, бу — тарғибот асри. Чунки биз эшитаётган, кўраётган барча-барча нарсалар истакларимизни, дидимизни ўзгартиришга, фикримизга таъсир қилишга йўналтирилган. Тўғри, ҳаммамиз ҳам эрталаб юз-кўлимизни юваётганда реклама қилинган воситалардан фойдаланмасмиз, нонуштада кенг тарғиб қилинаётган “Nescafe” ичмай, ўзимизнинг “жайдари” чойимизни истеъмол қилармиз. Аммо, тан олишимиз керак, биз томоша қиладиган сериаллардан тортиб фарзандимизга айтиб берадиган эртагимизгача, боринги, ётиш олдидан ўқийдиган китобимиз ҳам қандайдир мафкуравий юкка эга — уларда муайян ғоялар тарғиб қилинади. Масалан, кўпчиликнинг фикрича, “Муҳаббат қаҳваси” сериалида муҳаббат, севги тараннум этилади. Лекин уни томоша қилган инсон қаҳвани етиштиришдан тортиб уни сотишгача бўлган жараённинг беихтиёр гувоҳи бўлади. Ана энди ўйлаб кўрайлик: бу сериалнинг яратувчилари муҳаббатни тараннум этишни мақсад қилиб қўйганларми ёки Касабланка қаҳвасини зимдан тарғиб қиляптиларми?

Бу ҳолат “Энг асосий нарсани кўз билан илғаб бўлмайти” деган ёзилмаган қонидани яна бир қарра тасдиқлайди. Бундай кўзга кўринмас қудратли тарғибот кучлари бизни ҳамма ерда ва ҳар куни қуршаб туради. Бу кучларнинг мақсади — бизни нимагадир ишонтириш, нимагадир ундаш, нимагадир оғдириш. Тадбиркор маҳсулотини реклама қилиб, уни сотиб олишга ундайти. Диний арбоблар ўз динига эътиқод қилишга чақиради. Халқаро майдонда баъзи давлатлар ўзининг “катта оға” эканини уқтиришга ҳаракат қилади.

Лекин танганинг орқа томони ҳам бўлади-ку. Агар ўша молини мақтаётган тадбиркор тамаки сотаётган бўлса-чи? Унинг зарари ҳақида одамларни ким огоҳлантиради? Агар ўша диндор, дин четда

қолиб, давлат тузумини ағдаришга чақираётган бўлса-чи? Бундай бузгунчиликлардан халқни ким қайтаради? Ёки жаҳонда “катта оға”ларнинг қўлидан тутиб эмас, мустақил одим ташлаш кераклигини ким тушунтиради? Бу каби тарғиботни ёки аксилтарғиботни ким ташкил қилиши керак? Табиийки, бу билан давлат шуғулланади. Хўш, бунинг нимаси ёмон, нимаси Конституцияга зид?

Бундай шароитда ҳар қандай давлат қудратли тарғибот машинасига эга бўлишга интилади. Чунки ҳар қандай давлат ҳам самарали сиёсат юритишдан, уни амалга оширишга миллионлаб кишиларни жалб қилишдан манфаатдор бўлади. Ўз фаолиятининг тарғиботига АҚШ ҳукумати йилига 2,5 миллиард доллар сарфлаши бежиз бўлмаса керак. Франция ҳам ўз сиёсатини тушунтиришга йилига 100 млн. франкни бекорга сарфламаётгандир? Бу маълумотлар тарғибот нафақат динда, бизнесда муҳимлигини, балки сиёсатда ҳам аҳамиятлилигини кўрсатади. Шундай экан, Ўзбекистондаги тарғибот машинасига назар ташлаб кўрайлик. Бу машина йўл қоидаларига қойиллатиб амал қилаётгандир-у, лекин йўлдаги ўнқир-чўнқирлардан қандай ўтпти?

Содда қилиб айтганда, тарғиботнинг асосий мақсади — инсонларни нимагадир ишонтириш, уларни бирор нарсага рағбатлантириш. Очиги, ҳар қандай тарғибот инсоннинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган. Тарғиботчиларни бекорга “инсон қалбининг созловчилари” деб атамайди. Бу дегани, мафкурани сингдиришда тарғиботчиларнинг елкасига ғоянинг муаллифларидан кам юк тушмайди. Тарғиботчиларимиз бу юкни кўтара оляптими? Шу савол атрофида фикр юритмоқчи эдим.

Миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунчалари ва тамойиллари ишлаб чиқилди. Унинг тарғибот-ташвиқоти ҳам авжида. Лекин, менимча, қувонишга ҳали эрта. Чунки ғоя кенг тарғиб қилиняпти дегани, у халққа сингяпти, кишилар қалбидан жой оляпти дегани эмас. Бунинг сабаби нима? Асосий сабаб — эски касалдан қутула олмаганимиз, сон кетидан қувиб, сифатни унутиб қўйишимиз бўлса керак.

Оддий мисол. Эрталаб ишга келаётганда метрога тушаман. Энг ишончли транспорт бўлса-да, бир нуқсони бор — кўчани томоша қилиб кета олмайсиз. Шу боисдан, йўл давомида вагон ичига жойлаштирилган рекламани кўздан кечиришга мажбур бўласиз. “Колгейт” тиш пастасининг, “Нескафе”нинг, “Ангел” хамиртурушининг катта, рангли ва одамнинг эътиборини тортадиган рекламалари қаторида кичик, рангсиз ва ғарибгина варақаларга кўзим тушади. Уларда оналик ва болалик, соғлом авлод, аждодлар ёди, миллий аънчаларимиз тарғиб қилинади. Бу варақаларнинг ҳажми, рангини қўя турайлик, уларда ғояни етказиб беришда ҳам ижодкорона ёндашилмаган.



Энди ўзингиз ўйлаб кўринг, бундай варақаларни хорижий реклама плакатлари билан ёнма-ён жойлаштириб, мафкурани тарғиб қиляпмизми ёки гоёни обрўсизлантиряпмизми? Балки ўнта сифатсиз реклама варақаси ўрнига битта сифатли, эътиборни тортадиган, инсонни ўйлантирадиган ва албатта ёнидаги плакатлардан қолишмайдиган варақа тайёрлаш маъқулдир?

Энди олий ўқув юртларида миллий гоёнинг тарғиботи қандай ташкил қилинганига эътиборингизни тортмоқчиман. У ерда “Миллий истиқлол гоёси: асосий тушунча ва тамойиллар” курси ўқитиляпти. Лекин юқорида таъкидлаган фикримни бу ерда ҳам қайтаришга мажбурман: “ўқитиляпти” дегани — “сингдириляпти” дегани эмас.

Бу дарсларни ким ўқитяпти, қандай ўқитяпти? У қандай самара берапти? Келинг, шу каби саволларга жавоб бериб кўрайлик.

Бу курсни ўқитиш олий ўқув юртининг профессор-ўқитувчиларига юклатилган. Улар ўз вазифаларини билим беришдан иборат деб билдилар. Демак, улар миллий истиқлол гоёсининг моҳияти, унинг асосий тушунчалари ва тамойиллари ҳақида ахборот берадилар, холос. Табиийки, кўплари аудиториядан чиқиб кетаётганларида, “Айтганларим талабаларга таъсир қилдимми, уларни нимагадир ишонтира олдимми, уларнинг ҳаётга муносабати ўзгардимми?” деган саволларни ўзларига бермайдилар. Демак, улар мафкурани тарғиб қилмайдилар. Яъни улар берган билимлар талабаларнинг онгида ахборот тарзида сақланади, лекин қалбини эгаллаб, ҳаракатга ундамайди.

Масалага бошқа томондан ҳам қарайлик. Талабаларга бу фандан сабоқ бераётган домлаларнинг қанчаси бир вақтлар “Илмий коммунизм”дан дарс берган экан? Коммунизм мафкурасининг собиқ тарғиботчилари миллий истиқлол гоёсини ҳам “қойилмақом” қилиб тарғиб қилишларига ишонасизми? Буниси ҳам майли. Синов дафтарчасига бу курснинг ўтилганини қайд қилаётганда ҳамма домлалар ҳам адолатлилик ва ҳалолликни намоёиш қила оладиларми? Хуллас, олий ўқув юртларида миллий гоё тарғиботининг аксилтарғиботга айланиб кетиш хавфи йўқ эмасми? Ваҳоланки, ишимиз “беш”, барча талабаларга миллий истиқлол гоёси сингдириляпти, дейишдан ҳам тоймаймиз.

Энди асосий тарғибот куралимиз — оммавий ахборот воситаларига муурожаат қиламиз. Берилаётган ахборотларнинг асосан ютуқларни кўрсатиш, мақтовлардан иборат бўлиши тарғиботга қанчалик фойдали ёки зарарли эканини чамалаб кўрайлик. Ҳаёт бор экан, муаммолар, камчиликлар, нуқсонлар бўлавериши табиий. Бу — исбот талаб қилмайдиган аксиома. Шундай экан, муаммоларнинг мавжудлигига фожа сифатида эмас, одатдаги нарса деб қарашга ўрганишимиз керак. Уларнинг борлигини тан олишимиз, уларни ҳал қилишга киришимиз лозим. Шундагина муаммоларимиз камаяди.

Оммавий ахборот воситаларига нисбатан баъзан “жаннатдан хабарлар” деган иборанинг ишлатилиши уларнинг камчиликларга муносабатини яққол кўрсатади. Муаммоларимизни кўра-била туриб, сукут сақлашимиз ғанимларимизнинг тилини беш қарич қилиб қўймаяптими? Бу билан уларнинг танқидига тайёргина озиқ бермаяпмизми? Ҳеч



ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ақидапарастлар ўзининг даъватини динга тарғиб қилишдан эмас, камчиликларни кўрсатишдан бошлайди? Чунки улар, авваламбор, инсонда ўзларига ишонч уйғотишга ҳаракат қиладилар. Ана энди инсоннинг табиатига қаранг: у ўзида ишонч туғдирган одамнинг оғзидан чиққан пуч, ақлга сиғдириб бўлмайдиган, хомхаёл ғояларни ҳам рост деб қабул қилади. Бундай тарғиботнинг негизда, аслида, ғояга ишонч эмас, ғояни тарғиб қилаётган инсонга ишонч ётади. Очиғи, мақташ тарғиботнинг ягона усули эмас ва ҳаттоки энг тўғри усули ҳам эмас. Демак, мафқурани ҳаётни фақат мақташ, уни бенуқсон тасвирлаш орқали тарғиб қила олмаймиз.

Бунга бир мисол. Бир вақтлар АҚШ фуқароларида демократик таомилларнинг бир оз қадрсизланиши кузатилган эди. Мутахассислар томонидан бу муаммонинг турли ечимлари таклиф қилинди, лекин тарғиботнинг бир оз ноанъанавий усули танлаб олинди: демократиянинг камчиликлари ошқора айтилди, унинг баъзан “ишламаётгани” очик танқид қилинди ва унга муқобиллар сифатида коммунизм ва монархия тарғиб этилди. Тарғиботнинг бу усули кутилган самарани берди: одамлар “ёмон бўлса ҳам, демократиядан қўямасин” деган фикрга келдилар ва демократиянинг ашаддий ҳимоячиларига айландилар.

Энди жойларда мафқуранинг тарғиботи билан шуғулланаётган воизларнинг фаолиятига тўхталмоқчи эдим. Тўғриси айтсам, мен тарғиботнинг бу турини самарали деб ҳисобламайман. Нима учун? Биринчидан, воизлар нутқ сўзлайдиган аудиторияларга одамларни тўплаш мажбурий бўлади. Келинг, бу жараёнга ихтиёрий тус бериб кўрамиз. Тасаввур қилинг, маърузанинг мавзуси ёзилган эълонни осиб қўйиш билан кифоялансангиз, аудиторияда неча киши тўпланар экан? Аудиторияга ихтиёридан ташқари бошлаб келинган инсонда эса ҳали ваъзни эшитмаёқ ички қаршилик пайдо бўлади. Қаранг, ҳали тарғибот бошланмасиданоқ у тесқари самара берапти. Иккинчидан, бундай норози аудиторияни ўзига оғдириш, унга таъсир кўрсатиш, уни илҳомлантириш воиздан жуда катта маҳорат талаб ётади. Ҳамма воизларимизда ҳам бундай истеъдод бормикан?

Шу ўринда бир мисол келтириш ўринли. Абдулла Қаҳҳор таржима қилган асарлар орасида Антон Чеховнинг “Сарлавҳасиз” деган ҳикояси бор. Унда бир неча аср илгари чўлнинг қоқ ўртасида жойлашган монастирнинг роҳиби ҳақида ҳикоя қилинади. Шаҳардан юз чақирим нарида жойлашгани учун бу монастиргга таркидунё қилган кишилардан бошқа ҳеч ким ташриф буюрмайди. Ўша кекса роҳиб фавқулудда қобилият эгаси бўлади. У энг оддий нарсалар — дарахт, ҳайвонлар ёки денгиз ҳақида сўзлаганида ҳам уни эшитаётган монахлар ё кулади, ё кўзга ёш олади. Роҳиб чолнинг бирор нарсадан аччиғи чиқса ёки қувониб кетса, кўрқса ёки бирор нарсадан қойил қолса, унинг ҳиссиётлари монахларнинг ҳам қалбларини буткул эгаллар эди. Ўша вақтда чолнинг ҳукмронлиги ческиз бўлиб, у монахларга қарата “энди ўзларингизни дарёга ташланглар” деса борми, бу иш хурсандлик билан адо этилган бўларди.

Кунларнинг бирида ўша кўҳна монастирга шаҳардан меҳмон келади. У бу ерда бўлаётган бузғунчиликлар, ҳаромхўрликлар ҳақида гапириб, монахларни бунга қарши курашмаётганликда айблайди. “Худо сизга эзгу қалб ва имонни тўрт девор остида ўтириш учун берганими?” деган кинояси таъсир қилиб, кекса роҳиб шаҳарга йўл олади. Чолнинг қайтиб келишини уч ой интизорлик билан кутган монахлар унинг таассуротларини жон қулоқлари билан эшитадилар. Чол кўзига ёш олиб, ҳикоясини бошлайди. У одамлар нақадар разолатга ботганликларини айтиб, шайтоннинг қудратли, ёвуз ва гўзал эканлигини тасвирлайди. Унинг шаҳарда биринчи қадам босган уйи бузуқлик макони бўлиб чиқади. Ўласи бўлиб вино ичаётган, беҳаё сўзларни гапирётган, стол устига чиқиб олган яримяланғоч гўзал хотинни кўриб роҳатланаётган гуноҳкор бандалар ҳақида нафратланиб гапирди. Лекин чол бу гапларни берилиб гапирар экан, роҳиблар кўз олдларига ҳалиги аёлни келтирар, ширин ва хушбўй винодан ичиб маст бўлаётгандек эдилар. Бузуқ ҳаётни жирканиб тасвирлаган чол шайтонга минг-минг лаънатлар айтиб, ҳикоясини тугатади. Эртасига эрталаб туриб қараса — монастирда бирор монах қолмаган. Уларнинг ҳаммаси шаҳарга кетиб бўлибди.

Бу ҳикояни бекорга келтирганим йўқ. Одамларда бундай ҳаётга нафрат уйғотиш ўрнига чол ўзи билмаган ҳолда шу ҳаётни тарғиб қилиб кўйди. Воизларимизда кекса роҳибдагичалик иқтидор бўлса-да, улар бундай хатога йўл қўймайдилар, деб ким кафолат бера олади? Шунинг учун тарғиботда воизлардан фойдаланишнинг самаралилигига, тўғриси айтсам, шубҳам бор.

Фикрларимдан бу киши фақат танқид қилишни билар эканлар, деган хулоса чиқаришингизнинг олдини олиб, ўз таклифларим билан ўртоқлашмоқчи эдим. Менимча, энг асосийси, мафкуранинг тарғиботи зимдан амалга оширилиши керак. Инсон унга таъсир ўтказиладиганини сезмаслиги лозим. Тарғибот пайтида мафкура сўзининг ишлатилиши шарт эмас. Миллий истиқлол ғоясини ана шундай — зимдан тарғиб қилиш борасида мақтовга арзигулик ишлар қилинаётганини ҳам айтмасак, муносабатимиз холис бўлмас эди. Масалан, болаларга мўлжаллаб нашр этилган “Нурли келажак авлоди” деб номланган китобни олайлик. Унинг на сарлавҳасида, на матнида “мафкура” сўзини учратасиз. Лекин бу китобнинг чиқарилиши “бир ўқ билан икки қуённи уриш” самарасини берган. Бундоқ қараганда, китоб болаларга Конституциянинг мазмунини етказиш мақсадида яратилган. Иккинчи томондан, зимдан унда миллий истиқлол мафкураси сингдирилади. Чунки бу ерда Асосий қонунимизнинг моддаларини шеър шаклида ифодалаш баробарида, Ватанимиз, истиқлол, она тилимиз, аждодларимиз, давлатимиз рамзлари мадҳ этилади. Ана энди ажратиб кўринг-чи: унда Конституция ўргатиляптими ёки мафкурамиз тарғиб қилиняптими? Болаларча содда тилда ёзилган, уларнинг эътиборини тортадиган рангли суратлар билан безалган, ёшлигидан болаларга ҳуқуқларини ўргатадиган, уларда шеърятга меҳр уйғотадиган ва, энг асосийси, уларни буюк ишларга руҳлантира оладиган бундай китоб жуда керак.

Менимча, мафкуранинг тарғиботига айнан шундай ёндашсак, ҳеч ҳам ютқазмаймиз.

Дарвоқе, ёшлар ҳақида. Кўпгина илғор мамлакатларда мафқурани сингдириш қуроли сифатида мактабдан фойдаланилади. Чунки бу — мафқурани сингдиришнинг энг самарали, таъсирчан, нисбатан осон ва камхарж усули ҳисобланади. Бу усул мамлакатнинг бутун аҳолисини қамраб олиш имконини беради. Чунки ҳар бир фуқаро, истайдими-истамайди, мактабдаги ўқиш босқичини бошидан кечиради. Японияда мафқурани мактабда сингдиришнинг махсус технологияси “Фуқаро тарбияси” деб аталади. Фуқароларини бундай тарбиялашдан ҳар бир давлат манфаатдор бўлади. Ўзбекистонда ҳам буни амалга оширишнинг технологиялари йўқ эмас. Масалан, шундай концепциялардан бири Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ишлаб чиқилган. Бу технология бўйича мафқурамиз 12 йил давомида ўқувчиларга сингдирилса-да, ўқувчининг ўзи бу нарсанинг мафқура эканлигини сезмайди. Мафқуравий тарбияга хизмат қиладиган дарсликларнинг номида мафқурага ишора ҳам қилинмайди. “Одобингга балли!”, “Ўзимни ўзим тарбиялайман!”, “Менинг аждодларим!”, “Ватанимнинг бир парчасиман”, “Миллатим — фахрим маним!”, “Демократия дарслари”, “Мен — эркинман” каби дарсликлар орқали болада ҳар йили жамият учун керакли бирор сифат тарбияланади. Очигини айтсак, исталган қадриятнинг мактабда сингдирилиши туфайли шахснинг фикрлари, истаклари ва бўлажак ҳаракатлари устидан ўзига хос “назорат” амалга оширилади. Лекин кейинчалик унинг ҳатти-ҳаракатларини назорат қилишга ҳожат қолмайди. Чунки бундай шахс ўзини ўзи тўла назорат қилади. Натижада унга ғарб мафқурасини ҳам, ақидапарастлик ғояларини ҳам сингдириб бўлмайди, чунки у ўз қадриятлари доирасидан чиқмайди.

Яна бир фикр: мутахассисларнинг таъкидлашича, кишиларни фаолликка чақирадиган, ҳаракатга ундайдиган ташвиқот кўпроқ самара беради. Шунинг учун “Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир” ёки “Ватани севиш иймондандир” ғоялари билан бир қаторда энди “Ватан сенинг хизматингга муҳтож” деган ғояларни ҳам тарғиб қиладиган вақт келмадимикан, деган мулоҳазага бораман. Чунки мен “Яхшими-ёмонми, бу — менинг Ватаним” каби нофаол ватанпарварлик эмас, балки “Менинг Ватаним фақат яхши бўлиши керак” қабилидаги ватанпарварлик тарафдориман.

Ўзбекнинг энг сеvimли таоми — палов. Ўзбек ҳеч бир азиз меҳмонини усиз кузатмайди. Ўзининг энг сеvimчли кунларида, тўйларида юртга ош тартади. Лекин ошни қанчалик севиб истеъмол қилмайлик, уни бир марта еймиз, иккинчи марта ҳам еймиз, учинчи марта ўзимизни мажбурлаб еймиз, тўртинчисидан унга қарагимиз келмай қолади. У тезда меъдамизга тегади. Лекин, негадир, нонни ҳар кунни, ҳамма таомга қўшиб еймиз-у, у ҳеч ҳам меъдамизга тегмайди.

Мафқурани ҳам инсонларга нондек “едириш” керак. Мафқурани инсонларга ош сифатида тортмай, нон шаклида бериш керак. Шунда у ҳеч кимнинг меъдасига тегмайди.

Фарида АФРЎЗ

*Ishq — hayot,  
ishq — najot*

*Минг йил танҳо кездим ой каби,  
Минг йил бўлди кўнгул бесабр.  
Эшигингдан оқдим сой каби,  
Шарқирадим, шоидим... Беқадр.*

*Энди дарвеш кулоҳин кийиб,  
Хотиралар изин ўчирдим.  
Олиб кетдим дилни қулфлаб,  
Бу юртлардан ўзни кўчирдим.*

*Нима бўлса, бўлади энди,  
Сенсизликка кўнмайди юрак.  
Ишиқинг — ҳаёт, томирга инди,  
Энди сира ўлмасам керак.*

\* \* \*

*Узоқ йўлдан келдик иккимиз,  
Мен туфроқни қирқ ёрган чечак.  
Бир-бировга етмас илкимиз,  
Сен ёмгирсан — жонлари ҳалак.*

Хотиралар — харобот, элас,  
 Жуда оғир ул сўзни айтмоқ.  
 Осон эмас, йўқ, осон эмас  
 Борса келмас йўллардан қайтмоқ.

Икки йўлдан келдик иккимиз,  
 Икки дарвеш, икки шиқталаб.  
 Бир мозорга бирга чўкдик биз,  
 Бир юракка бирга ўт қалаб.

Ажратай деб гирдибод талар,  
 Тарс ёрай деб қарсиллар чақмоқ.  
 Фақат жаллод қўлидан келар  
 Бир вужудни иккига бўлмоқ.

\* \* \*

Кеч кузакнинг беҳиларидай  
 Қайдан келди бу насим — ифор?  
 Қайда эдинг, қирқ йил йиғладим,  
 Қирқ йил кутдим, кўзларим нигор.

Кеч кузакнинг боғлари жаннат,  
 Ҳур паридир, ғамлар бегона.  
 Олмазорлар тугар дубарак,  
 Жонсиз шохлар берар нишона.

Бу не ўзи, қандай уйғониш,  
 Қирқ йил кўрган тушнинг ўнгими?  
 Ё хазонлар ичра йўқолган  
 Ишқнинг тонги ёки сўнгими?

Бу қандайин савдо — бешафқат,  
 На тўзим бор, на қолди сабр.  
 Севмоқ — гуноҳ! Гуноҳ бор фақат  
 Ва дунё бор! Сен ва Мен. Қабр.

\* \* \*

Токи осмон бош узра паноҳ,  
 Токи руҳдир нур ичра оғоҳ,  
 Қолгунича бир нафас, бир оҳ,  
 Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи шабнам гул яногида,  
Токи исминг дил титрогида,  
Кўзинг нури кўз қароғимда,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи томчи тошга интизор,  
Токи юлдуз кўкдаги гулзор,  
Ойни қучиб тунлари бедор,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи сирга тўла куртаклар,  
Токи хаёл сенга етаклар,  
Минг бир кеча айтиб эртаклар,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

Токи танда жон эрур омон,  
Токи ишқдир жон ичра жонон,  
Кел, ёнимга, эй шайхи Санъон,  
Ҳали уз-о-оқ яшаймиз бирга.

\* \* \*

Сенсиз ўтган умрим менинг саробларга ўхшайдур,  
Қирқ йил қурган қасрим, э воҳ, харобларга ўхшайдур.

Сенинг ёдинг майхонадур, кунлар ўтар мастона,  
Ҳижронингда ичган захрим шаробларга ўхшайдур.

Сенга ёрлар, сумансолар кеча-кундуз дилором,  
Менга эса маҳрами жон азобларга ўхшайдур.

Тонглар отар, кунлар ботар, хазон билмас баҳоринг,  
Сен йўллаган абри найсон гулобларга ўхшайдур.

Сабр қайда, тўзим қайда, жунун жону жаҳоним,  
Томиримда оққан қонмас, зардобларга ўхшайдур.

Бу савдолар бари бекор, осмон яқин, ер — юмишқ,  
Ишқдан бошқа бари ёлгон, ҳубобларга ўхшайдур.

Кўйиб ўтди неча ҳофиз, неча мутриб ҳасратда,  
Фарид Афрўз, бу дарди дил боб-бобларга ўхшайдур.

\* \* \*

Сендан гўзал гул йўқ дунёда,  
Сендан хушбўй, сендайин майин —  
Отам қабрин яшнатган янтоқ.

\* \* \*

Йиғласам гар сен учун эмас,  
Ўзим-чун ҳам йиғламадим, йўқ.  
Пешонамни ўқидим, холос.

\* \* \*

Отам — сабр, тоғамдир — меҳр,  
Акам — қалқон, иним — тегирмон,  
Менинг эса бошим — палаҳмон.

\* \* \*

Кўзёшимдек яқинсан менга,  
Кипригимда омонатдирсан,  
Нафасимдек ганимат, э воҳ!

\* \* \*

Қўлларимни чўздим сен томон,  
Кафт изладим, кафтимдай илиқ,  
Музли дарё оқди ўртада.

\* \* \*

Телефоннинг дастаги ботди,  
Ёниб кетди қулогим лоб-лов.  
Синиб тушиди тилла балдогим.

\* \* \*

Ярим тунда уйғондим чўчиб,  
Ушлаб олдим ярим умримни.  
Шугинами, Умрнинг Ярми?!

\* \* \*

Туни билан тинмади ёмғир,  
Ховучлари тўлди кўксимнинг.  
Тонгнинг сира отгиси келмас.

Обиджон МУСАЕВ

# TASVIR VA TASAVVUR

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзод мўйқаламига мансуб асарлар жаҳон маданияти хазинасидаги бебаҳо дурдоналардир. Улар ўзининг гўзаллиги, ифодаси ва мазмуни билан неча замонлардан буён санъатга шайдо қалбларни мафтун этиб, тўлқинлантириб келмоқда. Лекин уларда тасвирланган руҳий ҳолат, фалсафа ва бўёқ орқали илгари сурилган ғоя илмий асосда мукаммал тадқиқ этилган эмас. Ҳолбуки, ҳар бир санъат асарининг қиймати унга сингдирилган фалсафий фикрнинг салмоғи билан ўлчанади. Шу боис биз бу ўринда тасвирий санъат асарининг маъно-мазмуни, жозиба ва тасвир қувватини аниқлаш масаласи хусусида сўз юритишни лозим топдик.

Санъат фалсафасини тушунишда, аввало, асарда тасвирланган образ моҳиятини аниқ билиб олиш муҳим омил ҳисобланади. Табиатан олганда, тасвирий санъат асарларини томоша қилган ҳар бир киши ўзича ҳар хил хулоса чиқаради. Шундай бўлса-да, хулосаларнинг кўлами чексиз даражада кенг эмас. Чунки кузатувчи инсон — оддий томошабинми ёхуд зукко мутахассиси, фарқи йўқ — фақат асар имкон берган даражада нисбий мулоҳаза ва мушоҳада юритади, холос.

Шу маънода, Камолиддин Беҳзод маҳоратли мусаввир бўлиш билан бирга буюк файласуф олим ҳамдир. Чунки унинг ҳар бир асари аниқ бир мақсадни кўзлаб, муайян фалсафий фикрни ифо-





далаш учун яратилган. Албатта, уларни бир қарашда илғаб олиш ёки тушуниш анча қийин бўлади. Бунинг учун махсус маълумот ва тай-ёргарлик зарур.

Мисол тариқасида Беҳзоднинг Низомий «Хамса»сига ишлаган «Искандар ва етти донишманд» миниатюрасини таҳлил қилиб кўрайлик. Биринчи қарашда унда саройдаги одатий суҳбат жараёни тасвирланганга ўхшайди. Аслида эса бу ҳолат етти донишманднинг ҳар қандай мушкул муаммони овоз воситасида ечиб берувчи машварати бўлиб, унинг натижаси бўйича қарор чиқарувчи ҳакам сифатида Искандар гавдалантирилган. Шунингдек, суратда донишмандларга ҳал этиб бериш учун бир нечта муаммо ҳавола этилган ва уларнинг ечимлари ҳам кўрсатилган. Уни синчиклаб кузатган томошабин тахминан қуйидагича хулосага келиши мумкин:

*Биринчи хулоса.* Донишмандлардан узоқроқда юрт озодлиги учун курашмоқчи бўлган икки ўспирин тасвирланган бўлиб, улардан бири афтидан қўлга қурол олиб жангга кириш тарафдори, иккинчиси эса мусаввирлик касбини пухта эгаллаб, мўйқалами билан душманни мавҳ этмоқчи. Донишмандларга уларнинг қайси бири танлаган йўл тўғрироқ, деган савол берилган. Жавоб ҳам тайин: мусаввирликни танлаган йигитчанинг йўли тўғри. Чуқур маънога эга бўлган сурат минглаб адашган одамларни хато йўлдан қайтариб, тўғри йўлга бошлайди. Яъни бу ўринда мафкуравий кураш қуролли курашдан афзал қўйилган.

*Иккинчи хулоса.* Суратнинг қуйи қисмида тасвирланган қизил кийим кийган киши қизил рангли хирқани сотиб олмақчи. Сотувчи эса буюмини қимматроқ нархга пулламоқчи. Донишмандлардан «Хирқанинг баҳоси қанча, сотувчи қўйган нарх тўғрими ёки харидорники» деган саволга жавоб сўраляпти. Бу ерда харидор қўйган нарх тўғри эканига шубҳа йўқ, чунки у худди шундай хирқани аввалроқ ҳам сотиб олган — уни кийиб ҳам юрибди. Донишмандларнинг кўпчилиги уни маъқуллагани кўриниб турибди. Қарши фикр билдирган уч донишманддан биттаси нотўғри фикр тарафдори бўлиб қолгани боис афсус чекмоқда.

*Учинчи хулоса.* Хирқафурушнинг ёнида ўтирган икки киши битта буюмга харидор бўлган. Бу буюм уларнинг фақат биттасига сотилиши мумкин, чунки уни икки кишига сотишнинг иложи йўқ. Донишмандлар ҳукмига «Сотувчи ўз молини икки харидорнинг қайси бирига сотиши керак» деган масала ҳавола этилган. Мол-




ни олишга ўнг томонда ўтирган харидор ҳақли. Чунки бу масалада харидорнинг ёши эмас, ҳамённинг катта-кичиклиги аҳамиятга эга. Савдо муомаласида эса қайси харидор қимматига рози бўлса, буюм шунга сотилади. Ўнг томондаги харидорнинг ёши кичик бўлгани билан ҳамёни шеригиникидан каттароқ, шу сабабли мол уники.

*Тўртинчи хулоса.* Суратнинг чап бурчагида ўтириб, харидорни кутаётган дўкандор, ўнг бурчагида эса ўз молини одамлар ичида юриб сотувчи йигит тасвирланган. Донишмандлар олдида кўндаланг турган масала: «Кимнинг савдоси яхши ёки кимнинг харидорга таклиф қилаётган моли яхшироқ?» Бунинг жавоби суратда яққол кўриниб турибди. Дўкандорнинг савдоси юришмай, харидорга кўз тикиб ўтирибди. Йигитча эса ҳамёни тўлганига қарамай, навбатдаги суратни ҳам сотиб, харидордан пулини оляпти. Демак, унинг савдоси чаққон, моли ҳам сифатли.

*Бешинчи хулоса.* Суратнинг юқори бурчакларидан бирига ажойиб шеърлар битиб қўйилган, иккинчисида эса чиройли нақшлар билан безатилган уй тасвирланган. Дўкonda ўтирган кишини ўша шеърларни ёзган шоир, сурат сотаётган йигитни ўша уйни безаган мусаввир деб фараз қилсак, донишмандлар ўтирган айвоннинг ўртасида тарозини эслатувчи бир жисм, унинг чап томонида китоб, ўнг томонида сурат тасвирланганига эътиборни қаратиш лозим. Бу тасвир орқали донишмандлардан «Шоир ва мусаввир меҳнатининг самараси бўлмиш жисмларнинг қайси бири оғирроқ, қайси бири афзал», деган масаланинг ечими сўралапти. Одатда икки жисмнинг бири оғир ёки енгилроқ эканини чама-лаш йўли билан аниқлашнинг имкони бўлмаса, у ҳолда тарозидан фойдаланилади. Лекин бу ўринда ўлчанадиган нарсалар шунчаки оддий буюм эмас, балки маънавий хазина ҳисобланмиш бебаҳо санъат асари. Улардан қайси бири нодирроқ эканини аниқлаб берувчи тарози уёқда турсин, ўлчов бирлиги ҳам ҳали ўйлаб топилмаган.

Мусаввир донишмандлар шоҳнинг саволига шошилишча жавоб қайтаришга мажбур эканини ҳисобга олиб, улар онгида бу икки «жавоҳир» қиймати тўғрисида тасаввур пайдо қилиш ва бир-бирига солиштириш мақсадида уларнинг ҳар бирини бир иморатга қийслаган. Бу иморатнинг бири ўнг, иккинчиси чап томонда тасвирланган. Ўнг томондаги иморат чапдагисига нисбатан бир неча баробар катта экани ва жуда чиройли нақшлар билан безатилгани боис уларни баҳолаш энди ҳечам қийин эмас.

Шунингдек, бу ўринда мусаввир ўз касбини улуғлаб, шогирдлари ва издошлари кўнглида тўғри йўлдан боришаётганига ишонч ҳосил қилдириш учун ҳам ушбу гоёни илгари сурган бўлса ажаб



“Искандар ва етти донишманд”. Низомий “Хамса”сига ишланган миниатюра.

эмас. Лекин тасвирий санъатни шеърятдан устун қўймоқчи бўлса, суратнинг Низомий ёки Алишер Навоий «Хамса»сидан афзал эканини қай тариқа исботлай олади? Наҳотки, тарозининг чап томонида турган китоб «Хамса» бўлса? Улуғ мусаввир қандай сурат чизганки, «Хамса» унинг олдида бош эгса? Тарозининг ўнг томонида тасвирланган суратда нима ифодаланганки, ҳазрат Алишер Навоий «Хамса»си улуғлик шоҳсупасидаги ўз ўрнини бу суратга бўшатиб берса?! Бу саволлар ҳам донишмандлар ечиши лозим бўлган масалалар сирасига киради.

*Олтинчи хулоса.* Машваратга таклиф этилган етти донишманд ҳукмига «Суратни сотган киши тўғри иш қилдими ёки сотиб олган кишими?» деган савол қўйилса, улар сотиб олган одамнинг иши тўғри эканини тасдиқлаши шубҳасиз. Чунки суратни сотиб олаётган йигит ўнг томонда тасвирланган. Қолаверса, бир кун келиб суратга сингдирилган асл маъно аён бўлса, буюк мусаввирнинг асари шогирдлари наздида ўзига хос меҳробга айланиши мумкин. Ўша давр келса, одамлар бу суратни бир ҳамён тиллага эмас, бёҳисоб хазинага ҳам сотиб олишга тайёр бўлишади, агар пулга сотиб олишолмаса, у ҳолда кураш йўли билан олишади. Чунки бу сурат улар учун муқаддас тимсол ҳисобланади. Шунингдек, у ҳақиқат кўзгуси сифатида жангчига душман кимлигини кўрсатиб беради. Зотан, у жангчи ёки камончи отган ўқларнинг мўлжалга қанчалик аниқ текканини кўрсатиб турувчи нишон эмас, балки оламнинг қандай яратилганини билиш илмида қайси олимнинг ҳақиқатга қанчалик яқин келганини кўрсатувчи белги ёки бошқача айтсак, қайси олим фалсафасида қанча ҳақиқат борлигини ўлчаб, кўрсатиб берувчи тарози вазифасини бажаради.

*Еттинчи хулоса.* Суратнинг юқори қисмида, ўнг томонда тасвирланган нақшинкор иморатни аввалроқ кўрсатиб ўтган эдик. Бу иморат гўзал маликанинг кўшки эмас, аксинча, улуғлар шоҳсупасида «энг буюк» деб тан олинган инсоннинг олиймақом минбарига ўхшайди. Шу ўринда савол туғилади: улуғ мусаввир нега ушбу тахтни оппоқ рангда тасвирлаб, бўш қолдирган?

Гап шундаки, улуғлик шоҳсупасидаги бу жойни эгаллаш учун қадим-қадимдан қанчадан-қанча доҳийлар даъвогар бўлган. Умумий ҳолатда улардан қайси бири бу жойга муносиб эканини аниқлаш донишмандлар учун унчалик мушкул эмас, чунки муқаддас китобда Яратувчи «доҳий»ларнинг наслини олти кун ичида лойдан бунёд қилгани баён этилган.

Шунингдек, ушбу лойнинг ҳазрати инсон зотига айлангунича миллионлаб йиллар ўтгани ҳам ҳақиқат.

Шу боис бугун инсоният тарихи эътиқод кураши тарихидан иборат дейиш мумкин. Зеро, дунё тарихида беҳисоб эътиқод ва динлар пайдо бўлди, лекин шу кунгача уларнинг бирортаси инсон қавми учун ягона эътиқод бўла олган эмас. Одам боласи эса яралганидан буён оламни билишга, ўзига бўйсундиришга интилади.

Кишилиқ тарихида қанча шоҳ ўтган бўлса, ер юзини фатҳ этиш барчаси учун ушалмас бир орзу ҳисобланган. Улар орасидан фақат Искандар Зулқарнайнг шундай толе насиб этган эди. Хўш дунё ҳукмдори бўлган Искандар ўз ақли билан ҳал эта олмай, етти донишмандни маслаҳатга чақирган муаммо аслида нима эди? Беҳзод назарида, бу эътиқод масаласидир. Одамзод ибтидодан интиҳого қадар шу саволга жавоб излайди. Чунки не-не маҳобатли салтанатларни, сонсиз лашкарларни ва девқомат алпларни мавҳ этиш осон, аммо инсон эътиқодини енгиш жуда ҳам қийин. Ер юзига ёйилган катта-кичик халқларнинг турли-туман эътиқоди ва пайғамбару дохийлари бор. Улар ўртасида ҳозир ҳам кураш бормоқда. Бу кураш қиёматгача давом этади. Демак, рассом тасвирлаган олиймақом тахтга ҳам ҳали-ҳамон эга чиқмайди. Янаям тўғрироғи, эга чиқиши мумкин ҳам эмас.

Мазкур шарҳлар улуғ мусаввирнинг биргина суратидан олинган хулослар, холос. Бошқача айтганда, улар тасвир ва тасаввур фарзандларидир. Санъатга шайдо инсон зоти борки, ҳар бир асар замирига сингдирилган маъно-мазмунни, ҳикматни англашга интилади. Шу маънода, ушбу мулоҳазаларимизни, оддий томошабин хаёлидан кечган фикрларни сўзлар ёрдамида баҳоли қудрат тасвирлашга уриниш деб қабул қилиш лозим.

Агар бу миниатюраларга теран нигоҳ билан қараб, илм ва нафосат билан текширилса, не-не ҳикматлару фаройиб маъноларни илғаб олиш мумкин. Чунки буюк мусаввирнинг ижоди юксак тамаддун маҳсули бўлиб, жаҳон санъати дурдонаси сифатида кенг қамровли талқинларни тақозо этади. Бинобарин, Камолитдин Беҳзод асарлари тасвир ва тасаввурнинг, инсон даҳосининг мислсиз қудрати натижасида яратилган. Улардан завқланиш, олам моҳиятини излаш ҳар кимнинг ақл ва дидига боғлиқ.

## Dunyo —

# dildek tilsimli kitob

Айтсам, нондек ширин сўз бор дунёда,  
Айтсам, жондек ширин сўз бор дунёда,  
Ватан деб шивирлаб, айтиб кўринг сиз,  
Ватан деб кўнгилга қайтиб кўринг сиз,  
Чехрангиз балқийди, қуёш бўласиз,  
Қалбингиз қалқийди, кўзёш бўласиз.

Онажон деганда энтиккан дилдек,  
Озодсан деганда яйраган қулдек,  
Ватан деб энтикиб, эланиб айтинг,  
Ватан деб вафога беланиб айтинг,  
Жон ичра юз очган бир жон бўласиз,  
Сиз ерга сизмаган осмон бўласиз.

Ватан узиб бўлмас гулга ўхшайди,  
Ватан Машраб очган дилга ўхшайди,  
Аждоди авваллар ётмишидир унда,  
Бизни чўбир отда кўтарган кунда,  
Демангиз, дунёдан ўтиб борамиз,  
Ватан деб Ватанга кетиб борамиз.

Болангиз қувончи тўкилган тупроқ,  
Қуёш бир кўрмаса ўкинган тупроқ,  
Жаннатдай муқаддас чаман бўлади,  
Аё дўст, у бизга Ватан бўлади.  
Ватан денг — кўнгилнинг кўзи очилсин,  
Ватан денг — соғинчнинг юзи очилсин.

Ватан алла берган оромдек ширин,  
Ватан халқ кўрсатган икромдек ширин,  
Ватан денг, Худога юкиниб айтинг,  
Асра денг, тиз чўкинг, ўтиниб айтинг,  
Ватан деб биз буюк бир халқ бўламиз,  
Ватан деб иймонда барҳақ бўламиз.

\* \* \*

Одамзод Яратганнинг оламга хитобидир,  
Бу дунё ҳар бир дилнинг тилсимли китобидир.  
Эр йигит йиғласа гар, қўёи ҳам ботиб кетар,  
Суянсанг, суяб қолган иймоннинг чўнг тоғидир.



Қулфи дилнинг очилиб, жилмайиб кўрганмисан,  
Айт, ойна қаро тунда етаклаб юрганмисан?  
Кўрган кўзга армонсиз одамга ўхшасанг ҳам,  
Виждонинг олдида ҳеч тиз чўкиб турганмисан?!

Ёшлик — шоиқалоқ баҳор, ўтганини билмайсан,  
Кўксингдаги булбулнинг кетганини билмайсан,  
Кўнгиш — тўлмас кўзадир, тубида армон ётар,  
Чўбир отни тўрт одам тутганини билмайсан.

\* \* \*

Юкни кўтарган ютар, йиғлоқи марддан нари,  
Қалбида қаҳри борлар, тилида қанддан нари,  
Нон қадрин нонвойданмас, оч қолган одамдан сўр,  
Тегирмон кўрмаганлар аслида гарддан нари.

Кўнгишни қирқ йил ювсанг, зарраси оқ бўлмагай,  
Юлдуз юз йил йиғласа, бир кеча моҳ бўлмагай,  
Худо ўзи улуғлик увоғини бермаса,  
Қирқ минг тепа қўшилиб минг йилда тоғ бўлмагай.

Кўксингни керган билан, тош тегса, туюлмайсан,  
Бир ўзинг бек бўлмайсан, манзилга етолмайсан.  
Тулпоринг туюғида эл дуоси бўлмаса,  
Тоғ надир, дарё надир, бир жардан ўтолмайсан.

Ҳар неки қадри бўлса, қароғингда асрагин,  
Ота-онанг руҳини чароғингда асрагин.

*Дунёни ўлчаб бўлмас олтину гавҳар билан,  
Шабнамга шайдо бўлсанг, япрогингда асрагин.*

*Омад келса сархушсан, кетарда қанотсиз қуш,  
Доим ўнгдан келмайди уйқунгдаги ширин туш.  
Агар, Маҳмуд, муродинг Ватанга вафо бўлса,  
Осмоннинг эгаси бор, сен кўкдан тупроққа туш.*

\* \* \*

*Тилаб олган ҳурматдан  
Гадо топган нон яхши.  
Сотқин кўрган иззатдан  
Чиқиб кетган жон яхши.  
Юз йил йиғлаб юргандан  
Саодатли он яхши.  
Эй дўст, мендан сўрмагин  
Ким ёмону ким яхши.  
Бўм-бўш тилла кўзадан  
Майга тўла хум яхши.*

*Чумолининг жонидан,  
Қумурсқанинг қонидан,  
Қарганинг қумғонидан,  
Ҳатто итнинг шонидан,  
Таъматалаб каслардан  
Бир чимдим райҳон яхши.  
Эй дўст, мендан сўрмагин —  
Алифми ё нун яхши,  
Кундуз қулдек юргандан  
Озод юрган тун яхши.*

*Бурда нонни тутолсанг,  
Фикрин қилиб яшасанг.  
Қултум сувни ютолсанг,  
Шукрин қилиб яшасанг.  
Бир одамдек яшашига  
Ҳақ берган имкон яхши.  
Яхшилар кўп дунёда,  
Демасман ҳеч: мен — яхши,  
Яхшиликлар ярашган,  
Дўсти азиз, сен — яхши.*



Қумғонинг қўрсиз қолса,  
 Юрагинг жўрсиз қолса,  
 Жон дегани кун келиб,  
 Тандан чиқиб тин олса,  
 Оҳ, ортингдан десалар,  
 Кетди бир инсон яхши!  
 Маҳмуд, зинҳор демагин,  
 Ўлганда ҳам шон яхши,  
 Руҳингга роҳат тилаб  
 Ўқилган Қуръон яхши.

\* \* \*

Тунлар ойдай тўлай десангиз,  
 Дилдорларга беринг дунёни.  
 Тонглар кулиб тургай десангиз,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Бек бўлади болам десангиз,  
 Юз ювмасин жолам десангиз,  
 Дуогўйим онам десангиз,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Нафсин қули — улфатдан қўрқинг,  
 Ногоҳ келган кулфатдан қўрқинг,  
 Гар қўрқсангиз, гафлатдан қўрқинг,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Деманг, биздан қоладир дунё,  
 Узилмаган лоладир дунё,  
 Бешикдаги боладир дунё,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Бу оламга ранг берар баҳор,  
 Ҳар оҳангнинг ўз эгаси бор,  
 Бедорларга Оллоҳ ўзи ёр,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Баҳор бахти куртакда бўлар,  
 Юртнинг меҳри юракда бўлар,  
 Маҳмуд ёруғ тилакда бўлар,  
 Бедорларга беринг дунёни.

Шариф ЮСУПОВ

# Yangilanish yo'lidagi

## ХОЛИСЛИК — БОШ МЕЗОН

Шаклланиб келаётган миллий истиқлол мафкураси асосида халқимизнинг қалби ва онгида янгича эътиқод ва дунёқарашни мустаҳкамлашда тарихни холислик билан ёритиш муҳим аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, халқ тарихига собиқ шўро даврига хос бир-ёқлама қарашлардан халос бўлиш лозим. Президент Ислом Каримов “Тарихий хотирасиз келажак йўқ” номли аса-рида бу ҳақда тўхталиб, шундай деган эди: “Ўзгалар ёзиб берган тарихни ўқитишга мутлақо қаршиман. Муста-млакачи ўзига қарам бўлган халқ ҳақида қачон холис, адолатли фикр айтган? Улар бор куч-ғайратларини Туркистон-нинг ўтмишини камситишга, бизни та-рихимиздан жудо қилишга сарфлаган-лар... Назаримда, ўзбек халқининг та-рихий ўтмиши, ўзлиги, маънавияти ҳақида гапираётганда, бизда чуқур ил-мий асосга таянган таҳлил, муайян ма-салаларда аниқ ёндашув етишмаяпти. Илмий тилда айтганда, яхлит концепция йўқ”.

Бу ҳаққоний фикрлар нафақат тарих-чи мутахассислар, балки барча ижти-мой фан ходимлари, ёзувчи, журналист ва зиёлилар зиммасига Туронзамин та-рихи, унда рўй берган муҳим воқеалар, йирик шахслар фаолияти каби кўпдан-кўп фундаментал масалалар билан ҳам-

жихатликда жиддий шуғулланиш вази-фасини юклайди. Бугунги кунда бу бо-рада муайян ишлар қилинаётгани қув-нарли ҳол, албатта. Бу ҳол коммуни-стик мафкура онгимизга қуйган тарих би-лан фақат тарихчи — мутахассислар шу-гулланиши керак, деган даъвонинг на-қадар асоссиз эканини исботламоқда. Чунки ўз халқининг тарихига нафақат та-рихчи — мутахассис, балки ҳар бир фу-қаро катта қизиқиш билан қараб, ундан ўзига хос хулоса ва сабоқлар чиқара олгандагина унинг ватанпарварлиги, онг-лиги ортади. Бунинг устига, айрим та-рихчиларимиз изланишларида эскича ён-дашув, тарихий воқеалар ва йирик шах-слар фаолиятига синфийлик нуқтаи наза-ридан баҳо бериш ҳоллари, афсуски, ҳали ҳам учраб турибди. Масалан, бун-дан бир неча йил олдин чоп этилган Қўқон тарихи ҳақидаги йирик рисолада “бой-феодаллар доимо халқ ҳаракатининг энг оғир шароитида ҳам ўз синфий манфаа-тини ўйлаб, умумхалқ манфаатига, ҳатто Ватанига ҳам қарши бўладиган ечим то-пиб хоинлик қилади” деган гапларни ўқиймиз. Ҳолбуки, бой-феодаллар хон-ликлар даврида, жумладан, Қўқон хон-лиги замонларида ҳам эл-юрт учун хайр-ли ишлар қилгани, улардан анчагина илм-маърифат ҳомийлари чиққани, қола-верса, уларнинг имкониятлари бошқа-ларникига нисбатан кўп бўлгани учун мус-тамлакачиликка қарши қаттиқроқ кураш-

# tarix

гани нафақат илм ахлига, балки оддий одамларга ҳам яхши маълум.

## МУРАККАБ ДАВРНИНГ МУРАККАБ ТАРИХИ

Туронзаминнинг бой тарихида кейинги бир юз ўттиз йил ўта мураккаб давр бўлгани ҳаммага аён. Бу давр тарихини ёритишга жазм қилган тадқиқотчини қўп ҳолларда мушкул аҳволга солиб қўядиган, мавзуга ёндашишда ундан алоҳида зукколик ва дадилликни талаб этадиган жиҳатлар ҳам борки, улар хусусида шўро замонида мутлақо гапириб бўлмас эди. Ана шу жиҳатларнинг баъзилари қуйидагилардан иборат. Аввало, шунга таъкидлаш жоизки, ҳар қандай мустамлака шароитида даврий ва нодаврий матбуотда эълон қилинган, расмий ҳужжатларда сақланиб қолган материалларнинг аксарияти ёппасига сохталаштирилган, босқинчиларнинг хоҳиш-иродаси ва сиёсатига мослаштирилган. Уларнинг сохта мазмунини ўқувчига ҳақиқат сифатида тақдим этиб юбораверадиган тарихчининг аҳволига вой. Чунки тадқиқотчининг қўлига тушган, фақат сақланиш жойи аниқ бўлган бундай далил ва ҳужжатларнинг ўзи тарих бўла олмайди. Улар бор-йўғи хомашё, холос. Бундай далил ва ҳужжатларнинг замирида ётган ҳақиқатни тадқиқотчи Оллоҳ ато этган ақл-фаросат билан ид-



Кўқон хони Худоёрхон



Генерал Жўрабек



Муҳиддинхўжа қози

рок этмоғи даркор. Бугун Ватанимизда тарихга янгича муносабат шаклланаётган бир пайтда бу ғоятда муҳим аҳамиятга эга. Чунки шўро даврида тадқиқотчиларнинг тарихий ҳақиқатни чуқур хис этмай, нотўғри хулосалар чиқариб юборганига ҳозирда ҳам эътибор бермаслик ҳоллари давом этмоқда. Буни қуйидаги мисоллар яққол тасдиқлайди.

Тошкент шаҳрининг сўнгги қозикалонни Ҳакимхўжа эшон Норхўжа эшон ўғли нафақат шўро даврида, ҳаттоки мустақиллик йилларида чоп этилган айрим китобларда ҳам қораланган. Эмишки, Тошкентга Черняев қўшини ҳужум қилган 1865 йилнинг ёзида қозикалон ўзи истиқомат қиладиган Себзор даҳаси йигитларини босқинчиларга қарши жангга бошлаган, кучи етмагач, ўз одамлари билан қочиб қолган. Гўё у ўз мансабини сақлаб қолиш илинжида шаҳар дарвозасини босқинчиларга очиб берган экан ва ҳоказо. Воқеаларнинг асл моҳияти, қозикалоннинг шундай йўл тутишига нималар сабаб бўлгани ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўрмаган тадқиқотчилар эл-юрт назарида валий даражасига эришган покдомон зотга “кўрқоқ”, “хоин” деган тавқилаънатларни ёпиштиришди. Ваҳоланки, яхшигина мулоҳаза қилиб кўрадиган одам ўша замоннинг энг даҳшатли қуролларига эга бўлган, жанги жадал синовларидан ўтган император қўшинини қилич, чўқмор, нари борса, яна бир нечта пилтамилтиқ билан қуролланган маҳаллий ёшлар енга олмаслигига фаросати етади. Чор қўшини хонлик худудини ўн икки йил давомида бирин-кетин босиб олган пайтларда, амирлашқар Алимқулини мустасно қилганда, неча неча саркардалар тўпу тўпхоналарга, узоққа отадиган милтиқларга эга бўлган минглаб аскарлари билан ҳам душман ҳужумига бардош беролмай, майдондан чиқиб кетишга мажбур бўлган, бунинг учун Қўқон хони томонидан қаттиқ жазоланган. Шундай экан,

пайғамбар ёшидан ошган касалманд Ҳакимхўжадан имкондан ташқари жасоратни талаб этиш адолатдан бўлармикан?

Аслида воқеа бундай бўлган. Тошкент шаҳри қамалда қолгач, бир ярим ой мобайнида кўз кўрмаган, кулоқ эшитмаган азоблардан қирилиб битишга маҳкум этилган аҳоли Абулқосимхон эшон, Солиҳбек охунд, Ҳакимхўжа қозикалон сингари обрўли зотларга мурожаат қилиб, душман билан муроса йўлини топишни сўрайди. Шу тариқа сўнгги чора сифатида таслим бўлиш ҳақида Черняев билан битим тузилади. Бу ҳақда энг ишончли тарихий манбаларда ёзиб қолдирилган. Ана шу воқеалардан кейин Ҳакимхўжа қозикалон Туркистон губернатори Романовский иштирок этган катта йиғилишда бу ҳукмдордан асло тап тортмай, дилидаги гапни айтади: “Ҳаммамизни яратган Ҳақ таоло бор. Унинг амри ҳар бир инсон учун муқаддасдир, бинобарин, у сизнинг амрингиздан юқори туради. Агар Ҳақ таоло мени ўз паноҳида асраса, фақат сиз эмас, балки сиздан оқорида турганлар ҳам ҳеч нарса қила олмайсизлар... Муҳтарам жаноб, сиз мени кўрқитиш билан шарият йўлидан тойдиришга мажбур қиламан деб ўйлай кўрманг”. Бу гапнинг акс садоси ҳатто император саройигача етиб боради ва катта шов-шувга сабаб бўлади. Шундан сўнг пойтахтдаги йирик ҳукмдорлар орасида “Туркистонда Худодан бошқа ҳеч кимдан кўрқмайдиган битта одам бор, бу — Ҳакимхўжа қозикалондир” деган овоза тарқалган эди. Ордан бир неча йил ўтгач, генерал-губернатор фон Кауфман генерал Абрамов ҳамда қозикалоннинг ўғли Муҳиддинхўжа қози билан суҳбат чоғида ўша гапни эслатган, уни Николай Остроумов 1899 йилда Тошкентда чоп этилган фон Кауфман ҳақидаги китобида келтирган. Фон Кауфман бу табаррук зотга гарчи дилида ҳам, тилида ҳам тан берган бўлса-да, уни империянинг энг хавфли

душмани ҳисоблаб, Тошкентга генерал-губернатор бўлиб келгач, турли хийланайранглар билан қозикалонлик лавозимидан бўшатган. Бу билан кифояланмай, мазкур лавозимни бутунлай тугатиб юборган.

Айрим тадқиқотларда Ҳакимхўжа қозикалонга яна бир оғир айб қўйилган. Гўё у 1865 йилнинг июнида генерал Черняевнинг ваҳшиёна сиёсатига дош беролмай, шаҳар ўз ихтиёри билан Россия империяси таркибига қўшилгани тўғрисида “оқ пошшо”га мактуб тайёрлаб беришни Абдусаттор Қорабой ўғлига топширган эмиш. Тадқиқотчилар бу масалада Муҳаммад Солиҳ Тошкандийнинг “Тарихи жадидаи Тошканд” асари қўлёзмасидан келтирилган бир парчага таянишган. Мен бу қўлёзманинг Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган асл нусхаси билан танишиб, ўзимнинг бошқа тадқиқотчиларникидан фарқ қиладиган фикрларимни айтган бўлсам-да, Ҳакимхўжа қозикалон бу ишни Абдусаттор қозига топширганини рад этмаганман. Бироқ орадан бирмунча вақт ўтгач чоп этилган “Ўзбекистоннинг янги тарихи”нинг биринчи китобида ўша мактуб, яъни “Рус подшоҳига Тошканд аҳли номаси”нинг матни тўлиқ эълон қилинди. Унда ҳақиқатга тўғри келмайдиган қуйидаги жумлалар ҳам битилган экан: “Подшоҳимиз ҳазратларига арзимиз шулким, биз — Тошканд қалъасининг ичидаги фуқароларингиз шунча йил ва шунча замондан бери неча бул юрт улуғларига тобе бўлиб юриб, зулм-ситам, жабру жафодан бўлак ҳеч яхшилик юзини бу жаҳонда кўрмайин ўтдук. Охируламр шу улум билан сизнинг ҳазратингизни улуғ подшоҳ ва адолатлик англаб, ўзимизни сизнинг паноҳингизга ташладук, алҳамдулиллаҳ, давлатли бўлуб ва ҳам омонда бўлўб, бул тарафнинг зўрли улуғ подшоҳларидан саломат қолдук ва ҳам сиздек улуғ подшоҳимиз ҳимоятлари бирлан динимиз, алҳамдулиллаҳ, ривожли,

равнақли бўлуб, шариатимиз кундин-кунга зоҳир ва хувайдо бўлуб, кеча-кундуз подшоҳимиз ҳазратларининг умрларини узунлигини ва давлатларининг зиёдалигини ҳазрат Худойимиз Жалла Жалол амма навала даргоҳидин ва ҳазрат пайгамбаримиз ва расолат паноҳимиз ва шафоатхоҳимиз Муҳаммад расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазратларини шафеъ этиб ўтунуб, беш вақт намозимизда дуойи жонингизни тилаймиз...” (“Ўзбекистоннинг янги тарихи” 89-90-бетлар).

Мактубга Домла Аҳмад Охунд Бобой ўғли, Мирҳомид, Дўстмуҳаммадбой, Муҳаммад Олим Шарифбой ҳожи ўғли, Эшмуҳаммадбой Ёдгор ўғли, Муҳаммадрасул Мусомуҳаммад ўғли, Мирзохўжа эшон, Сайидбек Бобобек ўғли ва Содиқбек исмли шахслар имзо чеккан экан.

“Ўзбекистоннинг янги тарихи”нинг биринчи китобида қайд этилишича, Черняев бу мактубни Абу Сайид ва Ҳодихўжа исмли савдогарларга бериб, Петербургда бориб, “оқ подшо”га топширишни буюрган. Босқинчилик сиёсати бобида Англиядек кучли давлат билан тўқнашиб қолишидан чўчиган Россия ҳукумати халқаро жамоатчилик кўз ўнгида ўз хатти-ҳаракатини оқлаши лозим эди. Шунинг учун бу мактубдан нусхалар кўчирилади ва Россиянинг Туркиядаги элчиси қилиб тайинланган Н.Игнатъев ишга солиниб, бу нусхалар Истамбул кўчаларига илиб чиқилади (90-бет).

Бу мактубда на Ҳакимхўжа қозикалоннинг, на Абдусаттор қози Қорабой ўғлининг, на даҳа қозилари ва муфтийларидан бирортасининг имзоси бўлмаган. Турган гапки, Тошкентни рус қўшини забт этган даврда Ҳакимхўжа қозикалон шаҳарнинг барча қозию муфтиларига ҳукмфармо бўлган. Бинобарин, у саъй-ҳаракат кўрсатса, барча даҳа қозилари ва муфтийлар мактубга имзо чеккан бўлур эди. Хўш, нега бундай бўлмади?

Бизнингча, Черняевнинг Тошкент

аёнларига шахарни ихтиёрий равишда Россия императорлиги тасарруфига топширилгани ҳақида “оқ подшо”га махсус мактуб ёзиш талаби Солиҳбек Охунд ва унинг тарафдорларининг кескин қаршилигига учраб, иш фожиа билан тугаган. Бу йиғинда иштирок этган “Тарихи жадидаи Тошканд”нинг муаллифи воқеа тафсилотларини орадан анча йил ўтгандан кейин ёзган. Шу боис у паришонхотирликка йўл қўйиб, Ҳакимхўжа қозикалонни бошқа бир нуфузли шахс билан адаштирган бўлиши мумкин.

Иккинчи тахмин шуки, Муҳаммад Солиҳ Тошкандий паришонхотирликка берилмай, ўз кўрганларини аниқ ёзган ҳам бўлақолсин. Лекин бу ҳолда Ҳакимхўжа қози Солиҳбек охунд ва унинг тарафдорлари фожиасидан ҳам оғирроқ фожиа рўй бермаслиги учун Черняевнинг газабини жиловлаш мақсадида, мактуб тайёрлашни Абдусаттор Қорабой ўғлига хўжакўрсинга топширишга мажбур бўлган бўлади. Бироқ кейинчалик тарих олдида шармандалик ҳисобланган бу ишда ўзи ва кўлостидаги даҳа қозиларию муфтийларнинг қатнашмаслик чорасини топади.

Мабодо иккинчи тахмин тўғри бўлганда ҳам бу ўша давр тарихий шароити учун катта гап. Негаки, “оқ подшо” кўлида муҳим далилий ашё бўлиши кўзда тутилган ўша мактубда Туркияда ҳам, бошқа мусулмон мамлакатларида ҳам машҳур бўлган Ҳакимхўжа қозикалон, унинг кўл остидаги қози ва муфтийларнинг имзоси бўлиши қаёқда-ю, Тошкент аҳолисининг бир қисмигина танийдиган бир домла, бир эшон ва бир неча савдогарнинг имзоси бўлиши қаёқда!

Шу каби жиҳатлар ҳисобга олинса, Ҳакимхўжа номига тавқилаънатлар ёпиштирмоқчи бўлган тарихшунослар шошма-шошарлик қилгани аён бўлади, деб ўйлаймиз.

Тарихни холислик билан ёритиш-

нинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатадиган яна бир воқеа Кўқон хонлигининг сўнги ҳукмдори фаолияти билан боғлиқ. 1866 йилда чор кўшини Бухоро амирлигига қарашли Жиззах ва Ўратепани босиб олгач, Кўқон хони эл-юрт орасида норозиликка сабаб бўладиган бир ишга кўл уради, яъни у Туркистон губернатори Романовскийни ғалаба билан табриклар, Тошкентга ўз элчиларини юборади. Сиртдан қараганда, хунук бир воқеа. Кўшни амирлик ҳудудларини босқинчилар эгаллаб олса-ю, Худоёрхон ундан дарғазаб бўлиш ўрнига босқинчини табриклар, элчи юборса?!

Бухоро амирлигининг император кўшини томонидан босиб олинишини тадқиқ этган уч мутахассис ана шундай юзаки таассуротларга чалғийди — воқеанинг юзада қалқиб турган томони билан кифояланиб, асл моҳияти ҳақида, хоннинг бундай номатлуб йўл тутишига нималар сабаб бўлгани тўғрисида ўйлаб ҳам кўрмайди. Натижада “Худоёрхон ўз ҳомийси — Бухоро амирига нисбатан хоинона иш тутди” деган хулосага келинади.

Авалло, шуни очиқ айтиш керакки, чор кўшини Туронзамин ҳудудларига шитоб билан бостириб келгунига қадар Кўқон хонлигининг энг катта душмани Бухоро амирлиги эди. Амир Насрулло Жиззах билан Ўратепани босиб олган 1842 йилдан то бу ҳудудлар Туркистон губернаторлиги тасарруфига ўтгунга қадар, яъни 1866 йилгача Кўқон хонлиги ҳудудлари Бухоро амирлиги ҳудудлари дея уч марта расман эълон қилинди.

Чор кўшини Тошкентни босиб олишига бир неча кун қолганида ўша вақтдаги Кўқон хони Султон Саидхон амир Музаффардан шахар ҳимоясига ёрдам беришини сўраб, унга элчи юборган, амир эса хоннинг ўзи Бухорога келиб учрашсагина бу масалани ҳал этажагини айтган. Ноиллож қолган Султон Саид-

хон ўзига яқин икки юз чоғли сарбозлари ҳимоясида Бухорога йўл олади. Хонлик тахтига ўз измидан чиқмайдиган кишини ўтқазишни режалаштириб қўйган амир Тошкентни чор қўшини босиб олишига қарши кескин чоралар кўришни хаёлига ҳам келтирмайди. Фикри-зикри Қўқон тахтини ўзига тобе қилиш бўлади ва Султон Саидхонни Бухоро тупроғида қатл этиб, катта қўшин тўплаб, тахтни қайта эгаллаш илинжида амирликда фурсат кутиб ётган Худоёрхонни ёнига олиб, Қўқонга юриш бошлайди. Ўша давр муаррихларидан бири Бухоро амири Тошкентни босқинчиларга, Қўқон тахтини эса Худоёрхонга ташлаб, ўз юртига қайтиб кетганини истехзо билан ёзгани ҳам бежиз эмас. Аслида амир Қўқон тахтини Худоёрхонга илтифот юзасидан ташлаб кетмаган. Исоҳқон Иброт “Тарихи Фарғона”да ёзганидек, Худоёрхон бу сафар ҳам зафар хутбасини амир Музаффар исмига ўқитган, унинг итоатгўйи ҳукмида қолган. Бундан ташқари, Қўқон хони ўз умумий даромадининг тўртдан бир қисмини мунтазам равишда амирга тўлаб туриш ҳақидаги ниҳоятда оғир талабни ҳам бажариш ҳақида ваъда беришга мажбур бўлган.

Қўқон хони Худоёрхон ўта аянчли аҳволга солиб қўйилганидан бир неча ой кейин содир бўлган “Романовскийга табрик” машмашасини бу воқеаларнинг бевосита иштирокчиси Мирзо Олим Мушриф “Ансобус салотин ва таворихи хавоқин” асарида қисман баён этган эди: “Амири Бухоро тараддуди газот айлаб, Худоёрхонни ҳам газотга тақлиф айлаб иноятнома (фармон хати — Ш.Ю.) юбордилар эрса, ноилож тараддуд қилиб отланиб, дарёдин ўтуб Шаҳидон бориб туруб эрса, тарих бир минг икки юз саксон учда амири Бухоро кўб одам бирла Бўёқчикўл деган мавзеъга бориб қўнди эрса, яқбора ўрус аскарлари воқиф бўлуб, дарё бирла ўтуб уруш солди. Бухоро қўшуни па-

ришон бўлуб қочти. Тўпу тўпхона, хазинау дафиналар қолди. Кўб муслмонлар шаҳид бўлди. Бул хабарни хон эшитти. Даъфатан отланиб дарёдин ўтуб, Хўқандга дохил бўлуб, ошналич расмини тутиб, Русиянинг бош ҳоқимига хат қилиб элчи юборди эса, Русия халқиға хуш келиб, аҳду паймонни дўстликка маҳкам қилиб, тухфау ҳадялар билан элчиға элчи қўшуб юборди”.

Мирзо Олим Мушриф Худоёрхон амир Музаффарнинг фармон хатиға ноилож рози бўлиб, ўз қўшини билан амир белгилаган жойға келганини, бу вақтда Бухоро қўшини енгилиб, кўп курол-яроғ ва бойликларни ўлжа қолдириб, тарқаб кетганини, шундан сўнг хон дарҳол тўғри йўл танлаб, Қўқон сари йўл олгани ва губернаторга табрикнома юборганини ёзиб қолдирган. Лекин бу масалада тадқиқотчини янада чуқурроқ ўйлашга даъват этадиган бошқа бир неча жиҳатлар ҳам борки, улар хусусида Мушриф китобида ҳеч гап айтилмаган.

Авалло, 1866 йилда чор қўшини забт этган Жиззах ва Ўратепа ҳам, ундан бир йил аввал босиб олинган Тошкент ҳам аслида Қўқон хонлигига қарашли вилоятлар бўлиб, уларни 1842 йилги қирғинбарот чоғида амир Насрулло ўта шафқатсизлик билан амирлик худудлари дея эълон қилган, ўзи ҳоқимлар тайинлаган. Тошкент бир неча йил мобайнида қўлдан-қўлга ўтиб, ниҳоят хонлик ихтиёрида қолган. Жиззах ва Ўратепа олинишидан сал илгарироқ хонликнинг йирик таянчларидан бири Хўжанд ҳам чор қўшини томонидан босиб олингани маълум. Хонликка бўйсунувчи Тошкент ва Хўжандни чор қўшини босиб олганидан кўнглида қаттиқ адоват қайнаб турган Худоёрхон Жиззах ва Ўратепанинг ҳам босиб олинишига норозилик билдириш ўрнига Романовскийга табрик йўллашининг бошқа сабаблари ҳам бор. Жиззах ва

Ўратепа хонлигининг амирлик билан бевосита чегарадош ҳудудлари бўлиб, уларнинг босиб олиниши хонлик билан амирлик ўртасидаги чегарадошликка бутунлай барҳам берган, бу эса Қўқон хони учун айна муддао эди. Негаки, Қўқон хонларининг хавfli душмани бўлмиш Бухоро амирлари энди Туркистон губернаторлиги ҳудудларига айлантирилган Жиззах, Ўратепа ва Хўжанд орқали ўтиб, Қўқон хонлигига ҳужум қилиш, у ердаги хонларни исалган вақтда алмаштириш имконидан абадий маҳрум бўлган эди. Шунингдек, амир Музаффар хонлик даромадининг тўртдан бирини мунтазам равишда олиб туришдан ҳам бенасиб қолган эди. Бу — масаланинг бир томони. Масаланинг иккинчи томони шундаки, Худоёрхон ўзи амалда тобе бўлган амир Музаффар фармонига ноиложликдан бўйсуниб, хонлигининг ундан ҳам катароқ душмани бўлмиш Туркистон губернаторлиги олдида гуноҳкор бўлиб қолганини ҳам сезмаслиги мумкин эмасди. Туркистон губернаторининг тепасида турган Петербург ва Оренбургдаги хўжайинлар Қўқон хонлигини вассалликка солиш учун Худоёрхоннинг юқоридаги каби қалтис бир ҳаракат қилишини орзиқиб кутмоқда эди. Зотан, юқорида зикр этилган муваффақиятсиз тугаган ғазовотдан сал илгарироқ Оренбург генерал-губернатори Крижановский Россия императори ва Петербургдаги бошқа хўжайинларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб, Романовскийга бундай деб ёзганди: “Сен амирни енгилга муваффақ бўлгач (бунда айна Жиззах ва Ўратепа босқини назарда тутиляпти — Ш.Ю.), уни исканжага олишда давом этиб, нафас ростлашига имкон бермаслигинг лозим. Қўқон хони Худоёрхоннинг эса бизга вассал бўлишдан бошқа йўли йўқ. Шоядки, бизга қарши ҳаракат бошласа, унинг масаласини ҳам узил-кесил ҳал қилар эдик” (таъкид бизники — Ш.Ю.).

Зудлик билан элчи юборилмаса, Худоёрхон амир буйруғига ноилож бўйсуниб, қўшин тортиб Шаҳидонга келганининг ўзи учуноқ чор ҳукуматининг ғазабига учраши эҳтимолдан узоқ эмасди.

Худоёрхон ўзини ўнглаб олиб, ҳарбий куч-қудратини бир қадар оширишга эришди, дегунча дадил ҳаракат эта бошлади. Чунончи, Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори лавозимига тайинланган фон Кауфманнинг 1868 йил бошида Тошкентга келиши муносабати билан Хева хонлигидан, ҳатто Бухоро амирлигидан бир дунё совға-салом билан юқори даражадаги элчилар келгани ҳолда, Худоёрхон ҳеч қандай элчи юбормайди. Аксинча, у чор босқинчиларига қарши урушга тайёргарлик ишларини кучайтириб юборади. Буни ўша давр муаррихлари ҳам, Р.Набиев каби шўро даври тадқиқотчилари ҳам эътироф этган.

Тўғри, Худоёрхоннинг Туркистон генерал-губернатори билан муносабатлари ҳамма вақт бир маромда кечмаган. Хон баъзан генерал-губернатор томонидан берилган ёлғон ваъдалар, унинг мақтовлари, ҳатто биринчи даражали Станислав ордени билан мукофотланганидан талтайиб кетган. Шу боис ўзининг Россия империясининг содиқ кишиси бўлиб қолишини шараф деб билишини “оқ подшоҳ”нинг Туркистондаги ноибига ёзма равишда маълум қилган. Аммо вақт ўтиши билан у дўстлик, ҳамжихатлик ҳақидаги ваъдалар сароб эканини англаб етган. Натижада Кауфмандан ҳам, унинг пойтахтдаги хўжайинларидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиб, “бошига ёққан қорларни ўзи курайдиган бўлган”.

Хуллас, кейинги 130 йиллик тарихимизнинг ана шундай мураккаб жиҳатлари борки, уларни ёритишда тадқиқотчидан ўта билимдонлик ва донишмандлик талаб этилади.



## ДАЛИЛ ВА ҲУЖЖАТНИНГ ЎЗИГИНА ТАРИХ ЭМАС

Далил ва ҳужжатлар мағзини чақмай, юзаки, хато хулосалар чиқариш ҳоллари мустамлака истибдоди авж олган даврда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган бошқа кўпгина тарихий шахсларга муносабатда ҳам ўз ифодасини топмоқда. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Сатторхон, Сайдра-сул домла, Шарифхўжа, Муҳиддинхўжа, генерал Жўрабек сингари зиёлилар Зокиржон Фурқат билан бирга янгича маърифатпарварлик анъанасига асос солган ва Туркистон халқини шу тариқа озодликка бошлашга умид боғлаган. Уларнинг аксарияти юқори табақага мансуб кишилар бўлгани сабабли шўролар ҳукмронлиги даврида атайлаб ёмонотлиқ қилинган.

Шарифхўжа қози 1892 йилги “вабо кўзғолони”нинг ташкилотчиларидан бири бўлган. Уни 80 ёшида суд қилиб, уч йил муддатга Астрахан губерниясига сургунга жўнатиш ҳақида ҳукм чиқарилган. Шундан сўнг маҳкум қози жазони енгиллатишни сўраб, ўша вақтдаги Туркистон генерал-губернатори Вревскийга ариза ёзган ва ўзини гўё 24 июнь воқеаларига алоқаси бўлмагандек кўрсатишга ҳаракат қилган. Аризада, жумладан, “24 июнь куни нима воқеа рўй беришини илгаридан билган бўлсам, дарҳол бу хусусда хабар қилган бўлардим” деган сўзлар ҳам битилган. Бу ўринда Шарифхўжа ёлғон ёзишга мажбур бўлган. Акс ҳолда у сургун жойига етиб олгунча йўлнинг ўзидаёқ нобуд бўлиб кетиши турган гап эди. Шарифхўжа қози кўзғолонга бош-қош бўлганлардан бири экани суд жараёнида исботланган. Бундан ташқари, Сирдарё вилоятининг ўша вақтдаги ҳарбий губернатори Гродековнинг генерал-губернатор Вревскийга юборган маълумотномасида бу ҳақда янги далиллар

келтирилади. Лекин, шунга қарамай, айрим тадқиқотчилар Шарифхўжа қози ўз аризасида ёзишга мажбур бўлган сўзларни ҳақиқат сифатида талқин этиб, бу зотга мағзава ағдаришга тушиб кетади.

Муҳиддинхўжа қози билан генерал Жўрабекнинг ўғли Оллоқулибекнинг ҳам ғоят танг вазиятда битилган иккита аризаси мавжуд. Хусусан, Муҳиддинхўжа қозининг 1899 йил июлда Туркистон генерал-губернатори вазифасини бажарувчиси номига ёзган аризаси Ўзбекистон Республикаси Марказий давлат архивида сақланмоқда. Бу ариза битилгунга қадар Муҳиддинхўжа қози ҳам кўпдан-кўп тазйиқ ва таъқибларга, турли бўҳтонларга дучор қилинган. Республика Марказий ҳужжатгоҳида XIX асрнинг 80-90-йилларида бу покдомон зотнинг Тошкент шаҳар ҳокимлари Киселев, Лодиженский, Путенцов ва бошқалар томонидан кўп бор тазйиқ остига олингани хусусидаги ҳужжатлар сақланиб қолган. 1892 йилги “вабо кўзғолони” туфайли мустамлака маъмурияти томонидан жабрланганлар орасида Муҳиддинхўжа қози ҳам бор эди. Ўша вақтда Тошкентнинг эски шаҳар қисми ҳокими лавозимида бўлган Н.Ликошин орадан йигирма тўрт йил ўтгач, Петроградда чоп этилган “Туркистонда ўтган ярим умр” номли китобида Муҳиддинхўжанинг 1892 йил “вабо кўзғолони”га муносабати “жинояткорона” хусусиятга эга бўлганини таъкидлагани ҳолда, “қози қатъий эътиқоди ва ўзини сайлаган халққа мустаҳкам садоқати туфайли жабр кўрган”лигини тан олишга мажбур бўлган.

Кўзғолон кунининг эртасигаёқ Сирдарё вилояти губернатори буйруғи билан лавозимидан қувилган Муҳиддинхўжа мустамлака маъмурларидан безиб, ўз бобокалони Исахонхўжа қозикалон бино қилган мадрасада тинчгина мударислик қилиб юради. Аммо Себзор даҳасининг баобрў одамлари уни яна қозилик лавозимида тиклашга бел боғ-

лайди. Улар генерал-губернаторлик амалдорлари ўрнатган кўплаб тўсиқларни бартараф этиб, ниҳоят Муҳиддинхўжа номзодини рўйхатга киритишга муваффақ бўлади. Чор тўралари ўзларича қаттиқ обрўсизлантирдик деб ҳисоблаб, бу шахснинг сайловдан ўта олмаслигига қатъий ишонган. Аммо сайловда кўпчилик Муҳиддинхўжа номзодини ёқлайди ва у қозиликка сайланди. Бундан дарғазаб бўлган чор амалдорлари Себзор даҳасида ўтказилган қози сайлови натижаларини, бирон-бир далил йўқлигига қарамай, бекор қилади ва ўзлари учун ўта хавфли бўлган Муҳиддинхўжа номзодини киритмаган ҳолда, янгитдан сайлов ўтказиш хусусида буйруқ чиқаради. Шундан сўнг собиқ қозининг бошига яна кўплаб кулфат ёғилади, ҳатто уни жисмоний маҳв этиш хавфи пайдо бўлади.

Муҳиддинхўжа қозининг биз фикр юритаётган аризаси ана шундай ўта хатарли бир вазиятда ёзилган. Бу тўғрида аризачининг ўзи бундай ёзади: “Устимизда турган шаҳар ҳокимимиз бизни шаҳарга келгонидан бери манга назарлари чап бўлуб, ёмон кўриб турадур... Ўттуз тўрт йилдин бери қилиб тургон хизматимнинг гўё мукофотиға бу шаҳар ҳокимидин ҳар бир жамъиятда беҳурматлик кўруб, ҳақоратға оид бўладургон сўзлар эшитганим важҳидин кўрқинч остида... ушбу аҳволотларимни жанобингизга ариза қилмоқни лозим билдим”.

Шундан кейин, табиийки, аризачи Туркистон бош ҳокими олдида ўзини оқлаш учун турли далиллар келтиришга мажбур бўлади. Чунончи, 1865 йил ёзида Тошкент қамал қилиниб турган вақтда отаси Ҳакимхўжа қозикалон ва бошқа шаҳар аъёнлари топшириғига кўра Черняев қароргоҳига боргани, икки томонлама сулҳ тузилишига ҳисса кўшгани, кўп йиллар чор маъмуриятига хизмат қилгани, бу хизматлари қандай мукофотлар билан тақдирлангани ҳақида оши-

риб-тошириб, кўшиб-чатиб ёзади. Зотан, айна ҳолатда Муҳиддинхўжанинг шундан бўлак иложи йўқ эди.

Муҳиддинхўжа ҳақида ёзган баъзи тадқиқотчилар эса унинг ушбу аризасини ҳам айна ҳақиқат сифатида талқин этмоқчи бўлади ва ундаги айрим гапларни дастак қилиб, қозини “халқни эзувчи куч”лар қаторига кўшишга интилади. Ҳолбуки, ўша давр матбуотида Муҳиддинхўжа вафоти муносабати билан чоп этилган бир мақолада бундай дейилган: “У ўзининг жўжабирдек оиласини моддий таъминланмаган, рўзгорини эса вайрон ҳолда ташлаб кетди. Айтишларича, у ер банкидан қарздор бўлиб, ягона бойлиги бўлмиш ери шу банк томонидан гаровга олинган экан, ёш ўғиллари эса ҳали мустақил рўзгор тебратишга қодир эмас”.

Оллоқулибекнинг аризасига келсак, у Туркистон генерал-губернатори адъютанти бўлиб ишлаган даврда ёзилган. Оллоқулибекни генерал-губернаторнинг уйида кўрган миссионер Николай Остроумов, уни отаси — марҳум генерал Жўрабек сингари мустамлака маъмурияти учун ўта хавфли одам деб ҳисоблайди шекилли, ўз уйига қайтиб келибоқ кундалигига ушбу қайдни битади: “Бу бегона юрт кишисининг (Оллоқулибек демоқчи — **Ш.Ю.**) шахси кишида ишонч ва хотиржамлик туғдирмайди. Генералларимиз уни нега яқин тутишларига ҳайрон бўламан: бошқарув ишида ундан фойда тегиши мумкин эмас, зарар тегиши эса жуда ҳам мумкин, чунки генерал-губернатор уйида қандай ишлар содир бўлаётганидан у маҳаллий аҳолини воқиф қилиши мумкин”. Бинобарин, Остроумов ўзи садоқат билан хизмат қилган мустамлака маъмурияти маҳаллий халқнинг ғазаб-нафратига сабаб бўладиган ишлар қилаётганини яхши билган ва бу фирромликлар, ҳийланайранглар генерал-губернатор адъютанти бўлмиш софдил, жасур ходим ор-

қали унинг юртдошларига маълум бўлишидан ўлгудай кўрққан. Чамаси, у ўз валинеъматини тез орада бу хавф-хатардан воқиф этган ва шу тариқа ҳали ҳеч нарсадан хабарсиз Оллоқулибекнинг бошида “қора булутлар” пайдо бўлган: генерал-губернатор шошилини равишда ўз адъюдантини вазифасидан четлаштириш тадбирларини кўрган. Оллоқулибек ана шундай ўта қалтис бир вазиятда генерал-губернаторга ариза билан мурожаат этади. Аризада у ўзигина эмас, балки отаси генерал Жўрабек Қаландарқори ўғли ҳам, амакиси полковник Бобобек Ҳакимбек ўғли ҳам чор маъмурияга ҳалол хизмат қилиб, бир неча мукофотларга лойиқ кўрилганини айтиб, яқинлашиб келаётган балою офатларни даф этишда улардан фойдаланмоқчи бўлади.

Хужжатгоҳда сақланаётган бу аризага дуч келган баъзи тадқиқотчиларимиз айрим “далил”ларни дастак қилиб, Жўрабек ва Бобобекни ҳам, Оллоқулибекни ҳам мустамлака маъмурияги ногорасига жон-жон деб ўйнаган, балойи нафси йўлида ўз халқи манфаатларини оёқости қилишдан ҳузур топган хонлар сифатида ёмонотлик қилади.

Энди Тошкентнинг забт этилиши билан боғлиқ тарихий воқеаларга тўхталсак. Черняев 1864 йил кузида бу шаҳарга ҳужум қилиб, Кўқон хонлиги қўшинидан қаттиқ зарбага учраб, Чимкентга қайтгач, кенг кўламли янги ҳужумга тайёрланиш билан бир пайтда бу шаҳарда разведка мақсадида турган кишилар фаолиятини кучайтиришга ҳам зўр беради. Баъзи манбаларда юзбоши (Северцев изоҳи), баъзи манбаларда эса шаҳар шарқий қисмининг ҳукмдори (Черняев изоҳи) лавозимини эгаллаб турган Абдурахмонбек бир томондан император ҳукумати фойдасига жосуслик қилиб, муҳим ҳарбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни Черняев қароргоҳига мунтазам равишда юбориб тур-

ган, иккинчи томондан эса эътиқоди суст, нафс бандаси бўлмиш баъзи амалдор ва савдогарларни ўз томонига оғдириб, уларда Тошкентни хонлик тасарруфидан чиқариб, чор Россиясига тобе этишдек хоинона мақсадни тобора пишита борган эди. Абдурахмонбекнинг хоинлиги тезда фош бўлиб, 1864 йил охирида бир амаллаб Тешиққоқа дарвозасидан чиқиб, Черняев ҳузурига етиб олади. Бироқ у “экиб кетган заҳар-заққум уруғлар” тезда ўз ҳосилини беради. Абдурахмонбекка ҳамфикр бўлган шаҳарнинг эллик чоғли нуфузли аҳолиси (уларга Черняев билан махфий алоқада бўлган ва унинг топшириқларини бажариб турган Кўкча даҳалик Шарафийбой, Нуриллабой, Султонбой ва бошқалар пинҳона бошчилик қилган эди) императорга махсус мактуб юбориб, унда Россия фуқаролигига ўтиш иштиёқида эканлигини маълум қилади. Мактубни пойтахтга олиб бориб, подшоликка топширишга вакил қилинган Тўраҳон Зайбухонов сафар чоғида ўз ҳамёнидаги пуллар билан бирга ўша машъум мактубни ҳам ўғирлатиб қўяди. Пойтахтга кўп машаққатлар билан етиб борган Зайбухонов подшоҳ саройининг йирик амалдорларига учрашиб, мактубни ўғирлатганини айтиб, унда битилган фикрларни оғзаки баён этганида унинг сўзларини расмий равишда қабул қилишмайди. “Оқ подшоҳ” фуқаролигига ўтиш истаги Тошкент аҳолисининг бир ҳовучигагина хос истак бўлганини 1864 йил октябри ва 1865 йил май-июнидаги шаҳар учун бўлган жанглар аниқ-равшан кўрсатган эди. Шаҳарнинг еттидан етмиш ёшгача бўлган аҳолисининг кўпчилиги бу табаррук замин босқинчи қадами етмайдиган озод юрт бўлишини истаганини, шу олий мақсад учун жон фидо этишга ҳам тайёрлигини ўша жанглар яна бир марта исботлади. Шаҳарнинг энг довюрак, покдомон раҳнамолари Солиҳбек охунд, Абулқосимхон эшон, Ҳаким-

хўжа қозикалон ва бошқалар уни босқинчилардан сақлаб қолиш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилишди, бири-биридан доно тadbирларни амалга оширишди. Бироқ на чора? Қурол жиҳатидан кўп марта устун, бекаму кўст машқ кўрган мунтазам кўшинга эга бўлган, бунинг устига, бегуноҳ шаҳар аҳолисига нисбатан кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган шафқатсизликлар қилган, ҳеч қандай ҳийла ва тубанликдан қайтмаган босқинчиларга бас келмаган Тошкент ҳимоячилари бутунлай қирилиб-битиш хавфи муқаррар бўлиб қолган бир вазиятда сулҳга рози бўлишдан ўзга чора топмаган эди. Шунда ҳам юқорида номлари зикр этилган табаррук зотлар душман билан сулҳ шартномаси тузиш чоғида ўз ҳамюртлари манфаатини ҳимоя этадиган шартлар киритилишига эришиб, катта савобларга дохил бўлишди. Аммо шўро давридагиси камлик қилгандек, ҳатто ҳозирги тарихчиларимизнинг баъзи ишларида ҳам ўша табаррук зотларга вақти-вақти билан тош отилиб турибди. Биргина Ҳакимхўжа қозикалоннинг ўзини оладиган бўлсак, у 1865 йилги Тошкент қамалидан илгарироқ яқинлашиб келаётган даҳшатни башорат қилиб, Бухорога — амир Музаффар хузурига боради, умумий душманга қарши курашда уни Кўқон хони билан биргаликда иш кўришга даъват этади. Амир бу валий зотга арзи ихлос қилиб, барча айтганларини бажаришга ваъда беради-ю, бироқ Тошкент қамали чоғида Искандарбек деган ношуд бир лашкарбошига кўшиб йигирма-ўттиз чоғли сарбозларни юборишдан нари ўтмайди. Шаҳар мудофааси вақтида пайғамбар ёшидан ошиб қолган Ҳакимхўжа қозикалон ўзи истиқомат қиладиган Себзор даҳаси йигитларини ғазотга бошлагани хусусида илгарироқ гапирган эдик. Бироқ айрим тadbирчилар қўлларига тушган тасодифий манбалар ёки турли миш-мишлар асосида шундай табаррук

зотни ҳали кўрқоқлик, хоинлик, ҳали ҳаққи мардумхўрликда ўйламай-нетмай айблашларига ҳайрон бўласан киши.

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Аввалроқ тилга олинган рисолада Самарқанд ҳақида гап борар экан, “1868 йил 2 майда сотқин кишиларнинг бошлиқлари — қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин шаҳарнинг таслим бўлганини билдириш учун Кауфман хузурига келдилар... Шундан кейин Кауфман бошчилигидаги рус кўшини қозикалон, катта оқсоқол ва катта амин кузатувида шаҳарга киради” деган сўзларни ўқиймиз.

Туркистон шаҳри аҳолисини муқаррар ҳалокатдан сақлаб қолиш тadbирини кўрган дин пешволари ҳам номманом келтирилиб, уларга шўролар даврига хос тавқиляънатлар илинади. Масалан, шайхулислом Насрулло Исҳоқ ўғли, Нақиб эшон, Алиакбархўжа Хонхўжа ўғли, қозикалон Отахўжа Бухор ўғли, қози Ботирхўжа Хўжабек ўғли, аълам Абдушукур Қурмонбек ўғли, раис Ғарибхўжа Афзалхўжа ўғли ва бошқалар имзо чеккан, чор кўшини кўмондони Верекин номига битилган мактубдаги “Биз ўзимиз Кўқон хонлиги даврида Мирзо Давлатнинг ғайриқонуний сиқувлари ва зулмидан ҳоли бўлиш учун шаҳар дарвозасини очдик ва ихтиёрий равишда император олий ҳазратларига бўйсундик” деган сўзларни дастак қилган рисола муаллифи “Кўриниб турибдики, бир гуруҳ дин пешволари, биринчи навбатда, ўз имтиёзларини сақлашга кўпроқ эътибор берганлар. Улар шу даражада нодонлик қилганларки, ислом динида бўлатуриб, “кофирлар” қўл остида яшашни афзал кўрганлар. Улар учун имтиёзлар сақланса бас. Амалда улар ёмғирдан қутулиб, қорга тутилган кишилар эди” деб ёзади.

Муаллиф чиқариб юборган бу кескин хулосанинг, бизнингча, чуқур мулоҳазани тақозо этадиган икки жиҳати бор. Биринчидан, юқоридаги кўчирма ўша ай-

тилган мактубнинг асл нусхасидан эмас, балки Оренбург корпуси командирига Сирдарё линияси қўмондони томонидан 1864 йил 27 июнда юборилган 93-сонли рус тилидаги маълумотномадан келтирилган. Шундай бўлгач, унда қандай ўзгартириш ва сохтагарчиликлар мавжудлиги ёлғиз Оллоҳга аён. Қолаверса, бундай мактублар қандай кутқу ва тазйиқлар остида, ҳатто даҳшатли қатағон натижасида уюштирилиши мумкинлиги Тошкент босқини тажрибасидан яхши маълум.

Босқинчиларга Туркистон ва Самарқанд босқини вақтида ҳам Тошкентда ишлатган зўравонлик ва ҳийлагарликлари қўл келган бўлиши жуда-жуда мумкин. Шундай бўлгач, юқоридаги сингари хатти-ҳаракат ва ҳолатларга дуч келганида ҳар қандай тадқиқотчи уларнинг асл сабабларини атрофлича ўрганиб, ўшандан кейин муайян хулосага келса, адолатдан бўлади, деб ўйлаймиз.

Бу соҳада ҳозирги вақтда кишини афсуслантирадиган яна бир жиҳат борки, унга тўхталиб ўтилмаса, назаримизда, масала чала қолади. Гап шундаки, баъзи муаррихларимиз ёзган китобларни ўқисангиз, чор қўшини бутун Туронзаминни забт этган бир неча йиллар мобайнида уларга қарши фақат Алимқулигина фидокорона жанг қилган, фақат Солиҳбек охундгина рост гапни қўрқмай айтган. Тўғри, халқ, меҳнаткашлар курашни давом эттиргани хусусида баъзи фикрлар айтилади. Бироқ бу курашчиларни уюштирган, уларга раҳнамолик қилган қанчадан-қанча йирик тарихий шахслар, фидойи инсонлар бўлган. Кези келганда шуни айтмоқчимизки, Туронзаминнинг чоризм мустамлакасига айлантирилишининг биринчи галдаги душманлари Қўқон, Хева хонлари ва Бухоро амири бўлганини оддий мантиқнинг ўзи тақозо этади. Чунки юртнинг ўз мустақиллигини йўқотишидан энг кўп жабр кўрадиган, энг кўп

хавф-хатарда қоладиган кишилар аввало унинг хони ёки амиридир. Уларнинг умумий душманга қарши курашда бир ёқадан бош чиқармагани, айрим ҳолларда қўшни хонликларда рўй берган фожиаларга лоқайд қараб тургани қоралашга лойиқ ва сабаблари кенг ўрганилиши лозим бўлган масаладир. Чор ҳукуматининг бу борадаги маккорона сиёсати ҳам жиддий аҳамият касб этган. Негаки, чор ҳукумати, бир томондан, хонликларни бир-бирига гиж гижлаб, иккинчи томондан, уларнинг ҳар бири кўнглига ғулу соладиган ваъдалар қилавериб, ораларидаги нифоқни ниҳоятда кучайтирган ва бирлашишга бўлган барча ҳаракатларни барбод қилган. Шу муносабат билан амир Насрулло, ҳеч қандай зарурат бўлмагани ҳолда, сохта даъволар билан Қўқон хонлигига ҳужум қилиб, қирғин уюштириб, у ердаги бойликларнигина эмас, юзлаб гўзал бокира қизларни ҳам Бухорога олиб кетганида Россия императори унинг ҳузурига махсус элчи орқали ёрлиқ юборганини эслаш ўринли бўлур эди. Ёрликда жумладан бундай дейилган: "Қўқондаги тахт учун курашларни бартараф қилиш зарур. Шундан кейин Туркистон ва Тошкент билан Сирдарё бўйигача бўлган ерлар, Жиззахдан бошлаб Ўратепа, Хўжанд, Қўқон, Марғилон ва Қашқар чегарасигача бўлган ерлар Сиз ҳазрати олийларининг қўлларида бўлиб, ҳукмронлик қилишингизни истаймиз".

Сурбетликни қарангки, ана шундай ваъда қилиб, амирликнинг Қўқон ва Хева хонликлари билан алоқасини узил-кесил бузишга муваффақ бўлган император қўшини орадан 12-16 йил фурсат ўтгунга қадар ёрликда амирга муносиб кўрилган Туркистон Тошкентни, Жиззах, Ўратепа ва Хўжандни, бу ҳам етмагандек, азим Самарқандни ҳам Қўқон хонлигидангина эмас, балки қўйни пуч ёнғоққа тўлдирилган Бухоро амирлигидан ҳам тортиб олишдан асло уялмайди.

Чор ҳукумати Петр Биринчи замидаёқ режалаштирган Туронзаминни мустамлакага айлантириш ҳаракатини барбод қилиш учун хонликлар ҳам қўлларидан келганича тадбирлар кўрган. Бу тадбирлар, бир томондан, босқинчилар хонликлар ҳудудига бостириб кириши мумкин бўлган чегара минтақаларида тўпхона ва бошқа қуроолларга эга бўлган қалъалар қуришдан иборат бўлган. Шундай қалъалардан бири бўлмиш Оқмасжидни Амир Умархон 1818 йилдаёқ барпо эттиргани маълум. Сўнгра Худоёрхон ҳукмфармолиги вақтида ҳам ҳозирги Қирғизистоннинг тоғлиқ ҳудудларида анча бақувват истехкомлар вужудга келтирилган. Иккинчи томондан эса, тинч-тотув яшашга эришиш мақсадида дипломатик тадбирлар кўрилган.

Тарихчи Ҳамид Зиёевнинг ёзишича, Оқмасжид қалъаси босиб олинишдан кўп йиллар илгари Муҳаммад Алихон номидан Сибирга Соатбек Султонбек ўғли элчи қилиб юборилади. Чунки бу вақтдаги Фарбий Сибир генерал-губернаторига кўшни мамлакатлар билан дипломатик алоқалар олиб бориш ҳуқуқи берилган эди. Элчини Омскда қабул қилган нияти бузуқ император амалдорлари, гўё илтифот кўрсатгандай, унинг қўлидаги мактуб ва совға-саломларни қабул этиб, уни ёлғон-яшиқ ваъдалар билан юртига қайтариб юборди. Бу воқеа 1825 йилда бўлган эди.

Император ҳукуматининг тажовузкорлик мақсадларини яхши билган Муҳаммад Алихон орадан уч йил ўтгач, нотинчланиб, энди Турсунхўжа ва Мингқурбон бошчилигида 14 кишилик ўта нуфузли элчиларни яна Сибирга жўнатади. Муҳокама этилиши лозим бўлган масалалар ғоят кенг қўламли эканини ҳисобга олиб, бу сафар элчилар пойтахт Петербургга юборилади. Бироқ элчилар топширган хон мактубидаги император кўшинининг Кўқон хонлиги чегаралари-

даги хатти-ҳаракати жиддий хавотир туғдириши ҳақидаги ғоят ўринли огоҳлантиришга Россиянинг ўша вақтдаги бош вазир ўринбосари гўё биз Кўқон савдогарларини кўчманчи қозоқлар ҳужумидан ҳимоя этиб, сизларга ёрдам бермоқдамиз, дея яна алдам-қалдам йўл тутишдан нари ўтмайди.

1836 йилда Муҳаммад Алихон томонидан яна Сибирга юборилган Соатбек Султонбек ўғли бошчилигидаги элчилар Омск вилояти бошлиғига Тошкент бекларбегисининг чор маъмурияти туган хавфли сиёсатдан огоҳлантирувчи мактубини топширади, бироқ бу ҳаракат ҳам ҳеч қандай натижа бермайди.

Оқмасжид қалъаси чор кўшини томонидан босиб олинишдан аввалроқ Кўқон хонлигида бебошликлар чиқаргани учун мингбошилиқ лавозимидан олиниб, қипчоқ-қирғиз зодагонларини ўз атрофига тўплаб, хонлик тахти учун курашни авж олдириб юборган Мусулмонқулидан фойдаланмоқчи бўлган “оқ подшоҳ” кўшини кўмондонлиги йирик жосус — зобит Веляминов-Зерновни Мусулмонқули ҳузурига яширин равишда жўнатади. Мусулмонқули билан Веляминов-Зернов ўртасида ўта махфий битимга келиниб, унда Мусулмонқули ўз қўл остидаги кўп минг кишидан иборат кўшин билан Оқмасжид қалъаси яқинида жойлашган мустамлакачилар кўшинига бирлашиб, Кўқонга ҳужум қилиши, хонни тахтдан ағдариб, бутун хонликни императорлик тасарруфига ўтказиши лозим эди. Бунинг эвазига янги тобе этиладиган хонлик ҳудудларининг барчасига собиқ мингбоши нойиб этиб тайинланиши кўзда тутилган эди. Бироқ бу ўта махфий битимдан хуфиялари ёрдамида воқиф бўлган Худоёрхон олдинроқ отни қамчилаб, бутун хонликни оёққа турғизади. Хоннинг акаси Маллабек бошчилигидаги сон-саноксиз кўшин Билқиллама яқинида бўлган қаттиқ жангларда Му-

сулмонкули бошлиқ кўшинни тор-мор этиб, хоинлик йўли билан тахтни эгалламоқчи бўлган собиқ мингбошини асир олиб, Қўқонда кўпсонли халойиқ олдида дорга осадди. Одатда қаттол жанглардан сўнг рўй берадиган хунрезликлар бу сафар шу даражага бориб етадики, баъзи муаррихларнинг нақл қилишларича, мухолифатдаги кўшин ва қилчочқ уруғига мансуб тинч аҳолидан бир неча минг киши қатл этилади. Мусулмонкули ўз юртини босқинчилар оёғи остига ташлаш ҳисобига тахтга эришиш мақсадида улар билан тузган махфий битим бутун хонликка ниҳоятда қимматга тушади: аҳолининг катта бир қисми қириб юборилганидан ташқари, мамлакат ривожига муҳим аҳамият касб этадиган соҳаларнинг деярли барчасига қаттиқ зарар етади.

Шу муносабат билан Фитратнинг “Абулфайзхон” фожиасида мохирона ифодаланган бир фикрга тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Бу фикр шарқ мамлакатларида салтанат манфаатлари йўлида қон тўкиш масаласига алоқадордир. Фожида Абулфайзхоннинг хожасаройи бўлмиш Улфат унга “Ҳоқонимизга маълумдурким, подшоҳлик қон билан суғориладиган бир оғочдур. Қон оқиб турмаган ерда бу оғочнинг қуриб қолиши аниқдир” дейди. Чиндан ҳам, қон тўкилмаган подшоҳликни тасаввур қилиш амримаҳол. Масалага шу жиҳатдан қаралса, Мусулмонкули бошлиқ гуруҳларнинг хоинлигига ўз вақтида зарба бермаслик, бу йўлда қон тўкмаслик тахминан уч миллион аҳоли яшаган Қўқон хонлигининг 1876 йилга келиб эмас, балки чорак аср илгари босқинчилар оёғи остида топталишига олиб келиши, бу фожиали ҳодиса Бухоро амирлиги ва Хева хонлигининг ўша вақтдаги аҳолига кескин салбий таъсир кўрсатиши шундоқ равшан эди. Ана шуларни ҳисобга олганда, Мусулмонкули хиёнатни билан боғлиқ хунрезлик-

лар кенг кўлам касб этганини оқлаш мумкин бўлмагани ҳолда, босқинчилар ҳийла-найрангига жавоб тарзида Қўқон хонлиги амалдорлари ва биринчи навбатда Худоёрхон кўрган тадбирларни ҳеч қандай изоҳсиз бутунча қоралаш ҳам инсофдан бўлмасди. Зотан, хонликдаги юқори амалдорлар авваламбор мамлакат мустақиллигини ўйлаб иш тутганларига шубҳа йўқ. Узоқ вақт катта куч сарфлаб, мамлакат ичкарисини бирмунча тинчлантиришга эришган Худоёрхон Оқмасжид қалъаси чор империяси кўшини томонидан босиб олинишидан бир неча ҳафта илгари кўшни Россия билан тинчлик муносабатлари ўрнатиш мақсадида кўпгина совға-саломлар билан пойтахтга махсус элчилар жўнатади. Аммо Мусулмонкули — Вельяминов-Зернов битими барбод бўлганидан қазабга келган императорга Қўқон хонлиги элчилари борасидаги хабарни етказганларида у элчиларни Омскдан бери ўтказмаслик, совғасаломларини қабул қилмай, келган жойига қайтариб юбориш ҳақида кўрсатма беради.

Тез орада Оқмасжид қалъаси босқинчилар томонидан эгалланади, аммо Россия — Туркия урушининг бошланиб кетиши босқинчиларнинг Туронзаминни забт этиш ниятини ўн йил муддатга орқага суришга мажбур этади. Шу муддатда Қўқон хонлиги тахтида ҳукмдорлар бир неча бор алмашади. 1858 йилнинг кузида Худоёрхонни енгган акаси Маллахон 1862 йилнинг февралигача ҳукмфармолик қилади. У сарой аъёнлари томонидан ўлдирилгач, Саримсоқбекнинг ўғли Шоҳмуродхон тахт эгаси бўлади. Тез орада тахт яна Худоёрхон қўлига ўтади. Лекин у ҳам валинеъмати амир Музаффар билан бирга Алимқули кўшинидан енгилиб, Бухорога қочгач, 1863 йил июнидан бошлаб Маллахоннинг ҳали балоғатга етмаган ўғли Султон Саидхон тахтга ўтказилади. Чор

аскарлари янгидан қаттиқ ҳужумга ўтиб, бутун Дашти Қипчоқни, шу жумладан Чимкент ва Туркистонни, уларга қўшиб Тошкентни ҳам босиб олиши Султон Саидхон тахтда ўтирган 1863-65 йилларга тўғри келди. Султон Саидхон ҳали жуда ёш ва тажрибасиз бўлганидан унинг амирлашкар унвонига эга бўлган мингбошиси Алимқули бутун ички ва ташқи сиёсатни бошқарар эди. Чимкент ва Туркистон қўлдан кетиб, чор армияси Тошкентга кўз тиккан вақт — 1864 йилнинг кузида Алимқулининг ташаббусига кўра Султон Саидхон номидан ёрдам сўраб Англияга Мулла Хўжабек удайчи, Ҳиндистонга Ҳамроқули эшиқоғаси, Афғонистонга Муҳаммад Назар эшиқоғаси, Туркияга эса Ҳожи Мелибой элчи сифатида жўнатилади. Кўзланган манзилларга Тибет орқали етиб олишлари мумкин бўлган хонлик элчиларига йўлда Хитой маъмурлари халал бериб, улардан атиги биттаси, яъни Ҳожи Мелибойгина Истамбулга етиб олгани, унинг турк султониغا топширган мактуби халқаро кўламда императорлик обрўсига жиддий путур етишига сабаб бўлгани тарихдан маълум.

Бинобарин, Туронзаминдаги уч хонлик ҳукмдорлари чор қўшинлари босқини чоғида қўл қовуштириб, баъзи муаррихларимиз ноҳақ таъна қилганидек, ўз жонларининг хузурини, ов, тўй-томоша, базмлар, ҳарам гўзаллари билан майшатнигина ўйлаб беғам-бепарво яшамаган.

Лекин тадқиқотчиларимиздан бирининг Туркистоннинг чор империяси томонидан босиб олинишига бағишланган ва республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг чоп этилган китобда ҳар учала хонга ҳам хоинлик тавқилаънати илингани, кам деганда, етарлича ўйламай қилинган иш. Мана, ўша китобда ҳар учала хон хусусида айтилган гаплардан бир шингил: “Худоёрхоннинг тақдири золимлиги, калтафаҳмли-

ги ва она юртга хоинлик қилганлиги туфайли жуда фожиали бўлди”; “У (Муҳаммад Раҳимхон демоқчи — Ш.Ю.) хонлик тақдири қил устида турганда хотиржамлик ва бепарволикка берилиб, амалда ўз халқига хиёнат қилди”; “Амир (Бухоро амири Музаффар ҳақида сўз бормоқда — Ш.Ю.) ўз халқига ва ватанига хиёнат қилиб, босқинчиларнинг ишончини қозонишга ва уларнинг олдидаги мавқеини мустаҳкамлашга астойдил интилган”.

Китобни ёпар экансиз, Туронзамин император қўшини томонидан босиб олинган ва мустамлакачилар томонидан идора қилинган ўн йилликлар ичида халқимиздан хоинлар бунча кўп чиқмаса, деган аламли туйғу кўнглингизни хира қилади. Ахир, XIX асрнинг иккинчи ярми — XX асрнинг бошларида рус армияси қурол-яроғларининг зўрлиги, мунтазам машқларда тарбиялангани жиҳатидан уч хонликдаги қўшиндан анча юқори турганини, уни енгиш юртимиз қўшини учун амримаҳол бўлганини ҳамма билади-ку! Императорлик ва Туркистон генерал-губернаторлиги ўта зўравонлик ва маккорлик билан юргизган сиёсат қаршисида ожиз қолган вақтларда хонлар ҳам, уларнинг саркардарлари ва сарой аъёнлари ҳам, дин арбоблари ва бой-савдогарлар ҳам “оқ подшоҳ” ҳамда “яримподшоҳ” билан вақтинчалик муро-саю мадора йўлини тутган, лекин ило-жи топилди дегунча ўз ҳақиқий қиёфаларини намойиш этишдан тап тортмаган ҳоллар кўп бўлган. Шунинг учун ҳам қўлига тасодифан тушган, шубҳали ва чалкаш бўлган бир-икки манбага асосланиб, бу даврда фаолият кўрсатишга мажбур бўлган поқдомон бобокалонларимизни келажак авлодларга юзиқора қилиб кўрсатишдек гуноҳи азимдан жуда-жуда эҳтиёт бўлмоқ даркор.

Шу муносабат билан баъзи мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, 1866 йилда Туркистон губернатори Романов-



ский бошчилигидаги кўшин Жиззах ва Ўратепани босиб олган пайтда Худоёрхон дипломатик мақсадни кўзлаб, унга элчилар орқали табрик ва совгасаломлар йўллагани, орадан бирмунча вақт ўтгач, фон Кауфман Туркистоннинг биринчи генерал-губернатори сифатида Тошкентга келганида Худоёрхон ўзини бегоналардек тутиб, на элчи, на табрикнома йўлламагани, аксинча, мустамлакачи кўшин билан жангга тайёргарликни кучайтириб юборгани ҳақида илгарироқ сўзлаган эдик.

Муҳаммад Раҳимхоннинг салкам ярим асрлик ҳукмфармолик даврида кўхна Хоразмда илм-маърифатга, адабиёт-санъатга, асрлар бўйи яшайдиган меъморий обидаларга, замонавий ҳунарларга, юрт ободончилигига қанчалар эътибор бергани, бу соҳада амалга оширган сон-саноксиз ишлари унга замондош кўплаб муаррихларнинг китобларида келажак насллар учун ёзиб қолдирилган. Ана шу жиҳатларнинг ҳаммасини ҳисобга олган юртбошимиз Хева шаҳрининг 2500 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида Муҳаммад Раҳимхон (Феруз) номини Отсиз, Текиш, Эл Арслон, Султон Муҳаммад, Абулғозий Баҳодирхон сингари бу кўхна юртнинг ифтихори бўлмиш хонлар қаторида санаб ўтгани, уни “фозил инсонлар, маърифатли ва етук сиймолар” сирасига қўшгани гоят ибратлидир. 1896 йилдаёқ генерал-лейтенант унвонига сазовор бўлган забардаст саркардани, моҳирона сиёсати билан Хева хонлигидан узоқ-узоқларда ҳам шухрат қозонган доно ҳукмдорни “сиёсий ва ҳарбий жиҳатдан ўта заиф” дея ерга урган тадқиқотчилар Президентимизнинг юқоридаги сўзларидан ибрат олиб, иш юритсалар яхши бўларди.

Мустамлака ҳукмронлиги даврида фаолият кўрсатишга мажбур бўлган болаларимизнинг асл қиёфасини кўрса-

тишга ҳалал берадиган жиҳатларнинг энг асосийси, бизнингча, қатағон масаласи билан боғлиқдир.

## МУСТАМЛАКА ҚАТАҒОНИ ТАБИАТИ

Мустамлака қатағони ҳақида гап бора-бора экан, аввало унинг табиати хусусида бир оз тўхталиб ўтмоқ керак. Бу қатағон буюк давлатчилик шовинизми кўри-нишларидан бири ҳам, чор империясининг, кейинчалик “қизил империя”нинг муайян минтақаларидагина рўй берган фожиа ҳам эмас. Буни шу билан исботлаш мумкинки, буюк давлатчилик шовинизмини амалга ошириши мумкин бўлган раҳнамоларнинг ўзи қатағонлардан энг кўп жабр кўрди: рус халқининг энг сара фарзандлари осилди, отилди, сурғунларга жўнатилди, бир умрлик майиб-мажруҳларга айлантилди.

Туронзаминда чор мустамлакачилари амалга оширган қатағонлар билан “қизил империя” қатағонлари орасида ўзига хос давомийлик бор эди. Зотан, чоризм мустамлака сиёсатини ҳазм қилолмаган пок қалбли, инсоф-эътиқодли зиёлилар, миллатидан қатъи назар, большевистик мафқуранинг қуюшқонга сиғмайдиган зўравонликларини ҳам қабул қилолмаган эди. Чоризм давридаги қатағонларда Туркистондан “чор империясининг фахрий фуқароси” унвонини олган А.Громов, “Зарафшон” газетасининг муҳаррири М.Морозовлар узоқ муддатли сурғунга жўнатилган бўлса, ўз ростгўйлиги ва довюраклиги билан пойтахтдаги энг йирик амалдорларни даргазаб қилган В.Наливкин рус армияси зобити лавозимидан истеъфога чиқарилиб, кўп йиллар Наманганнинг овлоқ Нанай қишлоғида яшашга мажбур этилди. “Қизил империя” раҳнамолари томонидан 30-йилларнинг иккинчи ярмида ўтказилган, тарихда мисли кўрилмаган қатағонларда эса ўзбек халқининг асл фарзандлари билан бир қаторда ўша вақтда

Ўзбекистонда энг юқори партия ва давлат лавозимларини эгаллаб турган софдил, жўмард рус кишилари, жумладан, партия Марказқўмининг иккинчи котиби Сехер, Ўзбекистон Марказий Ижроқўми раисининг ўринбосари Манжара, Ер ишлари халқ комиссари Зелкина, Халқ комиссарлари Совети Тайёрлов қўмитаси раиси Немцович, Республика комсомол марказқўми котиблари Тарасов, Рехович, шунингдек Родионов, Бавиловский, Соловьев, Лепа, Моор, Гуревич каби кўплаб йирик партия-давлат арбобларини қатлиом ўз гирдобига тортиб кетди. Улар ўзлари билан ёнмаёن ишлашган ва Туркистон халқлари бошига мислсиз фалокатлар келтирган шовинист-большевиклардан қанчалар фарқ қилганининг далили сифатида иккитагина мисол келтирмақчимиз. Туркистон Мухторияти раҳбарларигагина эмас, балки сиёсатга умуман алоқаси бўлмаган сон-саноксиз оддий халқ — ночор қариялар, тўрт девор орқасидаги аёллар, бегуноҳ гўдаклар устига даҳшатли тўплардан ажал ёмғирлари ёғдирилганини, уларни ўлдириш учун бир милтиқ ўқини ҳайф билиб, қилич ва ханжар билан чавақлаб ташлашганини кўрган, лекин бу ёвузликлар йўлини тўсишга на ҳуқуқи, на бошқа бир иложи бўлмаган Д.Манжара чексиз изтиробга тушиб, ғоят танг бир сиёсий вазиятда қуйидаги гапларни ошқора айтишга ўзида жасорат топган эди: “Миллий сиёсатда йўл қўйган хатоларимиз учун Қўқон Мухторияти вужудга келди. Уни йўқотиш пайтида яна бир хатога йўл қўйдик: курол-яроғи деярли бўлмаган мухториятчилар жойлашган Эски шаҳарни қамал қилиш ўрнига биз тўплардан ўққа тутдик, кейин дашноқларнинг куролли тўдаларини ишга солдик. Натижада талон-тарож, номусга тегиш, қирғин бошланди. Бундан мухториятчиларга алоқаси бўлмаган тинч аҳоли жабр кўрди”.

Худди ўша даврда фаолият кўрсатган Туркистондаги шўро ҳукумати таркибида

ҳарбий комиссар бўлмиш К.Осипов эса большевик корчалонлар буйруғи билан ёппасига қамоққа олинган Туркистон Мухториятининг ўттиз нафар раҳбаридан йигирматасини ошқора бўшатиб юборгани маълум. Қолган яна ўн нафар мухториятчини бўшатиб улгурмай, Осиповнинг ўзи қатл этиладиган вазият вужудга келади. Оқибатда рус армиясининг довярак зобити большевиклар қатлидан қочиб, ислом қўшинининг бош қўмондони Мадаминбек қароргоҳидан нажот топади ва истиқлол учун курашчилар сафида тоталитар тузумга қарши фаолиятини давом эттиради. Мустамлака қатағонлари, юқорида айтилганидек, айрим минтақаларга хос ҳодиса бўлмасдан, чор империясининг, кейинчалик эса “қизил империя”нинг беистисно барча ҳудудларида, пойтахтдан тортиб энг чекка қишлоқларида ҳам ўтказилган, аҳолининг барча қатламларини гаҳ деса қўлга қўнадиган қилиб олиш мақсадини ўз олдига қўйган ва бу мақсадга, айтиш мумкинки, тўлалигича эришган мислсиз қўламдаги жиноят эди.

Туркистонда қатағонлар мустамлакачи босқинчилар ўлкамизга шум қадамини қўйган дастлабки вақтлардан, аниқроғи, Тошкент босиб олинган кунлардаёқ бошлангани, миллатнинг фаҳри бўлмиш Солиҳбек охун бошлиқ дастлабки олти зиёли айбнома маълум қилинмасдан, терговсиз, суд ҳукмисиз сургунга жўнатилгани хусусида илгарироқ сўзлаган эдик. Мустамлака қатағонлари эл-юрт-ни тўғри йўлга бошлаш учун халқнинг кўзини оча оладиган, доно, довярак раҳнамолардан жудо қилишга қаратилгани дастлабки чоғлардаёқ яққол кўзга ташланган эди. Зотан, сургун қилинган етти нафар зиёлининг бештаси шаҳардаги мадрасаларнинг бош мударрис ва мударрислари бўлган.

Шундан сўнг яна катта-катта қатағонлар давом этди. Жумладан, 1892 йилги “вабо қўзғолони” муносабати билан

Сирдарё вилоят суди бирваракайига саккиз кишини осиб ўлдиришга ҳукм қилади, орадан олти йил ўтгач, Дукчи эшон кўзғолонида қатнашган 19 киши осиб ўлдирилиб, 3 киши умрбод қаторгага, 16 киши узоқ муддатларга Сибир сургунига жўнатилади. Шу тариқа мақтуллар ва сургун қилинганлар сони тобора шитоб билан ортиб боради.

Туркистон мустамлакасининг ҳар икки босқичида амалга оширилган қатагонлар орасида бевосита алоқадорлик бўлганини исботловчи далиллар жуда кўп. Биз улардан атиги биттасини келтирмақчимиз. Тошкентнинг Гулбозор маҳалласида Йўлчи Иброҳимов деган шахс ўтган. Унинг яқиндагина вафот топган ўғли Темур Иброҳимов билан суҳбатларимиз вақтида отаси Тошкентдаги пахта заводларидан бирининг ишчиси сифатида 1916 йилги мардикор кўзғолонида раҳнамолардан бўлгани сабабли суд ҳукми билан узоқ муддатга Сибирга сургун қилинганини айтганди. Бу далил шўролар даврида чоп этилган “Ўзбекистон тарихи” китобларида қайта-қайта қайд этилган. Бироқ бу китобларда бошқа нарса, яъни мустамлака маъмурияти томонидан Сибир сургунига жўнатилган мазкур мард курашчи февраль инқилоби натижасида сургундан қайтгани, Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг турли вилоятларида раҳбарлик лавозимларида ишлаб, 30-йиллар иккинчи ярмидаги қатагонлар даврида НКВД томонидан яна қамоққа олиниб, Қозоғистон ҳудудидаги қамоқхоналардан бирида қатл этилгани ҳақида ҳеч гап йўқ. Йўлчи Иброҳимовнинг фарзандлари кўлида у 1940 йилда Қозоғистон қамоқхоналаридан бирида гўё касалликдан вафот этгани хусусидаги бир саҳифа қоғоздан бўлак бошқа ҳеч қандай ҳужжат йўқ. Шундай қилиб, Йўлчи Иброҳимовнинг чор мустамлака тузуми зулмига қарши курашганлиги унинг “қизил империя” даврида иззат-икромда яшашига эмас,

балки зулм-зўравонликни янада авж олдириб юборган шўро тузуми учун хавфли душман сифатида қораланиб, ҳаёт ришталари узилишига сабаб бўлган.

Мустамлака қатагонлари билан боғлиқ яна бир нозик жиҳат ҳам бор. Гап шундаки, қатагонга учраб, жисмоний маҳв этилган ёки сургунларга жўнатилган барча кишиларни бирваракайига оқлаб бўлмайди. Чунки баъзилар ўз юрти манфаатлари йўлида фидоийлик кўрсатганликлари учун эмас, балки ғаразли мақсадларни кўзлаб, мустамлакачилар билан амал талашгани, бунда ўз ҳамюртлари бошига кўп қулфатлар ёғдирадиган қилмишлари учун ҳам қатагон қилинган. Шундайлардан иккитаси хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Булар сохта Пўлатхон ва Абдурахмон офтобачидир. Чиндан ҳам, уларнинг биринчиси император Александр Иккинчи фармони билан Кўқон хонлиги тугатилиб, унинг ўрнида Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фарғона вилояти тузилган кунларда ўз ҳамюртлари томонидан қўлга олиниб, мустамлака маъмурияти уни эл-юрт кўзи олдида осиб ўлдирган, иккинчиси эса ўзи зимдан хизмат қилган мустамлакачилар томонидан Екатеринославга сургунга жўнатилган эди. Пўлатхон бор-йўғи бир неча ой давом этган “хонлик” чоғида юзларча, мингларча кишиларнинг қонига зомин бўлади, ҳатто бешикдаги бегуноҳ чақалоқларни кундага қўйиб, қилич билан чопиб ташлагани сабабли эл-юрт нафратига учраб, халқ орасида “Заҳҳоки соний” деган лақаб ҳам олади. Абдурахмон офтобачи эса, бир ёқдан, сохта Пўлатхонни чор кўшинига қарши жиҳодга гиж гижлаб, хазинанинг катта қисмини ўмарса, бошқа ёқдан, мустамлака маъмурларига яхши кўриниш учун Пўлатхонни ушлаб беришни ваъда қилиб, кўп найранглар кўрсатади.

Ана шу жиҳатларни ҳисобга олганда, чор маъмурияти томонидан қатагон

килинган бу ҳамюртларимизни асло оқлаб бўлмайди. Чунки улар кишида ачиниш эмас, балки нафрат уйғотади.

### ЗЎРНИНГ КУЧИ — ШАПАЛОҚ...

Чор мустамлакачилари Туркистонда ўта шафқатсиз, айни вақтда, киши ҳайрон қоларли даражада маккорона сиёсат юргизган. Бир томондан, улар мустамлака тузумига ёқмай қолган шахсларни оммавий тарзда жисмоний маҳв этиб, каторга ва сургунларда умрини чиритган, айрим шахсларнинг исёнкорлик фаолияти учун юзлаб-минглаб қарияларни, аёлларни, бешикдаги чақалоқларни тигдан ўтказган бўлса, иккинчи томондан, бутун халқнинг чексиз нафратига сабаб бўлган бу ваҳшийликлар учун ўша даврдаги баъзи амалдорларни айбдор санаб, уларни “хўжакўрсин”га лавозимларидан олиб, паст мансабларга қўйган, шу билан гўё адолатли иш тутгандек таассурот пайдо қилиб, маҳаллий халқ газаби алангасини пайсайтиришга уринган. Лекин қор ёғиб, излар босилгач, ўша ўта золим амалдорларнинг қилмишлари бироз унутилгач, яна ҳам беҳаёларча иш тутиб, уларни аввалгидан ҳам юқори вазифаларга, ҳатто ўлканинг бош ҳукмдори лавозимига тайинлаб юборилаверган. Масалан, Тошкентни ўта ваҳшиёна усуллар билан босиб олган Черняевнинг бу иши уч хонликдагина эмас, балки узоқ-яқин хорижий мамлакатларда ҳам чор ҳукумати-нинг обрўсига катта путур етказадиган шов-шувларга сабаб бўлган, баъзи мамлакатларнинг ҳукуматлари подшо ҳукуматига кескин норозилик ноталарини ҳам йўллаган эди. Шундай қалтис бир вазиятда император ва сарой аъёнлари Черняевни пойтахтга қақриб олиб, уни лавозимидан маҳрум этади. Лекин орадан ўн олти йил ўтиб, ўлканинг генерал-губернатори фон Кауфман вафот этиши биланоқ Черняев оддий губер-

натор эмас, балки генерал-лейтенант ҳарбий унвонида Туркистон генерал-губернатори лавозимига тайинланади.

1892 йили Тошкентда бўлиб ўтган “вабо қўзғолони”ни қонга ботирган, гуноҳи бор-йўқлигидан қатъи назар, кўплаб кишиларни солдатлар ўқига учирган, “Ўрда” сувига чўктирган, тирноқ орасидан кир қидириб, баъзан оилалардан тўрт-бешталаб одамларни асоссиз равишда қамоққа олишни буюрган Сирдарё вилояти ҳарбий губернатори Гродеков орадан бир неча ой ўтгач, (1893 йилнинг мартада) Россия императори розилиги билан вазифасидан озод этилган эди. Бироқ орадан ўн уч йил ўтиб, Туркистон ҳудудида муҳим тарихий-сиёсий воқеалар рўй бериб турган бир паллада, илгари вилоят ҳарбий губернатори лавозимига гўё номуносиб кўрилган бу жаллодтабиат шахс ҳам энди бутун ўлканинг бош ҳукмдори — “яримподшо” лавозимига тайинланади. Бунда Гродековдан сон-саноксиз зулм ва қотилликлар кўрган маҳаллий аҳолининг унга чексиз газаб-нафрат билан қараши императорлик доиралари томонидан бир чақага ҳам олинмайди.

Шу тариқа Туркистондаги мустамлака тузуми даврида мамлакатни бошқаришда ҳам чексиз зўравонлик, ҳам ўта ҳийлагарлик сиёсати амалга оширилган. Аммо “қизил империя” даврига келиб зўравонлик сиёсати мисли кўрилмаган даражада кенг кўлам ва қудрат касб этади. Асрнинг йигирманчи йиллари охиридан бошлаб иш шу даражага етдики, бутун собиқ СССР ҳудудида қатағондан кўрқмайдиган, ўз дилидаги гапни тап тортмай айта оладиган бирор киши қолмади дейилса, лоф бўлмас. Энг қуйида энг юқоригача бўлган барча ходимлар учун партия йўлидан бир қадам четга чиқиш ҳалокат билан тенг бўлган мислсиз танг вазият вужудга келтирилган эди. Иш шу даражага бориб етдики, Ўзкомпартия Марказқўмининг биринчи

котиби Акмал Икромов партиянинг 1927 йилда бўлиб ўтган пленумида “Бошқача фикрловчи кишига партиямизда ўрин йўқ” дея марказнинг фикрини очиқ-ойдин ифодалади. У даврларга келиб тобора қатъий амал қилинган сиёсатга кўра, бошқача фикрловчи кишига партиядоғина эмас, ҳаётнинг ўзида ҳам ўрин қолмайдиган вазият яратилган эди.

Акмал Икромовнинг Ўзкомпартия пленумидаги бу фикри тасодифан айтилган эмас эди. Гап шундаки, ундан бирмунча вақт илгари ўша вақтда СССР Марказий Ижроия қўмитасининг ҳамраиси ва Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Советининг раиси бўлиб ишлаган Файзулла Хўжаев “Бухоро инқилоби тарихига доир” рисоласини нашр этади, унда жадидчиликнинг баъзи ижобий томонлари хусусида қўрқа-писа бўлса ҳам тўхталиб ўтишни лозим топади. Лекин ўша вақтдаги коммунистик мафкура найзабозлари Файзулла Хўжаевнинг бу қарашларини ўта хавфли ҳисоблаб, уни жадидчиликни идеаллаштиришда қаттиқ айблайди. “Коммунистическая мысль” журналининг 1926 йилги 1-2-сонларида Г.Туркестанский имзоси остида рисола муаллифини йўл қўйиб бўлмайдиган хатоларда айбловчи тақриз чоп этилади.

Кейинчалик маълум бўлишича, Файзулла Хўжаев китоби хусусида тухматнома эълон қилдирган муаллиф ўз имзоси билан эмас, балки сохта имзо остида иш кўрган экан. Кейинчалик у аслида Г.Туркестанский бўлмади, ўша вақтда САКУ (Ўрта Осиё коммунистик университети)нинг кафедра мудири С.Галузо экани аён бўлиб қолди. Тухматчи-тақризчи нопок ишга қўл ургангани, вақти келиб тарих олдида юзи қора бўлишини кўнглининг бир чеккасида бўлса ҳам сезганидан шундай йўл тугган бўлиши керак: Зотан, тарих фанлари доктори Дилором Алимова “Файзулла Хўжаев: икки ўт орасидаги ҳаёт” мақоласида (“Фан ва турмуш”, 1996 йил 5-сон)

тўғри таъкидлаганидек, “У (тақриз — **Ш.Ю.**) юқорининг буюртмаси билан ёзилган эди”. Синчков олиманинг ўша мақоладаги бошқа баъзи фикрларига назар ташласак, у айтган “юқори” кимлар эканини ҳам англаб олиш қийин эмас. Ўша йилларда Тошкентда ВКП(б) Марказқўмининг Ўрта Осиё бюроси фаолият кўрсатар ва унга бошлиқ қилиб шовинист Н.Бауман Москвадан махсус юборилган эди. У “Бухоро инқилоби тарихига доир” китоби эълон қилинганидан кейин унинг муаллифига қилинган хуружларни хузурланиб кузатар, Файзулла Хўжаевнинг ўз лавозимида хотиржам ишлашига йўл бермасди. Ўзбекистоннинг йирик давлат арбоби кўп томонлама тазйиқлардан сўнг ўз китобини қайта ишлагани, жадидчиликни баҳолашда коммунистик марказ қарашларига мос келадиган фикрларни айтгани, йирик партиявий йиғинларда ўз “гуноҳ”ларини тан олиб, қайта-қайта тавба қилишлари ҳам Н.Бауманга ўхшаш ашаддий шовинистларни, Москванинг ҳар бир имо-ишорасига “лаббай, хизматингизданман” деб турадиган маҳаллий корчалонларни қаноатлантирмас эди. Ниҳоят, 1932 йилга келиб, Тошкент шаҳар партия йиғилишида нутқ сўзлаган Н.Бауман яна Файзулла Хўжаевнинг “миллатчилик характеридаги мафкуравий хатоларини”ни таҳқирловчи бир оҳангда танқид қилади. Ана шундай танг вазиятда фаолиятини давом эттиришга мажбур бўлган Файзулла Хўжаевнинг ўша вақтларда айтган “қизил” сўзлари учун айблаб, унга субутсизлик тавқилаънатини илиш тарих ҳақиқатига зид иш экани хусусида тўхталиб, Дилором Алимова “шошма-шошарлик билан хулоса чиқариш, унинг қандай фожиали муҳитда яшаганини тушунмаслик бўлур эди” деган тарихан ҳаққоний фикрни илгари суради. Бизнингча, бошқа тарихчиларимиз ҳам юртимиз тарихида яқин ўтмишда рўй берган воқеаларни, тарихий шах-

сларнинг фаолиятини баҳолашда юқоридаги каби йўл тутса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Энди мушоҳада қилиб кўрайлик: бир томонда Файзулла Хўжаевнинг жадидчилик хусусидаги ҳақиқатнинг бир чеккасини бўлса ҳам халққа маълум қилиш мақсадида кўлга қалам олиб ёзгани, иккинчи томонда — унинг елкасида қасос қиличи ўйнаб турган фожиали дамларда ўзини ҳимоя қилиб турли йиғинларда ноилождан айтишга мажбур бўлган сўзлари. Шулардан қай бири унинг самимий дил рози, қалб даъвати билан айтилган сўзлар? Шубҳасизки, жадидлар масаласида рўй берган воқеаларнинг, юзага келган юқоридаги сингари хужжатларнинг сабабларини атрофлича мушоҳада этиш, тагматнини ўқиш Файзулла Хўжаевнинг олдинги мулоҳазалари чин эканига, унинг дилида қанчадан қанча ҳаққоний гаплар қолиб кетганига кўпроқ ишонч ҳосил қилади кишида. Бугина эмас, бошқа кўплаб ростгўй, довжурок жадидларни ҳам “қизил империя”нинг ваҳшиёна сиёсати қомига тортиб кетган, уларни ўз иймон-этиқодига зид гапларни асарларида ёзишга, катта йиғинларда айтишга мажбур қилган эди. “Қизил империя”нинг мунтазам қатағонларга асосланган сиёсати буюк истиқлол курашчилари бўлган энг табаррук зотларни ҳам у билан мурсою мадора қилишга, бошқа чора топилмаган ҳолларда жазо органларини, цензурани чалғитиш учун айланма йўллардан ўтишга мажбур этган. Масалан, шариат арконларини камоли этиқод билан адо этган буюк адиб Абдулла Қодирий “Мен Шарқ озодлиги ва унинг мазлум пролетариати саодатини фақат ленинизм орқасида вужудга чиқишига ишонган бир киши, Маркс ва Лениннинг ҳароратли шогирдиман. Чунки мен Лениндан руҳ олиб, Марксдан илҳомландим” деб ёзганини эслайлик. Абдулла Қодирийнинг миллион-миллион қалбларга иймон ну-

рини жо қиладиган табаррук асарларининг “Дин — халқ учун афъондир” шиорини байроқ қилиб олган марксча-ленинча даҳрий қарашларга қанчалик дахли бўлиши мумкин?

Ўзбек шеърини зарварақларини битган Абдулҳамид Чўлпон йигирманчи йиллар ўрталаридан бошланган таъқиб ва тазйиқлардан зада бўлиб, энди шўро мафкурасига хуш келадиган шеърлар ёзишга, ўзининг юксак этиқодига зид мисралар битишга, уларни бир тўпلام ҳолида чоп этириб, қаддини бир оз тиклаб олиш мақсадида шундай йўл тутишга мажбур бўлади. 1935 йилда “Соз” номи билан чоп этилиб, кўплаб тадқиқотчилар томонидан шоирнинг гўё “социалистик тузумнинг ҳаётбахш таъсири остида шўролар позициясига ўтгани” далили сифатида баҳоланган бу тўпلامга синчиклаб назар ташласангиз, аввал билган Чўлпонни деярли кўрмайсиз. Октябрь инқилобини, шу инқилобдан кейинги ўн йил ичида гўё “мислсиз гуллаб-яшнаган” Ўзбекистонни, Ленин ва Сталинни кўкларга кўтариб мақташ Чўлпоннинг ўз мавзулар доирасини ниҳоятда “шўроларбоп” қилиб ўзгартиришга мажбур бўлганидан дарак беради. Айни вақтда шўролар ногорасида қараб ўйинга тушган ўзига замондош ҳам-касблари сингари Чўлпон ҳам халқимизнинг оламга машхур шонли тарихини фақат қора бўёқларда кўрсатишдан бўлак чора топа олмаган эди. Мулоҳазаларимиз далилсиз бўлмаслиги учун “Диёрим” шеърдан айрим мисралар келтирмоқчимиз:

*Бемаъни тарихни ёндирди инқилоб,  
Сен қўйган талабни қондирди инқилоб,  
Қарғалган кечмишдан тондирди инқилоб,  
Келажак меҳрини кўнглингга жойлаб.  
Ҳеч ердан мен кутган зарварақ чиқмади,  
Игнадек ялтираб бир варақ чиқмади,  
Ҳасрат-ла аламга бир қироқ чиқмади,  
Миямда беҳуда хаёллар тўқидим.*

Сиртдан қараганда, “бемаъни тарихимиз, қарғалган кечмиш”, “унда игнадек ялтираб бир варақ чиқмади”. Наҳотки, Чўлпондек тарихимизни пухта билладиган, зукко, бунинг устига, жасоратда тенгсиз қалам соҳибининг ифтихоримиз бўлган тарихимиз борасидаги дилрози шулардан иборат бўлса?!

Ўзбек жадидлари орасида Оллоҳнинг инояти билан омон қолган бармоқ билан санарли кишилардан бири Садриддин Айнийдир. Унинг ўтмишида шўроларга хуш келган муҳим бир жиҳат ҳам бор эди. Айний Бухоро амирлиги амалдорларига асло ёқмаган, жадидчилик фаолияти учун қаттиқ жазоланган, яъни чалаўлик ҳолига келгунча 75 дарра урилган эди. Амир томонидан ошқора жазоланган бу улкан ижодкорга бир томондан ишонч билан қараб, шўро идоралари ишига жалб этган “қизил империя” корчалонларига Айнийнинг октябрь тўнтариши ғояларига зид бўлган жадидчилиги асло ёқмас, бошқа жадидлар қатори унга ҳам тез-тез тош отиб туришар эди. Ёзувчининг кетма-кет таъқиб ва тазйиқларга дуч этилиши, унга сафдош жадидларнинг аксар кўпчилиги 20-йиллар охири ва 30-йиллар бошида қатағон қилиниши шунга олиб келдики, Айний домла умрининг охирига қадар фахрланиб яшган жадидчилик фаолиятини матбуотда қоралаб чиқишга ва гўё “чиркин жадидизм ботқоғидан” қутқарган коммунистик партия ва шўро ҳукуматиға миннатдорлик билдиришга мажбур бўлди. У тожик тилида чоп этилган “Барои адабиёти социалисти” (“Социалистик адабиёт учун”) ойномасининг 1935 йилги II-12-сонларида эълон қилинган бир мақола-сида бундай деб ёзган: “Мен ўз ҳаётимни мадрасаларда, эски хулқ ва урфодатлар муҳитида ўтказдим, чиркин жадидизм ботқоғига ботиб қолдим. Фақат коммунистик партия ва шўро ҳокимиятиға мени қайтадан дунёга келтира билди ва қайтадан ярата олди”.

Шўролар тузумининг таъқиб ва тазйиқи бука олмаган бирор иродали зиёлини, илгарироқ айтганимиздек, тасаввур қилиш қийин. Ҳатто Тошкент жадидларининг отаси бўлмиш Мунавварқори Абдурашидхон ўғли ҳам бундай сиёсатдан қаттиқ зада бўлган чоғларида “Жадидлар октябрь инқилобиға ёмон қараган бўлса эди, 20-21 йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эди” деган фикрни айтишдан ўзга чора топмаган эди. Гапнинг ростига кўчиладиган бўлса, Акмал Икромов Ўзбекистон комсомолининг II пленумида (1926 йил 19 май) айтганидек, жадидлар октябрнинг бир томонида, коммунистлар эса бошқа томонида бўлганди. Қолаверса, жадидлар, Мунавварқори айтганидек, 1920-21 йилларга қадаргина эмас, балки ундан бир неча ўн йиллар кейин ҳам шўро идораларида ишлайверган. Лекин бу асло уларнинг “қизил империя”га сидқидилдан кўрсатган садоқати намунаси эмас эди. Шунга қарамай, уларнинг 1937-38 йиллар қатағонигача яшаб келган аксар қисми қамоққа олиниб, жисмоний мавҳ этилди, борса-келмас жойларга сургунга жўнатилди.

### ЎЗИМ ГУВОҲ БЎЛГАН ФОЖИА

Шўро қатағонлари даврида уларни амалга оширувчи жазо органлари қанчалик сурбетлашиб, ҳеч ким халал бера олмайдиган ҳуқуқларга эга бўлиб олганини ўзим гувоҳи бўлган бир даҳшатли воқеа орқали кўрсатиб ўтмоқчиман.

Биз қатори ёшлар адабиёт илмиға кириб келган 50-йилларнинг боши ғоят мураккаб давр бўлиб, бадий ижоднинг ҳам, адабиётшуносликнинг ҳам мавзулар доираси ғоят чекланган, ёзувчининг, тадқиқотчинининг қалби партиянинг мулки деб эълон қилинган давр эди. Яна ҳам кўрқинчлироғи шу эдики, ўзбек зиёлларининг ифтихори бўлмиш

Саид Аҳмад, Миркарим Осим, Шуҳрат, Мирзакалон Исмоилий, Ҳамид Сулаймон, Муҳиддин Қориёқубов, Абдураҳмон ва Наби Алимӯхамедовлар, Ёнгин Мирзо, Неъмат Тошпўлат ва бошқалар бирин-кетин қамоққа олинган, ижод ва илм аҳлининг деярли ҳаммаси эртага яна қандай фалокатлар ёпирилиб келишини ўйлаб, кеча-кундуз хавотирда яшаб турган давр эди.

1952 йил ёзининг охири эсимда. Ўша вақтда ўрта мактабларнинг юқори синфлари учун адабиётдан дарслик ва хрестоматиялар тузган Фулом Каримов, Ҳомил Ёқубов, Субутой Долимов сингари йирик олимлар бошида қора булут пайдо бўлиб, аксар қисми лавозимидан бўшатишган, адабиёт бўйича улар тузган дастур, хрестоматия ва дарсликлар зарарли ҳисобланиб, тақиқлаб қўйилган эди. Улар ўрнига кўпчилиги бу соҳада тажрибасиз ёш мутахассислардан дарслик ва хрестоматиялар тузиш бўйича янги гуруҳ иш бошлаган, улар ичида камина ҳам бор эдим. Жумладан, Юсуф Султон, Абдулла Суюмов ва мен тузишимиз керак бўлган 9-синф адабиёт хрестоматиясидан ўша вақтларда мақтовларга кўмиб ташланган Владимир Маяковскийнинг “Владимир Ильич Ленин” достони ҳам ўрин олиши керак эди. Достонни Мақсуд Шайхзода ўзбекчалаштирган бўлиб, таржима ўқувчилар орасида манзур ва машхур эди. Бироқ достон хрестоматияга киритилиш арафасида қалтис даврнинг заҳарли тиғи Шайхзода домла қалбини ҳам четлаб ўтмади. Унинг найзабоз ҳамкасб мухолифлари қилдан қийиқ ахтариб, туппа-тузук таржима баҳонасида Шайхзода ни ёмонотлиқ қилмоқчи бўлишди. Улар бутун бошли достон таржимасида учраши табиий бўлган майда-чуйда камчиликларни рўқач қилиб, бутун таржимани яроқсизга чиқарувчи тақриз эълон қилдиришди. Шундан сўнг тез кунларда Мақсуд Шайхзода хизматдан

ҳам, Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ҳам, Тил ва адабиёт институти илмий кенгаши аъзолигидан ҳам чиқарилди. Хрестоматия тузувчилар ўта мушкул аҳволда қолдик. Мушкуллик шунда эдики, достон таржимасини қисқа вақт ичида чоп этилиши керак бўлган хрестоматияга киритиш зарур эди. Мавжуд таржима яроқсиз деб эълон қилинган, уни янгидан таржима қилиш учун эса узоқ муддат лозим эди.

Ўша кунларнинг бирида республикамизнинг биринчи раҳбари Амин Ниёзов партия Марказқўмидаги ўз хонасида янги дарслик ва хрестоматияларнинг аҳволи юзасидан кичик кенгаш ўтказди. Кенгашда бу ишга мутасадди қилинганлардан ташқари, ўша вақтдаги Марказқўм мактаблар бўлими мудирини Эминжон Қодиров, республика маориф министри Абдулла Муродхўжаев, ўқув-педагогика нашриёти раҳбари қатнашди. Турли масалалар бўйича ахборотлар тинглангач, Ниёзов сўзлаб, кечагина Мақсуд Шайхзода билан учрашганини, унга ўзи “бузган” достон таржимасини ўзи “тузатиб” таржима қилишни топширганини, янги тузилаётган хрестоматияда ана шу янги нусхадан фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг Шайхзодага зудлик билан моддий шароит яратиб бериш, бўлажак таржима юзасидан бўнак — аванс тўлашни нашриёт директори га топширди. Биз масала нуфузли доирада ижобий ҳал этилганидан хотиржам бўлиб, ишга қизгин киришиб кетдик. У вақтда биз Министрлар Советининг Қибрайдаги боғида йиғилиб ишламоқда эдик. Шайхзода домла эса бир-икки кун ўтиб, ўша боққа чиқиши ва янги таржимани бизнинг ҳузуримизда амалга ошириши тайин қилинганди. Бироқ тайин қилинган куни боққа чиқмаган Шайхзода Давлат хавфсизлиги қўмитаси томонидан қамоққа олинганини эшитиб, ҳанг-манг бўлиб



қолдик: наҳотки, республиканинг бош раҳбари эл-юртга таниқли, шуҳрати узоқ-узоқларга кетган шоирнинг қаттиқ сиёсий айб билан ҳибсга олинишидан уч-тўрт кун илгари хабардор қилинмаса, наҳотки, фақат Москва билан иш тутадиган, лекин Ўзбекистон компартияси Марказқўмининг бюро аъзоси сифатида партия низомига кўра, Амин Ниёзовга бевосита бўйсунуши керак бўлган республика Давлат хавфсизлиги қўмитаси бошлиғи С.Огольцов худди Ниёзов Шайхзодани кечагина қабул қилиб, унга муҳим ижтимоий вазифа топширганини, яна бу гапни 15-20 кишилик кенгашда турли тоифадаги ходимлар ҳузурида ошкора билдирганини назарписанд қилмаса? Бундай беобрўгарчиликни ДХҚ оддий иш тартиби ҳисоблаганидан республика бош раҳбари қандай оғир изтиробларни бошдан кечирди экан?

Ана шуларнинг ҳаммасидан кейин бошқа оддий зиёлиларнинг инон-ихтиёри, эрки, конституцион ҳуқуқи ҳақида гап бўлиши мумкинмиди, деб ўйлаб қоласан киши.

Айтилганлардан кўринадики, инсоннинг эркин яшаши, эркин фикрлаши, ўз фикрини эркин ифодалашига тарихий вазият, атроф-муҳитда рўй бераётган воқеалар монелик қиладиган бир шароитда тарихий шахслар амалга оширган ишларнинг, улар айтган фикрлару имзо чеккан ҳужжатларнинг, даврий ва нодаврий матбуот материалларининг, даврнинг турли муҳим воқеаларига



ҳукмрон тузум манфаатларини кўзлаб берилган баҳоларга бир-биридан кескин фарқ қиладиган муносабатнинг икки тури бор. Уларнинг биринчиси — воқеа ва ҳодисаларнинг, шахслар хатти-ҳаракати ва ҳужжатларнинг юза қатламидаги бир қарашдаёқ кўриниб турадиган томони асос қилиб олишдан нари ўтолмаслик, иккинчиси эса — уларнинг ботинига, оддий кўз илғамайдиган таг-тагига яширинган асл моҳиятини аниқлаб, тўла идрок этгандан кейингина узил-кесил тўхташга келиш. Ана шу кейинги усул Туронзаминдаги 130 йиллик даҳшатли мустамлака шароитида юз берган муҳим воқеаларни, ўша даврда яшаб, фаолият кўрсатиш Оллоҳ томонидан пешонасига битилган аждодларимиз амалга оширган ишларни бутун мураккаблиги билан англаш ва тўғри баҳолашда алоҳида аҳамият касб этади, деб ўйлаймиз.

Мана шу мисолларнинг ўзиёқ янгилиниш йўлидаги тарихимиз учун ўтмиш воқеаларга, шахслар фаолиятига ҳолис ва илмий асосда ёндашиш нақадар муҳим аҳамият касб этишидан дарак беради.


Тарихни ўрганишдан мақсад — кимнидир қоралаш, кимнидир мақтаб, кўкка кўтариш эмас. Тарихни ўрганишдан мақсад — ҳақиқатни англаб, тараққиёт қонуниятларини тушуниб етиш ва келажак учун зарур ҳулосалар чиқаришдир. Истиқлол бизга ана шундай имкониятни берган экан, унинг қадрига етиб, тарих ҳақиқатини баён этайлик.



*Yaman ıřa, 603 ıřa...*



Сафтер НАГАЕВ



## El qalbining tarjimoni

“Тилда, фикрда ва ишда бирлик лозим”. Бу шиор қадимда умумий илдизга эга бўлган, сўнг тақдир тақозосига кўра бўлиниб кетган қардош халқларнинг бошини қовуштириш эҳтиёжи туфайли дунёга келди. Буни илк бор буюк маърифатпарвар Исмоил Гаспринский бундан юз йигирма беш йил аввал айтган эди. Эҳтимол, бугун кўпчиликка бу исм у қадар таниш эмасдир. Лекин юз йил муқаддам у туркий дунёда жуда машҳур эди. Қашқардан Лондонгача, Санкт-Петербургда Бўмбайгача доврўқ таратган бу зотни 1910 йили Франциянинг ўша вақтда-


ги энг нуфузли “Ревью ди монде му-сулмон” журнали буюк хизматлари учун тинчлик соҳасидаги халқаро Нобель мукофоти тавсия этган. Мазкур ташаббусни хорижий мамлакатлардаги жуда кўп матбуот нашрлари қўллаб-қувватлаб чиққани ҳам тарихий ҳақиқат. Таассуфики, бошланиб кетган алғов-далғовли давр сабабли бу хайрли иш якунини топмади.

Гаспринский вафот этганида машҳур озарбойжон адиби ва жамоат арбоби Наримон Наримонов шундай деб ёзди: “Миллат Исмоилбек каби қаҳрамонларни унутса, ўз ҳаётини барбод этажакдир”. Бу — шунчаки маддоҳлик учун айтилган баландпарвоз гап эмас эди. Исмоил Гаспринский том маъно-

Сафтер НАГАЕВ. Ёзувчи ва публицист, «Соғлом авлод» журналининг бўлим мудир.

да эл тарбиячиси бўла олди. У бу мақомга буюк хизмати — ўзи ташкил этган “Таржимон” газетаси орқали Россия империяси сарҳадидаги қадди буюк, ҳоли забун бўлган, бегоналашиш даражасига етган туркий халқларни бири-бирига таништиргани боис эришди. Худди шу йўл билан у Шарқ халқлари маънавий ҳаётида, хусусан, мактаб ва маорифда чинакам инқилоб ясаган, “усули жадид” номи билан тарихга кирган улкан маърифий-маънавий ислохотни бошлаб берди. Гаспринскийнинг “Таржимон” газетаси ўша вақтда шу қадар оммалашдики, Қиримнинг Боғчасарой шаҳрида чоп этилса-да, у Россиядагина эмас, бутун ислом дунёсида тарқалди. Африканинг Занзибаридан тортиб, араб дунёси ва Ҳиндистон мусулмонларигача газетани интиқиб кутар ва севиб ўқир эди. Чунки одамлар мусулмон Шарқида рўй бераётган воқеаларга русларнинг муносабатини биринчи бўлиб худди шу газета орқали билишарди. Қолаверса, газета Лев Толстой сингари тараққийпарвар шахслар мулоҳазалари билан бирга Миср, Туркия, Ливан, Ҳиндистон ва Хитойдаги мусулмон зиёлиларининг ўз миллий илдизларини билишга интилишларини тарғиб этардики, бу маънавий жасорат экани билан ҳам янада эътиборли эди. Бинобарин, бу даврда Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар либерализм мафкураси деб аталган дунёқараш шу тариқа пайдо бўлди ва у асосан мусулмон дунёсида шаклланди. Мазкур ҳодисанинг энг ҳайратланарли қирраси шуки, Россия либерализми кўп қийинчиликни бошидан кечираётган бир даврда подшоҳ оиласининг истироҳат маскани бўлмиш Ялтанинг шундоқ биқинидаги Боғчасарой шаҳрида Россия империясидагина эмас, балки бутун дунёдаги вазият таҳлил этилиб, оламшумул хулосалар чиқарилган. Бир томондан, замоннинг нотантилигини қарангки, ана шу му-

ҳитнинг  
етакчи  
бунёдкори  
бўлган Ис-  
моил Гаспринский-  
нинг тар-  
жимаи  
ҳоли ҳам,  
фаолияти  
ҳам авлод-  
лари учун  
узоқ вақт  
бегона  
бўлиб кел-  
ди. Унинг



ҳаёти ва ижоди турли уйдирма ва янглиш қарашларга қоришиқ ҳолда баён этилди. Иккинчи томондан, тақдирнинг тантилигини кўрингки, XX аср охирига келиб Гаспринский сингари маърифатпарвар аждодларимизнинг энг улуғ армони рўёбга чиқди: империя исканжасида эзилган халқлар, жумладан, ўзбек халқи миллий мустақилликка эришди. Бу буюк иноят шарофати билан истиқлол учун жонини фидо қилган маърифатпарвар боболаримизнинг номи ва шаъни тикланиб, эъзозланмоқда. Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавварқори, Чўлпон, Фитрат каби буюк инсонларнинг ғоявий устози ва маслакдоши бўлган Исмоил Гаспринскийнинг номи ҳамда фаолияти ҳам авлодларига таништириляпти. Унинг асарлари чоп этилди, у ҳақда мақола ва китоблар ёзилди. Шунингдек, Боғчасаройда мақбараси тикланди.

Бироқ Гаспринский шахсияти билан боғлиқ юмушлар поёнига етди, дейишга ҳали эрта. Зеро, 1918 йилдан кейин унинг номини тилга олиш таъқиқлангани, матбуотда эса у фақат нафрат билан эслангани боис тарихий ҳақиқат ҳали тўла намоён бўлган эмас. Шўролар даврида Гаспринскийнинг ғоялари, асар ва мақолалари билан танишиш ёхуд бу ҳақда фикр билди-

риш мумкин эмас эди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларигача унга сиёсий жиноятнинг барча тури — пантуркизм, панисломизм, реакцион жадидчилик ҳаракати, миллатчилик, феодализмга тарафкашлик, Қирим ярим оролида хонликни тиклашга интилиш, аксилинқилобий фитнада қатнашув, Руминия, Туркия ва Германия давлатлари фойдасига жосуслик каби “ёрлик”лар ёпиштирилди.

Шу ўринда бир ҳақли савол туғилиши шубҳасиз: хўш, нима учун у бундай жазога лойиқ кўрилди? Бу саволга тарих саҳифаларида аниқ жавоб мавжуд. Фақат уларни ўқиш, чангу губорлардан тозалаш лозим, холос. Хужжатлардан маълум бўладики, Исмоил Гаспринский 1851 йилнинг 21 марти — Наврўз байрами куни Қиримнинг Боғчасарой шаҳри яқинидаги Авжикой қишлоғида дунёга келади. Унинг отаси Мустафо оға Одесса ҳарбий билим юртида таҳсил олган, муайян муддат рус армиясида хизмат қилган, кейинчалик истеъфога чиққан ўртаҳол зобит бўлиб, Ялта ва Алупка шаҳарлари оралиғидаги Гаспра деган қишлоқда кўним топган эди. Шарқона таомилга кўра, она юрт ҳурмати рамзи ўлароқ, ўзига русча Гаспринский номини олганди. Қолаверса, отаси хизмати сингган зобит сифатида император томонидан дворян табақасига киритилган эди. Кучайиб бораётган халқаро можаролардан четроқда туришни маъқул топган Мустафо оға Қирим уруши арафасида Гаспрадан Авжикой қишлоғига кўчиб ўтади.

Мустафо оға ўғлига ҳарбий хизматчи касбини тасодифан танламаган эди. Ота ўғлининг юқори табақа билан яқин алоқада бўнгандигина миллатига нафи тега олишини яхши биларди. Шу боис 1862 йили Исмоилни Симферопол шаҳридаги гимназияга жойлаштиради. Икки йилдан кейин эса у Воронеждаги ҳарбий билим юртига

ўтказилади. У ерда ҳам кўп ўқимайди — иқтидорли курсант сифатида Москвадаги ҳарбий билим юртига юборилади. Унинг ҳаётидаги бу воқеа Россиянинг биринчи публицисти деб тан олинган Михаил Никифорович Катковнинг ижоди гуркираган даврга тўғри келади. Ўша йиллари ўзига тўқ рус зиёлилари орасида лицейлар очиб ном чиқариш урф бўлган эди. Аллақайси зиёфатда ҳарбий бўлиш орзусидаги ўсмир билан танишган Катков уни ўзи очаётган лицейда таҳсил олишга даъват этади. Шунингдек, у ёш Исмоилни таниқли рус адиби Иван Сергеевич Тургенев билан таништиради.

Шу тариқа Исмоил Катковнинг лицейида ўқиш билан бирга, у бош-қош бўлган “Московские ведомости” журналида фаолият кўрсата бошлади. Бу ердаги муҳит ва Катковнинг ғоялари унга кучли таъсир этади. Эҳтимол, рус маорифида ислохотчилик энг авжига чиққан паллада унда туркийзабон халқлар халқ таълимини жонлантириш ва янгиланиш ғояси шу ерда пишиб етилган бўлса ажаб эмас. Лекин унинг Москвадаги фаолияти фавқулдда суръат билан барҳам топади: Қирим ва Ўрта Ер денгизида бошланган урушда қатнашиш истагини билдирган Исмоил фронтга жўнайди. Аммо Одесса шаҳрида ортига қайтарилади. Шундан сўнг у ота-онаси бағрига келишга мажбур бўлади. Қиримга келгач, машҳур тасаввуф ва диний илм даргоҳи бўлган “Занжирли” мадрасасида рус тилидан дарс беришга киришади. Бу ҳол ҳам узоқ давом этмайди. У энди хорижга сафар қилишни режалаштиради. Талабалик йилларида фаранг тилини мукамал ўргангани роса асқатади. Ниҳоят, 1871 йили Вена зиёратидан сўнг Парижга боради.

Парижда у Сорбонна университетининг иқтисодиёт факультети ҳамда шарқ тиллари курсида сабоқ олади. “Ашет” реклама агентлигида таржимон-

лик билан кун кечиради. Кейинроқ ўша пайтда Парижда яшаётган Иван Тургенев билан учрашиб, унинг ижодий котиби бўлиб ёлланади ҳамда асарларини таҳрир қилишга кўмаклашади. Лекин болалиқдаги орзуси унга тинчлик бермайди: у энди Испания, Жазоир ва Миср орқали Истамбулга йўл олади. Бу ерда 1856 йилги Қирим уруши туфайли келиб қолган тоғаси Сулаймон афандининг хонадонидида кўним топади.

Ўша пайтда Истамбулда Туркиянинг иттифоқчилари бўлган Франция ва Англиядан келган муаллимлар дарс берадиган ҳарбий коллеж очилган эди. Исмоил ўқиш истагида унга киришга эришади. Лекин тасодифан Россиянинг Туркиядаги элчиси бўлмиш граф Игнатъев билан тортишиб қолади. Натижада элчи Россия фуқаросининг бегона юртда ҳарбий билим олишига қаршилик қилади. Иш Гаспринскийни коллеждан ҳайдаш ҳақидаги буйруқ билан тугайди.

Шундай бўлса-да, Гаспринский яна бир йилча Истамбулда қолиб, Осие ва Россияда яшовчи туркий халқларнинг тарихи ҳамда тил муаммоларини ўрганишга қарор қилади. Ўша кезлари Москва, Петербург ва Одессадаги рус газеталарида унинг Шарқ халқлари ҳаётига бағишланган мақола ва лавҳалари мунтазам чоп этилади.

Бошланиши муқаррар бўлиб қолган рус-турк уруши арафасида юртига қайтган Гаспринский муаллимлик қилиб, халқининг миллий анъаналарини синчковлик билан ўрганади. Лекин бу ҳол ҳам узоққа чўзилмади. Уруш айнаи қизиган пайтда у Боғчасарой шахрининг ҳокимлигига сайланади. Энди у она тилида газета чиқариш ҳаракатига тушади. Ўша кезлари империяда украин, поляк ва литва тилларида чоп этилувчи санокли миллий нашрлар мавжуд бўлиб, назорат остида тарқатилган. Мусулмон элларда шу ҳам

йўқ бўлиб, араб ёзувида газета чиқариш умуман ман этилган эди.

Гаспринский миллий газета ташкил қилиш илинжида ҳукумат маҳкамаларида кечирган сарсон-саргардонлигини кейинчалик киноя билан шундай эслаган: “Уч йил мобайнида алмашиб турган икки губернатор ва уч вазир ҳузурига илтмос билан кириб-чиқиб юрдим, газета чиқаришга ижозат олиш учун тўрт йил Петербургга қатнадим”. Шундай шароитда ҳам вилоятда чоп этилаётган русча “Таврида” газетасида “Русия мусулмонлари” номи билан туркум мақолалар эълон қилади. Уларда Россия мусулмонларининг сиёсий-ахлоқий муаммолари ва маънавий ҳаёти таҳлил этилган. Гаспринский чиқишлари маърифат аҳли ичида қизиқиш уйғотди, бу эса газета очишга имконият туғдиради. Шу орада Симферополда “Тўнғич”, Тбилисида “Шафақ” номли китоблари ҳам нашр этилади.

Лекин Гаспринский ҳамон ёлғиз бўлиб, нафақат Петербургда, балки Қозон, Боку, Оренбург, Тошкент ва Қиримда ҳам хайрихоҳлари кам эди. Чунки қотиб қолган анъаналар ва замоннинг сохта қарашлари қаршилигини синдириш осон эмасди. Гаспринский мусулмон халқлари елкасида ақлий танбаллик ва қотиб қолган диний таълимнинг икки юз йиллик юки мавжуд эканини биларди.

Нихоят, 1883 йилда империя Қирим хонлигини босиб олганининг юз йиллиги санаси муносабати билан Гаспринскийга газета чиқаришга ружсат беришади. Маданиятлар ўртасида таржимонлик вазифасини бажаришини кўзлаб, Гаспринский газетани “Таржимон” деб атади. Газетанинг бош дастури XIX асрга келиб тараққий этган халқларнинг маданий ютуқларини ўрта асрлар даражасида қолиб кетган туркийзабон халқларнинг тилига ўгириш йўли билан синдириш ҳамда туркий халқлар маданиятини рус тили орқа-

ли жаҳонга танитиш эди. Дарҳақиқат, таржимончилик ҳал қилувчи аҳамият касб этган мисоллар тарихда кўп. Чунки тилмоч воқеа ҳамда маълумотларни бир тилдан иккинчисига ўгириш баробарида уларни шарҳлаш ва талкин этиш ҳуқуқига ҳам эга бўлган. Бу ҳол таржимонни давлат аъёнлари қаторидаги шахсга айлантирган. Шу боис таржимон сўзининг маъноси турли тилларда бири-бирига анча яқин: рус тилининг лаҳжаларида ҳамда полякчада тлумоч, украинчада тавкмач, серб, венгр, қипчоқ лаҳжасида тилмоч дейилса, қозоқ, олтой, уйғур, турк тилларида таржимон деб аталади, ўзбек тилида ҳам тилмоч ва таржимон сўзлари баравар қўлланган. Гаспринский маданиятларни ана шундай оммавий тарзда изоҳловчи газета нашр этишга киришган эди.

Дастлаб газета кичик қўламда, ҳафтада бир мартагина чиқади. Аста-секинлик билан унинг адади Россиядаги Сувориннинг “Новое время” ва Англиядаги “Таймс” газеталари ададига етиб олади. “Таржимон” таъсири остида Россиянинг турли ўлкаларида янги ислохот куртаклари бўлган мактаблар, касб-хунар муассасалари, журналлар, босмаҳоналар ташкил этилади, адабий фаолиятда ўзига хос кўтарилиш даври бошланади.

Газета Россия мусулмонларини мамлакат ва Ғарб маданий оламида юз бераётган воқеалардан хабардор этарди. “Газета уларни уйғотди, — деб ёзган эди адабиёт тарихчиси Д.Валидов, — баъзиларининг билимини мукаммаллаштиришга, бошқаларини жамоат ишига, адабий, педагогик ва ижодий фаолиятга жўштирди. Кўп ўтмай, улўф муаллим ва сўз санъаткори бўлмиш Гаспринскийнинг ғояларини тараққий эттириб, оламга тарқатган юзлаб тарафдорларини топди”. Бу сўзларда муболаға йўқ. Бинобарин, “Таржимон” 1890 йилдан бошлаб Рос-

сиядаги мусулмонлар учун сиёсат ва адабиёт масалаларини изчил ёритадиган газетага айланади. 1905 йилга келиб у “Таржимон — нахвал ва заман” номи билан “Тилда, ишда ва фикрда бирлик лозим” шиори остида нашр этилади. Бу билан газета бегона дин ва мафкура чанғалида турган халқлар олдига олиймақом тарихий мақсадни кўндаланг қўйди. Шунинг баробарида рус маданиятининг илғор ютуқларини тарғибу ташвиқ этишни ҳам сусайтирмади. Бу эса икки буюк олам — рус-славян ҳамда мусулмон маданиятлари ўртасида ҳақиқий ҳамкорлик учун имкон яратади. Гаспринскийнинг бу фаолияти умуминсоний қадриятларга мос эди.

Маърифатчилик ташаббуслари бу билан чекланмайди. Унинг яна бир катта хизмати қардош халқлар ўртасида адабий алоқалар ва ахборот айирбошлаш тилини вужудга келтиришда бўлди. Газета ҳамма жойда эркин ўқилар эди.

Унинг тили содда ва ихчам бўлиб, араб-форс сўзлари ҳамда диний иборалардан меъёрида фойдаланиларди.

1890 йилдан Гаспринский кенг нашр дастурини амалга ошира бошлайди. Унинг нашриёти мактаб учун дарслик ва ўқув адабиётларини кўп тиражда чоп этишга киришади. Шу муносабат билан Исмоилбек Туркистон, Кавказ, Волга ва Сибирга сафар қилади. Унинг ҳар бир сафари ислохотлар одимига янги туртки беради. Шунингдек, у намуна учун “Болалар муаллими” деган алифбо тартиб этади. Товуш чиқариб ўқиш усулига асосланган бу алифбодаги яна бир янгилик шу эдики, унда арабчадаги уч унли товушга туркий тилларга хос унлилар ҳам қўшилган.

“Таржимон” чиқа бошлаганига йигирма беш йил тўлиши арафасида Гаспринский рафиқаси Зухраҳоним билан бирга илк бор қизлар учун бадий касб курслари ташкил этади. Бу тадбир тез



орада Россия бўйлаб оммалашиб кетади. Хотин-қизлар масаласига гоят эътибор билан қараган Гаспринский қизи Шафиқахоним муҳаррирлигида улар учун махсус журнал нашр этишга киришади.

Гаспринский ўз фаолиятида тарбия ва онг тараққиётини таълимнинг асоси деб билган. Унинг фикрича, таълим тизими давлат қарамоғида бўлмаслиги лозим эди. У маърифатпарвар зиёлилар одамларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишига ёрдам бериши шарт, деган тамойилни ёқлаган. Эски пойдевор ва қотиб қолган қолипларга танқидий назар ташлаб, кундалик воқеликни ва инсонни боғлаб турган муносабатларни яхши англамай туриб, эркинликка эришиш қийин, деб таъкидлаган у. Бунга собиқ СССР таълим тизимини мисол сифатида келтириш мумкин. Шу боис ҳам Махатма Ганди каби Шарқ маърифатпарварлари таълим тизими биринчи навбатда одамнинг маданий ҳаётдаги узвий иштирокини таъминлаши, бунинг учун у касб-хунар ўргатиш билан боғланиши лозим, деган фикрни илгари сурган. Гаспринскийнинг бу соҳага оид қарашлари унинг 200дан ортиқ мақоласида ўз аксини топган.

У, шунингдек, Россия мусулмонлари учун мўъжаз энциклопедия, турли иловалар ҳам чоп этиб борган. “Люлжамол Бикеч” қиссаси, “Боғчасаройдан Тошкентгача” номли йўл очерклари, араб, форс, турк, француз ва немис тилларидан ўгирилган таржима асарлар эълон қилган, Куръони каримдан тафсиллар ҳам бериб борган.

XX аср бошидан “Таржимон” қирим-татар тилида нашр этила бошлади. Бунинг бир муҳим сабаби — 1905 йил инқилобидан сўнг чор ҳукумати эркинлик ва парламент сайловлари ҳақидаги манифестни қабул қилишга мажбур бўлгач, Россиядаги бир қатор халқларнинг миллий матбуоти ривожлана

бошлади. Гаспринский бу жараёни чин дилдан қўллаб-қувватлайди. “Таржимон”нинг тил бобидаги тарихий миссияси шу тариқа яқун топади. Бунда Гаспринский фаолиятининг муҳим ўрин тутган эди, албатта. У кўпмиллатлилик шароитида фуқаролик белгиларини сақлаб қолиш тарафдори бўлган. Шунинг учун ҳам XX аср арафасида миллатлараро ҳамжамият маданиятининг ташвиқотчисига айланган. Гаспринский қарашларини таҳлил қилиб, унга онгли овруполик мақомидаги осийлик шахс деб таъриф бериш тўғри бўлади.

Унинг буюк орзуси эса туркийзабон халқларни ҳам илм-маорифда, ҳам ҳақ-ҳуқуқда дунёнинг тараққий этган миллатлари билан бақамти кўрмоқ эди. Шу боис буюк маърифатпарварга тирклигидаёқ турли таъна тошларини отишади. Уни миллатчиликда, сотқинликда, ҳатто миллий “мен”лигини унутишда айблайдилар. У эса бундай маломатларга сира парво қилмасдан бутун борлигини муқаддас ишга — элу юрт равнақи ва маънавиятининг муҳофазасига бағишлайди. Бу мутаассибона бир орзу эмас, аксинча замонасининг баланд-пастидан тўлиқ хабардор, тарих ва тақдирни теран англаган, Шарқни ҳам, Фарбни ҳам баробар билган ва уйғунликда кўра олган инсоннинг режали хатти-ҳаракати эди. Шарқда ҳам, Фарбда ҳам тараққийпарвар кишилар бу ишда унга камарбаста бўлдилар. Гаспринский вафот этганда Россияда чиқадиған 98 та газета унинг хотирасига буюк эҳтиром билан таъзия билдиради. Унинг вафотидан қайғурганлар орасида ўзбек халқининг Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Садриддин Айний, Ашурали Зоҳирий, Тавалло каби зиёлилари ҳам бор эди. Жумладан, Ҳамза ва Чўлпон “Садои Фарғона” газетасида марсия эълон қилади.

Буюк маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Бехбудий сўзлари билан айтганда, “Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хушлик йўли билан яхлит бир миллий оилага бирлаштирмоққа ноил ўлган” Исмоилбек Гаспринскийнинг шу кунгача аҳамиятли бўлиб келган фаолиятининг қисқача баёни шундан иборат. Аслида эса бу ҳақда жилд-жилд китоблар битиш лозим. Ҳар қалай, Гаспринскийнинг Туркистон билан боғлиқ фаолияти газета-журналларда, китоб ва рисолаларда

ёритилаётгани қувонарли ҳолдир. Бугун атоқли маърифатпарварларимизнинг орзу-армонлари тўлиқ ушалди. Барча туркий халқлар каби миллий мустақиллигини қўлга киритган бизнинг халқимиз ҳам кенг қўламли ва узоқни кўзлаган ислохотларни амалга оширмоқда. Бу эса маърифатпарвар аждодларимизнинг, шу жумладан, Исмоилбек Гаспринскийнинг ғоялари ҳам яшашда давом этаётганидан далолатдир. Зеро, халқ учун, миллат учун фидо бўлган инсонларнинг номи ҳам, иши ҳам ҳамиша барҳаёт.



Суюкли дўстларим, биз учун энг гўзал иш илм ва маориф ишидир. Энг муқаддас иштилиш — илмга, маорифга интилишдир. Чунки инсонни инсон этган меҳнат ва билимдир. Билим маданий турмушга етишиш воситасидир. Маданий турмуш эса инсоннинг яшаш мақсади, усулидир...

\* \* \*

Халқлар ҳаётидаги барча буюк воқеаларнинг замирида у ёки бу ғоя ётади. Энг улуғ кашфиётлар, аввало, улар ҳақидаги орзу-ниятлардан бошланган.

\* \* \*

Таассуфки, Русиянинг мусулмон жамиятида асл, чинакам ғоя, орзу йўқ... Бас, шундай экан, маориф ва тараққиётга интилишни ўз олдимизга вазифа ва орзу қилиб қўймоқ керак эмасми? Биз бу муқаддас, мўътабар ғоя билан иш тутсак, янгидан жонланамиз, руҳланамиз; ҳаётимиз гўзаллашади, фикрларимиз, интилишларимиз эзгу ва мақсадли бўлади, орамизда эътиборли, фаолиятчан кишилар, ижодкор ва жамоатчи арбоблар юзага келади. Эзгу ғоялар бизга ҳам куч, ҳам қувват беради. Бу куч ҳозирда бизда бор, лекин қоқоқлик, тургунлик, жаҳолат унинг қўл-оёқларини банд этиб, маҳв этмоқда.

\* \* \*

Халқнинг она тили бу — миллатнинг адабий тилидир. Агар бизнинг қадимий адабий тилимизнинг бир ҳалқаси Алишер Навоий

тили бўлса, турли шевалардан таркиб топган янги замонавий тилимиз унинг иккинчи ҳалқасидир.

\* \* \*

Ватанни севмоқ, менимча, унинг маорифи учун қайғурмоқ, унга ёрдам бермоқдан иборат.

\* \* \*

Биз ўз қонунлари ва турмуш-одатлари ила бир кўп салтанатлар майдонга келтирган қавм ўлароқ яшаб келдик ва бундан сўнг ҳам шундай яшаяжакмиз.

Биз ўз тарихи тонгидаёқ ёзувига (ўрхун ва уйғур ёзувларига) эга бўлган, кейин ҳам уни илм ва тафаккурдаги улкан муваффақиятлар билан безаган қабила сифатида яшаб келдик ва шундай яшаяжакмиз.


Агар биз муайян тарихий шароитлар туфайли бошқа халқлардан орқада қолган эканмиз, бу ҳали миллий-маданий инкишоф ҳуқуқидан маҳрум этмайди, аксинча, у томон янада каттароқ ғайрат билан интилишга мажбур этади... Буни биздан халқимизнинг тарихи, тақдири талаб этади. Улуғ вазифалардан ва улуғ интилишлардан кўрқманг! Улар улуғ воқеаларни тайёрлайди ва улуғ шахсларни етказди.

\* \* \*

Тарих эса шуни кўрсатадики, ҳали Русияда ўқув, мактаб бўлмаган бир вақтда туркий халқларда илм-фан инкишоф қилинган эди: уларда Алишер Навоий, Фузулий каби дунёга машхур ёзғувчилар, шоирлар, Ибн Сино, Беруний, Форобий, Хоразмий каби оламга машхур файласуфлар, олимлар, илмнинг турли соҳаларида олий билимли, истеъдодли мутахассислар бор эди. Буни бундан минг йил муқаддам ёзилган кўпдан-кўп илмий ва адабий асарлар ҳам тасдиқлайди.

Ибн Сино ва Алишер Навоий даврида туркий халқларда юксак бир руҳий кўтаринкилик, гуркираган тараққиёт, илм ва адабиётда мислсиз ўсиш, ташаббус бор эди. Лекин кейинчалик бу халқ ҳар тарафдан турли душманлар томонидан қаттиқ ҳужумларга омонсиз дучор этилди, унинг бутун ўсиши тўхтатилди, илми, адабиёти йўқотилди, қабилалари ҳар тарафларга қувғин қилинди. Энг даҳшатлиси шундаки, улар ўзга кучли миллатларнинг жабри, зулми ва таъсири остида қолди. Аждодлари тарафидан буюк қудрат билан узоқ давр ичида кўлга киритилган ютуқлар омон-омон бутунлай йўқ қилинди. Халқ асрлар давом этган турғунлик ва жаҳолат уйқусига кетди. Туркий халқларнинг бир талайи араб таъсирига берилиб, араб тили, араб руҳи ва араб фикрлари билан яшади. Озарбойжон турклари форс назми, форс руҳи бирлан илҳомланди. Шимол турклари, яъни татарлар эса руслар билан қоришиб, уларнинг таъсирига берилиб яшашга мажбур бўлди.

Хуршид ДЎСТМУҲАММАД



# ЎЗБОҒИ

Ҳикоя

Кўп йиллар бўлди, италиялик машҳур адиб Дино Буцаттининг «Етти қават» деган ҳикояси таъсирида юраман. Ниҳоят, ушбу фавқуллодда ўзига хос ҳикояни бир қадар эркин таржима қилиб, унга «назира» ўлароқ ҳикоя битдим. Тажриба қандай самара берганини баҳолаш ўқувчига ҳавола...

**Муаллиф**

1

Шифохона шундоққина вокзалнинг биқинида дейишган эди, Дино Корте тарақа-туруқ қилиб тўхтаган поезддан тушди-да, ихчамгина жомадонини кўтарганича пиёда кетди. Ҳаво салқин, баҳор шабадаси сал-пал кўтарилган ҳарорат таъсирида қизиган манглайига, бетига ёқаётган эди. Қадамни ил-дамлаштирди.

Қиш оёқлаган кезлари эди, унга айна шу касалхонага боришни, шу ердаги шифокорларга мурожаат қилишни маслаҳат беришди. Дино Корте соғайиб кетаман деган умидда ўзини у ёқ-бу ёққа ташлаб юрди, бўлмади, ҳарорати тушавермагач, жомадонини қўлтиқладию поездга минди. Ана, ҳам-қишлоқлари роса таърифини келтирган касалхона рўпарасида турибди. Айтганларича бор экан, касалхона эмас, нақ меҳмонхона дейсиз! Палаталари ҳам беш юлдузли мусофирхоналардан кам бўлмаса керак! Атрофини айтмайсизми, зич экилган дарахтлар баланд-баланд ўсган, ҳаммаси бирдан гулласа борми, чаман бўлиб кетар?!

Шифокорлари ҳам роса тажрибали дейишганди, ана, биносидан сезилиб турибди. Дино Корте малакали врачларнинг маслаҳатини жон қулоғи билан тинглайди, нимаики тавсия қилишса, ҳаммасини жон-жон деб адо

этади ва соғайиб чиқади! Ана ўшанда, уйига қайтаётиб, шу ерга келади, бир зум тўхтаб ортига ўгирилади-да, «Яхши қол, шифохона!» деб хайрлашади.

Уни умумий тиббий кўрикдан жуда тез ўтказишди, ортиқча овора қилишмади ҳам, касаллик варақасини очиб, шахсига доир маълумотларни қайд этишгач, ёши андак ўтинқираганига қарамай хушрўйгина ҳамшира аёл уни еттинчи қаватга бошлаб чиқди. Ёп-ёруғ палатага олиб кирди, хона шу қадар озода эдики, деворлари, анжомларию ҳозларидан тортиб, чойшабу дераза пардаларигача бамисоли нурга чайилгандек оппоқ эди! Пастак оромкурсиларга кийдирилган момик ғилофларнинг оқлиги одамнинг кўнглини қитиқлайдиган даражада мусаффо кўринди. Дино Кортенинг руҳи, руҳига қўшилиб бутун вужуди ҳузурланди. Оппоқ чойшаб тўшалган каравотга чўзилди, уйдан келтирган китобни қўлига олиб варақлади, ўқишга тутиниб, зарурати бўлмаса-да, бошининг шундоққина тепасидаги девор чирогининг тугмасини босди. Мириқиб китобхонлик қиладиган жой экан, деди овоз чиқариб. Китобни қўйиб, чироқни ўчирди, бир зум кўзиңи юмиб, оғир тин олди.



Эшик оҳиста тиқиллади, ҳамшира кирди. У янги «меҳмон» билан танишди, касалхонада жорий этилган тартибни тушунтирди.

— Пастки қаватларга тушиб юрманг, — деди у ман этувчи тартибни айтаётганига хижолат чекаётгандек ийманиб, сўнг беморнинг «Нега?» деган саволини кутмай, сабабини айтди: — Пастда оғирроқ касаллар ётади. Уларнинг тинчи бузилмаслиги керак. Ҳар қаватнинг даволаш усули турлича, шунга, нокулай-да...

Жаноб Кортенинг бошқа қаватларга тумшуқ суқиш нияти ҳам йўқ, нима қилади у ерларда? Яхшиси, роҳатихон палатасидан ҳеч ёққа жилмайди.

Дино КORTE деразанинг очиқ табақасидан ташқарини кузатди: юқоридан қаралса, дарахтзорнинг қуюқлигидан ер кўринмас экан, кўм-кўк!.. Дарахтлар гулга кира бошлабди, митти гул япроқчаларидан таралаётган хушбўй ҳид димоқни қитиқлайди.

Дино КORTE пастки қават деразаларига кўз югуртирди. Кундузи бўлгани учун беморлар муолажа билан банд шекилли, деразаларда камдан-кам одам шарпаси сезилди. Фақат биринчи қават деразалари тақа-тақ берк, устига-устак деразалар ташқаридан майда сим тўр билан қоплангани уни ажаблантирди.

Зоҳид Яқин бўйи баравар тошойна рўпарасига туриб қадди-бастига разм солди. Аҳён-аҳёнда ўзининг ниҳоятда келишган қоматига суқланиб қараш одати бор эди. У жудаям соғлом эди, бундан ғурурланишини унча-бунча жойда яширмас эди ҳам. Ёр-биродарлар, таниш-билишлар соғлигидан зорланса, тушунмас, касал бўлишдан бошқа ишинг йўқми, деб уларни калака қилар эди. Ҳақиқатда, шу вақтгача унинг бадани игна кўрмади.

Нима бало урдию бир ойлар бурун лоҳас тортди, боши айланди. Эътибор қилиш тугул, пинагини бузмади. Уч-тўрт кун ўтиб бозор оралади, ошкўк сотиб ўтирган увоққина кампир кўзига увол кўриниб кетди. Ошкўқдан олиш

ниятида кампирнинг рўпарасида тўхтаб, тик турган кўйи унга пул узатди. Увоқина кўринган кампир шумлик қилдими — Зоҳид Яқиннинг кўлига уринган, сўлинқираган ошкўк боғламини тутқазди. Ёш, соғлом, бағрикенг Зоҳид Яқин ранжиганини тилига кўчиришга-кўчирмади-ю, шартта эгилди-да, оқ тоғорадаги ошкўк уюмидан сара боғламини олиб, қад ростлади. Қад ростлаган заҳоти... ер чирпирак бўлиб кетди!.. Кўз олди хиралашди. Ҳатто қоматини тек тутолмай, чайқалди, мувозанатини аранг сақлай туриб, бошим айланди, деди ичида. Ўша топда Зоҳид Яқиндек барваста эркак ошкўк сотаётган қандайдир увоқина кампирнинг кўмагига муҳтож бўлиб қолди.

У бозорда юз берган ҳодисани кула-кула хотинига гапириб берди.

— Э, қурибгина кетсин-а, ўша кўкати! — дея жағиллади хотини. — Ҳеч замонда ошкўк опкемаган одам, зарилмиди ўшанга энгашиб?!

Қилган қилиги ўзига кейин нашъа қилди. Фалати гап-сўзлар хаёлидан кечди: «Кимсан Зоҳид Яқин ошкўк оламан деб энгашибдию боши айланиб, йиқилибди!..» «Кимсан Зоҳид Яқиндай алп қоматли эркак чинчилогдек бир боғлам ошкўкни кўтаролмай, бозорнинг ўртасида чалқанча ағдарилибди!..»

— Серқазни қилиб, ош дамла! — деб буюрди у хотинига. Оқшом паловни паққос туширгач, яна буюрди: — Новвот қайнатиб дамла-да, косага тўлдириб қўй, наҳорда симираман! Совуғим ошган кўринади...

Тушлик чоғлари қўлбола ошхонага танда қўйди. Кабобхўрлик, сомсахўрлик қилди. Пўстдумбали нўхатшўракни паққос тушириб, тани яйради. Бир сафар, қорни тўйгач, кекира-кекира аччиқ фамил чойни эзиб ичиб ўтириб, танасида қаттиқ ҳорғинлик тўйди. «Овқатга шунча зўр берганида-я?!» У елкасига уйдек тош бостириб қўйилган одамдек аранг ўрнидан кўзгалди, қадамни имиллаб босиб, ошхонадан чиқди. Бирдан хаёли қочди, кўнглининг аллақарларида элас-элас ғимирлаган нохушдан-нохуш ўйлардан юраги орқага тортиб кетди, манглайини совуқ тер қоплади.

Яширилган касалликнинг иситмаси ошқор қилди. Зоҳид Яқин ҳарчанд сездирмасликка уринмасин, хотини пайқаб улгурди. Кўярда-қўймай эрини шифкорга боришга ундади. Зоҳид Яқин аламини хотинидан олди, битта-яримта нордон сўзларининг бошвоғини ечиб юборди, айтишга айтдию... нима сабабдан ҳар қуни тонгдан энгил-елпи бўлса-да, бадантарбия қиладиган, пишқира-пишқира совуқ сувга ювиниб, мушакларини қизартириб артинадиган одам, ҳе йўқ-бе йўқ, уйғонган замони кўнглини номаълум ваҳм эгаллаб оладиган, юрагининг остими, биқиними — аллақари симиллаб оғрийдиган, оғриётган жойини тополмай кўнгли баттар ғашланиб, каравотдан оёғини осилтирганича қимир этмай ўтирадиган одат чиқарди.

Сира эрининг измидан чиқмайдиган Робия шу сафар ўзбошимчалик қилди — эридан берухсат укасини чақиртирди. Ойда-йилда йўқлаб-йўқламайдиган қайнисини кўрган Зоҳид Яқин бир чеккаси севинди, ҳатто оқшом алламаҳалгача у билан гурунглашиб ўтирди. Ўтирдию оғрикдан оғиз очмади. Робиянинг тоқати тоқ бўлди.

— Ўқтамжон, поччангнинг анчадан бери мазаси йўқ, дўхтирга учранг, деявериб, чакагим тушди. — Робия шундай дея туриб, кўрқа-пуса ранги ўчинқираб эрининг кўзига қаради. Эрининг кутилмаганда мулойим ер чизиб ўтирганини кўриб, энгил тортди-да, унинг ўзига маломат ёғдира кетди: — Дўхтирга бориш учун вақтингизни аясангиз, мана, ўз оёғи билан келиб ўтирибди, айтинг, ёрилиг. Олдини олайлик-да!..

Ўқтамжон ўзини опасининг иддаосига эътибор қилмагандай тутдию гурунглашиб ўтириб поччасидан кўп нарсаларни суриштириб билди.

— Эрталаб келаман, бирга кетамиз, — деди тажрибали шифокорларга хос босиқлик ва қатъият билан.

Зоҳид Яқин қаёққа кетамиз, қаёқдан менга амри фармон қиладиган бўлиб қолдинг, деб қайнисига даҳанини чўзмоқчи эди, шаштидан қайтди. Ишим бошимдан ошиб ётибди, борадиган жойларим кўп, демоққа лаб жуфтлади ҳамки, айтмади...

## 2

Палата хавосининг энгиллиги, ҳамшираларнинг ширинсуханлиги жаноб Дино Кортенинг кўнглини кўтарган бўлса-да, у шифокор билан юзлашишдан пича хавотирда, «Нима бўларкан?» деган савол кўнглининг бир чеккасини кемираётган эди. Назарида, касалхонага жойлашган заҳоти аҳволи бирдан яхшиланиб қолгандек, ўзини тетик ҳис қила бошлади. Ҳарорати пасайгандек бўлди. Дўхтир кўриб, «Соппа-соғ экансиз, бизга нима асосда қабул қилишди, ўзи?» деса-я?!

Профессорнинг далдаси унинг кўнглини ғаш қилган шубҳаларини тамакининг тутунидек тарқатиб юборди, энг муҳими, неча кун ва ҳафталардан буён тинчлик бермаётган мавҳумлик бир қадар ойдинлашди.

— Хасталик аломатлари борликка бор, — дея тушунтирди профессор, — лекин хавотирланадиган жойи йўқ, нари борса, икки ё уч ҳафтада ўтади-кетди.

Шу бир оғиз лутфнинг ўзи Дино Кортени тетиклаштириб юборди. Демак, уни сўқир хавотир эзаётган экан. Мана, ҳаммаси ойдинлашди: икки ҳафта, жуда чўзилса, уч ҳафта ётади-ю, қишлоғига қайтади!..

Шу хаёлда у саломатлиги учун каромат кўрсатишни шифокорлар ихтиёрига ташлаб, ўзи «осмондан тушган» имкониятдан фойдаланиб қолиш қасдида аламини уйку ва китобхонликдан олишга киришди. Ора-чора йўлакка чиқди, озода ва ёруғ йўлакнинг у бошидан бу бошига бориб-кела туриб эшиги қия очиқ палаталарга зимдан кўз югуртирди, бекорчиликда касалларнинг аҳволини кузатишга уринди, йўлида рўпара келганлари билан қисқа салом-алиқдан нарига ўтмади. Бу ерга жойлашган беморлар камгап бўлиб қолишади, деди осма укол қиладиган ҳамшира. Дино КORTE кулди: ахир мен камгап бўлиб қолмадим-ку, ичим тўла гап, фақат уларни тўкиб солишга бир меҳрибон ҳамсухбат топилмаяпти, холос.

Орадан ўн кунча ўтди-ёв, Дино КORTE деразадан бошини чиқариб ташқаридаги боғдан завкланаётиб, икки палата наридаги деразадан ўзига қараб турган кимсани кўрди. Жаноб КORTE фурсатни бой бермади:

— Сиз ҳам яқинда келдингизми? — деб уни саволга тутди.

— Қай-да!.. — афтидан у ҳам тўлиб турган эканми, шундай деб нотаниш беморга бажонидил жавоб қайтарди. — Уч ойдан ошди.

— Уч ойда-ан?! — кўзи чиқиб кетди Дино Кортенинг. — Ҳалиям тузалмадингизми?

У киши овозини пастлатди, деярли шивирлади:

— Бир ойда оддек бўлиб кетасиз, дейишганди...

Дино Кортенинг юраги ёмон алағда бўлди. Буни сездирмаслик мақсадида яна савол бермоқчи эди, қўшни бемор бу сафар гўлдиради:

— Укам билан бир кунда ётгандик, бир ой бурун тўртинчи қаватга кўчиришди, шу чоққача ундан хабар ололмадим.

— Тушиб, кўриб чиқа қолмадингизми? Икки қават пастда ётган укангиз...

Кўшни бемор аянчли кулди.

— Бошқа қаватга кириш-чиқиш йўқ.

— Йўғ-э!..

Дино КORTE касалхонадан «ташқарида» — деразадан бошини чиқариб гаплашди-ку, ташқари-да! — бўлиб ўтган қисқа ва тасодифий суҳбатдан анча музтар бўлди. Эртасига эрталабгача минг бир хаёлда юрак ўйноғи бўлиб ётди. Ётолмади, ўтирди, юрди, ёнбошлади. Эрталаб профессор мулойим табассум билан кириб келганда одатдагидек чиройи очилиши ўрнига пешонасини тириштириб, кечадан буён ич-этини кемираётган хавотиридан сўз очди:

— Доктор, мабодо мени қуйи қаватларга, дейлик, тўртинчи қаватга кўчириш ниятингиз йўқми?

Доктор унинг кўзларига синчков назар ташлаганча чимирилиб туриб қолди.

— Қаёқдан топдингиз бу гапни?! — деди у ниҳоят, норозиланиб. — Сизни пастки қаватга кўчиришга ҳеч қандай зарурат йўқ.

Профессор нигоҳини беморнинг кўзидан узмади. Ётқизиб қорнини, киндигининг ён-атрофини юмшоқ бармоқлари билан босиб-босиб, кўздан кечирди.

— Ўзгариш борми? — сўради Дино КORTE унга умидвор мўлтираб.

У тузалапманми, деган маънода сўраган эди, профессор, бош ирғаб, бор, деди лабининг учида пичирлаб. Лекин бу ўзгариш яхшиликками ёхуд бошқа маънодами — жаноб КORTE бунисини аниқ фаҳмлолмади...

Орадан яна бир неча кун ўтгач, қишлоққа — хотинига хат ёзишга киришди. Аҳволи ўзгармаётганидан, профессор ваъда қилган икки-уч ҳафталик муддат ўтиб бораётганидан зорланди. Энг ёмони, неча кунда соғайиб кетишини айтадиган бир меҳрибон топилмаётганидан нолиди. Уч ойдан ортиқ ётганлар борлигини айтди. Қишлоқдан овора бўлиб келиб юрмаслигини тайинлади, бунинг устига, бу ерга ташқаридан тугул, қаватлар орасида ҳам кирди-чиқди қатъиян таъқиқланганини огоҳлантирди. Эртасига эса... хатни жўнатмаганига хурсанд бўлди.

Бир маҳал, чамаси профессор кирадиган пайт шекилли, палаталарнинг саранжом-саришталиги, тозаллигини назорат қилиб юрадиган ҳамшира аёл кириб келди-да, худди қарз сўрамоқчи бўлган одамдек хижолат ва истихола аралаш гап очди:

— Эртага икки болали хонимни жойлаштиришимизга тўғри келяпти... Кулайроқ палата тополмаяпмиз...

Дино КORTE гап нима ҳақда бораётганини дарҳол тушунмади. Ҳамширанинг оғзига анграйди.

— Жаноб КORTE, айбга йўймасангиз сизни... бошқа палатага кўчирсакчи?.. Шунга сиз...

— Ҳечқиси йўқ, жоним, билан, — деди Дино КORTE худди касалхона хизматчисининг ҳожатини чиқараяптию бунинг эвазига даволаниши жадаллашиб кетадигандек. — Қайси палатага дедингиз, марҳамат, ҳозироқ-да, нарсаларимни йиғиштираверайми?

— Йўқ, зинҳор, — деди ҳамшира аёл боягидан анча енгил тортиб. — Сизни анча тушунган одам деб ўйлагандим, янглишмабман. Сиз ҳеч нарса кўтармайсиз, ёрдамлашиб юборишади, фақат...

Аёл шундай деб сал мижғовланди, сўнг бирдан дадиллашди, ҳатто совуқ бир оҳангга кўчди:

— Фақат бир нарсани айтиб қўяй, бу қаватда бўш палата йўқ экан, сизни вақтинча олтинчи қаватга кўчира турамиз.



— Ҳм-м!..— деб юбрди Дино КORTE оғзи қуришиб.— Олтинчи қаватга?!

— Айтдим-ку, кўчира турамиз, қаватимизда палата бўшади дегунча қайтиб олиб чиқамиз...

У бўлар иш бўлганини, розилик билдириб қўйгач, аёл киши олдида субутсизлик қилишга орияти йўл қўймаганини тан олди. Барибир профессорга шикоят қилишни дилига туғиб турганида бир эркак, бир аёл кириб, унинг лаш-лушини саранжомлаб, кўчиришга ҳозирлаб улгуришди.

Дино КORTE шуларнинг барини қўшиб-чатиб ёзган хатини хотинига жўнатди...

Зоҳид Яқин унчалик назари илмайдиган қайнисини кўпчилик иззат-икром қилишини, мана, касалхонада, профессор қабулига кириш учун навбат кутиб ўтириб, кўрди. Зоҳид Яқин дам қайнисининг обрў-этиборига ҳаваси келса, дам ўзини, касалини ўйлади. Назарида, унинг тез кунлар ичида соғайиб чиқиши қайнисининг иззат-ҳурматига боғлиқдек эди. Бир кўнгли, касалхонага келиб, шифокорлардан нажот кутиб ўтиргани ўзига эриш туюлди. Эриш туюлдию...

— Дуруст, — деди профессор Зоҳид Яқин билан қисқагина суҳбатлашгач, сўнг Ўктамнинг елкасига қоқиб, унга тасанно айтди: — Дурустсиз, ташхисингиз анчагина аниқ... Укамиз ётсинлар... Ҳозироқ жойлаштираверинг, ҳаммаси яхши бўлиб кетади...

Зоҳид Яқин муддаони тушуниб улгурмай, ўзини ташқарида кўрди. Ажабланиб, қайнисига мўлтиради.

— Тинч палата бор, бир кишилик. Ўшани гаплашдим, — деди Ўктамжон поччасига айрича ғамхўрлик кўрсатаётганини яширмай. — Биринчи қават, зерикмайсиз, бемалол ҳовлига чиқиб кираверасиз...

Ўктам узоқ ушланмади, у дераза тоқчаларини, қўл ювиш хонасини кўздан кечирди, каравотнинг ёнгинасида деворга ўрнатилган радионинг қулогини буради, ундан энгил мусиқа садоси эшитилди, у мусиқани ўша заҳоти ўчирди. Қайниси бунчалик тез чиқиб кетишини Зоҳид Яқин кутмаган экан.

— Қанақа касаллик экан? — деди у ўсмоқчилаб. — Профессор нима деди, ўзи?

Ўктам жилмайди.

— Биров сизни касал дедими? Профессор ўзимизнинг домла. Бир оғиз айтгандим, мана, тинч, энг жонон палата сизники-да! Одамлар йиллаб навбат кутади, сиз учун эса... Одам дам олиши ҳам керак-да... Ҳа, айтганча, акангизни ўзим даволайман, қаровсиз қолдирмаймиз, деди домла...

Зоҳид Яқиннинг назарида қайнисидан кўра меҳрибони, унинг домласидан кўра қудратлироқ нажоткори йўқдек туюлди. Кўнгли бўшашди.

Хонадаги барча жиҳозлар, девору дарпардалар оқ рангда эди. Зоҳид Яқин оппоқ чойшаб устида эркаланиб ётганча атрофни кузатди — пар ёс-тиқ, остидаги тўшак унинг аъзои баданига шунчалик хуш ёқдики!.. Ҳатто уйда — ўлан тўшагида ҳам бунчалик роҳат қилиб ётмасди-я!..

У ўрнидан туриб каравотнинг суянчиғини, дераза ромларини, кийим илинадиган чоққина шкафни очиб-ёпиб, ушлаб-ушлаб кўрди. Юраги орзиқиб кетди, худди кўпдан бери илҳақ кутиб, соғиниб юрган одамнинг дийдорига етишгандек... палатани бағрига босгиси келди. Шу кайфиятда ҳатто ўзининг касал эканини ҳам унутди.

Ҳеч ери оғримай, боши айланмай қўйди, жойлашган куниеқ кечга томон икки бўхчани апил-тапил кўтариб келган Робия эрининг димоғи чоғлигини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди. Ўзингизми, Зоҳид ака, деб сўраб юбо-

ришига оз қолди. Умрида касалхонага ётиш тугул, шифокорга юзма-юз келмаган эри худди янги уй олган одамдек яйраб-қувнаб ётишини кўриб...

— Зап жой эканми! — деди Зоҳид Яқин палатани хотинига кўз-кўз қилиб, мақтаниб. — Одамлар бекорга касалхонага ётмас экан-да!.. Қара, чиннидай-а!..

— Кўйинг-е, кўнглингиз бунчалик суст кетмаса! Палатаси бошидан қолсин. Нима, кўч-кўронингизни опкелиб яшармидингиз шу ерда?! Дўхтир кирдими, кўрдими?

Дўхтир эртасига ҳам қорасини кўрсатмади, самбит новдадек нозикбадан ҳамшира кирди-да, Зоҳид Яқиннинг бармоғидан қон олди, юмушини битиргунича чурк этмади, беморнинг афтига қарамади ҳам, Зоҳид Яқин ҳам унга эътибор бермади.

У профессорни кутганди, профессордан дарак бўлмади. Домласидан ибрат олганми, нима бало, Ўктам ҳам қорасини кўрсатмаса-я! Учинчи кун хў-ў ётар маҳали тўсатдан шарпадек кириб келди. Зоҳид Яқин «Э, бормисан, ука!» деб ўрнидан ирғиб турди, у билан обдон суҳбатлашишга чоғланиб салом-алик қилди, бироқ Ўктам ўтирмади ҳам, балки шошилиш ҳол-аҳвол сўради, камчиликлар йўқми, деди-да, изига қайтишга чоғланди.

— Менга қара, касалхонанга ўт тушдими, ука? — ҳайрон бўлди Зоҳид Яқин. — Ўтир, бунда-ай гаплашайлик, ахир!

Ўктам бошини сарак-сарак қилди.

— Кирганимни домла эшитиб-нетиб ўтирмасин... — Бошини ирғаб, ташқарига имо қилиб шипшиди: — Анетдагилар ҳам етказиши мумкин, шунга... кетдим, яхши ётинг. Хавотирланманг.

Зоҳид Яқин яхши ётишга ётибди-я, мана, уч кун биров унинг ҳолидан хабар олмади, биттаси нонуштадан аввал уч-тўртта хапдори билан сийлаб кетаётганини демаса... Бир чеккаси... Зоҳид Яқин палатанинг ўзи уни даволай бошлаганини сездир. Профессорга учрашай, суриштирай деб хархаша бошлаётган Робияни ҳам тўхтатди.

— Шундай шароитда беш-олти кун ётай, ўз-ўзидан тузалиб кетаман, чиқаман, — деди ишонч билан.

У палатасини сира тарк этгиси келмади, бир сафар ҳовлини айланиб қайтиб кирса, палата хувиллаб қолгандек, палатаси ундан ўпкалаётгандек туюлди. Палатанинг у бошидан бу бошига йигирма-ўттиз марталаб бориб келиб, унинг ҳар бурчагини кўриб, қайта-қайта назаридан ўтказди ва шу қарорга келди: «Кейинчалик Ўктамни ўртага қўйиб бўлса-да, келиб тураман, йилига камида ўн-ўн беш кун шу палатада ётиб кетаман!»

У шундай деб палата билан аҳдлашди. Овоз чиқариб айтган гаплари эвазига палатаси бутун борлиғи билан уни эркалаётгандек, эъзозлаётгандек туюлди.

Тўртинчи кун нонуштадан сўнг энага аёл кирди.

— Зерикмаяпсизми? — деб гап бошлади у.

Зоҳид Яқин шундагина уч кун ётиб зерикш хаёлига келмаганини эслади. Икки-уч дафъа на шифокор, на профессорнинг ўзи йўқламаганидан хуноби чикдио палатадаги шарт-шароит, эмин-эркин ҳордиқ чиқариши учун барча имкониятлар муҳайё экани... палатани севиб қолаётгани...

— Зерикиш қатта!.. Палата билан тил топишиб олдик. Бежирим, кўркамлигини қаранг!

— Домла ҳам доим шундай дейдилар, касалхонага ётган беморни дастлабки кунларда палатанинг ўзи даволайди деб уқдирадилар.

— Ўзлари қаердалар? — деб сўраб юборди Зоҳид Яқин беихтиёр.

— Бугун... hozir qabul qiladilar, — javob berdi энгага аёл палатага, каравотга кўз югуртириб.

— Хаммаси жойида, батартиб. Кираверадиларми? Хозирми? — шошиб қолди Зоҳид Яқин.

Энгага аёл бош чайқади.

— Йўқ, — деди у меҳрибон товушда, — иккинчи қаватга чиқамиз, профессор ўша ерда қабул қиладилар.

### 3

Олтинчи қаватда КORTE жанобларига икки кишилик палатадан жой беришди. Аввалига бу илтифот унинг иззат-нафсига тегди, лекин юқори қаватда ётган кезлари ҳамсухбат одамнинг йўқлигидан сиқилганини эслаб, индамай кўяқолди. Ўрта ёшлардаги ҳамхонаси чалқанчасига шифтга бакрайиб ётар, палатага кириб келган янги беморни кўрмаётгандек, бепарво эди.

ДИНО КORTE профессорни кутди, унга тўкиб соладиган таъна-маломатларини ўзича неча марталаб хаёлида пишитди. Тун ўтди, тонг отди ва бир зумгина кўзи илинган дам профессор кириб келганини пайқамай қолди.

— Мана шу ерга ётқиздик, — деди ҳамшира унга пешвоз чиқиб. Профессор беморнинг тепасига келди. ДИНО КORTE чўчиб кўзини очди, ирғиб ўрнидан турмоқчи эди, профессор «кимирламанг» деган маънода кафтини кўтарди.

— Мен... Мен... — ДИНО КORTE шундай дедию профессорни танимай дудукланди. — Сиз...

У ўзига яхши таниш бўлиб қолган, кунора тепасига кириб диққат билан ҳол-аҳвол сўрайдиган таниш профессорни кутган эди.

— Безовталанманг, — деди нотаниш профессор бамайлихотир. — Аҳволингиз билан танишдим, ҳаммасини батафсил ёзиб қўйишибди. Мутлақо ташвишланадиган жойи йўқ. Касалликнинг зўрайиши қарийб сезилмаяпти. Фақат теридагина эмас, ички тўқималар бўйлаб ҳам кенгроқ тарқганини аниқладик.

— Нима тарқаган, доктор?! — деб юборди ДИНО КORTE жон ҳолатда. — Ахир еттинчи қаватда бундай дейишмаган эди-ку!.. Яхшиси, мени ўша қаватга кўчиринглар!.. Олтинчи қаватда ётмай кўяқолай.

Профессор вазминлигини йўқотмади.

— Ихтиёрингиз, — деди-қўйди.

— Еттинчи қават касалхона эмас... Дўхтирлари ҳам кучли эмас...

Жаноб КORTE бояги-бояги алфозда ётганча тилга кирган кўшнисига қаради.

— Мана, мана ўзингиз эшитдингиз, — деди профессор худди шу гапни кутиб тургандек бироз талтайиб. — Биз беморларнинг ҳеч бир хоҳиш-истагани эътиборсиз қолдирилмаймиз. Уларни истаган қаватига кўчираверамиз, лекин ҳозирги сизнинг шароитингизда, айтдим-ку, тўқималарни забт этган касалликнинг тарқалиш даражасида энг қулайи — олтинчи қават!.. Биз ҳам даволаб кўрайлик, муолажамиз эмига туша, бир кун ҳам бу ерда тутиб турмаймиз, кўчирсак кўчираверамиз.

ДИНО КORTE тақдирга тан берди. Бир чеккаси аввалги профессордан кўра буниси қатъиятлироқ, ҳатто билимдонроқ кўринди. Келган кунимданок шу профессорга йўлиқсам бўларкан, деган афсус кечди кўнглидан. Фақат энди янги профессорга қайта бошдан мослашиш, у билан тил топишиш

керак, оворагарчилик-да, касалхонага ётгач, охиригача битта шифокор, битта ҳамшира парвариш қилса-да!..

Дино КORTE хамхонасидан профессор ҳақида батафсилроқ суриштириб билмоқчи эди, қараса, каравот бўм-бўш, ҳатто топ-тоза, охори тўкилмаган чойшаб тўшалган! Қачон кетибдию қачон каравотни «пардозлаб» улгуришибди, билмай қолганини!..

Дино КORTEга бу ҳол андак оғир ботди, ахир, касалхонадан чиқаётган бемор одам ён-веридагилар билан хайрлашса ҳаққи кетмасди, «Сиз ҳам тезда соғайиб чиқинг» деса, хаста одамнинг кўнгли тоғдек кўтарилмайди-ми!.. Лекин, хамхонасининг мум тишлаб, шифтга бақрайиб ётишидан соғайганга ўхшамаганди...

Уч кунгача Дино КORTE дамо-дам шуни эслаб жиғибийрони чиқди, ўзини чалғитди. Бу орада профессор билан ҳам юзма-юз келди, ундан улбулни аниқлаштириб олишга чоғланган эди, профессор гапни қисқа қилди: «Айтдим-ку, сиздаги касалликнинг хавfli жойи йўқ, авж олмаган деса ҳам бўлаверади».

— Еттинчи қаватдаги доктор тўқималар ҳақида ҳеч нарса демаган эди-ку?

Профессор қилт этмади.

— Ҳар қаватнинг ўз касали, ўз шифокори бор. Такрорлайман: сизнинг касалингиз оғир эмас...

Бу гаплардан Дино КORTенинг кўнгли бирмунча кўтарилди. Бир қават пастга тушиш унчалик офат эмас-ку, деб ўзига тасалли берди. Хотинига хат йўллаганига севиңди. Йўлакка чиқиб бир оз юришни, ўрни келса, битта-яримта бемор билан танишиб, ҳасратлашишни мўлжаллади. Лекин у палатдан чиқиб улгурмади, эшикдан ҳамшира аёл кириб саломлашди, шифохона раҳбарияти мутахассислар билан келишилган ҳолда касалхонадаги барча беморларнинг касаллик даражаси бўйича табақаланишига ўзгартириш киритганини эълон қилди. Дино КORTE тушунмади, беморларни табақалаштириш деган гапни эшитмаган экан. У шу ҳақда ўйлай бошладию касали қолиб қаёқдаги бўлмағур гапларга бошини қотираётгани ўзига нашьа қилди.

— Хўш, нима қилибди, — деди у ҳамширага бақрайиб. — Табақаланишга ўзгартириш киритилган бўлса, менга нима?!

— Еттинчи қаватдаги бир неча бемор олтинчига туширилади, — деди ҳамшира аҳамиятсиз янгиликни айтаётгандек.

— Олтинчига?

— Олтинчига.

КORTE жанобларининг чехраси чарақлаб кетди.

— У ҳолда!.. Демак, мен юқоридаги жойимга кўчар эканман-да?!

— Бешинчига!..

Дино КORTE тонг қотиб қолди. У ҳамширанинг жавобини эшитмади, йўқ, эшитди-ю, қулоғи шанғиллаб кетди, сўрамоқчи бўлиб оғиз жуфтладию юраги «шув» этиб тубсиз қоронғуликка тушиб кетди. Бешинчига дедими?!

Гўё Дино КORTE қайтиб сўрамаса, шу қаватда қолиб кетадигандек дарҳол тилини тийди, ҳамширанинг назарига тушмай жуфтакни ростлашни мўлжаллади. Бироқ, ҳамшира «хукми одил»ни ўзгартирмади. Бу, Дино КORTени қушқондан чиқариб юборди.

— Тутуруғи борми бу касалхонанинг?! Бу қандай лўттибозлик?! На профессорининг, на ҳамширасининг тайини бор-а?! Ётиб даволаниш учун

келган беморни кўчманчига айлантириб юборасизлару бу аҳволда?!

Шовқин бутун қават бўйлаб баралла эшитилди, зум ўтмай майда кўзли кўзойнаги ортидан хотиржамгина боқиб турувчи даволовчи шифокор кўринди.

— Менга рухсат берақолинг, яхшиси, уйимга кетаман! Қайтага қишлоқда тинчгина даволанаман!..

Даволовчи шифокор уни тинчлантирди.

— Беморларни табақалаштириш касалхона маъмуриятининг ўзбошимчалиги билан эмас, балки етук мутахассислар билан бамаслаҳат кўрилган чора. Тушунинг, жаноб.

Дино Кортэ жиндек шаштидан тушди.

— Ахир менга еттинчи қаватдан икки-уч ҳафтада жавоб беришмоқчи эди!

— Тўғри, — деб унинг оғзидаги гапни илиб кетди даволовчи шифокор. — Аслида ҳам сиз еттинчи қават беморисиз. Салгина ҳарорат нима деган гап, айтишга ҳам арзимайди. Лекин касаллик ишғол қилган тўқималар ҳолатидан келиб чиқилса, сизни олтинчи қават беморисиз, дейиш ҳам мумкин. Шу ерда ётаверсангиз ҳам мумкин эди-ю... келинг, менга қаранг, сиз учун қайси қаватда ётишмас, балки даволаниш, касалликдан фориғ бўлиш муҳим эмасми?! Шуни ҳам айтиб кўяй, бешинчи қаватдаги қулайликларни кўрсангсиз, бундай тўполон кўтармас эдингиз.

Дино Кортенинг қўл-оёқлари бирдан бўшашди. Кўзи тинди. Ҳар оқшом ётар чоғида ҳарорати кўтарилиши канда бўлмаётганини, олтинчи қаватдаги муолажанинг нафи сезилмаётганини эслади, даволовчи шифокорнинг сўнги далдаси ва даъвати унинг кўнглида умид туғдирди. «Майли...» деди нафаси ичиға тушиб, бу сўзини бошқалар эшитдими ёки эшитмасда, улар маъмурият кўрсатмасига сўзсиз итоат этишлик зарурлигини намойиш қилиб қўймоқчи бўлишдими — Дино Кортенинг лаш-лушини зумда йиғиштириб улгуришди. Касал бирон нарсамни унутиб қолдирмадимми, деган хаёлда у ён-бу ёнга аланглаб улгурмай ўзини бешинчи қаватга тушадиган зинада кўрди...

Профессор Зоҳид Яқиннинг касалини суриштириш, аҳволини билиш, дардига малҳам топиш учун эмас, худди бекорчиликдан зериккан одамдек, хангомалашиб ўтирди.

— Биринчи бор суҳбатлашганимиздаёқ кўнглимга ўтиришиб қолган эдингиз, — деди у ясама табассум билан. Шунинг ўзигаёқ Зоҳид Яқиннинг димоғи чоғ бўлиб кетди. — Яхши ётибсизми, шарт-шароитлар жойидами?

— Жуда жойида! — деди Зоҳид Яқин кўтаринки оҳангда гапиришга уриниб. У шундай дея миннатдорлигини изҳор этмоқчи эди. Мамнунлигини аён қилатуриб, профессорнинг оғзини пойлади ҳам. Ахир, у даволанишнинг бориши ҳақида бирор тайинли гап айтиши керак-ку!

— Укангиз жуда бамаъни йигит, — деди профессор тўсатдан.

Зоҳид Яқин худди ўзининг соғлиғи ҳақида яхши гап эшитгандек яйраб кетди.

— Тўғри, анчагина бамаъни йигит, лекин жуда камгап-да, шуниси бор, — деди яримҳазил оҳангда.

Профессор ҳазилни жиддийга бурди.

— Бизнинг врачлар учун камгаплик фазилат. Хасталик ҳақида ҳадеб вайсайвергандан, маҳмадоналик қилавергандан кўра, уни кузатиш, таҳлил қилиш, олдини олиш, даволаш муҳим.

— Ҳар қалай, билиб қўйиш... билиб қўйгиси келади-да, одам...  
Профессор Зоҳид Яқиннинг муддаосини тушунди.

— Келин ҳам ҳузуримга киришга уринибдилар, сира ташвиш чекмасинлар, биз сизни тўла назоратимизга олганмиз. Ёки жой ёқмаяптими?

— Йўқ, йўқ, асло ундай эмас! — деб юборди жон ҳолатда Зоҳид Яқин.  
— Шароит яхши, яхши эмас — аъло!

— Аъломи?..

— Биринчи қаватда жуда яхши жойлашган эдим, бу ерга эндигина чиқдим-у, назаримда, иккинчи қават янаям дурустроққа ўхшай...

— Баракала-а-а! — деди профессор ўзи шуни кутгандек. — Мен доим шогирдларнинг кулоғига қўйганим-қўйганки, бемор биринчи навбатда палатага, ётган жойига қўнгил қўйсин. Шундан сўнггина у шифокор билан, ҳамширалар билан тил топишади. Қолгани медицинага тан!..

Зоҳид Яқин ўзи айтгани учунми ёхуд айтмасидан илгарийёқ профессор шу қарорга келганми, ҳар қалай, иккинчи қаватдаги палатада қолди. Палата айтарли катта эмас, лекин ниҳоятда саришта эди, Зоҳид Яқин ҳатто деворга илинган радионинг симига эътибор қилди: биринчи қаватдаги радионинг сими осилиб, чуваллашиб ётганди, бунисининг ортиқча қисми букланиб-тахланиб радионинг ёнига боғлаб қўйилибди. Шу ҳам сарамжонлик-да! Палатада беморнинг асабига тегадиган ҳеч бир майда-чуйда бўлмаслиги керак.

Зоҳид Яқин шу каби хаёлларга андармон бўлиб кайфияти чоғ ўтирганида ёшгина ҳамшира жувон кириб келди. У худди Зоҳид Яқинни эскидан танийдигандек, бир кулиб-бир сўзлаб, бемор ҳали сўраб улгурмаган, эҳтимол сўраш нияти бўлмаган нарсаларни гапира кетди.

— Шу палатага кирсам чиққим келмайди-я! Оҳанрабоси борми, билмадим.

Зоҳид Яқин ҳамширанинг қалам қошига, узун-узун киприкларига, сутга чайилгандек оппоқ манглайига суқланиб қаради.

— Мен ҳозиргина... боягина кўчиб ўтдим бу ерга...

— Ажаб қипсиз!.. Тушунган одам экансиз! Шу-ундай шарт-шароитнинг қадрига етмайдиганларни кўрсам, ўлай агар, тушунмайман! Ҳайрон бўламан! Нега исм-шарифингиз галати, ака?

Зоҳид Яқин ҳамширанинг очиққўнгиллик билан савол қотишидан кулиб юборди.

— Нимаси галати? — деб сўради.

— «Зоҳид»ни биламан, эшитганман, «Яқин» дегани... Одамга, кўнгилга яқинликни англатса керак-да, топдимми?!

Ҳамшира ихтиро қилган одамдек қувониб, овозини баралла қўйди.

— Ўзингизни таништирмадингиз? — деб ўсмоқчилади Зоҳид Яқин каравот суйанчигига тирсагини қўйганича қиздан кўз узмай.

— Шавқия! Шавқ-завқдан олинган! Исми — жисмига мос! Хомуш, ўйчан одамларни кўрсам юрагим «поқ» этиб ёрилиб кетади. Одам қанча кўп гапирса, ичидаги ғуборлари шунчалик тез тарқайди. Тутун чиқарадиган мўри бор-ку, ўшанга ўхшаб тутунини пуркаб турмаган одамнинг ичини занг босиб кетади, боши касалдан чиқмайди. Топдимми?.. Сиз...

Зоҳид Яқин профессорнинг камгаплик борасидаги талабчанлигини эслади. Шавқия унинг кўнглидан кечган ўйни илғаб олгандек гапида давом этди:

— Билиб турибман, сизга ҳамшираларимизнинг камгаплиги ёқмаган. Чунки елиб-югуриб ишлаб юрган соғлом одам тўсатдан бундай жимжитхонага

кўникиб кетиши қийин. Бу етмагандай, ҳеч зог гаплашмаса, мотам тутиб юрса...

Шавқ-завқ билан шақиллаб турган Шавқия тўсатдан йиғлаб юборди. Мўлт-мўлт қилиб жовдираётган кўзларидан дувиллаб тўкилган ёшларини яширмади ҳам. Зоҳид Яқин ҳайрон бўлиб қолди, қизни юпатиш учун бирор тасаллибоп сўзни ўйлаб, тилига кўчиргунича аҳвол буткул ўзгарди. Шавқия яна қаҳ-қаҳ отиб кулди.

— Кўзёшиям қуриб кетсин! — деди халатининг чўнтагидан кафтдек дока олиб, кўзини артар экан. — Менинг сергаплигимни домла ҳам биладилар. Бошқалар салгина гап сотса борми, ёқтирмайдилар ҳам, кечирмайдилар ҳам. Айниқса, беморлар билан эзмаллашиб ўтирадиганларнинг жавобини бериб қўяқоладилар. Мени эса нукул «Ҳа, қақилдоқ?» деб эркалатадилар. Бошқаларга роса алам қиладди!.. Мана, кўряпсизми, шунча гапирсам ҳам сиз чидаяпсиз, чунки олим одам экансиз, сабрлисиз, ўзингиз ҳам тўхтамай гапиргингиз, қайнаб-тошаётган нималарингиз... тутунларингиз бор-ку, ха-ха-хо!.. Ўлай агар, ўшалар ичингизда қолиб кетишини истамаяпсиз. Шунинг учун ҳам мен палатангиздан бир қадам ҳам чиқмайман, сизга термили-иб ўтиравераман, фақат кулоқ соламан, сиз эса гапираверасиз-гапираверасиз, роса хумордан чиқасиз!..

Зоҳид Яқиннинг таажжуби баттар ошди. Жодугар эмасми, деб юборди ичида, нималар деяпти?! Олим одамсиз дегани нимаси?! Ҳақиқатан ҳам Шавқиядаги кувноклик аллақачон ўзига юқиб улгурган, чиндан ҳам тинмай нималарнидир гапиргиси келаётган эди. Ярим соатгина суҳбатлашиб улгурмай, мутлақо бегона қақилдоқ қиз кўнглига шунчалик ўтиришиб қолганига, уни ўзига ром қилиб олганига ўзи ҳам ишонмаётган эди.

— Уйингиздан келишибди, — деди энага очик турган эшикдан бошини сукмай.

Тўғриси, Зоҳид Яқин шу топда Шавқиянинг суҳбатини тарк этгиси келмади, бу қақилдоқ қизнинг самимияти олдида хотини ҳам кўзига кўринмай қолди.

Уч кун кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Зоҳид Яқин касаллигини ҳам унутди. Ҳеч қаерим оғримаяпти, лоҳас бўлмаёпман, дея ўзига тинимсиз далда берди. Унинг кайфиятидаги кўтаринкиликни хотини ҳам пайқади, бундан у дам севинса, дам маъюс тортиди.

— Уқтамни учратмадингми? — деб сўради у Робиядан. Робия нигоҳини олиб қочди.

— Учратмай бўладими! — деди у. — Кунда ҳоли-жонига қўймайман.

— Нима дейди?..

— Нима дерди!.. Нима сўрасам, хавотирланманг, касаллик одатда шундай кечади, дегани-деган. Домласи...

— Профессорга кирмай қўяқол.

— Кирмайман. Профессори билан гаплашаман деб кўзим учмаяпти, фақат сиздан хавотирланганим учун...

Робия шундай дедию ерга қараб олди, кўзидан томган ёшни яшириб, артди. Зоҳид Яқин кулди.

— Нимасидан хавотирланасан? Дуппа-дуруст ётибман, энг соғ юрганларимда ҳам ўзимни бунчалик энгил ҳис этмаганман. Палата шунақая...

— Э, қўйинг, наmunча палатани мақтамасангиз?! Палата уй бўлармиди?!

— Шавқияни айтмайсанми?! Гаплашган саринг гаплашгинг келади. Шунақаям бийрон, шунақаям!.. Биласанми, одам зоти шавқ-завқ туйиб яшаши учун кўп нарса керак эмас экан, вой-ву-у, на тиним билмай, на ҳаловот топмай елиб-югуришларни эсласам, воҳ, эссиз куч-қувват, эссиз умр-а! Ақл-ҳушни йиғи-иб ётиб ўйласам...

Робия эридан бундай гапларни биринчи марта эшитаётган эди, унга диққат билан кулоқ солиб туриб, эри қанчалик қувонмасин, унинг нигоҳлари чарақлаб боқмасин, кўзининг туб-тубида бедаво дард манаман деб пу-сиб турганини сезди. Шунинг учун ҳам эрининг бегона аёлни бу қадар оғзидан суви келиб мақташига эътибор қилмади.

— Барака топсин, ўша Шавқия... — деди-кўйди.

Афсуски, орадан яна уч-тўрт кун ўтар-ўтмас тақдир Зоҳид Яқинга Шавқияни ҳам кўп кўрди...

#### 4

Кимдир тирсагидан тутиб, етаклаб олганини у кейин пайқади.

— Ўзим... — деди зина суянчигини чангаллаб.

— Ўзингиз, ўзингиз тушяпсиз, — деди унинг қўлтиғига кириб олган йигит.

Дино Корте ўзи бемалол одим ташлаб тушмаётганини сезса-да, шу гапдан севинди. У бешинчи қаватдаги кимсасиз палатага кирдию оппоқ каравотга оғир ва жонсиз юкдек чўзилиб, узала тушганини элас-элас эслади.

У жиққа терга ботган эди.

Жаноб Корте уйғонганида ўзини фавқулудда бардам ҳис қилди. Бунинг устига ажойиб хушxabарни эшитди: айтишларича, у бешинчи қаватдаги беморлар орасида энг тетиги экан!..

— Масъулиятни шахсан зиммамга олиб айтаманки, сиз — қаватимизнинг энг соғлом беморисиз! — дея тантанавор оҳангда эълон қилди палата шифокори.

Афсуски, орадан беш кун ўтдими-йўқми, қаватнинг энг соғлом беморининг ўнг оёғига кўрмизи тошма тошди.

— Қаший кўрманг, — деди шифокор унинг болдирини диққат билан кузата туриб. — Ҳар қандай соғлом одамда учрайдиган тошма. Тошадияу йўқолади. Фақат сизга гамманур бор-ку, ўшани ёзиб бераман, уч-тўрт мартада йўқотиб юборади. Кўрмагандай бўлиб кетасиз.

— Бу ерда гамманур борми? — сўради Дино Корте.

— Бўлганда-чи! — фахрланиб деди врач. — Бизнинг шифохонада беморларни даволаш учун барча шарт-шароит муҳайё! Фақат, битта лекини бор...

— Қандай лекини? — Қандайдир нохушликни кўнгли сезиб, ҳайрон бўлиб сўради Дино Корте.

— Нокулайлик шундаки... — шифокор мижғовланди, гудранди. — Гамманурлар тўртинчи қаватда. Кунига уч маҳал олишингиз учун қаватма-қават тушиб-чиқаверишингизни шахсан мен маслаҳат бермасдим...

— Унда...

— Тошмадан мусаффо бўлиб, оёқларингиздан губор аригунича тўртинчи қаватдаги палаталардан бирида ётатурганингиз маъқул. Хўп, деяверинг. У ёғиша шахсан ўзим...

— Нима?! Пичоқ суякка қадалди! Етар! — чинқириб юборди Корте жаноблари. — Кўч-кўч ҳиқилдоғимга келди!

У шундай деб худди биров бўғаётгандек «ҳарс-ҳарс» нафас ола бошлади. Шифокор уни тинчлантиришга уринди. Тушунтириши кор қилмади.

— Ўлсам шу ерда ўлиб қўяқолай. Ўлайми? Шу ерда ўлақолсам, қутиласизларми?! Шу керакми, сизларга?! Илло, тўртинчи қаватга тушадиган аҳмоқ йўқ!



— Хоҳишингиз, — деди шифокор жон талвасасидаги беморнинг хумордан чиқишига йўл қўйиб, сўнг вазифасини адо этишни ҳам унутмади. — Лекин мен сизни даволовчи шифокорман. Сизнинг соғлигингиз учун шахсан бошим билан жавоб бераман. Шундай экан, кунига уч марта лаб зина ошиб юришингизга рухсат беролмайман. Ҳайлаб кўринг...

У уч кун Ҳайлаб ётди. Ош-овқатини, дори-дармонларини опкириб беришганини демаса, на профессор, на палата шифокори, на бошқа кимса «Қалайсан, тирикмисан?» деб тепасига яқин йўламади. Учунчи кун чошгоҳ чоғи аввалига сониди битта-яримта, сал ўтиб бўксасида бир талай чумоли ўрмалагандек бўлди. Апил-тапил иштонини ечиб қаради: не кўз билан кўрсакки, болдиридаги шапалоқдек қизил тошма майдони зах тортган сувдек сони орқали думбаси томон кенгай бошлаган, ҳатто белига етаёзган эди!

— Тўртинчи қаватга... тезроқ тўртинчига олиб тушинглар! Илтимос, зудлик билан гамманурга солинглар, розиман! — дея ҳам илтимос, ҳам илтижо оҳангида деворни гурсиллатиб уракетди Дино Корте...

Зоҳид Яқинни кутилмаганда учинчи қаватга кўчиришди. У ерда ҳам уни ўша таниш профессор қабул қилди. Профессор беморнинг анчагина қалинлашиб қолган касаллик варақасини тумба устига қўйганича кўрсаткич бармоғи билан тикиллатиб уриб ўтирди. У Зоҳид Яқин норозиланишини, ҳатто маломат ёғдиришини кутган эди. Аксинча, бемор заррача огринмади, зорланмади ҳам. Каравотда ётган жойида шундоққина бошининг ёнида деворга маҳкамланган радиони кўрсатиб, жилмайди.

— Яхши... радио баландда эмас экан... ётган жойимдан ўчириб-ёқавераман... — деди.

Профессор унинг ҳар бир сўзига жуда диққат билан қулоқ солди.

— Бу ерда қулайликлар янаям аъло... — деб гап бошлаган эди, Зоҳид Яқиннинг ўзи уни давом эттирди.

— Қизиқ, иккинчи қават, ўз-ўзидан меъдамга ура бошлаганди, — деди у катта эҳтиромга сазовор бўлганидан мамнунлигини билдирмоқчидек шодон кайфиятда. — Боисини ўзим ҳам сезмадим, лекин... домла, Шавқия деган ҳамширангизга гап йўқ, жудаям самимий, қувноқ қизалоқ экан. Бундай ҳамширалар беморнинг кўнглини тоғдек кўтаради. Сухбатига тўймайсан одам!.. Уч-тўрт кун тинмай вайсабман-е! Роса тўкилдим, ўзиям!.. Оғзимдан чиққан гапларни эслаб, энди хижолат чекиб ўтирибман...

Профессор худди беморнинг бундай ҳолат-кайфиятга тушишини аввалдан билгандек тиржайганича товушини чиқармай, елкаларини силкитиб кулди, сўнг оқ қалпоқ қўндирган бошини сермадию бирдан жиддий тортди.

Учинчи қаватга кўчгач, Зоҳид Яқин ҳовлига деярли чиқмай қўйди. Фақат бир ҳафталардан сўнггина кўнгли алағда бўлди, алоқ-чалоқ тушларига таъбир тополмай хаёли қочди, пешинга қадар Робияни кўргиси, у билан бафуржа суҳбатлашгиси келди, ҳатто профессорнинг хузурига кириб, уйига қайтиш учун рухсат олишни мўлжаллади.

Шомга яқин амаллаб биринчи қават эшигига тушиб борганида баданини совуқ тер қоплаганини сездди. Эти жунжикди. «Пастга тушиш шунчалик малол келса, чиқиш нима бўлади?..» Хотини билан ўғли турган экан, Робия югургилаб келиб, уни суюди. Эрининг ич-ичига ботиб кетган кўзларига, қони қочган бетига қараб, ўзини йиғидан тўхтатолмади. Ўғлининг қути ўчиб, юзини отасининг кўксига босди.

— Индамай, ҳаммасини дўхтиргач ташлаб қўймай, ўзингиз талаб қилинг.

Майли, яхшироқ... ўткирроқ дори-дармонидан ишлатса-ишлатақолсин... Оғриқни қолдирадиган чораси сон мингта-ку, ахир!

— Қизик, ҳеч қаерим оғримаяпти, — деди Зоҳид Яқин ўсиб, қулоқларини ёпиб қўйган сочларини бармоқлари билан тараб. — Учинчи қаватга чиқдим, уч-тўрт кун ўтгани сайин... билмадим, бошқачароқ дори-дармон қилди чоғи, оғриқ ҳам қолгандек...

— Оғрийверганидан кўникаиб кетгансиз... Оғриганини билмаётгандирсиз?

Зоҳид Яқин шунчалик меҳрибонлик қилиб турган хотини билан гаплашгиси келмай қолди.

— Сен яхшимисан? Опанг, синглинг тинчми?— деб сўради у ўғлининг кўзига қараб-қарамай.

— Буларингиз қанақасига тинч бўлади, дадаси?! Ҳаммаси, бутун қариндош-уруғ бетинч.

— Биламан... Ҳаммаларининг умри узоқ бўлсин... Келиб юришмасин... Овора бўлишади...

— Қизиксиз-а!.. Ўзим келай, ўғлингиз келсин, навбатма-навбат қараб турайлик. Бунча ўжарлик қилмасангиз?!

Зоҳид Яқин худди танасига бурунги куч-қуввати қайтгандек, дўриллаб кулди.

— Робия, сен барака топ, онаси... Ўғлим, анча эсли бўп қолдинг... Лекин ҳали тепамда одам қараб ўтирадиган аҳволга тушмадим... Қайтага руҳим ҳар қачонгидан тетик. Мана, ўз оёғим билан юрибман, худога шукр. Иштаҳам карнай, ётиш-туришим... палата шунақаям қулайки, бемалол...

— Нима, уйингизда бемалол эмасмисиз? Ҳар қанча шароити билан палата уй бўлармиди! Тавба, дўхтир деса энсаси қотадиган одам оғзингиздан палата тушмай қолганини!..

Робия тавба ўғли кетгач, Зоҳид Яқин кун бўйи хаёлига келган ўйлари учун ўзидан хижолат чекди. Ўша кайфиятда профессорнинг ҳузурига кирса, уйга кетаман, деб туриб олса, профессор ҳам кўна қолса... Зоҳид Яқин касалхонанинг шинамдан-шинам ва сокин палатасида ёлғиз ётган кўйи руҳини авайлаб эркалаётган, хаёлларига қўшиб ўзини ҳам еттинчи қават осмонларга учуриб кетаётган... ўзи ҳам изохлаб беролмайдиган ҳузурбахш сонияларни кўнглидан кечираётган ҳолатда уйда — хотини, ўғил-қизлари қуршовида... ҳали қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари ҳам ёпирилиб келишар! — йўқ, уйда, кўпчилик орасида бундай туйғуларни, ёқимли эҳтирослар тўлқинини ҳис этиши амримаҳол...

Хотини ва ўғли билан хайрлашдию бундан кейин бўшанглик қилмасликка онт ичди. Ҳа, башарти профессор ё даволовчи шифокор кетишига ижозат берса-да, у асло кўнмайди, қайнисини ишга солиб бўлса-да, профессорни рози қилиб бўлса-да, бу роҳатихон жимжитхонадан чиқмайди, ҳеч қаёққа бормайди!.. Кун ва лаҳза сайин қадрдонлашиб қолаётган палатага хиёнат қилмайди... У бош кўтариб палатанинг бетига қарай олмади, шом қоронғуси тушмай, бошини буркаб, ётиб олди.

Кун анча ёйилганда уйғонган заҳоти жуда узоқ ва тўйиб ухлаганини сезди. Шу ётишида у қайтиб уйғонмасликка ҳам рози эди, лекин, начора, уйғонди, одам уйғоқми, демак, у яшашдан бош тортишга ҳаққи йўқ... Боши, елкаси жиққа терга ботибди, тердан ҳосил бўлган намлик шу қадар музлабдики, бармоғини чаққандек бўлди, ўрнидан турди, кеча йўл қўйган ирода-сизлигини эсламасликка уринди ва бошини тиззалари узра солинтирганча узоқ хаёлга чўмиб, худодан ўзига сабр-тоқат, тоқат-қаноат сўради. Сўрага-

ни сайин вужудига қувват қўйилаётгандек ўзини тетик, бардам ҳис қилди, худди иродасини намойиш этиб қўйгиси келгандек, шаҳдам қадамлар билан кириб, ювиниб чиқди, ички қўйлагини алмаштирди, сўнг палатага бўлган садоқатини изҳор этиш ниятида ўрнидан турди, тураётганида ўнг биқини оғирлашиб, гавдасини ёнбошга тортиб кетди. Зоҳид Яқин аранг мувозанатни сақлади, биқинидаги шишнинг катталашганига ҳам эътибор қилмади. Унинг ўй-хаёли палатада эди... У кафтларини палата деворига, сўнг ундан узиб манглайига, бетларига босди, пешонасини девордан узмаган ҳолатда чўк тушди. Аксига олиб навбатчи энага ҳам худди шу топда палатага кириб қолди. Илдам қадамлар билан тўппа-тўғри Зоҳид Яқиннинг ёнига етиб келди-да, унинг билагидан, белидан тутди. Суяб кўгарди.

— Ётақолинг... Нима керак бўлса, айтинг, мен олиб бераман... Тортинманг...

Шу пайт Зоҳид Яқин беихтиёр айтиб юборган сўзини ўзи кейин эшитди.

— Домлани чақирсангиз... бир кўриб қўйсалар...

У каравотнинг чеккасига аранг қўнди, бир-бирига суяниб қолган тиззаларининг кўзида турган титроқ каравотга кўчди.

— Эрталаб саҳарда икки киши бўлиб келишди... у ҳам профессор... Ухлаб ётган эдингиз, уйғотишмай, узоқ кўришди...

— Эссизгина, ғафлат босибди-да, айтадиган гапларим бориди...

— Зарари йўқ, ҳаммасини ўзлари кўриб-билиб туришибди...

— Қувватим етарли, эс-ҳушим жойида, фақат...

— Ҳм, шундай... — деди навбатчи аёл. — Ётатуринг, ҳозир нонушта келтираман.

— Нонушта емайман! — деб юборди қатъиян рад этиб Зоҳид Яқин. — Менга овқат эмас... қорнимни тўйғазаман деб ётганим йўқ бу ерда. Овқатни... нонуштани ўзларинг еяверинглар... Тавба-а, қизиқ...

У гапини давом эттира олмади. Энага хонадан чиқиб кетаётганини сезиб, аранг шипшиди:

— Жоним оғриётгани ундан нарига, руҳим тетик, эшитдингизми, руҳим тетиклигини сезяпсизми?..

Зоҳид Яқин жисми-жони азобланиши қандай бўлишини бешинчи қаватга кўтарилаётганида бошдан кечирди. Аввалига уни замбилга ётқизиб кўтармоқчи бўлишди. Зоҳид Яқин бошқаларнинг ёрдамида бир қадам ҳам жилмайман, деб оёғини тираб туриб олди. Ўз оёғим билан келганман бу палатага, ўз оёғим билан чиқаман...

## 5

Тўртинчи қаватга тушган Дино Кортенинг ваҳимасию хавотиридан асар ҳам қолмади. Бунга бошқа беморларнинг деярли барчаси тўшакка михланиб ётгани сабаб бўлди.

Дарҳақиқат, Кортэ бемалол ўрнидан туряпти, бир-бир ташлаб бўлса-да, нурлантирувчи ускуналар ўрнатилган ним қоронғи муолажахонага ўз қадами билан бориб келмоқда. Тўшакдан қимирламай ётганлар тугул, ҳамширалар ҳам Кортэ жанобларининг жасоратидан ҳайратларини яширмадилар. Бу ҳайратланишлар унинг ғайратига ғайрат, мадорига мадор қўшди.

— Дино Кортеман! — деди у жарангдор овозда, янги шифокорга ўзини таништираётди. — Аҳволим анча дуруст. Аслида еттинчи қаватнинг ўзидан тузалиб кетадиган эдим-у, аввал ўз ихтиёрим билан ёш болали аёлга жо-

йимни бўшатиб бердим, кейин тўқималарни текширтириш мақсадида бешинчига, қизил тошмаларни нур ёрдамида йўқотиш мақсадида тўртинчига кўчиришди. Гамманур билан даволаниб олай, бу ерда узоқ ётмайман, еттинчига қайтаман!

— Мутлақо тўғри! Мутлақо тўғри! — деди айнан унинг гапириш оҳангида шифокор. — Сизга қойилман, жаноб! Ўзи беморлар ваҳимачироқ бўлишади! Йўқ жойдан гавғо кўтариб, тўполок кўзгаб юришади. Ҳайрият, сизда ундай одат йўқ экан. Мен ҳам кўриб-билиб турибман ҳаммасини! Касалликнинг қандайлиги сизга қанчалик маълум бўлса, менга ҳам шунчалик аён! Текширдим, кузатишлар натижаларини синчиклаб кўриб чиқдим — ваҳима кўтарадиган асос-пасоснинг ўзи йўқ! Тушунган одам экансиз, барака топинг, шунинг учун сизга гапнинг дангалини айтган маъқул, тўғрими?

— Т... тўғ...

Дино КORTE шифокорни яна бир карра қойил қолдириб, унинг гапини баралла маъқулламоқчи эди, бирдан шув этиб юраги орқага тортиб кетди. Шифокор бунга эътибор қилмай мақсадга кўчаётган эди, у шошилиб, лекин боягидан анчагина шашти пасайиб гап қотди:

— Тўғри, касалман, мазам бўлмаепти, тан оламан... сиз ҳам дангалини айтинг-чи, қайси қаватда даволанганим маъқул?

— Ия-ия!.. Бу нимаси, ҳозиргина мақтаб тургандим-а! Нима, саволингизга ҳозирнинг ўзида жавоб бериш осон деб ўйлаяпсизми? Бунинг учун камида бир ҳафта сизни кузатишим керак.

— Тахминан бўлсаям... айтинг, — деди жаноб КORTE баттар шалвираб.

Шифокор хаёлан чамалаётган одамдек бир нуқтага тикилганча сукутга чўмди ва ниҳоят, оҳиста ён берди:

— Кўймадингиз, кўймадингиз-да... Орамизда қолса — айтаман...

У шундай деб КORTEга синовчан назар ташлади. Жаноб КORTE дарҳол қўл ташлади:

— Орамизда қолади, ишонинг...

— Тўғриси айтсам, — деди шифокор сирли равишда овозини пасайтириб. — Очигини айтсам, асли, жойингиз олтинчи қаватда. Ишонинг, олтинчи қаватнинг ўзида соғайиб кетар эдингиз... Яширишнинг нима ҳолати бор?! Мен доим бор гапни айтишга одатланганман. Буёғига танишиб олдик, кўнглимга ўтиришиб қолдингиз, ўзим...

Дино КORTE касалхонага ётганидан буён биринчи бор дилкаш ва самимий инсонга рўпара келгандек, умидларга тўла нигоҳини суҳбатдошидан узмади. Ҳақиқатан ҳам, янги таниши ҳар сафар палатага кирганида КORTEдан эринмай ҳол-аҳвол сўрар, унинг кўзи, юзи, томоғи, кўкраги, қорни, думбаси, болдири терисини эринмай кузатар, тунда ҳарорати нечага чиққанини унинг ўзидан суриштириб, ташқаридаги ҳаво ҳароратини айтар, шу тахлит беморнинг хаёлини палата муҳитидан чалғитишга уринар эди. Шундай дамларда КORTE ҳали ёруғ дунё билан алоқаси тамоман узилмаганини эслаб қолар, хотинидан хат-хабар келмай кўйганига ичида ажабланар ва яна касаллиги, даволаниш муддати бу қадар чўзилаётганини ўйлаб кетар эди.

— Жиндеккина соғайсам эди, — деди у бир куни маъюс тортиб.

— Жиндеккина эмас, анчагина соғайдингиз, — дея унинг кўнглини янада кўтарди шифокор дангалига. — Тошманинг тарқаш суръати секинлашгани ҳам соғайиш аломати-да!

Жаноб КORTE ўзини ҳамсуҳбатининг далдасига муносиб тетик тутмоқчи эди, чоғи келмади.

— Айтинг-чи, — деди у кўққисдан. — Чиндан ҳам тўқималарнинг қуюқлашиш ва тарқалиш суръатида ўзгариш борми, бўлса, қанчалик сезиларли?

— Бунақа бадгумонлик сизга қаердан юқди?! — деб хитоб қилиб юборди шифокор ҳам ҳазил, ҳам пўписа аралаш. — Касал одамнинг боши бунақанги бўлмағур васвасалар билан тўлиб ётиши зинҳор мумкин эмас! Қайтиб мен сиздан бунақанги бўлмағур саволни эшитмай! Уқдингизми!

— Хўп, хўп бўлади. Фақат ҳозир саволимга жавоб берсангиз...

— Жавоб бераман, жуда зарур бўлса, жавоб берганим бўлсин. — Шифокор тавозе билан такаллуф кўрсатгандек гапирди. — Тўқималарнинг емирилиши айтишга ҳам арзимайди. Қаттол дард, холос.

— Қаттоли нима? Сурункали деганими?

— Мен бу сўзни тилга олмадим. Баъзан энг енгил дард ҳам сурункали муолажани тақозо этади.

— Аҳволим яхшиланиб кетишига умид боғласам бўладими?

— Тағин бояги савол-а! Тағин... Неча марталаб айтдим-а, сизга?! Уч-тўрт кунда соғайиб кетиш умиди миянгизга жуда михланиб қолибди-а?.. Майли, қадрдонлашиб кетдик, шунинг ҳаққи ҳурмати ранжимасангиз бир гапни айттай.

— Айтинг, бемалол.

— Башарти, мен сизнинг ўрнингизда бўлсаму шу дардга чалинсам, ҳеч нарсани ўйламай-нетмай қуйи қаватларга ётқизишларини талаб қилиб туриб олардим. Ҳа, сўзсиз талаб қилардим!

— Биринчи қаватга демоқчимисиз?! — пичинг аралаш захарханда тиржайиб кулди Дино Кортте.

— Йў-ўқ, биринчигамас. Учинчи ёки иккинчига. Билмайсиз-да, қуйи қават шифокорларининг қўли шунақаям енгилки!.. Асбоб-ускуналарини айтмайсизми, энг замонавийлари ўша ерда! Қолаверса, шифохонамизнинг асосчиси ва маънавий падарини биласиз-а?

— Профессор Факеттими?

— Хайрият, билар экансиз. У киши ўз фамилияси етти ҳарфли эканидан келиб чиқиб, шифохонани етти қаватли қилиб қурдирган. Даволаш услубларини ҳам ўзи яратган. Хонаси, яъни муолажа учун қабулхонаси иккинчи, учинчи қаватлар орасида. Зина майдончасидан кириб бориладиган йўлакда. Энг кучли гамманурлар ўша ерда.

— Бундан чиқди... — Дино Кортенинг овози қалтираб, қалдираб эшитилди. — Бундан чиқди...

— Чунки... Сиз тошмани ҳисобга олинг. Тошманинг ўзи унчалик хавотирли эмас. Лекин ундан фориг бўлиш чўзилиб кетса, сизнинг кайфиятингизга таъсир кўрсатиши муқаррар. Буткул соғайишингиз учун эса хотиржамлик сув билан ҳаводек зарур! Шунинг учун... учинчи қаватда бевосита профессорлар профессори жаноб Факеттининг назоратида бўласиз. Уч-тўрт кун гамманур оласизу... қурбингиз етса, ҳеч тортинмай бу ёққа чиқаверинг, қадрдонлашиб кетдик-ку, ахир!..

— Демак... — Дино Кортте шундай дедию ич-ичидан келган хўрсиниқни босолмай, елкаларини силкита-силкита ҳиқиллаб йиғлаб юборди. Шифокор жим бўлиб қолди, беморни ўз ҳолига қўйди, бироз ўтгач, жаноб Кортте ўзини қўлга олиб, бошини кўтармай гудранди: — Пастки қаватдаги муолажа тошмани тезроқ йўқотадими, ишқилиб?..

— Муқаррар. Айтдим-ку, мен сизнинг ўрнингизда... Қадрдонлашиб кетганим учун очигини айтдим-қўйдим, бошқаларга икки дунёда ҳам буни тавсия қилмас эдим...

Хуллас, тошмадан тезроқ қутилиш илинжи Дино Корте жанобларини сўзсиз-несиз яна бир поғона куйи қаватга кўчирди...

Ҳамширалар ҳам, навбатчи аёл ҳам Зоҳид Яқиннинг инжиқлигига кўнишди, у зинага қадар ўзи бемалол етиб борди, ҳатто тўрт-беш поғонага битта-битталаб кўтарилди ҳам. Ичида иродасига тасанно айтди. Бирдан кўзи тиниб кетди. Сир бой бермади, зина суянчиғини тутди. Чирпирак бўлиб, чалқанча ағдарилса... суяклари мажақланиб кетмас, илло... атрофида гир-дикапалак бўлаётган манави бечоралар балога қолади.

Уни бешинчи қаватда нималар кутяпти, бешинчи қаватда аҳволи қандай кечади — шуларни ҳам ўйлаб кўрмади.

Негадир Зоҳид Яқин соғайиб кетишни эмас, шу ерда — шифохонада, қаватдан-қаватга кўчиб-кўтарилиш дардига мубтало бўлганини кўпроқ ўйлаётган, бундай ўй-хаёл қачондан буён унга ёпишиб олганини ўзи ҳам сезмаётган эди.

У суянчиққа тирсагини кўйганича узоқ ўйга чўмди. Болалигини, ўсмирлигини, шўх-шан ёшлигини кўз ўнгидан ўтказди.

Бир поғона кўтарилди.

Ўйланди. Тўнғичи туғилган йиллари касб-корини тополмай обдон қийналди. Неки машаққат чекса, ичига ютди. Одамлар орасида қанчалик хушчақчақ бўлса, ёлғиз қолди дегунча юраги ўзидан-ўзи сиқилавериш одати бор эди, буни ўткинчи омадсизликларга йўйди. Кейин...

Зоҳид Яқин икки поғона кўтарилди. Зина муюлишидаги чоққина майдончага чиқиб, нафас ростлади.

У ўзини енга олганидан мамнун эди! Яхшиям, замбилга ястаниб ётиб олмади! Ўзи, ўз оёғи билан чиқди! Демак, ҳали қуввати мўл, ҳали...

Кейин, тиним билмади, иши хўп юришди. Егани — олдида, емагани — ортида, иззат-ҳурмати жойида... Соғломлигини айтмайсизми!.. Назарида, ҳеч қачон дард яқинлашмайдигандек, шу кетишда камида минг йил яшайдигандек эди!.. Шунча вақт касал нималигини билмади. Бундан ўзи, болалари, хотини гурурланар ҳам эди. Робия, «Мен қариб қолдим, сиз ҳали уйланмагандексиз» деб гина ҳам қилиб кўярди. Онда-сонда эрини бошқалардан қизғанарди ҳам.

Зоҳид Яқин икки-уч поғона кўтарилганини ўзи ҳам сезмади. Баданидан тер қуюлди.

Бу дард қаердан ёпишақолди унга? Ҳатто касалликка ҳам ўхшамайди, қизиталоқ! Биқинидан юқориқоқда — қўлтиғига яқин жойида, йўқ, оғримади, ёнғоқдек думалоқ нарса пайдо бўлди. Аввалига эътибор қилмади. Орадан анча ўтиб ўша дардисар «ёнғоқ» сал-пал гимирлайдиган одат чиқарди. Ўшандаям оғримади, балки Зоҳид Яқиннинг қитиғи келди. У ер-бу ерда нозикроқ давраларда ўтирганида «ёнғоқ»нинг шўхлиги тутса, у кулгисини тўхтатолмади. Тўхтатолмади-ю, бировга ёрилиб дардини очмади ҳам.

Зоҳид Яқин кулиб юборди, кулги далдасида яна зинадан кўтарилди.

Ўша ёнғоқ йиқитди уни!.. Мана, ёнғоқ хандалақдек катталашиб кетди-ёв!.. Ҳарорати сира тушмади-тушмади...

Зинанинг энг юқорисига етай деганда унинг ёнида яна бир оқ халатли жувон пайдо бўлди.

— Сиз кимсиз? — деб сўради Зоҳид Яқин худди эски танишини учратгандек.

— Ҳамшираман. Исми — Мужоҳида.

— Мужоҳида?

— Ха, Мужоҳида!

Зоҳид Яқиннинг чиройи очилиб кетди. Жувонни қучоқлаб олмоқчидек унга томон талпинди. Мужоҳида уни суяб қолди.

— Дурустмисиз? Кайфиятингиз чоғми?

Зоҳид Яқин қувончини изҳор қилмоқчидек чиройи очилди. Негадир шу топда ўглини кўргиси келди, уни рўпарасига ўтказиб олиб, эзилиб насихат сўққиси келди. Нега шуни илгарироқ хаёлига келтирмаганига афсусланди. Хаёли яна рўпарасидаги аёлга чалғиди.

— Жудаям! Қувватим етарли, тетикман, димоғим чоғ, синглим! Сизни кўрганимдан, сизга етишганимдан беҳад хурсандман!

— Тагин айниб қолмайсизми?— муғомбирона кулиб сўради Мужоҳида.

— Мужоҳидахон!.. Энди айнамайман, ҳаммасига ақлим етди, орқага йўл йўқ энди, синглим... Мужоҳида... Сиз, сизни...

— Мушоҳида! Мушоҳидани чақиринглар! — деди Мужоҳида йўлак томон бошини буриб.

У чақириб улгурмай олтинчи қават томондан оқ халатли бошқа бир ҳамшира илдам юриб, пастга тушди. Тушасолиб, Зоҳид Яқиннинг иккинчи қўлидан тутди.

— Иродангизга балли, амаки! — деди Мушоҳида.

Зоҳид Яқин ёш боладек севиниб жилмайди.

— Амаки эмас... ҳали унчалик қариб қолмадим...

Мушоҳида қизариб, хижолатдан ўзи ҳам кулиб юборди. Шу пайт зинадан сакраб-ирғишлаб тушаётган ёшгина ҳамшира кўринди.

— Бу киши билан суҳбат қурмабсизлар, дунёга кемабсизлар! Исм-шарифлари ҳам роса ғалати!

Зоҳид Яқин бошини кўтариб қизчага қаради.

— Қақилдоқми?.. — деди кулимсираб. Бир кўнгли Шавқия билан суҳбатлашгиси келди, бироқ шу топда унинг кўзига Қақилдоқ эмас, ҳатто ҳозиргина бир қарашда маъқул кўриб қолган Мужоҳида ҳам эмас, Мушоҳида гўзалроқ, кўркароқ кўриниб кетди...

## 6

Учинчи қаватдаги аксарият беморлар тўшакдан турмай ётиши Дино Кортега ғалати кўринса-да, шифокорлар, ҳамширалар, энагалар бир-бирлари билан фавқулудда хушмуомала эканини у дарҳол пайқади. Ўзича фол очиб, жаноб Факеттининг хонаси яқинлиги боис ходим ва ходималар хўжайиннинг кўзига ёмон кўриниб қолмаслик мақсадида бу қадар серғайрат, сермулозамат ва беморларга меҳрибон бўлса керак, деган хулоса чиқарди. Шу хаёлда соҳибжамол ҳамширалардан бири билан учинчи кундаёқ тил топишди. Гапни узоқ айлантирмай, ходимларнинг кайфиятидаги бу қадар кўтаринкилик боисини суриштирди.

— Ия, хабарингиз йўқми? — деди қувноқ ва кўнғироқдек жарангдор овозда ҳамшира. — Яна уч кундан сўнг ҳаммамизни меҳнат таътилига жўнатишяпти.

— Ҳаммани?! Қанақасига? Қандай таътил?!

— Қаватимиздаги барча хизматчилар икки ҳафта уй-уйларида ҳордиқ чиқарадилар. Тушуняпсизми, таътил... изн бериляпти. Таътилни орзиқиб кутаётганлар қанча! Ўзим ҳам баҳонада сафарга бориб кел...

Бу гаплар Дино Кортенинг қулоғига кирмади.

— Ҳамма кетса, касалларга ким қарайди? — деб сўради у ўдағайлағудай қиёфада.

— Қаровсиз қолишмайди, иккинчи қаватдагилар билан бирлаштирилади.

— Тушунмадим? — Андек чиройи очилгандек бўлди Дино Кортенинг. — Бу қаватдагилар тўртинчига чиқадими?

— Йўқ, юқорига эмас, пастга кўчирилади, — деб унинг хатосини тузатди ҳамшира.

Дино Кортенинг рангида ранг қолмади, у мурдадек гезариб кетганди.

— Иккинчига?! — Унинг ичидан фигонми, нидоми отилиб чиқди. — Учинчидан иккинчигами?! Шундайми?! Мен... Мени... адо қилдингларми?! Мен сенларга кўчириш қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!.. Мен сендақа манжалақи ҳамшираларнинг кўпини кўрдим! Сен, мен...

Хақоратланган ҳамширанинг кўзлари косасидан чиқиб кетгудек бўлсада, сир бой бермади, ўзини қўлга олди, қизишмади.

— Нимасига жиғибийрон бўляпсиз, жаноб КORTE? Ахир, сизни иккинчи қаватда қолдирамиз демадим-ку!.. Бор-йўғи икки ҳафтага, бу қават бошдан-оёқ таъмирланади. Қурувчилар шай бўлиб, қаватни бўшатишимизни кутиб туришибди. Бунда бизнинг раъйимизга қаралмайди, бу — касалхонада ўрнатилган азалий тартиб. Навбатма-навбат ҳар қават икки ҳафтадан таъмир учун ёпилади. Сизни шу-унча даволаб, уч кунда оёғингиздаги тошмани камайтирганда кетиб қолаётганимдан ўзим ҳам афсусдаман. Қайтганимизда ўзим албатта сизни кўчириб чиқаман.

Дино КORTE дам ҳамширага, дам болдирига, тиззаларининг кўзига анграйди. Ҳамшира бир ҳисобда ҳақ эди. Тошма камайди, қичишмаяпти ҳам, фақат ҳарорати ўша-ўша. Эссизгина, келиб-келиб шу пайтда таъмирлашга бало борми?! Ойдек, кундек, нурдек ялтиллаб турган йўлагу палаталарнинг нимасини таъмирлашади?!

У кўнглидаги ҳадикни, кўрқувни боса олмади.

— Битта шартим бор, — деди у ҳамширага. Унинг бояги бақиршини эшитган икки-уч ҳамшира ва энага йиғилиб келишган эди. Дино КORTE сенлар ҳам эшитиб кўй, деган маънода ўшқириб гапида давом этди: — Мана шу палата эшигига менинг исм-шарифимни ёзасизлар, ҳа, Дино КORTE деб катта-катта қилиб ёзасизлар. Акс ҳолда, қимир этмайман! Қани, жилдириб кўринглар-чи! Директор жанобларининг хонасига кираман, барча кирдикорларингни битта қўймай айтаман. Фақетти жаноблари!..

Йиғилганлар ҳеч қандай ғайритабиий ҳодиса юз бермагандек уни бамайлихотир кузатиб туришарди.

— Хўп, нима десангиз, шундай ёзиб қўямиз, — деди энагалардан бири. Афтидан у беморга ачинаётган эди...

Жаноб КORTE иккинчи қаватга кўчдию кўрпа-тўшакдан бош узолмай қолди. Шифтга термилганча ҳеч нарсани ўйламасликка ҳаракат қилар, ўй-хаёлини банд этиш мақсадида дақиқаларни санашга тушар, уларни кўшиб-нетиб, соатга айлантитар, соатлардан кун «ясар», бундан қандай муддаони кўзлаётганини ўзи ҳам тушуниб етмас эди. Хаёли санокқа чалғиганида оғриқ азобидан инграб, фарёд чекаётган одамларнинг калта-култа нолаю фигони қулоғига элас-элас чалина бошлади.

Бундай бетоқатликдан унинг касалига касал қўшилди. Азот туриб, ташқарига чиқиб кетишга жазм этолмаётганига баъзан ҳайрон қолар, бундан кулгиси қистаб жилмаяр, ҳадемай тураман, деб чоғланар эди-ю... тўшакка михлангандек ётаверар эди. Юқори қаватларда ётганида деразадан қуюқ дарахтлар шохининг учи кўринаётган эди, сўнг шохлар кўрин-



ди... Мана, энди дарахтларнинг гўдайган қари ва гўдир танаси қорайиб кўриняпти.

Зоҳид Яқин бешинчи қаватни четлаб, бир йўла олтинчи қаватга кўтарилганини, уни ғоятда ёруғ палатага ётқизишганини ҳам пайқамасди. У жудаям ҳолдан тойган эди. Беҳол-бемажол ётган бўлса-да, оёқ-қўлини қимирлатишга ҳоли келмаса-да, руҳи ниҳоятда енгил эди.

— Мужоҳидаоӣ қанилар? — деб сўради инқиллаб, анча вақт жим ётгач.

— Мужоҳида пастда — бешинчи қаватда, ўзингиз Мушоҳиданинг кўллариға ёпишиб олдингиз-ку, — деди энага кампир жилмайиб, унинг овозида «бўлар иш бўлди» деган оҳанг борлигини Зоҳид Яқин базўр англади. — Ёки бешинчи қаватга олиб тушайликми?

— Йўқ, шу ер жудаям тинч экан, — деди у лабларини аранг қимирлатиб, унга қўшимча ўлароқ қўлини базўр кўтариб, «йўқ» маъносида тебратди. Тебратдию Мужоҳидага берган ваъдасини, ваъдасига вафо қилмаганини эслаб афсус чекди. Нега ундай қилди? Мужоҳида билан танишди, ниҳоят, унинг дийдорига етишганидан қувонганини айтди, сўнг... Мужоҳида сезгир экан, сўради-я, тагин айниб қолмайсизми, деб ўсмоқчилади-я!.. Зоҳид Яқиннинг айниш нияти йўқ эди. Мужоҳида билан узоқ-узоқ гурунглашишни дилга тугди, биринчи кўрган лаҳзада ҳатто кучиб олмоқчидек унга томон талпинди, Мужоҳидаҳон оғушига олғудай кучоғини кенг очиб, уни суяб қолди, ҳол-аҳвол сўради.

Зоҳид Яқин шундагина Мужоҳидаҳоннинг ўзи Мушоҳидани чақирганини эслади. Аниқ эслади. Мана, Мужоҳиданинг кўнғироқдек овози ҳамон қулоғи остида жаранглаб турибди. Мушоҳида ҳам яқин-орада турган эканми, зум ўтмай пайдо бўла қолди. Зоҳид Яқиннинг кўзи Мушоҳидага тушдию!.. У чинни кабутар янглиғ, йўқ, оқ нурдан яралган малоика янглиғ юқоридан югуриб эмас, йўқ, қанот ёзиб учиб тушди, Мушоҳида эмас, садафдек нур-фаришта тушди. Ўша тоғда Зоҳид Яқиннинг кўзига оқ халат кийиб олгандек кўринган эди, адашган экан, халат эмас, бутун бўй-баста пахтадек, она сутидек оқ-оппоқ эди!..

Мушоҳидаҳон шу қадар меҳрибонлик кўрсатдики!.. У авайлаб-ўргилиб Зоҳид Яқиннинг билагидан тутди, тутган заҳоти Зоҳид Яқин ўз вазнини сезмай, қушдек енгиллашди. Мабодо зина суюнчилигини қўйиб юборса қанот ёзиб учиб кетгудек бўлди. Ҳатто кўзига Қақилдоқ... анув ўзини ром этган Шавқия ҳам кўринмади... Мушоҳида унга амаки деб мурожаат этди, Зоҳид Яқин кулди, амаки эмасман, ҳали қариганим йўқ, деганди, нима бало, Мушоҳида башорат қилган эканми, Зоҳид Яқин, мана, обдон қариб-чуриган мўйсафиддек қимирлашга мадор тополмай ётибди... Шу хаёллар оғушида у дамо-дам ҳушини йиғиб, бирдан тилга кирди: — Башоратойни чақиринг...

— Башоратойни? — Энага кампир тушунмай сўрадию сир бой бермади. — Майли, чақираман...

Зоҳид Яқин кампирнинг устмонлигини пайқади, ичида кулимсиради-ю, кулимсираши сиртига чиқмади.

— Мушоҳидаҳон башорат қилдию Башоратой-да... Яна бир марта кўрай уни... Дийдорига, висолига тўяй...

Зоҳид Яқиннинг туссиз ва қоқ суяк яноғида пайдо бўлган йирик кўзёш томчиси бир зум қалқиб турди-да, бўйни томон думалаб, ғойиб бўлди. Зоҳид Яқин уйқусида жилмайган чақалоқдек лабининг чеккасида беозоргина кулди.

— Барака топинг, ука, сиз Башоратой деб сўраётганингиз асли — Му-

шоҳидаҳон... Топиб айтганингизни қаранг, Мушоҳидаҳон жудаям зийрак... Шу сиз ётган палата — мушоҳада, укдингизми?.. Сиз Мушоҳада палатасида, яъни башорат палатасида ётибсиз. Бу ерда сизга ҳеч кимса халал бермайди, шунинг учун бемало-ол...

Зоҳид Яқин мижжаларини аранг йириб очдию хонанинг ёруғлигидан кўзлари қамашди. Энага кампирни излади.

— Мен шу ердан, ҳеч қаёққа кетмайман, — деди кампир беморнинг муддаосини англаб. Унинг шивирлаши қай томондан келаётганини Зоҳид Яқин англай олмади. Шу чоқ у радиони эсладию бошини аранг буриб, деворга қаради, радио кўринмади, керакмас... деб ичида шивирлади

Кулогига жуда сокин ва жозибадор мусиқа садоси куюла бошлади..

— Профессорлар уйларига кетмай кўз-кулоқ бўлиб туришибди. Ҳали-замон яна келишади...

Зоҳид Яқин элас-элас эшитилган кампирнинг шивирлашига кулоқ тутди. Қақраган лабларини аранг қимирлатиб, пичирлади:

— Яна бир марта Башоратни... Мушоҳидаойни чақирақолинг...

— Катта-катта дўхтирлар...

— Мен Мушоҳидани кўрай...

— Кўрасиз, ука, олтинчи қаватга кўтарилиш камдан-кам беморга насиб этади-я!.. Сезмаяпсизми, сиздан бўлак ҳеч зог йўқ, жимм-житт!..

— Худо хоҳласа... Худо хоҳлаганидан ўргилай... Худодан ўргилай, Худонинг хоҳлаганидан ўргилай... Шу... ундай роҳат... ни раво кўрган экан, етказганига шукр... розиман... Яқинларимга ҳам, яқинларим...

— Ота-онангиз исмингизни топиб танлашган экан, Яқинбой.

— Отаю онамга... яқинман...

## 7

Орадан ҳафта ўтди. Кун пешиндан оқанда оқ халатни тескари кийган барваста йигит палатага арава-каравотни гилдиратиб кирди. Дино Кorte шундоғига ҳам кўз олди хира тортиб ётганди, «Нима қилиб адашиб юрибсиз, ука?» деб сўрамоқчи эди, қақраб кетган лаблари чипиллаб ёпишиб, уни гапиртирмади. Арава ортида икки ҳамшира ва яна бир ўспириннинг қораси кўринди.

— Кўчамиз-а, дўстлар? — деди қувноқ товушда йигитлардан бири худди шодиёна муносабати билан қутлаётгандек.

Дино Кorte бошини ёстикдан узолмади. Шу топда илгариги қуввати бўлганида борми, буларга кўрсатиб кўярди-я!

— Яна қандай кўчиш? — хириллаб базўр сўради у. — Ҳазиллашаяпсизларми?.. Таъмирлаш ишлари тугашига ҳали бир ҳафта бор-ку?..

— Қандай таъмирлашни айтяпсиз? — деди пинагини бузмай кейин кирган йигит. — Учинчи қаватга эмас, биринчи қаватга ўтамиз. Буйруқ, мана, кўлимизда. Истасангиз, марҳамат, ўқинг, жаноб Факеттининг имзосини танирсиз?

— Буйруғига ҳам, имзосига ҳам тупурдим! — деб бақириб юборди Дино Кorte. У бор қувватини йиғиб бақирганидан палата тугул, йўлак ҳам жаранглаб кетди. — Шу ётган жойимда чопиб ташлай қолинглар! Ўзларинг ҳам қассобга ўхшаб турибсизлар! Қиймаланглар! Лекин жон таслим қилмайман! Менинг жоним сизларга ўйинчоқ эмас! Жа, кўчириш машқини олибсилар-а!.. Қани, ҳа, ўрнимдан турсам эди!..

У бир қўлини ҳаволатиб, ўдағайлаганидан қора терга ботган эди.

— Худо ҳаққи, шовқин солманг, оғир беморлар ётибди, ахир.

— Худони орага кўшмаларинг!.. Худонинг дардисар касалликка йўлиққан бир бедаводан бўлак ташвиши йўқми?! Оғир беморлар қатори мен ҳам ётибман. Ётавераман! Мени... мени пастга олиб тушманглар... Пастга тушмай... тушмай қўяқолай-й!..

Тўсатдан илтижога ўтган Дино Кортэ гапининг охирини шу қадар изтиробга тўлиб айтдики, аъзои баданидаги бор куч-қуввати буткул тугагандек тамомила ҳолдан тойди, шилқиллаб чўзилди.

Кўтарилган шовқинни эшитган қават профессори зудлик билан етиб келди, у одатдагидек мулойимлик билан жаноб Кортенинг пешонасига кафтининг сиртини босди. Қўлини беморнинг манглайдан узаётиб, кафтининг сиртини димоғига яқинлаштириб ҳидлади. Араванинг ёнида сукут сақлаб турган ўспириннинг қўлидаги қоғозни олиб, унга узоқ кўз югуртирди.

— Шу топда Кортэ жанобларини безовта қилишнинг мутлақо ҳожати йўқ эди. Интизомни унутиб қўйибсизлар-да!.. Қачонгача сизларга уқдириш...

Йигитлардан бири қоғозга имо қилди. Профессор кейин пайқаб қолгандек ялт этиб қоғознинг пастки қисмига қаради.

— Факетти жанобларининг имзосими?! Буйруқ чиқдими?! Э, аттанг!.. Лоақал директор жаноблари дам олишга жўнаб кетмаганида, ҳозироқ ўзим кириб ҳал этиб чиқардим-а!.. Кортэ жанобларини парваришлани ўз зиммамга олар эдим... Э, афсус... Начора, эрта-индин биринчида ётсангиз ёта-туринг, душанба куни директор қайтган заҳоти ўзим сизни бу ёққа олиб чиқишни гаплашаман. Воҳ, шундай одам-а!..

Дино Кортэ қаҳратонда юпун қолган одамдек қалт-қалт титрар, унга кўшилиб тўшак лопиллар, ёстиқнинг жилди жиққа терга ботган эди. Унинг бўғзидан ғалати ўкирик отилиб чиқди. У бу дунёга, тириклар ҳақиға таъна-маломат ёғдириши учун бақириб-чақиришдан ўзга имконияти қолмаган эди. Кўтарган шовқинига яраша ўкраймоқчи бўлиб бутун мадорини кўзларига жамлаган эди, лекин шунинг ҳам уддасидан чиқмади.

Унинг тепасида турганлар анчагина бепарво бўлиб қолган эди.

Арава-каравотнинг резина қопланган филдирагидан бир маромда эшитилаётган заиф ғириллаш шу қадар тинчлантирдикки, у ғирт маст одамдек зумда кўзи илинди. Назарида, жуда узоқ ухлади, ахён-ахёнда кўзини очди, уйғонди — арава-каравот филдирагининг ғувиллаши — ҳў-ў болалик кезлари қишлоқнинг тупроқ кўчаларида велосипедини тўнкариб қўйиб, қўли билан айлантирганида филдирак чархидан шундай овоз чиқар эди — унга уйку дорисидек таъсир кўрсатган эди. Амаллаб уйқудан зўр чиқиб, кўзини амалтақал йириб очганида нимқоронги деразадан кўринётган дарахт танаси, танасигина эмас, ҳатто дарахт япроқлари ҳам ясамадек, жонсиздек туюлди. Хона жимжит, на жон, на сас аломати сезилди. Бу — даҳшатли жимжитлик эди.

Жаноб Кортенинг эсхонаси чиқиб кетди. Пайпаслаб каравот суянчигига маҳкамланган тугмачани босди. Шу заҳоти эшиқда кўкимтир халат кийган энага кампир кўринди.

— Кўз... ой...

Дино Кортенинг тили калимага келмади, қўлини базўр қимирлатиб кўзига ишора қилди. Энага халатининг чўнтагидан кўзойнак олиб, унинг қаншарига қўндирди. Бемор бетини дераза томонга бурди. Наҳот истаб майда сим тўр қопланган деразадан ташқаридаги дарахтзорга чираниб қаради, аммо кўз олди чаплашиб кетди.

— Тунми?.. — деб сўради у аранг пичирлаб. — Соат неч...

Энага кампир алдамади:

— Кундуз, ука... соат уч... — деди оғир уф тортиб...

Энага кампир шитоб юриб, палатадан чиқиб кетди. Кампир шўрлик беморнинг ахволида бу қадар кескин ўзгариш юз беришини кутмаган экан, зум ўтмай икки эркак кишини бошлаб кирди. Зоҳид Яқин ўзи илҳақ кутаётган одамлари келгандек, уларни кўриб, енгил тортди, фикри шу қадар тиниқлашдики!.. Кўзларини катта-катта очиб, икки эркакни таниб олишга, ҳатто улар билан мириқиб гурунглашишга шайланди. Бироқ, шу пайт ўзи ётган каравот ҳавода муаллақ сузиб бораётганини сезиб қолди.

— Каравотимнинг гилдираги борми? — деб шошиб сўради у ҳамон тепасида гиргиттон бўлаётган энага кампирдан.

— Бор, — деди кампир, шундай дедию кенг енгини оғзига босганча шовқин солмай йиғлаб юборди.

Зоҳид Яқин кампирнинг йиғисини тушунмади, ҳечқиси йўқ, деб уни юпатмоқчи эди, нимадир деб гўлдиради-ю, товуши чиқмади, нафақат ўзининг, балки кўз ўнгида йиғлаётган кампирнинг ҳам товуши чиқмаётган эди... хонани комига тортган сукунат бошқа товушларнида ютиб юбораётган эди... бунинг устига, лаҳза сайин кампир каравотдан ортда қола бошлади. Каравотнинг икки ёнида бораётган икки киши бир-бири билан шивирлашди.

— Кушдай енгил экан... — деди ўнг томондаги ўрта ёшлардаги киши.

— Енгил ҳам гапми, уқпардай-а! — деб унинг гапини маъқуллади чап томондагиси. — Жудаям беозор, фаришта одам экан, бечора.

— Фаришта бўлмаса, шу ергача кўтарилармиди?!. Еттинчи қаватга-я!..

Бу қисқа суҳбат Зоҳид Яқинга шу қадар ёқдики!.. У умрида ўзгаларга малолли келишини сира истамади, бошқаларга оғири тушмай яшашни саодат деб билди, мана, каравотини гилдиратиб бораётганларга ҳам малолли келмаяпти! Ўзингга шукр, деди Зоҳид Яқин. Етказганингга шукр. У севинчининг зўридан дик этиб қад ростлагиси, каравотдан ирғиб тушиб, оёқларини қўлларига олганча югургилаб кучоғини очганча яна ва яна кўк сари кўтарилгиси келди.



“Сароб”. Мауриц Эшер асари.

Кимдир каравотнинг суянчиғига қирмизи бахмал ёғди, ярмига оппоқ сурп тортилди, Зоҳид Яқин ажабланди-ю, бахмалу сурпни олинглар, қўйинглар, дея олмади. Тарангроқ тортиб чатиш керак, деди кимдир. Пешонасига оқ рўмол танғиган Робия, изидан ўғли, қизлари кўринди. Улар беҳад хомуш эди, Зоҳид Яқин бир нима деб яқинларига тасалли бермоқчи эди, уларнинг хомуш қиёфаларини кўриб кулгиси қистади, шунга ҳам йиғими, дея уларга тасалли бермоққа чоғланди. Ёшроқ йигит қирмизи бахмални тортиб каравотни айлангириб ўрашга киришиб кетди, Ўктам, барака топкур, Ўктамжон, деди Зоҳид Яқин миннатдор товушда, охори тўқилмаган узун оқ қалпоғини бошига кўндирган профессор лабини қимтиб олган, йўчан — ҳаммалари узун йўлакнинг икки томонида оҳиста одим ташлаб борар, йўлак — йўлак эмас, усти ёпиқ, лекин нурга лиммолим тор кўчага ўхшар, кўча адоғидаги очиқ тўйнуқдан чанг, йўк, чанг-ғубор эмас, балки янаям ёруғроқ нур оқибтошиб тушаётган эди.

Шунча одам йиғилган жойнинг бу қадар сокинлиги, битта-яримта узук-юлуқ гап-сўзлар ҳам қандайдир сукунат оғушидан сирғалиб чиқаётган ҳазинмулоим мусиқа садоси остида эшитилмай кетаётгани Зоҳид Яқинга шу қадар ёқаётган эдики, назарида мусиқа садоси тинса, остидаги каравот филдирашдан тўхтаб қоладигандек, икки ёнида изма-из бораётганлар уввос солиб фарёд кўтарадигандек эди. Ҳамма хомуш — бемордан бошқа, деди Зоҳид Яқин астойдил кулимсираб. Нега хомуш улар? Ахир, шундай сукунат, шу-ундай ҳаловат... Шу гапини товуш чиқариб, ҳамма эшитадиган қилиб айтмоқчи эди, чорасини тополмади. Шундагина боядан бери Мушоҳидаойни эсламай кўйгани ёдига тушди. Ҳам сулув, ҳам бокира, ҳам жозиба...

— Жозиба!..

Қариндошларидан бири бўлса керак, ана, гапирди, деб юборди ҳовлиқиб. Ўғли, қизлари, хотини бири ишониб, бири ишонмай қирмизи ва оқ сурп тепасидан унга томон эгилиб қарашди. Зоҳид Яқин йўлак адоғидан оқиб кираётган сутдек нур оғушида ястаниб ётган кенг ва ям-яшил сайҳонликни илғаб, шу қадар баҳри дили очилдики!..

— Жозиба-а!..

— Айтмадимми?! — деди бояги овоз эгаси яна жамоатнинг диққатини ўзига қаратиб. — Ҳалиям кеч эмас, қаранглар, ахир!

— Шовқин кўтарманг, биродар!.. Сиз, биз учун эмас, бемор учун жозиба. — Профессорнинг бўғиқ, лекин салобатли товуши паст-баланд ивиршивирларни босиб тушди. — Зоҳидбойга... Зоҳид Яқиндек инсонларгагина насиб этадиган жозиба бу...

\*\*\*

Ўша куни бир-биридан олис Мағриб ва Машриқ шаҳрида бир пайтнинг ўзида икки бемор бандаликни бажо келтирди...

## “MASNAVIY” DAN TARALGAN NUR

Шоир ва таржимон  
Асқар МАҲКАМ билан  
суҳбат

— Асқар ака, сиз мавлоно Жалолиддин Румийнинг олти дафтардан иборат “Маънавий маснавий” асарининг бир жузъини ўзбек тилига шарҳлари билан ўгириб, хайрли ишга қўл урдингиз. Бу асар маънавий ҳаётимизда ўзига хос ўрин тутади, қолаверса, янги аср ўзбек адабиёти равнақиға ҳам таъсир қилади, деб ўйлайман. Шу пайтгача асарнинг номинигина эшитиб юрардик. Мана, энди унинг бир қисмини ўқиш имконига эға бўлдик. Таржима жараёни, унинг машаққати ва ушбу асарнинг халқимизга нечоғлиқ зарурлиги хусусида суҳбатлашсак, дегандим.

— “Маснавий”ни таржима қилиш менға даставвал шаккокликдек туюлди. “Форс тилидаги Куръон” дея таърифланган бу буюк асарни таржима қилиш мумкин бўлмаса керак, деб ўйлардим. Куръони қарим тилимизга таржима бўлиб, элимизга тарқалганидан сўнг унинг сири ва жозибасига путур етишини ҳазм қилолмаганим учун ҳам шундай ўйға борганман. Кейин “Маснавий”нинг турк тилидаги нашрларини кўздан кечирдим. Уларда Румий байтлари маънолари шарҳланган, холос.

Бу ҳол аввалига “Маснавий”ни таржима қилиб бўлмади, деган фикримни янада қувватлаган бўлди. Кейинроқ кўнглимни бошқача фикр чулғай бошлади. Эллик тўрт минг мисрадан зиёд “Маснавий”нинг дастлабки байтини ичимда пичирладим:

*Бишнава аз най чун ҳикоят мекунад,  
Аз жудоихо шикоят мекунад...*

Қайсар бир туйғу, нега таржима қилиш мумкин эмас экан, дегандек бўлаверди. Агар байт айнан, яъни сўзма-сўз таржима қилинса, қуйидагича бўлар экан:

*Тингла найдан, не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай...*

“Тингла найдан” ибораси таъбимга ўтирмади. У бироз ғализдек, ўзбекча

эмасдек туюлди. Сал таҳрир билан байт бирмунча сайқал топди:

*Тинглагил, най не ҳикоят айлагай,  
Айрилиқлардан шикоят айлагай...*

Шу-шу, таржимага йўл очилгандек бўлди, бу байт менга руҳий қувват бағишлади. “Маснавий” “дўкони”дан нари кетолмай қолдим. Ҳақиқий “Маснавий”нинг хумори тутиб, сархуш айлай бошлади. Най садоси оҳиста-оҳиста таралиб, борлигимни эгаллай борди. У мени илоҳий кенгликлар сари олиб кетди. Шунда инсон руҳиятининг чексизлигию улугворлигини ҳис этгандек бўлдим.

Румийни ўқиганим сари қамишзор — ваҳдат (бирлик) олами, ундан кесиб олинган най — руҳ рамзи эканини тушундим. Лекин байтга ўтганим сайин бу найнинг нега бу қадар фарёд чекаётганини тўла фаҳмлай олмадим. Шарҳ лозим эди.



“Маснавий”га ёзилган шарҳларни излашга тушдим. Абдурахмон Жомий, Мавлоно Яъқуб Чархий, Исмоил Анқарабий, Вали Мухаммад Акбарободий, Обиддин Пошшо, Кайхон Рифоий каби улуғ зотларнинг шарҳларига шўнғидим. Ниҳоят, сир бирмунча очилганга ўхшади.

*Оташ аст ин бонги ною нест бод,  
Ҳар ки ин оташ надорат нест бод, —*

байтдаги биринчи “нест бод” бирикмаси “бод, ел эмас”, иккинчи “нест бод” эса “йўқолсин, йўқ бўлсин” маъноларини ифода этарди. Энди буни аслига монанд таржима қилишнинг иложи йўқлиги қийнарди, лекин уриниш зое кетмади:

*Най садоси оташ эзур, бод эмас,  
Кимда оташ йўқ — одамзод эмас...*

Байтнинг форсий ва туркий маъноларида биров яқинлик ҳосил бўлгандек кўринди. Лекин кўнгил тўлмаса-да, бу юмуш менга шу қадар хузурбахш эдики, баногоҳ энг фозил ва олиймақом зотлар даврасига тушиб қолгандек қувонардим. Мавлоно тобора рамзлар оламига сингиб борарди. Буюк шориҳлар бу рамзлар катидаги дур-гавҳарларни қидириб, ҳалигача маснавий денгизи тубига шўнғидилар. Бутун башарни қийнаб келган қазо ва қадар, ишқ ва иймон, мабдаъ ва маод (ибтидо ва интиҳо), фано ва бақо, ҳаёт ва ўлим деган абадий тушунчалар сирлари бирма-бир юз очарди. Аммо бу сирлар ҳарчанд теран истиора ва мажозларга ўраб берилмасин, Мавлоно ҳар бир байт замирида Қуръон ва ҳадисга ишора қилиб турганини англаш қийин эмас:

*Мен бандай “Қуръон”ман, магарким борман,  
Мен хоки раҳи Мухаммади мухторман.  
Ким сўйласа мен ҳақимда бундан ўзгача,  
Безорман, ўзи ҳам сўзидан безорман.*

Ҳақиқат ва иймон тариқининг йўлчиси — ҳазрат Мавлоно учун бундан бошқа

йўл йўқ эди. У зот Ҳаққа восил бўлмоқнинг яккаю-ягона йўли — ишқ деб билди. Борлиқ ва ундаги мавжудотни Яратгувчининг буюк ва қайноқ ишқи билан севмоқ, бу ишқ олови ичра куйиб кулга айлангач, у зотнинг амрига шай турмоқ — Ҳақиқат ана шу.

Най — ваҳдат йўлини тутиб, унинг машаққати ва озорларидан оху нола чекаётган ошиқнинг рамзий образи. Ишқ йўлининг сел ва тўфонлари исканжасида ҳаприкқан юрак висолдан ноумид эмас, лекин у аччиқдан-аччиқ тақдирнинг не-не ёзуқлари қаршисида лолу ҳайрон.

Мавлоно бизга ана шулардан ривоят айтарди. Шу ривоятни бошқаларнинг ўқишини иташ илинжи қаламга қувват берар эди.

— Маълумки, шўро мафқураси узоқ тарих давомида мумтоз адабиётимизнинг диний-тасаввуфий асарларини тўғридан-тўғри “эскилик сарқити”га чиқарди, ўрганишни ман этди. Шу тариқа бизни бой меросимизни ўрганишдан маҳрум этиб қўйди. Шукрки, юртимизда мустақиллик шарофати билан бу тўсиқ олиб ташланди. Бироқ кишиларимиз онгидан ҳалигача эски тузум асоратлари бутунлай йўқолиб кетгани йўқ. “Маънавий маснавий”ни ўқиган киши, назаримда, бир қайта янгилангандек бўлади. Шундай эмасми?

— Авлодлар ўртасидаги маънавий-руҳий робиталар узилмаган миллатларда илм-фан узлуксиз ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Афсуслар бўлсинки, юртимизда миллат ва унинг маданияти ўтган асрда бир неча бор “калла-поча” қилиниб, у турли инсоний ва ғайриинсоний ғоялар тажрибахонасига айлантирилди. Октябрь тўнтаришига қадар бир маромда давом этиб келаётган маданият силсиласи узиб ташланди. Бир нарсага эътибор берайлик. Зарафшон водийсида Нақибхон Туғрал, Ўратепада Зуфархон Жавҳарий, Туркистонда Юсуф Сарёмий каби ижоди қонли инқилоб даврига тўғри келган шоирлар таъби заковати баланд Мирзо Бедил



услугида ижод қилган. Улар буюк мутафаккир шоир анъаналарини XX асрга олиб ўтиб, кейинги ворисларга топширишлари лозим эди. Фожиани кўрингки, бедилона илоҳий ғазаллар ёзиб юрган Жавҳарийни “танк” ҳақида шеър ёзишга мажбур қилишди. Чорасиз шоир “бююртма”ни бажарди ва шеърда ўлим машинасини фаришталарни тавсифлагандек таърифлади.

Дарҳақиқат, 20-йилларда мумтоз адабиёт билан узил-кесил видолашилди. Бир неча ўн йиллардан кейин Бедил, Жалолиддин Румий каби юзлаб алломалар ҳам бутунлай унутилди. 80-йилларнинг охирига келиб Ёзувчилар уюшмасининг собиқ биносида, ниҳоят, бу икки буюк шоир суратлари пайдо бўлди. Портретлар тагига кимдир “Буюк турк шоирлари” деб ёзиб ҳам қўйибди. Афсуски, ўша маҳалда бу икки “буюк турк шоири”ни яхши билгувчилар кам топилар эди.

Давлатимиз ва ҳукуматимизнинг изчил сиёсати миллий-маънавий меросимизни холис ўрганишга ундайди. Бу ўринда “ўқиб англаёлмаяпмиз”, “сал оғирлик қилипти” деган баҳонага ўрин йўқ. Бугун сиз айтганингиз “маснавийхон”нинг йўқлиги кулфат эмас, балки “Маснавий” ворисларида хоҳиш йўқлиги — ҳақиқий кулфат. Шу пайтга қадар мактаб дарсликларидан ватандошимиз Мавлоно Жалолиддин Румийнинг ақалли номи ҳам тилга олинмаган. Таклифим шуки, форсийда ижод қилган туркий шоирлар ҳам “Ўзбек адабиёти”нинг таркибий қисми сифатида ўрганилиши керак. Шу йўл билан ҳам биз “Маснавий”га томон борамиз. “Маснавий” ва унинг ғоялари орқали биз ўзимиз ўзлигимизни, башариёт ичра ўзига хос миллат эканимизни тيرانроқ англаймиз. Ана шунда ким қаерга етакласа, ортидан кетавермаймиз. Болаларимиз ҳам ҳар турли кўчаларга кириб қолмайди.

Бани башар қадим ул-айёмдан ўзининг диний ёхуд дунёвий билимларини энг сўнгги имкониятларига қадар сафарбар қилиб комиллик жумбоқларини ечишга уринган. Гўё бутун тарих комил инсон

ғоясини излаб топишдан иборатдек туюлади менга баъзан. Аммо бу тилсимнинг калити Қасри Орифон ёхуд Кунёдаги хирқапўш бир дарвешнинг тўрвасида эканини ким ҳам ўйлабди, дейсиз! Бу зотлар — Мавлоно Жалолиддин Румий ва Баҳоуддин Нақшбанд. Назаримда, одамзод яна минг йиллар изланиб, тажриба ўтказса ҳам, комил инсон тарбияси учун мавлавия ва нақшбандия мактабларидан кўра олийроқ намуна тополмайди. Дунёда энг сўнгги хужайрасигача насли бузилиб, айниган одам бўлмайди. Шунга ўхшаш “Маснавий”га олиб борувчи йўлларни тўсиб қўйишнинг ҳам сира иложи йўқ ва комилликка интилган кишининг бу “манзил”дан ўтмаслиги ҳам мумкин эмас, деб ўйлайман. Най садоси билан бошланувчи “Маснавий”нинг савти гоҳ ҳазин, гоҳ майин эпкиндек инсон руҳига тегиб ўтаверади. У руҳнинг билгисиз кенгликлари оша одамзоднинг қулоғига қуюлаверади.

— *Ҳазрат Абдураҳмон Жомий бежиз Румийга “Китоби бор, лек пайғамбар эмас”, деб баҳо бермаган. Бунда, “Маснавий”ни кўзда тутгани аниқ. Чиндан, асарнинг ҳар сатрида бир муҳим илоҳий маъно бордек. Ҳатто Абдураҳмон Жомийдек аллома ҳам унинг атиги икки байти шарҳига бир рисола бағишлаган экан. Демак, пурмаъно маснавийларни бошқа тилга ўгириш ўзича шарҳ талаб этиши аниқ. Шу маънода, сиз таржима жараёнида қандай йўл тутдингиз?*

— Ҳазрат Жомийнинг Мавлоно шаънида битилган мана бу қитъаси бағоят машҳур, чунки у ҳамиша “Маснавий” нусхалари зарварағига ёзиб қўйилган:

*Ул Фаридундир маъно дунёсига,  
“Маснавий” бурҳондир асли зотиға.  
Мен на дей олижаноб васфида, бас,  
Бор. китоби, лек пайғамбар эмас.*

Ҳеч кимга сир эмас, Оллоҳ Муҳаммад алайҳиссаломни башариётга охириги пайғамбар қилиб юборди. Нубувват қайтарилмайди. Мавлоно Жалолиддин Ру-

мий, шак-шубҳасиз, пайғамбар эмас. Аммо унинг китоби бор. Бу китоб — “Маснавий”.

Ҳазрат “Маснавий” мақомини шундай юксак мартабага кўтардики, ҳалигача ҳеч бир зот Мавлоно шаънига бунчалик гўзал таъриф бермаган:

*“Маснавийи маънавийи” Мавлавий  
Ҳаст “Қуръон” дар забони паҳлавий.*

Мазмуни: “Маънавий маснавий” китоби паҳлавий (форсий) тилидаги “Қуръон”.

Мулоҳаза туғилади: ахир, бу ширк эмасми? Инсон тафаккури яратган китобни Оллоҳнинг хос фариштаси Жаброил алайҳиссалом воситасида туширилган илоҳий китоб билан бир қаторга қўйиш мумкинми? Очиқроқ айтганда, инсон ақл-идроки яратган китоб мўъжизавий “Қуръон” билан баробарми? Муайян чегаралар бузилмаяптими? Оллоҳ каломига нисбатан ҳурматсизликка йўл қўйилмаяптими? Бутун оламни мўъжизалари ила ҳайратлантирган илоҳий калом билан “Маснавий” орасида фарқ йўқми? Бироқ шундай саволларга рўпара келишини билиб турган бўлса ҳам, ҳазрат Жомий бундан кўра мақбулроқ таъбир тополмаган.

Румий “Маснавий”ни “вахдат дўкони”, деб билади:

*“Маснавий” ваҳдат дўконидир тўлиқ,  
Унда Воҳиддан бўлак ҳеч нарса йўқ.*

Ваҳдат — бирлик, Воҳид — ягона худо дегани. Бу таърифда асарнинг моҳияти бирмунча очилади.

Бу дўконда нималарга кўз тушмайди, дейсиз: ҳинд, эрон, юнон, турон, рум асотирлари, олам ва одамнинг яратилиши ҳақидаги афсоналар, пайғамбарлар ҳаётига доир лавҳалар, авлиёлар, ишқ йўлининг жонбозлари, тамсиллар, содда ҳикоятлар, урушлар, тақдирга мушт ўқталган ва тақдир чангалида яксон топиб, фано гирдобига чўккан не-не зотлар, қушлар нутқини билувчи Сулаймон ва унинг қасрида даврон сурган Билқис...

Ваҳдатнинг бу дўкониди ҳамма нарса мавжуд. Мавлоно ўзининг олти дафтардан иборат “Маснавий” китобига оламнинг абадий ўзгармас олти жиҳатини сиғдирган. У — ҳикмат ва донишлар манбаи, кўнгилни жунбушга келтиргувчи тилсимот.

“Маснавий” сўзи аслида Шарқ мумтоз адабиётидаги шеърий шакллар, яъни жанрлардан бирининг номини билдиради. Ҳоятда мураккаб бўлган бу шеърий шаклда ҳар икки мисра ўзаро қофияланади. Бир қофияни икки қарра такрорлаш услуб ноқислигидан дарак беради. Бироқ мумтоз адабиётда бирор бир асарни муайян шеърий жанр номи билан аташ ҳодисаси йўқ. Шундай бўлса-да, олти дафтардан иборат бу жаҳоншумул асарига Румий бошқа ном бермасдан, уни “Маснавий” деб қўяқолган. Шоир китобни аънавий ҳамд ва наътлар, подшоҳлар, чаҳорёру авлиёларга олқишлар билан бошламайди. Чунки унинг ҳар бир сўзи замирида буюк Яратгувчининг номи кўп қатла тажаллий топган.

Мавлоно фалсафани суймаган. Қуръонни юнон фалсафаси асосида тафсир қилгани учун Фаҳриддин Розийни қаттиқ танқид қилади. У олов билан ўйнашиб, одамларни ҳайратга соладиган сохта шайхларнинг “каромат”лариغا ишонмайди. Халқдан узилиб хонақоношин ва вақф моли билан кун кўрадиган машойихларни “тижоратчилар” деб қойийди. Мавлоно ўзини тасаввуф тахтининг султони эмас, балки маломат марди деб билади. Инсон камоли, унинг фазлу ҳунари, яратувчанлигини мадҳ этишни олдиға мақсад қилиб қўяди ва ҳодисалар қошида бош эгиб ўтирмайди. Мискинлик унга хос эмас. У нонини меҳнат-заҳматсиз топадиганлардан юз буради. Зулм, макр ва хиёнатни ер юзидан буткул кўпориб ташлаш учун бош кўтарган қудратли халоскорга айланади. Унинг тасаввуфи ботинида эмас, воқелиқда — хатти-ҳаракатида кўринади.

“Маснавий”шунос Фаридкомнинг (1944 йилда вафот этган) ушбу фикрлари диққатга сазовор: “Кимки Мавлоно-

нинг асарларини ўқидим, уқиб англаб етдим, деса, ҳайхот, адашади. У, бизнинг назаримизда, етмиш қават ҳижоб ортида. Ёхуд булут ортидаги қуёш мисолидир. Биз қуёшга боқмоққа қодир эмасмиз, балки булут ортидан кўриниб турган бир парчасигагина боқа оламиз, холос. Бироқ шунинг ўзини баъзан қуёшни кўриш деб англаймиз. Агар у нур тарата бошласа, кўзларимиз хира тортиб қолади”.

“Маснавий”га форс, араб ва турк тилларида ўнлаб шарҳлар ёзилган. Бу шарҳлар захматкаш шорихларнинг фаҳм-идроки доирасидан четга чиқолмаган. Яъни шорихлар “Маснавий” гоёларини ўз тафаккурлари ҳудудидагина талқин қилган. Мавлонони “вахдатул-вужуд” гоёси тарафдори деб гумон қилган уламолар “Маснавий”ни андалузиялик машҳур мутасаввиф Муҳйиддин ибн Арабий (1165-1240) гоёлари асосида шарҳлашга ҳаракат қилишган. Баъзилар Мавлонони ботиний тариқат намояндаси деб билганлар. Бошқалар “Маснавий”дан янги илмий кашфиётлар хазинасини қидиришган. Аммо уларнинг бари бу йўлда жиддий хатога йўл қўйган. Чунки, айтиб ўтилганидек, Мавлононинг тасаввуфи ботиний бўлмай, воқеавий тасаввуфдир. Ҳатто у ботин суфийларининг эътиқодига мухолиф ҳам.

— “Маънавий маснавий” — тан ва руҳ, ҳақ ва ботил, иймон ва куфр ўртасида кечган азалий курашнинг бадий ифодасидан иборат. Асарнинг умумий руҳи ва гоёси моддий дунёдан нарини кўрмайдиган инсонни комиллашиш мақомига кўтаради. Қолаверса, тафаккур доирамиз моддий олам ўлчовлари тазйиқида ниҳоятда торайиб кетганидан руҳоний олам билан боғлиқ диний-тасавуфий тафаккур тарзини қабул қилиш ҳеч биримизга осон кечмайди. Шу жиҳатдан асар тафаккур уфқларини кенгайтириб, фикратни илоҳий кенгликлар сари олиб чиқади. У инсонга руҳий таназзул ва фикрий маҳдудлик асоратидан қутулишида кўмаклашади. Шу маънода, бу асар ўзбек ўқувчи-

сига янги-янги ҳикматлар эшигини очиб берса ажаб эмас.

— Аввало, шуни таъкидлаш зарурки, Мавлоно ўз даврида қомусий илмлар соҳиби, улкан даҳо эди. У ҳали сайру сулук, тариқат ва урфон уфқларига парвос қилмасдан бурун “пурвиқор сажжоданишин” (яъни муттасил меҳробда тоат-ибодат билан банд бўлган бир тақводор обид) эди. Аммо Қўнёга жуда сирли бир дарвеш — Шамсиддин Табризий пир сифатида ташриф буюриб, Мавлононинг ҳаётини остин-устун қилиб юборганидан сўнг унинг иккинчи ҳаёти ибтидо топди. Бу ҳаёт — ишқ ва ҳижрон қайғуларига лиммо лим бир сирли олам бўлиб, Шамс Мавлонони ўша оламга етаклаб кирди. Бу хирқапўш қаландар, ҳатто султонлар отдан тушиб тавозе кўрсатган уламолар пешвосини нимаси билан сеҳрлади экан? Унга қандай сирли олам даричасини очди? Бу оламда Мавлононинг юрагига илоҳий оҳанг бўлиб оқиб кирган тилсимот нима эди? Нима учун ана шу руҳнинг муайян эшиклари очилиши учун Мавлоно меҳроб қошида қирқ йил чўк тушиб ўтириши лозим эди? Шамс Табризий ким ўзи? Нега у Мавлонони барча муридлардан тортиб олди? Нега бу уламолар гултожи бўйрада ўтириб, умр ўтказишни авло билган бир ошиқи волага айланди?

Бугун ҳеч кимга сир эмаски, Мавлононинг Шамс Табризий билан ана шу тарихий учрашуви бўлмаса эди, биз бугунги Жалолиддин Румийни билмаган бўлардик. Худо билсин, “Маснавий” ҳам яратилмаган ва авлодлар энг улуғ маънавий неъматдан маҳрум бўлиб қолармиди. Тақдир бизни ёрлақайди.

“Маснавий” — ҳақиқат китоби. Ҳақиқат бу ўринда ўзининг том маънодаги илоҳий моҳияти билан намоён бўлади. Муаллифнинг тафаккури шу қадар теранки, уни тириклигининг энг буюк мўъжизаси — Одам, унинг илоҳий ёзмиши, ҳаёт таллошларидаги мавқеи, бир бурда нонга таъма қилишнинг дунё таъмасига айланиши, нафснинг кирдикорлари ва иймон-

нинг кудрати ва бошқалар қизиқтиради. Ушбу парчага эътибор беринг:

Кўқда бир қуш сайр айларди чунон,  
Ерда онинг сояси ҳам бегумон.  
Содда бир овчи кўриб қуш кўлкасин,  
Кувди они кўлга олиб ўпкасин.  
Беҳабар уким, бу — қушнинг сояси,  
Асл қушнинг ўрни — осмон қояси.  
Ўқ узар овчи қувиб ул сояни,  
Бой бериб ўқдондаги сармояни.  
Умр ҳам ўтди тугаб ўқдонда ўқ,  
Ўртада қуш қайда, ҳатто соя йўқ.

Бир қуш осмонда сайр қилиб юрибди. Содда бир овчи эса кўзларини осмонга эмас, ерга қаттиқ тикканча уни овлаш пайига тушган. Ногоҳ овчи ерда сузиб бораётган қушнинг соясини кўриб қолади. У бу кўланкани ҳақиқий қуш деб гумон қилади ва унинг кетидан қувади. Содда овчи сояни қанчалар қувламасин ва ҳар қанча ўқ узмасин, унга сира ета олмайди. Ниҳоят, овчи бутунлай ҳолдан кетади. Ўқдондаги ўқлар ҳам тугайди...

Моддий вужуд ҳақиқий моҳият (яъни қуш) ва фасод оламини (сояни) айро қилишга ожиз. У турли шарпа ва сояларни ҳақиқий деб гумон қилади. Шуларни деб умрини барбод беради. Биз дунёни тасаввур қилишда ана ўша овчига ўхшаймиз. Одамзод назарини Ҳақиқатга қадамоғи керак, токи чинакам лаззат ва абайий саодатга етишсин. Бу — “Маснавий”-даги фалсафий-рамзий тимсолларнинг биттаси, холос.

— Мавлоно Жалолоддин Румий моддий дунё, нафс ва руҳни жонли образларга айлантириб, ўзига хос йўл тутган. Мисол учун, подшоҳ, канизак, табиб ва заргар одатий бадий қахрамонлардан фарқ қилади. Шоирнинг асл мақсади ва ниятини зоҳирий маънолардан билиб олиш қийин. Шунга ўхшаш мажозий образлар воситасида муаллиф инсоннинг руҳий оламига сайр қилиб, уни заминга боғлаб турган гумроҳлик, густоҳлик ва такаббурлик сингари иллатларни муолажа қилиш йўлини кўрсатади. Бунда “Қуръон” ва

ҳадис маъноларидан шу қадар усталик билан фойдаланганки, “Маснавий”ни беихтиёр шеърӣ тафсирми, деб ўйлайсиз.

— Афлокий (1360 йили вафот этган) “Маноқибул орифин” китобида Қори Нажмиддин Таштийдан бир қизиқ ривоятни келтиради. Унда айтилишча, Қори Нажмиддин бир анжуманда “Бутун дунёда аслида омм (яъни оммавий бўлган, умумий) бўлган ҳодиса ҳазрат Мавлонога мансуб бўлгач, хосга айланди. Биринчидан, “Маснавий”дан олдин икки мисра шеър маснавий деб юритилган. Бугун маснавий сўзи тилга олинishi баробарида зеҳнимизга ҳазрат Мавлононинг “Маснавий” китоби келади. Иккинчидан, одатда барча уламоларни “мавлоно” дейдилар. Бу ўринда қачонки “Ҳазрат Мавлоно” атамаси тилга олинса, Мавлоно Жалолоддин Румий ёдга тушади. Учинчидан, гўрхона, яъни мазор “турба”, “турбат” деб аталади. Ҳазрат Мавлонодан сўнг “турба” сўзи Жалолоддин Румийнинг марқадрлари маъносига кўчди...” деган экан.

“Фикҳ” истилоҳи — исломий ҳуқуққа хос. Луғатда “билмоқ” маъносини англатади. Қуръонда ҳам худди шу маънода қўлланган. Мавлоно “Маснавий” таърифларида “Бу — буюк фикҳ” иборасини қўллаган. Яъни бу китобда дунёвий зуҳуротлар орқали илоҳий нишонлар шокор қилинган, демокчи. Унда Худонинг сифатлари қудрат, ҳикмат ва аҳкомлари рўй-рост баён қилинган. Мавлоно “Маснавий”ни яна Оллоҳ таоло динининг очиқ-ошкор далили, бурҳон ва тақво китоби ҳам деган. Хуллас, “Маснавий” шундай бир ҳидоят йўли бўлиб, у инсонни мавҳумот оламидан ҳақиқий воқеликка олиб ўтади. Мавлоно бир ўринда “Маснавий”ни “У мисоли бир чароғдондирки, ундаги порлоқ чироқнинг партави ва шуъласи бомдодлар нуридан нурлироқдир” дея таърифлаган. Бунда “Нур” сурасининг 35-оятдаги “Худо осмонлар ва заминнинг нуридир. Унинг нури мисоли чироғдондаги чироқ кабидир...” деган илоҳий сўзларга ишора бор.

Кунларнинг бирида ҳазрат Мавлоно ўз ёронларига қарата шундай дедилар: “Оллоҳга қасамки, жамики авлиёлар муридларига тиламчилик эшикларини очиб қўйдилар. Улар закот, садақа ва ҳадяларни қабул қилардилар. Биз тиламчилик эшикларини ёпдик ва Расули Акрам ҳадисларидаги амрни адо этдик: “Ўз пешона терингиз билан касб-кор қилинг”. Бизнинг ёрлардан кимда-ким бунга амал қилмаса, қиёмат кунида юзимизни кўролмайдимиз...”

Мавлоно ҳалол касб-корнинг урфонга ҳеч қандай зиёни йўқ, дейди. Кунларнинг бирида шайх Садриддиннинг уйида самоъ (овоз чиқариб зикр тушиш) мажлиси бўлди. Шунда Камолиддин Амир Мавлоно ва у зотнинг муридларини мазаммат қилди: “Мавлононинг аксарият муридлари омидир. Қаерда бир тикувчи, баззоъ ё баққол бўлса, Мавлонога муриддирлар...” Бу гапларни эшитган Мавлоно наъра тортди: “Магар Мансуримиз халлож (пахта чувувчи) эмасмиди? Магар Абубакр Бухорий нассож (тўқувчи) эмасмиди? Бошқа бир комил зот зажжож (ойинасоз) эмасмиди? Уларнинг касб-корлари маърифатларига зиён еткарганмиди?”

Бир кун Кутбиддин Шерозий Мавлонодан “Сизнинг йўлингиз қаерга олиб боради?” деб сўради, Мавлоно “Бизнинг йўлимиз — ўлмоқ, фано бўлмоқ ва нақдимизни самога элтмоқдир” деб жавоб берди. Яна бир ўринда Мавлоно “Ҳақ тало бу вужуд оламини адам — йўқликдан яратган. Адам — йўқ бўлинг, токи сиздан нимадир яратсинлар...” дейди.

Мавлавия тариқатининг муридлари ҳазрат Мавлоно “маснавий”сининг дастлабки ўн саккиз байтига алоҳида эътибор берганлар. Уларнинг фикрига кўра, “Маснавий”нинг бутун мазмуни ана шу ўн саккиз байтда тажассум топган. Мавлавийлар Мавлононинг тўққиз, ўн саккиз, йигирма етти, ўттиз олти рақамларига махсус урғу берганини қайд этишган. Хусусан, улар ўн саккиз рақамини муқаддас санайди. Дарвеш ё фақирга қилинган назр ҳам ўн саккиз адад, яъни ўн сак-

киз дирҳам, ўн саккиз лира ва ҳоказодан иборат бўлиши керак. Дарвеш хужрада ҳам ўн саккиз кун ўтириши шарт. Чилла ўтирмаган шайх Қўнёга бориб, ўн саккиз кун Мавлононинг даргоҳида хизмат адо этган.

Ўн саккиз рақамининг хусусиятларига ҳам тўхталиб ўтайлик. “Тирик” ва “абдий” маъноларини англатувчи Оллоҳнинг “Ҳай” сифати ҳам абжад ҳисоби бўйича ўн саккиздир. Қадимгиларнинг ақида-сига биноан, ўн саккиз олам мавжуд. Араб ҳисобига кўра минг — энг охири рақам. Ҳар бир олам мингга қадар зиёд қилиниб, ўн саккиз минг олам ифодаси ҳосил қилинган. Баъзилар ўн саккиз оламини қуйидагича талқин қилишган: ақли кулл, нафси кулл, тўққиз осмон, тўрт унсур ва маволиди салоса (уч хилқат). Қадимги турклар тўққиз рақамини муқаддас деб билган.

Шундай қилиб, дастлабки ўн саккиз байт ҳазрат Мавлононинг қўли билан ёзилган, қолган эллик мингдан зиёд мисрани у бадиҳатан айтиб турган ва уни котиблар ёзиб борган.

— Асар бобларидан бирида ўрмонда кун кечирувчи жониворларнинг таваккул ва ижтиҳод хусусида тортишуви баён этилган. Биз ёшлигимиздан одоб-ахлоқ мавзусидаги масалларга одатланганимиз учун бундай масалларни “ҳазм” қилиш бироз қийинроқ кечади. Шоир илоҳий аҳкомлардан бири — тақдири азал масаласини тўғри тушунтириш учун жабарийлик оқими қарашларидаги ноқис ҳолатларни жониворлар ҳаёти мисолида очиб беради. Айниқса, ҳозирги даврда кескин тус олган диний оқим ва фирқаларнинг ўзаро ихтилофлари аҳли сунна ва жамоа эътиқодига кўра нотўғри бўлиб чиқаётганини қайсидир нуқтада мазкур асар ҳам тасдиқлайди. Демак, бундай ихтилофлар фақат бизнинг замонагина хос бўлмай, балки илгаридан мавжуд экан ва ҳидоят йўлини кўрсатишда закий уламолар, буюк қалам соҳиблари доимо жонбозлик кўрсатишганига гувоҳ бўламиз.

— “Маснавий” да турли илоҳий аҳкомлар, жумладан, қазою қадар, жаҳд ва таваккул, фано ва бақо, шунингдек, кўплаб тасаввуфий масалалар ҳикоят ва ривоятлар, баъзан эса тарихий далиллар орқали очиб берилади. Мавлоно хилма-хил оқим ва мазҳабларга бўлиниб олиб, ўзаро қирпичок бўлгувчиларни қаттиқ танқид қилиш билан бирга, бу ихтилофнинг тарихий илдизларини ҳам очиб ташлайди. Ўрмондаги шер ва бошқа жониворлар хусусидаги ҳикоят бир вақтлар ислом тарихида жиддий авж олган жабарийлик оқимининг қарашларини қоралайди. Жабарийликнинг ғояси оёққўлларни маҳкам боғлаб, ўзни батамом тақдир ҳукмига топшириб қўйишдан иборат. Бу нарса неча асрлар давомида мусулмон халқлар ҳаётида жиддий инқироз ва бўҳронлар эшигини очиб берди. Қайси асрда жабарийлар қараши устун келган бўлса, таназул юз берган. Бутун вужуди билан ижтиҳод ва ҳаракат, завқшавқ соҳиби бўлган Мавлоно бу ҳолга бефарқ қараши мумкин эмас эди.

Ана шу жабарийлик алал-оқибат Шарқдаги энг буюк давлатларни хароб қилди. Тарихдан маълумки, XIX асрда Оврупо илм-фан ва тараққиёт сари илдамлик ва жидду жаҳд билан қадам қўйганини жабарийлик уйқусига чўмган Шарқ сезмай ҳам қолди. Мужтаҳид имомлардан бири Бухоро амирининг ҳузурига кириб, кўзни каттароқ очиб, атрофга қарашга даъват этганда, жоҳил амир “Бу зиндик (диндан қайтган)ни ходага қоқингиз!” деб амр қилган. Мужтаҳид имом жуда катта машаққат билан жонини асраб қолган. Кейинги амирлардан бири эса тумшуғининг остига келиб қолган ёвни менсимай, “Керак бўлса, кўлимдаги мана шу ислом қиличи билан онасининг уйида жанг қиламан” деб керилган. Аммо буюк мутафаккир Аҳмад Донишнинг гувоҳлик беришича, мутақаббир амир биринчи замбарак ўқи портлагач, яланғоч отни кучоқлаб, бутун вужудини булғаганча Туркистондан Ховосгача қочиб келган экан. Ана сизга жабарийликнинг олий намунаси!

Ҳазрат Мавлоно мусулмон оламининг гоҳ у минтақасида, гоҳ бу минтақасида бош кўтарган лоҳас ва бадбин ғоя — жабарийлик ҳаёт ва тараққиётга ғов эканини чуқур идрок этган. Ижтиҳод ва жаҳд ҳаёт моҳияти, таваккул қилиш эса ижтиҳоднинг маънавий асоси эканлигини теран рамзий ҳикоятлар орқали кўрсатиб берди.

Динлар ва мазҳаблар ўртасидаги гоҳ пинҳон, гоҳ ошкор ихтилофлар ҳаммиша катта хунрезликлар билан якун топган. “Маснавий” да мутаассиблиги билан насронийларни ҳалок этган яҳудийлар шоҳи ҳақида дoston бор. У турли мазҳаб ва йўлларга кириб кетган насроний қавми бошига қора кунлар солган ғоят даҳшатли бир фитнакор хусусида.

Яҳудий қавми орасида насронийларга чексиз адоватда бўлган золим ва жаббор шоҳ бор эди. У аслида бир чироқнинг шуълалари бўлган Мусо ва Исо алайҳиссаломни бир-бирига муҳолиф деб билар ва мутаассиблиги ғолиб келиб, исавийлар ва уларнинг диний расм-русумларини аёвсиз таъқиб остига олар эди. Яҳудийлар подшоҳининг ҳар нечук оғир ҳолатларда ҳам бир тадбир ўйлаб топгувчи зийрак вазири зўрлик ва тазйиқ билан халқнинг иймон-эътиқодига путур етказиш мумкин эмаслигини, балки айни зўрлик ва зулм иймон-эътиқодни янада зиёда қилишини яхши биларди. Мақкор вазир айёрони тузоқни ўйлаб топди ва уни подшоҳга маълум қилди. Ҳийланинг мазмуни мана бундай эди: вазир исавийларга тарафдор бўлиб, подшоҳ бундай “хоин” вазирининг баҳридан ўтади ва унинг қўл, қулоқ ва бурнини шартта кесиб ташлаб, саройдан ҳайдаб юборади. Юз-боши қонга беланган “исавий” вазир саройдан ташқарига чиқариб ташланди. “Жабрдийда” вазирга исавийлар ишонишди ва унга паноҳ бўлишди. Бора-бора вазир исавийлар ўртасида кучли обрў қозонди, ҳатто муршид ва муаллим даражасини эгаллади. Исавийлар унга қаттиқ ишонишди. Аммо вазир ғоят пухта ўйланган бир фитнани махфий тарзда режалаштириб юрарди. Ниҳоят, у ўн икки

кишидан иборат насроний гуруҳ (фирқа) амирларига ўн иккита мактуб ёзди. Ўн икки мактубда ифодаланган фикр бир-бирининг акси, яъни бир-бирига қарши ва ихтилофли эди. Кейин ўзи бир ғорга кириб, узлатни ихтиёр қилди. Насронийлар ҳарчанд ялиниб-ёлворишмасин, у хилватни тарк этмади. Ниҳоят, ўн икки кишидан иборат фирқа амирларини бирма-бир ҳузурига чорлаб, шундай деб қаттиқ тайинлади: “Менинг ўринбосарим, яъни халифам сенсан. Бошқа киши эмас. Кимда-ким бу мақомга даъвогарлик қилса, билгинки, у ёлғончи каззобдир. Уни ўлдиришинг керак!..”

Вазир бу фитнани ошкор этиб бўлгач, хилватда жонига қасд қилди. Вазирнинг ўлимидан сўнг насронийлар ўртасида кучли ихтилоф бош кўтарди. Улар ўз қўллари билан бир-бирларининг бошларига етдилар...

— “Маънавий маснавий” ҳозирги ўзбек шеъриятининг мумтоз анъаналарни ўрганишда ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлади, деб ўйлайман. Назаримда, айрим ёш шоирлар “енгил-елпи” муҳаббатнинг маддоҳига айланиб, шеъриятнинг илоҳий оҳанглари унутиб қўйгандек. Журналхонларимиз сизни, аввало, шоир сифатида танигани учун шу борада ижодий тажрибаларингизга суяниб, фикр-мулоҳаза билдирсангиз?

— Оллоҳга шукр, мовлоно Жалолиддин Румий, ҳазрат Алишер Навоийга ўхшаш шоири пирларимиз бор. Биз шундай муаззам ва буюк шеъриятнинг ворисларимизки, жаҳонда яна бир шундай толи, пешонаси ярқираган миллатни топиш мушкул. Шунинг учун ҳам бу борада бизнинг шеърий дид ва тафаккуримизни анча-мунча шеър билан ҳайратга солиш мушкул. Кимки ҳазрат Алишер Навоий-


нинг биргина ғазали ёки рубойисини ёд билса-ю, маъносини обдон тушунса, бошқа бир шоирни ҳазм қилиши қийин. Шу нуқтаи назардан бугунги шеъриятга назар солгудек бўлсак, менинг наздимда, ўша шоири пирларимизнинг чинакам мурди йўқдек. Асл шеър доимо ҳақиқий шоирлар қаламидан тўкилган. Бугун гоҳ у, гоҳ бу ерда-шеър деб тақдим қилинаётган ёхуд кимнингдир моддий кўмаги билан чоп этилаётган китобларни чинакам адабиёт дейиш мумкинмика?! Балки буни бошқа бир ном билан атаган маъқулроқдир. Масалан, “савдо адабиёти”, “ашула адабиёти”. Ахир, бу бор нарса-ку?! Айтайлик, айрим тадбиркорлар шаънига бағишланган китобни “бозор адабиёти”нинг намунаси десак, тўғрироқ бўлади, менимча.

— “Маънавий маснавий”нинг кейинги дафтарларини таржима қилиш ниятингиз борми? Сир бўлмаса, келгуси ижодий режаларингиздан журналхонларни воқиф этсангиз.

— “Маънавий маснавий”дан янги таржималар “Гулистон” журналида узлуксиз чоп этиляпти. Хорижга қилган сафаримда “Маснавий”нинг янги шарҳларини олиб келдим. Бундан буён машхур “маснавий”шунослар Бадиъуззамон Фурузонфар, Саййид Жаъфар Шаҳидий, Абулбоқий Гулпунарлининг шарҳларидан фойдаланиш ниятим йўқ эмас. Ўйлайманки, бу ўзимга ҳам, “маснавий”хонларимизга ҳам жуда фойдали бўлади. Зотан, қарийб минг йиллик улкан тажрибага эга бўлган “маснавий”шунослик мактабининг устозлари қаламига мансуб шарҳлар бу бетимсол маънавий обида ҳақидаги тасаввурларимизни янада бойитади.

**Бобомурод ЭРАЛИ суҳбатлашди.**

# Rimni zabt etgan notiq



Рухий уйғониш ва маънавий юксалишларга бой бўлган антик давр инсоният тарихида беқиёс ўрин тутади. Чунки жуда кўплаб тараққиёт соҳаларига айнан шу даврда асос солинган. Бу даврдаги

маънавий-маърифий ривожланиш ҳалигача одамзод ақлини ҳайратга солиб келади. Шу боис у антик даврдан узоқлашгани сари унинг сир-синоатларини батафсилроқ ўрганишга янада кўпроқ қизиқмоқда. Чунки тарихни англаш бугунги кунни яхшироқ қадрлаш ва келажакни аниқроқ тасаввур қилишда кўл келади. Дарҳақиқат, бугунги ва эртанги кун ҳақидаги ҳақиқатлар сири мозий бағрида яширинган бўлади. Ўтмишни тафаккур сандиги дея таърифлашлари ҳам бежиз эмас. Айниқса, фалсафий мерос борасида антик давр маданияти ва фанининг ўрни ҳамда аҳамияти каттадир. Бу даврда буюк мутафаккирлар етишиб чиқиб, умуминсоний тафаккур ривожига бебаҳо ҳисса қўшган. Ана шундай улуг зотлардан бири Марк Туллий Цицерондир.

У — машҳур нотик, ёзувчи, файласуф, олим, сиёсий арбоб бўлиб, ҳуқуқ фалсафаси ва риторика (нотиклик санъати) соҳасида ўчмас из қолдирган. Цицерон қадимги Римда вояга етиб, фаолият кўрсатган мутафаккирларнинг пешқадам вакилларидан бири бўлган. Мана, икки минг йилдан зиёд вақт ўтибдики, унинг асарлари кишиларга илҳом ва ҳайрат бахш этиб келяпти.

Марк Туллий Цицерон мелоддан аввалги 106 йилнинг 3 январида Арпин шаҳри яқинида туғилган. Бу жой таниқли саркарда Гай Марийнинг юрти экани билан Рим тарихида алоҳида қимматга эга.

Туллийлар сулоласи уруғининг номи нўхат маъносини билдирган.



Тахминларга кўра, Цицерон авлодларидан бирининг бурни учида нўхат-симон кичик ортиги бўлган. Унинг авлодларидан кимдир яхшигина поллизки бўлган ва нўхат етиштиришнинг ҳадисини олган экан, деган фаразлар ҳам мавжуд. Нима бўлганда ҳам Цицерон ўз уруғининг номи билан жуда фахрланган ва дўстлари бу номни ўзгартиришни маслаҳат берганида қатъиян рад этган. Машҳур нотик ва давлат арбоби бўлиб етишишида у униб-ўсган муҳитнинг муайян таъсири бўлган, албатта. Хусусан, унинг бобоси заминдор бўлиб, тенги йўқ миришкор саналган, сиёсий масалаларда ҳам жуда билимдон киши ҳисобланган. У, баъзи муаммоларнинг яширин овоз бериш орқали ҳал этилишига қарши чиққани боис, сенат аъзоларининг мақтовига сазовор бўлган.

Цицерон онасидан жуда эрта жудо бўлган. Отаси, саломатлиги унча яхши бўлмагани туфайли, осойишта қишлоқ ҳаётини маъқул кўрган. Лекин у сиёсатга қизикмаган, кўпроқ адабий машғулотлар билан шуғулланган, ҳаммасидан ҳам ўғилларининг тарбиясига эътибор беришни маъқул кўрган. Ана шу мақсадда етти яшар Марк ва уч ёшли Квинт исмли ўғиллари билан Римга, шаҳарнинг ҳарбий қисмида жойлашган Карина деб аталувчи мавзегга кўчиб ўтган. Цицерон бу ерда укаси билан бирга юнон ўқитувчилари кўлида таълим олади. Уларга машҳур нотик Красс устозлик қилади. Маркдаги юксак қобилият ва илмга ташналик устоз эътиборини тортади. Бу даврда Цицерон шеъриятни севиб қолган ва ижод қила бошлаган. Шеъриятга бўлган бундай иштиёқ уни улгайган даврида ҳам тарк этмаган. Кейинчалик Цицерон бир кечада беш юзта шеър ёзганини фахр билан эсга олади.

Цицерон болалигиданоқ нотиклик санъатига жуда қизиқади. У ўша даврнинг машҳур нотиклари Красс ва Антонийларнинг оташин нутқларини берилиб тинглаган. Таниқли актёр Росций раҳбарлигида эса ифодали ўқиш ва сўзлаш санъати ҳамда нутқ қоидаларини пухта ўргана бошлаган. 90 йилда отаси Маркни ҳуқуқ илмини ўргансин, дея таниқли ҳуқуқшунос Квинт Муций Сцевола таълимига беради. Унинг суҳбатлари Цицерон учун ҳуқуқни ўрганиш борасидаги энг яхши дарс бўлади. Бу ерда у кейинчалик бир умрлик дўсти бўлиб қолган Тит Помпоний Атик билан танишади. Бир йилча ҳарбий хизматда бўлгач, Цицерон яна Римга — ўзининг сеvimли илмий машғулотига қайтади. Энди у фалсафа билан жиддий шуғуллана бошлайди. Бу соҳада унга ларисалик Филон раҳбарлик қилади.

Цицерон суддаги илк адвокатлик нутқини мелоддан олдинги 81 йилда сўзлаган. Бу пайтда у 25 ёшда эди. Ўшанда у Публий Квинкий исмли бир кишининг иши юзасидан ҳимоячи бўлган. Бу нутқ Цицерон тақдирини муҳим ўрин тутди. Гап шундаки, у ўзини адвокатлик қилишга таклиф этган актёр Росцийнинг оила аъзоларидан бирини ҳам кейинги йили судда ҳимоя қилади. Суддаги воқеалар ривожига кўра, Цицерон давлат амалдори Сулланнинг хоҳишига зид ҳолда Росцийни ҳимоя қилиб нутқ сўзлайди. Бу эса унга катта шуҳрат келтиради. Бироқ, Плутархнинг гувоҳлик беришича, бунинг оқибатида Цицерон бирмунча хавф-хатарга ҳам дучор бўлади. Яъни судда ютқазган амалдор ундан ўч олиши ҳеч гап эмасди. Шу боис Цицерон Римни тарк этишга мажбур бўлади.

У икки йил Римдан узоқда яшайди. Бу давр ичида Афина, Кичик Осиё ва Родосни бориб кўради. Афинада у аскалонлик Антиох маърузаларини тинглайди, Родосда эса Посидоний билан яқиндан танишади. У

устози Аполлоний Молон раҳбарлигида таниқли нотиқлик мактабларига хос аънаналарни пухта эгаллайди ҳамда нутқ санъатининг пирига айланади. Шу тариқа унинг ўқиш-ўрганиш даври ниҳоясига етади ва ижтимоий-сиёсий фаолияти бошланади.

Цицерон Римга қайтганида бу ерда анчагина ўзгаришлар содир бўлган, яъни 79 йилда Сулла (87 йилги судда ютқазган амалдор) ўз хоҳишига кўра диктаторлик амалидан кетган ва 78 йилда вафот этган эди. Шундай бўлса-да, Цицерон Римга қайтгач, ижтимоий-сиёсий фаолиятга шошилмайди. Бунга шахсий ҳаётидаги воқеалар ҳам сабаб бўлган. Яъни у бу даврда Теренция исмли қизга уйланади. Файласуф Теренция билан 30 йил бирга яшаган, ундан бир қиз ва бир ўғил кўрган. Цицерон турмуш масалаларида анча ҳисоб-китобли шахс бўлган.

У 76 йилда Сицилия оролининг квестори этиб сайланади. Бу — ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бошланиши эди. Квестор сифатида унга Римни Сицилия оролидан мунтазам равишда дон билан таъминлаб туриш вазифаси юкланади. Бу вазифани Цицерон сидқидилдан адо этади ва сицилияликлар орасида катта обрў орттиради.

У ўзининг шўхрати Римгача етиб боришини орзу қилган, аммо пойтахтга қайтиб боргач, бунинг аксини кўрган. Шундан сўнг, унинг ёзишича, Рим шаҳрида халқнинг кўз ўнгида кўпроқ бўлишни маъқул кўрган. Шу тариқа у бутунлай бошқача яшашга киришади. Энди у суд жараёнларида ҳимоячи сифатида тез-тез нутқ сўзлайди. Истаганлар уни турли йиғинлар ўтадиган жой — Форумдан топарди. Унинг нотиқлик санъати борган сари доврақ қозона бошлайди. Шу тарзда у аста-секинлик билан сиёсий юксакликка кўтарилади.

Фикримизнинг далили сифатида нотиқ ҳаётидаги ўта муҳим бир воқеани эслаш мумкин. Унинг эски қадрдонлари судда собиқ ҳукмдорлардан бири Верреснинг қораловчиси бўлиб қатнашишни илтимос қилади. Веррес уч йил мобайнида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган шафқатсизликлар билан аҳолини талаган, сиқувга олган. Натижада Сицилия оролидаги гуллаб-яшнаган бу ўлка хароба ҳолига келиб қолган. Веррес авж олдириган ўғирликлар, товламачилик ва юлғичликлар кўпчиликнинг қаҳр-ғазабини кўзғатган, фақат сицилиялик жабрланувчиларни эмас, балки римликларнинг ҳам қаттиқ норозилигини уйғотган.

Цицерон юқори лавозимдаги ана шундай кучли жиноятчини фош қилиши лозим эди. Бунинг устига, Верресни оқламоқчи бўлган ҳамтовоқлари ҳам анчагина эди. Демак, Цицерон Верресни айблаш жараёнида унинг тарафдорларини ҳам фош этиши зарур эди. Бу эса Цицерондан жуда катта куч, билим ва мардликни талаб қиларди.

Буюк файласуф судда айбловчи бўлиб қатнашишга розилик билдирган пайтда Квинт Цецилий исмли киши ҳам худди шу вазифани бажариш истагини маълум қилган. Ўз-ўзидан равшанки, у Верреснинг одами эди. Ҳакамлар эса, қоидага биноан, бу икки нутқдан бирига ён босарди. Биринчи бўлиб Цицерон нутқ сўзлаган. Гарчи Веррес ўз адвокати Гортензий орқали баъзи ҳакамларни сотиб олишга уринган бўлса-да, Цицерон галаба қозонган.

Шундан сўнг Веррес суд жараёнини орқага чўзишга уринган. Мақсад — сайловлар натижасида судда Веррес томонида турадиган кишиларнинг сайланиши ва ўз вазифасини бажаришга киришишига бўлган илинж эди. Цицерон уларнинг бу умидларини ҳам чиппакакка чиқаради. У вақтни

бекор ўтказмасдан, эллик кун давомида бутун Сицилияни пиёда кезиб чиқади ва жуда кўп далил тўплайди, қанчадан-қанча гувоҳларни топиб, судда қатнашиш учун тайёрлайди. Ниҳоят, суд жараёни бошланади ва Цицерон Верреснинг кирдикорларини аёвсиз фош қилиб ташлайди. Гувоҳлардан бири Верреснинг озодлик ва қонун талаб қилган бир Рим фуқаросини қонунга хилоф равишда чормихга михлаб, қатл этилгани ҳақида судга гапириб берганида, халқнинг қаҳр-ғазаби жунбушга келади. Суд Верресни қилмишига яраша жазолаш тўғрисида ҳукм чиқарган. Бу можаро шу тариқа Цицероннинг ажойиб ғалабаси билан тугайди. Машҳур нотиқнинг судда сўзланган бешта ажойиб нутқи бизгача етиб келган. Улар адабиёт ва нотиқлик санъатининг нодир намунаси бўлиши билан бирга, бебаҳо тарихий аҳамиятга молик манбалар ҳам ҳисобланади.

Веррес устидан қозонилган ғалаба ҳамда таниқли нотиқ Гортензийни мағлуб этгани Цицеронни Римнинг энг таниқли адвокати даражасига кўтаради. Унга ҳимоячи сифатида қарайдиган «харидорлар» кўпайиб кетади. Унинг 70-67 йилларда судда кўрилган кўплаб фуқаролик ишларидаги нутқлари ҳозиргача сақланиб қолган. У 67 йилда барча номзодлар орасида биринчи бўлиб претор бўлиб сайланади. Шундан сўнг моддий аҳволи ҳам яхшилана бошлайди, унда янги мақсад — консуллик мақомини олиш истаги пайдо бўлади.

Бу мақомга эришиш осон эмаслигини Цицерон жуда яхши тушунган. Бу йўлда уни муайян кишилар кўллаб-қувватлаши лозим эди. Укаси Квинтнинг ёзишича, Цицерон ўша даврда сенат доираларидаги юқори мансабдор шахслардан иборат тоифага анча яқинлашиб қолган эди. Консуллик мартабасини кўлга киритишда айнан шу тоифа уни сиёсий арбоб сифатида маъқуллаши лозим эди. Шунинг учун машҳур нотиқ ана шу тоифадаги таниқли арбоблар билан алоқасини янада мустаҳкамлай бошлайди. Шу мақсадда у бир гал қудратли Рим давлати ҳарбий кўшинининг бош кўмондони Гней Помпейни очикдан-очик ҳимоя қилиб чиқади. Бу воқеа унинг консул бўлиб сайланишида жуда муҳим аҳамият касб этади. Сайловда яна Рим салтанатида таниқли номзодлар — Антоний ва Катилина ҳам қатнашмоқда эди. Айтишларича, уларни ғоятда улкан нуфузга эга бўлган Цезарь ва Красслар кўллаб-қувватлаган. Бу ҳол Цицеронни сайловга янада пухтароқ тайёргарлик кўришга ундайди. Натижада у ғалаба қозонади. Бу унинг сиёсий соҳадаги энг катта ютуғи эди. Кичик бир шаҳарда туғилган, унча таниқли бўлмаган оилада тарбия топган одам учун буюк Рим давлати консули лавозимини кўлга киритиш энг катта ғалаба ҳисобланади. Образли қилиб айтганда, бу унинг Римни забт этиши эди.

63 йилнинг биринчи январидан Цицерон ана шу янги лавозимда иш бошлайди. Ўша давр оdatига кўра, шу кунгача у сенат йиғилишини қақиради ва унда дастурий қарашларини ифода этиб нутқ сўзлайди. Аграр масалаларга оид қонун лойиҳасига бағишланган бу нутқ унинг таржиман ҳолини безаган яна бир улкан муваффақият эди. Гап шундаки, қонун лойиҳасини тайёрлаганлар халқ хоҳишига зид равишда давлат ерларини талон-тарож қилишни қонунлаштириб қўймоқчи бўлган. Цицерон эса уларга қарши қатъият билан кураш олиб боради ва халқ иродасини ифода этмайдиган қонун лойиҳасини овозга қўймасданоқ қайтариб олишларига мажбур қилади.

Таъкидлаш жоизки, кетма-кет келган бундай омадлар машхур нотик тақдирининг жуда силлиқ кечганини билдирмайди. Аслида воқеалар ривожини умумий манзаранинг изтироб ва қувончларга бой ҳамда паст-баланд босқичлардан иборат бўлганидан далолат беради. Яъни Цицероннинг бизгача етиб келган нутқларидан маълум бўлишича, унинг ҳаётида хатарли, хаттоки ўлим хавфи остида қолган дамлар ҳам кўп рўй берган. Бироқ ана шундай хатарли дамларда ҳам у, ақл ва заковат кучига таянган ҳолда, нотиклик санъатидан усталик билан фойдаланган ва бунинг натижасида ғалаба қозонган. «Катилина фитнаси» деб аталмиш воқеа бунга яққол мисол бўла олади.

Мансаб пиллапояларига босқичма-босқич кўтарилиб борар экан, Цицерон Луций Катилина исмили шахсга дуч келади. Катилина жуда таниқли сулоланинг вакили бўлиб, жисмонан кучли, аммо анчагина ёлғончи, очкўз, ўз манфаати йўлида ҳеч қандай разилликдан тап тортмайдиган одам бўлган. У бир неча бор сайловларда иштирок этиб, ютқазади. 63 йилдаги сайловда ҳам мағлуб бўлганидан кейин консул бўлиш орзуси бутунлай барбод бўлади ва шундан сўнг Цицеронга қарши очикдан-очик кураш йўлига ўтади. Душманлик шу даражага бориб етадики, Катилинанинг бир гуруҳ тарафдорлари Цицеронга қарши суиқасд тайёрлайди. Лекин фитна аён бўлиб қолади. 62 йилдаги сайловларда консулликни қўлга киритишда тўртинчи бор мағлубиятга учраган Катилина фитначилар йиғинида Цицеронга қарши суиқасдга шахсан ўзи раҳбарлик қилганини айтади. Цицероннинг уйига қоровуллар қўйилиб, унинг хавфсизлиги сақланади. Сенатнинг зудлик билан қақирилган фавқулоддаги йиғилишида Цицерон Катилинага қарши нутқ сўзлаб, ундан Римни тарк этишни талаб қилади. Сенат аъзоларининг аксарияти ўзини қўллаб-қувватла-маслигига кўзи етган Катилина шу куни тундаёқ Римни тарк этади. Аммо Римдан узоқда туриб янги режани амалга ошира бошлайди. Унга кўра, Цицеронга қарши тузилаётган фитнага Лентул исмили киши раҳбарлик қилиши, шахарнинг 12 та жойида ёнгин уюштирилиши, фуқаролар уруши бошланиши, Цицероннинг ўзи ва оила аъзолари йўқ қилиниши лозим эди. Бироқ фитнага барҳам берилиб, Катилина тарафдорларидан тўрт киши қўлга олинади. Сенатдаги узоқ тортишувлардан сўнг уларга ўлим жазоси белгиланади. 62 йилнинг 5 декабрда тун оққан маҳалда ҳукм ижро этилади ва тўрт фитначи, ўша даврдаги таомилга кўра, жаллодлар қўлида бўғиб ўлдирилади. Консул эса воқеалар интиҳосини кутиб, тарқалмасдан турган оломонга қарата шу сўзларнигина айтади, холос: «Улар яшаб бўлди!» Ушбу воқеалардан 150 йил ўтгач, Плутархнинг ёзишича, ўшанда, қоронғи тун бўлишига қарамасдан, машъалалар ёқиб олган Рим фуқаролари Цицеронни «Римнинг халоскори» дея олқишлаб уйигача кузатиб қўйган. Кейинчалик халқ йиғини халоскор-консулга миннатдорлик билдириб «Юрт отаси» деган фахрий ном ҳам берган.

Тарихчилар ушбу воқеаларни ҳозиргача турлича талқин этиб келади. Баъзилар Катилинани демократия тимсоли деб таърифласа, яна баъзилари, аксинча, Цицеронни ҳақиқий демократ деб билади. Фитначилар устидан чиқарилган ҳукми адолатсизлик деб баҳолайдиганлар ҳам йўқ эмас. Цицероннинг ҳаёти, мақсади ва фаолиятини халқ манфаатлари нуқтаи назаридан баҳолайдиган тадқиқотчилар эса машхур нотикнинг барча хатти-ҳаракатларини ҳақиқат ва адолат тамойилларига мос деб баҳолайди. Чунки фитначиларнинг нияти ҳам, қилмишлари ҳам,

аслида, давлат тўнтаришини амалга оширишга ўхшаш разил бир жиноят эди. Шу маънода, Плутархнинг Цицерон тўғрисидаги фикрлари эътиборга сазовор. Яъни Цицероннинг ўша даврда Рим давлати ва жамиятини рўй бериши мумкин бўлган бошбошдоқликдан асраб қолгани катта аҳамиятга эга эди. Бинобарин, у Рим республикасининг маълум бир давр мобайнидаги тинч ва барқарор ривожини учун имкон яратиб берди.

Таҳликали даврларда собитқадамлик билан барқарорликни сақлаб қолиш йўлида самарали фаолият кўрсатгани Цицероннинг яна бир тарихий хизматидир, дейиш мумкин.

Бу — Цицероннинг энг катта муваффақияти эди. Ашаддий душманларнинг астойдил ўч олиш учун тинмай курашишлари, дўстларнинг эса керакли пайтда қатъият кўрсата олмагани ва аксинча, хавф-хатар авж олган пайтда, Цицероннинг ўзи алоҳида қайд қилганидек, хоинлик қилиши оқибатида унинг бошига тақдирнинг янги синовлари тушади. Сайловлардаги адолатсизлик, лавозимларни сотиб олиш, порахўрлик каби иллатлар туфайли олчоқлик ғалаба қозонади. Сайловларда ютиб чиққан ғанимлар Цицеронни «Катилина ишида» адолатсизликка йўл қўйганликда ва бегуноҳ кишиларни қатл эттирганликда айблайди. Натижада Цицероннинг бошидаги «қора булутлар» тобора қуюқлашади ва у Римни тарк этишга мажбур бўлади. Уй-жойи ва бойликларидан маҳрум бўлган машҳур нотик 17 ой мобайнида муҳожирликда яшайди. Тўғри, охири ҳақиқат қарор топади, у Римга қайтишга, ўзига тўнқалган айблардан қутулишга, ҳатто кўрилган моддий зарарни ундириб олишга ҳам муваффақ бўлади. Бироқ буларнинг барчаси осонлик билан ҳал бўлмайди. У энди аввалгидек дадил ҳаракат қила олмас, шунинг учун илгаригидек муваффақият ҳам қозонмас эди.

51 йилда Цицерон сенат қарорига биноан Киликия ҳудудининг ҳукмдори лавозимига тайинланади. Бироқ дўсти Аттикканинг мактубларидан маълум бўлишича, унинг мансабга унча ҳуши бўлмаган, Римга — Форумга, ўз уйига қайтиш истаги устунлик қилган. Цицероннинг Киликияда ўтган кунлари Алишер Навоийнинг Астрободдаги ҳаётини эслатади. Бунинг устига, ўша даврда кучайиб борган Парфия подшолиги Римга катта хавф солаётган, агар бирор фалокат рўй берса, уруш Киликиядан бошланиши ҳеч гап эмасди. Киликияда Цицерон раҳбарлик истеъдоди билан анча довруғ таратади. Аммо бу шоҳона ҳаёт уни қониқтирмайди. Шу боис ваколат муддати тугаши биланоқ бу ўлкани тарк этди ва 49 йилдан бошлаб яна Римда яшай бошлайди.

Цицерон фақат нотиклик ва раҳбарлик истеъдоди билан эмас, балки баракали ижоди билан ҳам шуҳрат қозонган. 55-51 йиллар давомида у учта назарий рисола ёзади. «Нотиклик ҳақида», «Давлат тўғрисида» ва «Қонунлар ҳақида» деб номланган бу асарларнинг барчаси бизгача етиб келган.

«Нотиклик ҳақида» рисоласи чиройли нутқ сўзлаш назариясига бағишланган бўлиб, 55 йилда ёзилган. Рисола Афлотун ва Арастунинг ўзаро суҳбати услубида битилган. Ундаги воқеалар 91 йилда рўй бериб, Лициний Красс ва Марк Антонийлар (ўша даврнинг машҳур нотиклари) ўртасидаги суҳбат унга асос қилиб олинган. Рисолада Цицерон нотиклик санъати, нотикқа хос хусусиятлар ва нутққа қўйиладиган асосий талабларни баён қилган. Шундай бўлса-да, рисоланинг асосий ғояси чиройли

нутқ сўзлаш санъатини ёритиб беришдангина иборат эмас. Унда давлат аҳамиятига молик вазифа — нотиқ бўла олишдек истеъдод ва қобилият эгаси бўлган киши тимсолини гавдалантиришга ҳам эътибор қаратилган. Бошқача қилиб айтганда, муаллиф нотиқликни давлат манфаатларига нихоятда алоқадор фаолият деб ҳисоблаган. Унинг фикрича, фақат яхши нотиқгина давлат манфаатларини кўнгилдагидек ҳимоя қила олади. Инсондаги хос хусусиятларнинг ижтимоий аҳамиятини бу қадар юқори баҳолаш машҳур нотиқнинг ўзи мансуб бўлган фуқаролик жамияти олдидаги масъулиятни нақадар чуқур англашига асосланарди. Шу маънода, Цицерон асарлари азалдан адолатли фуқаролик жамияти қуришга интилиб келадиган башарият учун комилликка эришув йўлларини ифода этади.

Цицероннинг фикрича, нотиқ, аввало, тугал фалсафий маълумотга эга ва юксак билимли бўлиши лозим. Шунингдек, у ҳуқуқшунослик ва тарих соҳаларини ҳам пухта билиши керак. Яна эҳтирослилик, сезгирлик ва топқирлик каби сифатлар нотиқ учун катта аҳамият касб этади.

«Нотиқлик ҳақида» рисоласи тарихчилар учун муҳим манба. Чунки унда Цицерон тарихнинг моҳиятини жиддий мезонлар асосида талқин қилишга уринган. Унинг фикрича, нотиқ ўз нутқи ёрдамида эзгу ғояларни ифодаласагина тарих ва абадият билан уйғунлашади.

Нотиқ ўз нутқи воситасида тарихни ёзиши ва ёритиши мумкинми, деган саволга тўхталар экан, Цицерон ўтмиш чиройли нутқда фақат акс этиб қолмайди, балки унинг ёрдамида ривожланади ва мукаммаллашади ҳам, деб таъкидлайди. Шу боис тарих, бир томондан, нотиқлик санъатининг таркибий қисми бўлса, иккинчи томондан, нотиқликнинг ўзи тарих мукаммаллашувининг омили ҳамдир.

Цицерон тарих фалсафасини ифодалаб берар экан, ўтмиш тараққиёти ва уни ўрганиш қонуниятларини кўрсатишга уринади. Нотиқнинг нуқтаи назарига кўра, ёлғон гапиришга йўл қўймаслик тарих фалсафасининг дастлабки қонунияти бўлса, ҳар қандай ҳақиқатни гапириш эса унинг кейинги қонуниятидир. Бунда тарихчи ва нотиқни уйғунлаштирадиган умумий манба маълумот, далил ва сўз бўлади.

Цицерон ўз жамиятининг муносиб фуқароси сифатида Рим давлати тарихини ёзаётган ва абадийлаштираётган замондошларига эътироз билдирган. Унинг назарида, бу кишилар кўп ҳолларда ишонарли далилларга асосланиш ўрнига реал воқеликни анчайин енгил-елпи тасвирлаб, баъзан эса бузиб кўрсатган. Бу эса ҳассос нотиқда катта ташвиш уйғотган.

Цицероннинг тарих фалсафаси муаммоларига бундай қуюнчак муносабати бугунги кун учун ҳам долзарбдир. Чунки яқин ўтмишимизда баъзи сўзамол нотиқлар собиқ Иттифоқ давлатини инсоният тарихининг энг катта ютуғи, дея жар солган эди. Бу ҳаммамизга катта сабоқ бўлиши лозим. Негаки, ўша даврда миллий ривожланиш қонуниятларига, миллий қадриятларимизга, миллий тараққиёт муаммоларига бирёқлама ёндашилларди. Бугунги кунда эса истиқлолимиз туфайли ўзлигимизни намоён қилиш имконига эга бўлдик. Бу эса тарихга Цицерон сингари ёндашиш ва уни холис баён қилиб бериш қонуниятларига риоя қилишнинг аҳамияти қанчалик беқиёс эканини яна бир бор кўрсатди.

Цицероннинг «Давлат тўғрисида» рисоласи ҳам суҳбат шаклида ёзилган. У олти китобдан иборат. Биринчи ва иккинчи китоблар давлат қурилиши, учинчи ва тўртинчи китоблар «давлат» тушунчаси моҳиятини

фалсафий тушунтириш, бешинчи ва олтинчи китоблар эса энг яхши давлат бошқарувчиси масалаларига бағишланган. Цицероннинг «Қонунлар ҳақида» рисоласи эса «Давлат тўғрисида»ги рисолаани тўлдириши лозим бўлган, бироқ у ниҳоясига етмай қолган. Бу ҳақда турли маълумотлар ҳам бор.

«Қонунлар ҳақида» рисоласидаги асосий суҳбатдошлар Цицерон, унинг укаси Квинт ва дўсти Тит Помпоний Аттиклардир. Баъзи маълумотларга кўра, ушбу рисола ҳам олти китобдан иборат бўлган. Бироқ у бешта китобдан ташкил топган, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас. Бизгача уларнинг учтаси етиб келган бўлиб, биринчиси нисбатан тўлиқ, иккинчи ва учинчи китоблар дастлабки хомаки қораламалар ҳолида қолиб кетган. Рисоланинг биринчи китобида табиий ҳуқуқ тўғрисидаги мулоҳазалар, иккинчисида илоҳий ҳуқуқ, учинчисида эса магистратлар тўғрисида фикр юритилган.

Цицероннинг фикрича, давлатнинг моҳияти халқнинг хизматида бўлишдан иборатдир. Давлатнинг пайдо бўлиши ҳам кишиларга хос азалий биргаликда яшаш зарурати натижасидир. Давлат тузилиши шакллари уч хил, яъни монархия, аристократия ва демократия кўринишида бўлиши қайд этилади. Бироқ нотикнинг ёзишича, уларнинг ҳеч бири мукамал эмас. Бунинг оқибатида тарихда тез-тез давлат шакллари ўзгариб туради. Бундай ўзгаришлар бўлмаслиги учун эса юқоридаги уч хил давлат шакллари ўзида умумлаштирган, нисбатан барқарор тўртинчи хилдаги давлат тизими зарурлиги уқтирилган. Бироқ рисолада унинг шакли тўғрисида аниқ фикр айтилмаган. Фақат у қандай шаклда бўлмасин, аввало фуқаролараро тенгликни таъминлаши лозимлиги баён этилган. Давлатни бошқарувчи шахс эса, Цицероннинг нуқтаи назарига кўра, энг етук, юксак фазилатли фуқаро бўлиши лозим. У давлат бошқарувида сенат аъзоларининг маслаҳатларига таянган ҳолда иш кўриши мақсадга мувофиқдир.

Цицероннинг ҳуқуқ тўғрисидаги фикрлари давлат ҳақидаги қарашларини давом эттиради. Қонун, унинг фикрича, ҳуқуқийлик ва ҳуқуқсизликнинг ўлчовидир. Одамлар худонинг хоҳишига кўра тенг қилиб яратилган. Инсонга берилган ақл, тафаккур қонун ёрдамида мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳуқуқнинг асоси кишиларнинг фикрлари эмас, табиат билан боғлиқ. Қонунларни инсонлар ўйлаб топган эмас, балки улар кишиларга худо ато этган олий ақл ва адолат натижасидир. Одамлар улар орқали худо билан боғланган, яъни инсонлар қонунларга бўйсунса, худонинг амрини адо этган бўлади. Фақат ана шундагина кишилар ҳуқуқни ҳуқуқсизликдан, ҳаёни уятдан, яхшилиқни ёмонликдан ажрата олади, одил ва пок яшашга интилади.

Кўриниб турибдики, Цицерон қарашларидаги кўплаб фикрлар биз яшаётган даврда ҳам долзарб. Бу эса буюк нотик ва файласуф асарлари одамзотнинг улуғ мақсадлари ва эзгу ғоялар йўлида хизмат қилиб келганидан дарак беради.

Цицерон ижодининг энг сермаҳсул палласи мамлакат ҳаётидаги мураккаб, ўта зиддиятли даврга тўғри келади. Чунки қадимги Римда ҳокимиятни Юлий Цезарь эгаллагач, жамиятда катта ўзгаришлар содир бўлади. Жумладан, давлат бошқаруви мустаҳкамланади, мамлакатда қаттиқ назорат ўрнатилади, бир талай ислохотлар амалга оширилади. Цезарнинг жаҳонгирлик савий-ҳаракатлари натижасида Рим империяси Ши-

молий Африкадан Рейн бўйларигача бўлган худудларни қамраб олади. Юлий Цезарнинг ўзи эса император сифатида чексиз шон-шухрат қозонади, унинг республика тарафдорлари орасидаги обрў-эътибори кундан-кунга ортиб боради. Айниқса, 50-45 йиллар давомида рўй берган фуқаролар урушида қозонилган ёрқин ғалаба Цезарнинг шон-шухратини янада оширади. Худди шундан эътиборан император шахсини илоҳийлаштириш жараёни бошланади. Цезарни «халоскор» деб атай бошлайдилар. Сенат унга турли кўнгилочар ўйинларда ғолиб саркарда — триумфатор кийимида, шухрат гулдасталарига ўранган ҳолда, бир пайтлар шоҳлар киядиган қизил этикларда чиқиш ҳуқуқини беради. Душманлар устидан ғалаба қозонилган кунлар байрам қилинадиган бўлади. Квирина ибодатхонасида Цезарга ҳайкал ўрнатилади. Бундай иззат-икром Римда унга ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч кимга насиб этмаган эди. Цезарь халққа очиққўллик ва саҳийлик билан ёзилган дастурхонлар воситасида обрў-эътиборини янада мустаҳкамлайди.

У шаксиз буюк инсон, кучли император эди. Шунингдек, у улкан саркарда, нотик, ёзувчи ҳам эди. Бироқ у тарихда аввало қаттиққўл давлат арбоби сифатида қолди. Кейинчалик у асос солган давлат, уни бошқариш санъати кўплаб салтанат соҳиблари учун юксаклик ва мукамаллик намунаси бўлиб хизмат қилди. Халқ ва давлатни бирлаштириш йўлида Цезарь тажрибасидан бугунги кунда ҳам фойдаланилмоқда. Цезарнинг бахт кўёши балқиб турган йилларда Цицерон оғир дамларни бошдан кечираётганди. Гап шундаки, фуқаролик урушини келтириб чиқарган кучлар орасида Цезарга катта хавф солган мухолифат раҳбари Помпей ҳам бор эди. Сенатда оташин нутқлар сўзлашни касб қилиб олган нотикқа зарур пайтда кимни қўллаб-қувватлаш гоятда муҳим эди. Шу боис Цицерон уруш йилларида Помпейни ёқлашни ва Римни тарк этишни ҳам ихтиёр этади. Фақат Цезар қаршилик кўрсатгани туфайли у бундай қилолмаган. Шундай бўлса-да, у Цезарни ҳам тўлиқ ёқлаган эмас. Цицероннинг бизгача етиб келган, буюк ҳукмдорнинг шухрати юксалиб борган даврда сенат аъзолари орасида сўзлаган машҳур учта нутқи ҳам буни тасдиқлайди. Бу нутқларда у Цезарни ўз сиёсий мухолифларига нисбатан ўта шафқатсиз бўлмасликка чақиради ва ҳаттоки помпейчи душманларнинг баъзиларини авф этишга кўндиради.

Юлий Цезарнинг Цицеронга муносабати қандай бўлишидан қатъи назар, у нотикни хафа қилиб, сиёсатдан бутунлай четлатиб юборишга йўл қўймаган. Бу борада Цезарнинг кўпгина издошлари унутиб қўйган «Подшоҳлар бағрикенг бўлиши керак» деган фикри амалий ифодасини топган. Аммо шафқатсиз тарих Цицеронга бу йўлда ҳам бир синов тайёрлаб қўйган эди, яъни 44 йилнинг 15 мартда сенат мажлиси очилиши арафасида фитначилар Юлий Цезарни хоинона ўлдиради. Натижада Рим давлатини бошқариш Марк Антоний қўлига ўтади. Сиёсий ўйинлардан чарчаган Цицеронни оилавий муаммолар ҳам ўз гирдобига олади — у 30 йиллик умр йўлдоши Теренция билан ажрашади, 34 ёшли сеvimли кизи Туллия вафот этади. Буларнинг барчаси унга қаттиқ зарба бўлиб тушади.

Бунинг устига, Марк Антоний билан муносабатлари ёмонлашиб боради. Антоний сенат йиғилишида Цицеронни бир пайтлар ўлим жазоси берилиши тўғрисидаги ҳукмни қонунга хилоф равишда қабул қилишга сенатни мажбур қилганликда айблайди. Антонийнинг фикрича, Цицерон



Помпей билан Цезарни ўзаро уриштириб қўйган, унинг энг катта айби — императорга қарши суиқасднинг гоёвий ташаббускори бўлган. Цицерон эса бунга жавобан Антонийни маишатпарастлик ва шухратпарастликда, тухматчилик ва ярамасликда айблайди. Ўзининг консуллик давридаги хатти-ҳаракатларини эса республика манфаатларини кўзлаб амалга оширилган деб изоҳлайди.

Тарихдан маълумки, бу даврга келиб катта сиёсат саҳнасида цезарлар сулоласининг кичик вакили Гай Октавиан пайдо бўлади. 43 йилнинг баҳоридаги урушлар натижасида Антоний мағлубиятга учраб, ҳокимият Октавиан қўлига ўтади. Цицероннинг Цезарни ўлдиришга алоқадорлиги тўғрисидаги мишмишлар тобора кучайиб, унинг ҳаётига хавф сола бошлайди. Натижада у Римни тарк этади ва яширинишга мажбур бўлади. Машҳур нотик, ёзувчи, файласуф ва давлат арбоби Марк Туллий Цицероннинг ҳаёти ана шундай фожиали ниҳоя топади. У Римдаги бошбошдоқлик ва қабохатнинг қурбони бўлади.

Цицерон номи тарихда абадий қолди. Уни ўрганувчилар учун бу инсон гоҳ ёзувчи, гоҳ нотик, гоҳ файласуф, гоҳ сиёсий арбоб сифатида ўз фазилатларини намоён қилади.

Цицерон нафақат машҳур нотик, балки бу санъатнинг назариётчиси ҳам эди. Унинг 58 та нутқи тўлиқ, 17 нутқининг айрим қисмлари, 30 га яқин нутқи эса хотиралар ҳолида сақланиб қолган. Улар жозибаси, изчил, мантикий баёни билан тингловчини ўзига жалб этган, рақиб ва мухолифларни эса гангитиб қўйган.

Цицерон Рим давлатининг ғоятда мураккаб тараққиёт даврида яшагани боис баъзан қайси кучлар тарафида бўлиш, кимнинг ёнини олиш борасида анча қийналган. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам у республика шарафини, она ватани тақдирини ўйлаган. Фитна ва тўнтаришлар авж олган, ўзаро урушлар кучайган бир даврда у республика тимсоли, озодлик, тинчлик, осойишталик жарчиси бўлиб танилган. Ўзининг сўнгги нутқларидан бирида айтганидек, у республикасииз галаба қозона олмаганидек, республикасииз мағлуб ҳам бўла олмасди. Унинг қисмати шундай битилган эди.

Рим империясини узоқ йиллар бошқарган Октавиан Август ҳаётида рўй берган кичик бир воқеа авлодларнинг Цицеронга бўлган муносабатини яққол ифода этади: Август бир куни иттифоқо невараларидан бири Цицерон асарини ўқиётганини кўриб қолади. Машҳур нотик фожиали ўлим топганидан хабардор бўлган болакай ўқиётган қоғозларини кийими остига яширишга уринади. Август уларни олиб, бироз муддат ўқийди ва болакайга қайтариб берар экан, хазин оҳангда эътироф этади: «Билимли инсон ва мохир сўз устаси эди, болам, бундан ташқари, Ватанини беҳад қаттиқ севарди».

Модомики шундай экан, Цицерон ҳаёти ва ижодини, унинг ўлмас меросини ўрганиш бугун ҳам инсониятнинг эзгу мақсадларига хизмат қилиши шубҳасиз.



# *Sobitqadam intilish*

Дунёдаги барча динларнинг туб асосида эзгулик, яхшилик, биродарлик каби олижаноб гоя ҳамда тушунчалар мужассамлашган. Шу боис соф диний таълимот одамларни мудом ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, меҳр-шафқатга даъват этади. Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, диний таълимотлар жамият аъзоларининг ўзаро ижтимоий ҳамкорлигини таъминлаш ва соғлом муҳитни яратиш борасида маънавий куч-қудрат манбаи бўлиб келганини кузатамиз.

Ўзбекистон жаҳоннинг илк кишилик тараққиёти қарор топган ҳудудлари сирасига киради. Чунки динлараро бағрикенглик (толерантлик) ватанимизда азалдан шаклланган бўлиб, халқимиз ўзга элат ва миллат вакиллари билан ёнма-ён ҳолда ахил-иноқ яшаб келган. Халқимизга хос бўлган бундай хусусият, жумладан, диний бағрикенглик анъанаси бугунги кунда ҳам сақланиб қолган. Бу эса ислом, насронийлик, иудаизм каби динларнинг баб-баравар тарғибу ташвиқ этилишига замин яратган. Шу сабабли юртимизда турли миллат вакиллари диний ибодатларини эркин суръатда бажариб келган. Бундай тарихий тотувлик халқимиз миллий мустақилликни қўлга киритганидан сўнг янада гуллаб-яшнамоқда.

Хозир мамлакатимизда барча фуқароларнинг эътиқод эркинлиги тўла таъминланган. Республикаимизда айна пайтда 17 турдаги 170 дан зиёд диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Турли дин вакилларининг ўз динига эътиқод қилиши қонун билан кафолатланган.

Шунга қарамаздан, бугунги кунда ҳар хил диний экстремистик оқимлар ҳам кўпайиб боряпти. Айрим сиёсий кучлар ғаразли мақсадларини амалга оширишда диндан ниқоб сифатида фойдаланаётган бўлса, бошқа бировлар уни маданий ва мафкуравий курашда асосий восита деб билмоқда. Бундай уриниш кўпгина динларда, жумладан, насронийликда ҳам мавжуд. “Азия и Африка сегодня” журналининг ёзишича, “Қозоғистон ва Қирғизистон аҳолисини насронийлаштириш орқали ислом мафкурасини заифлаштириш ва шу йўл билан Марказий Осиёни Россия перефериясига айлантириш” масаласи кўпдан бери насроний миссионерларнинг диққат-эътибори

да бўлиб келган. Бундай ҳаракатлар бошқа жойларда, шунингдек, юртимизда ҳам олиб борилаётгани ҳамда бу мақсадда катта миқдордаги маблағ сарфланаётгани ҳеч кимга сир эмас. Уларнинг ғаразли фаолияти аждодларимиз эътиқодига мос келмайдиган турли зарарли оқимларнинг юртимизга кириб келишига имконият яратди. Шу боис мамлакатимизда дин ниқоби остида давлат ва Конституцияга қарши тарғибот олиб бориш, миллатлараро низо қўзғаш, фуқаровий тотувликни бузиш, бўҳтон ва уйдирмалар тарқатиш, аҳоли ўртасида турли ваҳимани келтириб чиқариш каби хатти-ҳаракатлар қонун йўли билан тақиқланади. Шунингдек, юртимизда террорчилик, наркобизнес ва уюшган жиноятчиликка кўмаклашадиган, ғаразли мақсадларни кўзлаб тузилган диний ташкилотлар, оқимлар ва секталарнинг ҳам фаолият юритиши мумкин эмас.

Тарих шуни кўрсатадики, инсон зотида эзгуликнинг камол топишига хизмат қилган олижаноб диний гояларни ўзининг тор гуруҳий манфаатларидан келиб чиқиб талқин этган ва ундан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринган кучлар ҳамisha мавжуд бўлган. Уларнинг ҳаракатлари адоват ва нафратнинг кучайишига, қонли урушларга, беғуноҳ қурбонлар ва беҳисоб вайронагарчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Афсуски, диний гоялардан ғайриинсоний мақсадлар йўлида фойдаланишга уриниш бугун ҳам давом этмоқда. Ана шундай уринишларнинг яққол кўринишларидан бири — ақидапарастликдир.

Диний ақидапарастлик ҳаракати мавжуд ижтимоий муаммоларни муайян дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан ташкил топган бўлиб, ўз олдига сиёсий мақсадларни кўндаланг қўйган. Бу ҳаракатнинг улкан бир тармоғи — ислом ақидапарастлигининг асосий гояси “соф ислом” тамойилларига қайтиш, мақсади эса исломий давлат ва тараққиёт йўлини жорий этишдан иборат.

Шу ўринда Президент Ислам Каримовнинг қуйидаги фикрларини эслаб ўтиш жоиз: “Одам табиий омилларга кўра ўзи мансуб бўладиган ирқ ва элатни танлай олмайди, отанони танлаб ололмайди. Лекин дунёқараши-

ни, ахлоқи, маънавиятини ўзи, ҳеч кимнинг тазйиқисиз ва айниқса, зўравонлигисиз танлаб олиши мумкин ва лозим. Бинобарин, унинг хоҳиши ҳурмат қилиниши шарт". Ақидапараст кучлар эса одамларнинг ана шу ҳуқуқини тан олмасликка, уларнинг онгига бир ёқлама ва нотўғри талқин қилинаётган ғояларни зўр бериб сингдиришга ҳаракат қиляпти. Бу йўлда улар кенг тармоқ отган ташкилий тузилишга, улкан моддий имкониятга эга бўлган диний оқимлар ва ташкилотларнинг кўмагига таянмоқда. Ўрта асрларда мавжуд бўлган муслмон халифалигини тиклашни орзу қилаётган, ислом динини сиёсийлаштириш орқали ягона мафкуравий макон барпо этишни кўзлаётган кучларнинг ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз ёшларимизнинг миёсини заҳарлаётгани юртимиз тараққиёти учун бағоят хатарлидир. Бу ҳол дин ва диндорларнинг ҳис-туйғуларига ҳурмат билан қараш баробарида сохта диндорлар ҳамда турли диний-мафкуравий таълимотларга қарши мунтазам равишда кураш олиб боришимиз лозимлигини тақозо этади. Шу сабаб-


дан ҳозир мамлакатимизда бу борада изчил ва қатъий тадбирлар кўрилмоқда.

Барча дин вакиллари ўртасидаги ўзаро дўстлик, ҳамкорлик ғояси ва бу борадаги алоқаларни тарғиб этиш миллий истиқлол мафкурасининг таркибий қисмига айланиб бораётганини дунё аҳли кўриб, билиб турибди. Мамлакатимизда биронта дин ёхуд эътиқод шаклига имтиёз берилмаган ёки биронтасига нисбатан чеклашлар ўрнатилмаган. Ҳамма динлар қонун олдида тенг; давлат диний ташкилотларнинг ички ишларига аралашмайди. Шу билан бирга, у ҳар хил диний ташкилотлар ўртасида ўзаро мурося ва ҳурмат ўрнатилишига кўмаклашади, диний адоват ва мутаассибликни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларни қонун йўли билан бартараф этади. Буларнинг бари халқимизнинг умуминсоний қадриятларга қатъий амал қилган ҳолда буюк келажақ сари собитқадамлик билан илгарилаётганидан далолат беради.

**Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ,**

*Тошкент давлат Аграр университетининг  
профессори*

## Farovon jamiyat orzusi



Ҳар қандай миллатнинг маънавий қиёфасини белгиловчи омиллардан бири миллий ғоя экани тарихдан маълум. Шу боис бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, ёшларни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялаш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бизнингча, бу борада самарага эришиш учун ёшлардаги миллийлик ҳис-туйғуларни тўғри йўналтириш зарур. Чунки миллатнинг ҳар бир вакили «Мен — ўзбек фарзандиман» деган гурур ва ифтихор туйғуси билан яшашни ўрганиши бугунги ғоявий тарбияда муҳим ўрин тутди.

Жамиятнинг ўзига хос маёғи вазифасини бажарадиган миллий истиқлол мафкураси халқимизга хос бўлган олижаноб туйғу, тушунча ва қадриятларни ўзида мужассамлантиради. Бу йўлда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг тушунча ва эътиқодини ягона миллий ғоя асосида мустаҳкамлаш муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай тараққий топган давлат келажақ тақдирини илғор фикрли ёшлар ва унинг таълим- тарбияси тимсолида кўради.

Республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ёшлар ташкил этади. Ёшларнинг миллий гурур туйғусини кучайтириш, тафаккурини юксалтиришда халқимизнинг қадимий ва бой тарихини ўрганиш, Шарқ маданиятини пухта эгаллаш, Оврупонинг бой тараққиёт тажрибаси ва умуминсоний қадриятларни пухта ўзлаштириш жуда зарур эканини ҳаёт кўрсатиб турибди. Айниқса, ёшларнинг мафкуравий имунитетини ошириш уларнинг соғлом эътиқод ва дунёқараш эгаси бўлиб воғла етишида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Хуллас, миллий ғоя ва мафкура тушунчасида ҳар бир юртдошимизнинг мақсад-муддаоси, ҳаётий аъмоллари ҳамда она ватанига нисбатан меҳр-муҳаббати мужассамлашган. Шу боис уни тарғиб этиш, ёшлар онгига чуқур сингдириш жамиятимиз олдида турган асосий вазифа ҳисобланади.

**Жаннат ТОШМАТОВА,**

*Ўзбекистон Миллий университетининг  
аспиранти*



## Jamiyat javhari

Хар қандай жамият маънавий-ахлоқий кадриятларга таянмасдан ривожлана олмайди. Чунки жамият тараққиётини иқтисодий, сиёсий ва маънавий омилларнинг уйғунлиги таъминлайди. Шу боис инсоният ҳар доим маънавиятга кучли эҳтиёж сезган. Бундай эҳтиёж тарихий бурилиш давларида, айниқса, беқиёс аҳамият касб этади. Зеро, маънавий асосларни барпо этмасдан туриб, иқтисодий ва сиёсий ислохотларни амалга ошириш мумкин эмас. Шу жиҳатдан ёндашганда, Президент Ислом Каримовнинг "Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак дейдиганлар қаттиқ янглишадилар" деган фикри катта маънога эга. Тарих тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий-сиёсий ислохотлар пойдевори маънавият ва маърифат билан мустаҳкамланмас экан, ҳеч қачон қутилган самарани бермайди.

Ўзбек халқи бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маънавият ва маърифатга ҳаёт-мамот масаласи деб қаради. Бунинг боиси шуки, маънавият инсоннинг ўзлигини англашига ёрдам беради. Ўзлигини англаган шахслар эса жамият куч-қудратини ташкил этади. Улар жамият олдида турган асосий мақсад-муддаолар нимадан иборат экани-

ни ҳамда уларни амалга оширишда ўзига юкланадиган бурч ва масъулиятни чуқур англайди.

Одамзодни олам гултожи, дейдилар. Бундай рутбага у ақл ва маънавияти туфайли эришган. Инсонни бошқа жонзотлардан ажратиб турган, унинг улуғлиги қудратини зиёда этадиган омиллар ҳам шулардир. Бу икки омил асосида одамлар ўртасида тенглик, биродарлик, ҳамкорлик ва адолатга асосланган муносабатлар қарор топади. Маънавият сусайган жойда эса беқарорлик ҳамда таназзул бошланади.

Тарихга назар соладиган бўлсак, маънавият ҳар доим кишилик жамиятига куч-қудрат бахш этиб келган. Шу боис маънавият жамият жавҳари ҳисобланади. Бу ҳол ҳамма замонларда маънавият ва маърифат ишларига ғоят катта эътибор билан қарашни тақозо этган. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда маънавият ва маърифат масаласига давлат сиёсати даражасида аҳамият берилаётганининг туб мазмун-моҳиятида ўтмишнинг ана шу қимматли хулосалари ўз аксини топган.

**Жовли ТУРСУНОВ,**

тарих фанлари номзоди



## Sabog va amaliyot bog'ligligi

Ҳозирги пайтда турли хил курашлар кўпроқ мафкура майдонларида рўй бераётгани ҳеч кимга сир эмас. Кишилар онгини эгаллаш ҳамда ундан ўз мафаати йўлида фойдаланишни кўзлаётган кучлар бу курашда ғолиб чиқиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаяпти. Қолаверса, ўтиш даврининг табиий мураккабликлари туфайли жамиятимизда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишидан фойдаланиб қолишга уринишлар ҳам борлиги айни ҳақиқат. Бу эса уларга қар-

ши курашиш усулларни излаб топишни тақозо этади. Бу борада аввало мафкуравий бўшлиқнинг қандай пайдо бўлгани тарихига назар ташлаш ўринлидир.

Чунки ушбу ижтимоий иллатни бартароф этиш ҳамда миллий мафкурамизни яратишда тарих сабоғи ғоят қўл келиши шак-шубҳасиз. Мозийга назар солсак, шўро империяси ўзига хос маданий-оқартув ишлари тизимида ташкил этганига гувоҳ бўламиз. У даврда маданий ҳаётдаги барча

ҳаракат ғоявий ва сиёсий тарбия тизимига бўйсундирилган. Бир сўз билан айтганда, маданий-оқартув муассасалари компартия сиёсатини халққа етказишга хизмат қилган. Шу боис барча имконият ягона сиёсий мақсад сари сафарбар этилган. Мабалар шуни кўрсатадики, республикамизнинг жанубий минтақаси ҳисобланган Қашқадарё вилояти шаҳар ва қишлоқларида биргина 1945 йилда 165 та, Сурхондарё вилоятида эса 167 та клуб очилган. Шу билан бирга, Ўзбекистон шароитида жуда кенг тарқалган ва оммавий-маданий ишлар олиб боришга ғоят қулай бўлган чойхоналар фаолияти янада жонлантирилган. Уларда, асосан, маҳаллий миллат вакиллари йиғилишгани ва ҳар доим гавжум бўлишини назарда тутиб, республика ҳукумати чойхоналарни кўпайтириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқади. Унга кўра чойхоналар солиқдан озод этилади, керакли жиҳозлар билан таъминланади.

Маданий-оқартув муассасаларининг омма эътиборини қозонишида кино хизмати анча қўл келади. Кино томоша қилиш қишлоқ меҳнаткашларининг энг сеvimли маданий дам олишига айланади. 1956 йилда Қашқадарё вилоятининг туманларида 243 та киносеанс кўрсатилиб, уларда 26749 нафар томошабин қатнашади. Кўрсатилган кинофильмларнинг барчаси рус тилида бўлган. Шунингдек, ўша даврда турли-туман китоб ва газета-журналлар орқали “маданий инқилоб”ни бўрттириб

кўрсатиш оммавий тус олади. Аҳоли газета-журналларга мажбурий равишда оубна қилинган. Буларнинг бари шўро мафкурасини кишилар онгига сингдириш воситаси эди. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида маданий-оқартув тизими аввалги мавқеини йўқотди, натижада халқ таълими, тарбия ва маданият муассасалари ўзининг маънавий асосларидан ажралиб қолган.

Бу эса кишилар онгида аста-секин маънавий бўшлиқ ҳосил қилган. Бу бўшлиқни тўлдиришнинг бирдан-бир йўли маънавий қадриятларга асосланган янги миллий мафкурамизни янада тезроқ шакллантириш ва уни амалиётга жорий этиш ҳисобланади. Бунинг учун аввало шўро тузумининг сохта мафкура ва ғояси қалбимизга қай тарзда сингдирилгани ҳамда бу жараён қандай воситалар орқали амалга оширилганини жиддий ўрганишимиз, сўнг эса чиқарилган хулосаларга таяниб, янги тарбиёт усулларини излаб топишимиз лозим.

Бу борада Президентимиз асарлари асосида ишлаб чиқилган миллий истиқлол ғоясининг асосий тушунча ва тамойилларидан самарали фойдаланиб, уларни халқимиз қалби ва онгига сингдира олсак, маънавий, ғоявий бўшлиққа барҳам берган бўлардик.

**Махлиё СОҲИБОВА,**

*Қарши Давлат университетининг аспиранти*

## *Davlat va geosiyosat*



Табиат қонунига биноан, ҳар қандай жонзот муайян макон ва замонда яшар экан, маълум бир ҳудудни “ўзиники” қилиб олишга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолатни жамият ва кишилар орасидаги муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Уни “давлат” деган тушунча ўзида акс эттиради. Тарихга назар ташласак, Форобий гарчи “давлат” иборасини ишлатмаган бўлса-да, у “шаҳар жомалари” деганда шаҳар-давлатларни назарда тутди ва унинг келиб чиқишини

одамларнинг жамоа бўлиб яшаш эҳтиёжидан деб билади. Форобийнинг фикрича, давлатнинг вазифаси — ички ҳаётда фуқаронинг бахтли ҳаётини таъминлаш бўлса, ташқи сиёсатда ўз халқини ташқи душманлардан сақлаш ва ҳимоя қилишдан иборат.

Замонавий халқаро ҳуқуқ меъёрларига таяниб таърифласак, “давлат суверенитети” деганда, давлатнинг ўз ҳудудидаги устунлиги ва халқаро муносабатларда мус-

тақил ҳаракат қилиши назарда тутилади. Яъни, бир сўз билан айтганда, давлат — муайян ҳудудда ҳуқуқий жиҳатдан ҳукмронлик қилувчи сиёсий тузилмадир.

Миллий давлатчиликни шакллантириш — жуда мураккаб ва узок давом этадиган жараён. Шу боис ҳар қандай давлат кўплаб геосиёсий омилларга асосланган ҳолда иш юритади ва ўзига хос механизмларини шакллантириб боради. Бу эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви қурилиши соҳасида ҳали муаммо кўп ҳамда уларнинг ечими сифатида тугал илмий-назарий қарашлар ишлаб чиқилмаган, деган хулосага келишга имкон беради. Бундай хулоса натижасида “давлат” тушунчасини геосиёсий нуқтаи назардан ўрганиш эҳтиёжи туғилади.

Бу ҳақда гапиришдан олдин, аввало, “геосиёсат” тушунчаси хусусида тўхталиб ўтиш даркор. Илмий нутқда бу тушунчани ифодаловчи “геосиёсат”, “жўрофий сиёсат” каби сўз ва иборалар қўлланади.

1941 йилда чоп этилган “Хорижий сўзлар лугати”да “Геополитика — (грекча “ge” — “ер” “politike” — “давлат ҳақида таълимот”) сохта фан бўлиб, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва давлат тараққиёти географик, физик ва бошқа шу каби хос хусусиятлари билан белгиланади” деб таърифланган.

Шўро мафқураси геосиёсатни Биринчи жаҳон уруши даврида пайдо бўлиб, Иккинчи жаҳон уруши даврида Германияда тараққий топган фашизмнинг расмий доктринаси, деб ўқтириб келгани боис илмий адабиётларда у фашист геосиёсатчилари тарафидан реваншизм, агрессия ва “олмон миллатининг ҳаётий кенглиги” каби ғояларни кенг тарғиб қилган, Иккинчи жаҳон урушидан сўнг АҚШ ва бошқа ривожланган капиталистик мамлакатларга ёйилган “оқим”, “қараш”, “фан” сифатида изоҳланган. Аслида эса бу тушунча сиёсатшунос Фридрих Ратцель томонидан фанга киритилган. Бу олим асарларида илк бор “сиёсий жўрофия” иборасини қўллаган. Олим “Сиёсий жўрофия” асарида тупроқни халқларнинг манфаатларини ташкил этувчи, уни ифодаловчи асосий манба сифатида кўрсатади. Тарихнинг ривожланишида тупроқ ва ҳудуд асосий ўринни эгаллайди, деган фикри илгари сурган Ратцель давлатни “тупроқда илдиз отган тирик организм” деб

атайди. Унинг фикрича, давлат ҳудудий шароит ва чегаранинг халқ тарафидан мушоҳада этилиши туфайли юзага келади. Шундай қилиб, “давлат” тушунчасида жўрофий борлиқ ва шу борлиқнинг умуммиллий англаш натижасида сиёсатда акс этиши намоён бўлади. Ратцель назарида “табиий давлат” ўз ичига миллатнинг жўрофий, демографик ва миллий маданият кўламини қамраб олади. Бундай ёндашув ҳудуд масаласида ҳам ўз аксини топган.

“Жўрофий сиёсат” атамасини эса дастлаб швециялик олим Рудольф Челлен (1922) қўллаган. Унинг мутахассислиги жўрофия фанидан йироқ бўлишига қарамасдан, у ўзини Ратцельнинг шогирди деб билган ва жўрофий сиёсатни сиёсатшуносликнинг бир қисми сифатида талқин этган. Челлен унга қуйидагича таъриф берган: “Жўрофий сиёсат — давлатнинг ҳудудда мужассамлашган жўрофий организи ҳақидаги фан”.

Бундан ташқари, олим сиёсатшуносликда ўрганилиши лозим бўлган яна тўртта янги сўзини қўлайди: экополитика (давлатнинг иқтисодий кудратини тадқиқ қилиш), демополитика (халқ тарафидан давлатга таъсир этувчи кучлар ривож), социополитика (давлатнинг ижтимоий жиҳатини тадқиқ қилиш), кратополитика (ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий омиллар билан мутаносибликдаги ҳокимият ва бошқарув шакллари ўрганиш). Аммо улар сиёсатшунослик фанида ҳозир деярли ишлатилмайди.

Бошқа бир олим Николас Спикмен эса геосиёсатга халқаро сиёсат соҳасида унумли стратегия ишлаб чиқишда кўмак берадиган аналитик услуб ва формулалар тизими сифатида қараган. Англиялик олим Хэлфорд Макендир бирор бир давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан марказда жойлашини ҳал қилувчи омил деб изоҳлайди.

Жўрофий сиёсат борасидаги бу каби хилма-хил фикрлар асосида сиёсат тадрижини кузатиш мумкин. Бунга кўра, биринчи босқичда ҳар тарафлама тараққиётга эришган, жаҳон сиёсатига таъсир эта олувчи куч гегемонлик касб этади ва улар унумли ички сиёсатдан фаол ташқи сиёсат юритишга киришади. Иккинчи босқичда эса бир неча “табиий бирликлар”ни ўз ичига олган гегемон давлатлар мавжуд яхлитликни сақлаб қолишга интилади. Бунинг на-

тижасида уларнинг айримлари ташқи сиёсий масалалардан четга оғиб, ички сиёсий масалалар билан боғланиб қолади ва охир-оқибатда инқирозга ҳам юз тутиши мумкин.

Булардан англашиладики, “давлат” тушунчасини умумлаштирилган ҳолда муайян бир халқнинг маълум бир ҳудуд (макон) устидан назорат ўрнатиш механизми сифатида изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, ҳар бир давлатнинг тараққиёти аввало унинг жойлашган минтақаси, унда истиқомат қилувчи аҳоли, унинг ички ва ташқи сиёсатига бевосита боғлиқ бўлиб, бу ҳол ўз навбатида ҳар бир дав-

латнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўзига хос ривожланиш моделини танлаб олишни тақозо этади. Миллий давлатчиликимизни ислоҳ қилиш жараёни давом этаётган ҳозирги паллада жаҳон сиёсатшунослигида тўпланган тажрибалардан унумли фойдаланиш давр талаби ҳисобланади. Шу боис давлат ва геосиёсат тушунчаларининг изоҳига бағишланган мулоҳазаларимизни бу йўлдаги дастлабки уриниш деб баҳолаш мумкин.

**Хайрулла УМАРОВ,**

*Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг аспиранти*

## *Manfaatlarni tutashtirgan mintaqa*



Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жадал давом этаётган ҳозирги даврда хорижий давлатларда кечаётган иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жараёнларни атрофлича таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Жаҳоннинг юксак тараққий этган давлатлари қаторида ривожланиб бораётган Шарқ мамлакатлари билан ўзаро фойдали алоқаларни йўлга қўйиш ҳам Ўзбекистон учун манфаатлидир. Жумладан, XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин Яқин Шарқда мустақил тараққиёт йўлини танлаган араб давлатларидаги иқтисодий ривожланиш, хорижий инвесторлар билан ҳамкорлик қилиш тажрибасини ўрганиб чиқиш ва ундан ўз ўрнида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бу эса, ўз навбатида, охириги йилларда мазкур минтақада кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеаларни атрофлича ўрганиш ва илмий таҳлил этишни тақозо этади.

Яқин Шарқ минтақасининг тарихий аҳамияти Оврупо, Осиё ва Африка халқларининг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларида тутган муҳим ўрни билан белгиланади. Хусусан, шакар, турли зираворлар, порох, қоғоз ва компас Оврупо қитъасига

илк бор Яқин Шарқ орқали етиб келгани маълум. Қолаверса, бу ўлка юнон ва ҳинд фалсафаси ҳамда илмий ғояларини тўлдирилган ҳолда Фарбга етказиб берган, уч йирик дин — иудаизм, христианлик ва исломнинг ватани, Форс, Юнон, Рим, Араб, Мўғул ва Турк империяларининг асосий манфаатларини ўзида мужассамлаштирган марказ вазифасини ўтаб келган. Бошқача айтганда, бу минтақа Африка, Осиё ва Оврупо халқларини жўғрофий жиҳатдан бирлаштириб турган кўприқдир.

Яқин Шарқ асрлар мобайнида қитъалараро савдо маркази бўлиб келган. Айниқса, XV асрда Ҳиндистонга яқин йўл топилган даврдан бошлаб Оврупода унинг аҳамияти янада ошди. Минтақанинг муҳим геостратегик аҳамиятга эга бўлган сув йўллари — Сувайш канали, Қизил денгиз, Баб ал-Мандиб, Турк, Хормуз бўғози ҳамда Форс кўрфази йирик давлатларнинг диққат марказида бўлиб келган.

Яқин Шарқнинг йирик энергетик захиралари Фарб мамлакатлари ва Япония саноатини бу минтақа билан чамбарчарс боғлаган. Минтақанинг денгиз ҳамда ҳаво йўллари унинг жаҳон коммуникация тизи-

мидаги мавқеини оширмоқда. Ана шу омиллар Яқин Шарқ давлатларининг жаҳон ҳамжамиятида нуфузли ўрин эгаллашинигина эмас, минтақа хавфсизлигини таъминлашда ҳам ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Зеро, Президент Ислом Каримов таъкидлагандек, “Ҳар бир минтақада хавфсизликни таъминлаш муаммолари муайян моҳиятга эга. Шунингдек, ҳар бир минтақанинг ўз хусусиятлари, ўз таҳдид манбалари ва хавфсизликни сақлаш омиллари бор”. (Ислом Каримов. “Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида”. Тошкент, “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил, 37-бет.) Бинобарин, Яқин Шарқ хавфсизлигини таъминлаш масаласини умумжаҳон миқёсига кўтарган ана шундай олимлардан бири — минтақанинг муҳим геостратегик мавқеи ва унинг энергетик захираларидир.

Табиий ёқилғи захираларининг жаҳон саноатидаги аҳамияти ортиб бориши, нефть нархининг кескин ўзгариб туриши ОПЕК (Нефть экспорт қилувчи давлатлар ташкилоти) ва ОАПЕКнинг (Нефть экспорт қилувчи араб давлатлари ташкилоти) ташкил этилиши, шунингдек, 1973 ва 1982 йиллардаги Араб — Исроил урушлари, 1990-91 йиллардаги Форс кўрфазидаги инқироз бу минтақага нисбатан халқаро доирада диққат-эътиборнинг янада ошишига сабаб бўлди. Исроил — Араб муаммоларининг асосида ҳудудий ва сиёсий масалалар ётган бўлса, Форс кўрфази инқирозидики тисодий ва минтақавий ҳукмронликка интилиш масаласи марказий ўрин эгаллайди.

Фарб тадқиқотчиси Жон Бадеу “совуқ уруш” даврида “АҚШ ва Фарбий Оврупо учун энг муҳими Яқин Шарқни бирор қудратли давлат томонидан тазйиққа олинишига йўл қўймасликдир. Фарбнинг Совет Иттифоқи ва ҳозирги кунда Ироққа қарши курашининг асосий сабаби ҳам иқтисодий манфаатлар ҳимояси ва сиёсий ҳукмрон мавқеени бой бермасликка интилиш билан изоҳланади” деб ёзган эди.

“Совуқ уруш” даври тугагандан кейинги ўзгаришлар, коммунистик ғояларнинг ўз кучини йўқотиши, минтақа хавфсизлиги, халқаро савдо, иқтисодий муаммолар, миллий манфаатлар, радикал ташқи сиёсат

билан боғлиқ масалалар Фарб давлатларининг Яқин Шарқдаги мавқеининг сезиларли мустаҳкамланишига туртки бўлди. Кўп давлатларда турли радикал гуруҳлар, хусусан, диний экстремизм ва этник, миллатчилик ғояларига асосланган оқимлар ҳокимиятни эгаллашга интилди. Бунга Оммон Султонлиги, Жазоир, Тунис, Судан, Сомалида кечган сиёсий жараёнларни мисол тариқасида келтириш мумкин. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати ҳақида фикр юритар экан, қуйидаги фикрни билдиради: ““Совуқ уруш” барҳам тогандан кейин ялпи хавфсизликка асосий таҳдидни этник, минтақавий, маҳаллий можаролар ва давлатлар ичидаги жангари сепаратизм солмоқда. Айниқса, бундай қарама-қаршиликлар айрим мамлакатлар қўлида уларнинг ўз манфаатларини ва таъсир доираларини сақлаб қолиш ва ҳимоя қилиш учун ёки стратегик кучлар мувозанатини ўз фойдаларига ўзгартириш учун қудратли сиёсий таъсир воситасига айланмоқда” (Ислом Каримов. Ўша асар, 37-бет). Дарҳақиқат, социализм таъсир доирасининг барҳам топиши Яқин Шарқдаги кўплаб давлатларда минтақавий ҳукмронлик учун курашнинг авж олишига сабаб бўлди.

Демак, Яқин Шарқ, Форс кўрфази минтақасининг сиёсатшунос ва иқтисодчи олимлар изланишларида марказий ўрин тутиб келаётгани тасодифий ҳол эмас. Зеро, замонлар, давлат тузумлари, мафкуралар, сиёсий қарашлар ўзгаришига қарамадан, иқтисодий ва молиявий имкониятлари ҳамда геостратегик мавқеи билан бу минтақанинг умумжаҳон тараққиётидаги аҳамияти сақланиб қолаверади.

Қудратли инвестиция имкониятларига эга Яқин Шарқ давлатлари билан ўзаро ҳамкорлик ришталарининг боғланиши мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини юксалтириш баробарида минтақа халқлари билан азалий тарихий алоқаларимизнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

**Сарваржон ҒАҒУРОВ,**

*Тошкент давлат Шарқшунослик институтининг  
илмий тадқиқотчиси*



# Maqsad sari eltuvchi dastur



Жамият тараққийетини тезлаштириш, фаровонликни таъминлаш ва кишилар маънавиятини юксалтириш борасида бошланган ислохотлар натижаси аввало жамиятнинг илғор тоифаси бўлган етук мутахассисларга боғлиқ. Чунки етарли билим, иқтидор ва тажрибага эга бўлган, халқ ва Ватанига нисбатан меҳр-муҳаббат, фидоийлик, ғурурланиш ва фахрланиш ҳисси жўш урган, халқ ва юрт келажагига юксак ишонч билан қаровчи миллий кадрларсиз бошланган ислохотларнинг амалга ошиши жуда қийин кечади. Истиқлолизмнинг дастлабки йилларида мавжуд мутахассисларнинг солиқ тузум даврида таълим-тарбия олгани, шу таълим-тарбия тизимига хос мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан бутунлай халос бўла олмагани кўплай тўсиқларни юзага келтирди. Мисол учун, таълим тизимида ўқув дастурлари тузиш борасида ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари инобатга олинмагани учун умумий ўрта таълимда мажбурий ўқув фанлари сони кўпайиб, улар илмий жиҳатдан эҳтиёжни тўла қондира олмас эди.

Энг ёмони эса ёшларни мустақил фикрлашга ўргатиш, уларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш муаммоларига етарли эътибор қаратилмаётган эди.

Айниқса, ўрта таълим бўйича берилган битирув гувоҳномаларидаги баҳолаш тизими талаб даражасида эмаслиги ўқувчиларнинг савия даражасини аниқлашда ноҳилликка олиб келди.

Бу каби салбий ҳодисаларни тугатиш ва таълим-тарбия жараёнини янги сифат босқичига кўтариш мақсадида юртимизда 1997 йил август ойида "Таълим тўғрисида" - ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Таълим тизимининг мамлакат ижтимоий тараққийетида устивор соҳа деб белгиланиши давлат сиёсатининг асосий тамойилларининг ишлаб чиқишига туртки

бўлди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури эса миллий педагогик тажрибани жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида ижодий бойитиш баробарида ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазибаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришнинг назарий ва ҳуқуқий пойдеворини яратди.

Дастурнинг мақсад ва вазибалари бирданига эмас, балки босқичма-босқич рўйбага чиқарилиши кўзда тутилди. Биринчи босқич вазибаларини тўрт йил давомида (1997-2001 йиллар), иккинчи босқич вазибаларини 2001-2005 йилларда, учинчи босқич вазибаларини эса 2005 йилдан кейин амалга ошириш белгилаб берилди.

Дастурда кўзда тутилган вазибаларни амалга ошириш катта куч ва маблағни талаб этар эди. Давлатимиз ўтиш давридаги қийинчиликларга қарамай, бу соҳадаги ислохотлар учун маблағни аямади. Президентимизнинг беш машҳур тамойилида кўрсатилганидек, давлатимиз бош ислохотчилик вазибаларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Олий таълим ва ўрта махсус таълим тизимида ҳам ижобий ўзгаришлар талайгина. Бу миллий дастур кенг жорий этилаётганидан дарак беради.

Президент Ислон Каримов "Тафаккур" журнали бош маҳаррирининг саволларига берган жавобларида "Ишончим комил: агар бу ислохотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га, яъни унинг самарасига эришамиз" деган эди. Бу фикрлар замирида дастур вазибалари тўлиқ амалга ошган тақдирда биринчи навбатда мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгариши, иккинчидан, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёнининг тезлашиши, учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин шахснинг шаклланишига олиб ке-

лиши, тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг ички имкониятларини рўёбга чиқаришда жуда катта аҳамият касб этиши, бешинчидан, олдимизга қўйган асосий мақсад — фуқаролик жамиятини барпо этиш ва уни такомиллаштиришда билимли, онгли, эркин тафаккурли, замонавий дунёқарашли, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина қодир бўлиши назарда тутилган.

Ҳўш, бу ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни рўёбга чиқариш учун қандай вазифаларни амалга ошири лозим?

Жамиятимизда барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни таъминлаш борасида қатъий мақсадли ишлар амалга ошириляпти. Бошланган ислохотларнинг натижаларига, юрт келажига халқимизнинг ишончи ортиб бормоқда.

Таълимнинг янги модели қисқа фурсатда ҳаётга татбиқ этилиши мустақил фикрловчи эркин шахсларнинг кўпайишига замин яратди. Радио, телевидение, матбуот ва давра суҳбатларида, дарс жараёнларида билдириляётган фикрлар, мулоҳазалар, талаб ва тавсиялар бу борада қилинаётган ишлар маҳсулидир. Ижобий маънодаги “портлаш эффекти”ни кўзлаган дастур амалиётга жорий этилганидан сўнг амалга ошириляётган таълимнинг янги модели ички имкониятларни рўёбга чиқаришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Олий ўқув юртларимиз ҳар йили ўн минглаб замонавий мутахассис кадрларни етиштириб, ҳаётга йўлланма бермоқда. Улар ўз соҳаларидаги хизматлари билан

давлатимиз шаънини кўтармоқда ва Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллашига ҳисса қўшмоқда.

Табиий, иқтисодий, ижтимоий-тарихий, миллий-маънавий шароитлардан келиб чиқувчи юксак ахлоқий меъёр ва кўникмаларга қатъий риоя этган тақдирдагина давлат ва жамият жадал ривожланиши мумкин. Чунки инсон таълим, ижтимоий тарбия ва маънавий камолот, касб-хўнар ўрганиш тизими воситасидагина шахс бўлиб шаклланади.

Шахснинг ижтимоий камол топиши эса унинг жамият учун фойдали вазифаларни бажариши, ўз бурчини теран англаб, бошқалар билан тенг, мустақил муносабатларга киришишига имкон беради.

Албатта, миллий дастур вазифаларини амалга ошириш борасида ҳали тўсиқ ва қийинчиликлар кўп. Чунки таълим-тарбия соҳасидаги ислохотлар муайян меъёр билан чегараланмайди. Бу соҳа доимий ва мунтазам такомиллашувни, замон талаблари асосида мукамаллашувни тақозо этади. Шаклланаётган миллий мафкурамиз ана шу заруратни ўзида мужассамлаштирган. Унинг ҳаётий эҳтиёжга айланиши миллий дастур вазифаларининг амалга ошувини, кўзда тутилган ижобий маънодаги “портлаш эффекти”нинг содир этилишини тезлатишига аминмиз. Чунки у олдимизга қўйган мақсадларимиз сари элтувчи ўзига хос дастуриламалдир.

**Аъзам ҲОЗИЕВ,**

*Тошкент давлат Иқтисодийёт университети-нинг аспиранти*



## Shartlar uyg'unligi — taraqqiyot asosi

Тараққиёт қонунияти турли шаклларда намоён бўлса-да, у азалий ва ўзгармас моҳиятга эга. Биринчидан, қонуният ҳеч қачон инсон иродасига бўйсунмайди, яъни у ўз-ўзича, объектив равишда ривожланади. Иккинчидан, қонуният ҳамма вақт ҳам инсон, халқ ва миллат манфаати ёки мақсад-муд-

даоларига мос келавермайди. Шу билан бирга, қайсидир босқичда уйғунлашиши ва ривожланишига асос бўлиши ҳам мумкин.

Инсон ҳаёти ва унинг тақдиридаги можаролар тараққиёт қонуниятига боғлиқ экани ҳамда халқ ва миллат манфаатига нақадар мос тушиши ўзига хос муаммоларни

келтириб чиқаради. Бу хусусият озод Ватанмиз — мустақил Ўзбекистоннинг янгича тараққиёт йўлидаги дадил ҳаракатларини теранроқ тушуниб етишда ҳам қўл келади.

Одатда биз тарих фанида давлатнинг гуллаб-яшнаши ёки инқироzi ҳақида сўз юритар эканмиз, “тарихий шарт-шароит”, “тарихий зарурат” деган тушунчаларни ўринли-ноўрин кўп тилга оламиз. Аввало, “тарихий шарт-шароит” деган иборани теран тушуниб олишимиз керак. Тарихий тараққиётнинг муайян босқичларида ривожланиш қонунияти миллат, халқ ва инсоннинг талаб-эҳтиёжларига мос тушади, илмий таъбир билан айтганда, асрий орзуларни рўёбга чиқариш учун қулай вазият вужудга келади. Лекин бу вазиятдан оқилона фойдаланиш учун бир қанча шартларга риоя этиш лозим бўлади. Ана шу шартлар бажарилиб, ўзаро уйғунликка эришилса, яъни шартларнинг уйғунлиги вазият тақозосига мос тушса, ўша вазият шарт-шароитга айланади. Демак, тарихий вазият билан тарихий шарт-шароит, биз одатда тасаввур қилганимиздек, бир хил нарса эмас. Тарихий шарт-шароит дегани муайян вазиятдан унумли ва самарали фойдаланиш натижаси ўлароқ тараққиёт тақозо этган шартлар билан жамият талаб-эҳтиёжларининг ўзаро мос тушиши ва воқеликни сифат жиҳатдан ўзгартириш учун вобасталикка киришидир.

Ўтган аср бошларида Туркистон халқларининг мустақилликка эришиши учун қулай тарихий вазият туғилди. Бу ҳол мустамлака ўлкаларнинг эрк ва озодликка интилиши билан боғлиқ эди. Лекин бу вазият қулай тарихий шарт-шароитга айланиши учун бир қанча шартлар амалга оширилиши зарур эди. Афсуски, ўша даврда бу шартларнинг бирортаси ҳам кўнгилдагидек амалга ошмади — тарихий вазият тарихий шарт-шароитга айланолмади. Гап шундаки, Туркистон ватанпарварлари большевикларни тараққийпарвар, демократик куч деб билди ва уларнинг Россия мустамлакаларига озодлик бериш ҳақидаги пуч ваъдаларига ишонди. Большевиклар эса, Туркистон ватанпарварлари кутганидек, демократ эмас, балки чор корчалонларидан ҳам ваҳшийроқ бўлиб чиқди.

Тарихий заруратни тўғри англаш ва тараққиёт қонунияти билан жамият талаб-

эҳтиёжлари ўртасидаги мутаносибликни сақлаш учун мана шу жараённинг мантиқий тизими асосида ҳаракат этиш талаб қилинади. Бу тизим — заруратлар тизимидир. Ўзбекистон мустақилликдан кейин айнан мана шу тизим асосида тараққий этди. Яъни бир зарурат — мустақилликни амалга оширгандан сўнг иккинчи зарурат — эски тузум ислоҳотига ўтди. Бугунги кунда мамлакатимиз навбатдаги зарурат — иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш босқичига қадам қўйди. Айнан мана шу тахлитда — заруратлар тақозосига кўра ҳаракат қилингани боис ислохот йўлимиз самарали бўлди.

Энди “шарт-шароит” тушунчасига батафсилроқ илмий таъриф бериб ўтамиз. Бизнингча, тарихий шарт-шароит деб, аввало, ижтимоий борлиқдаги воқеа-ҳодисаларнинг шаклланиши, фаол намоён бўлиши ва бир сифат босқичдан иккинчисига ўсиб ўтиши зарур бўлган объектив шартлар уйғунлигига айтилади. Биз бу ўринда бугунги фалсафа фанидаги ҳукмрон нуқтаи назардан фарқли равишда субъектив омилларни ҳам қўшдик. Субъектив омил деганда, маълумки, аввало, инсон ва унинг онгли фаолияти тушунилади. Инсоннинг эҳтиёж ва манфаатлари ўз моҳият-эътибори билан объективдир, яъни улар, айниқса, табиий эҳтиёжлар кишининг онги, хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас. Аввало айнан ана шу эҳтиёжлар қондирилсагина инсон яшаш имконига эга бўлади. Бинобарин, инсоннинг барча фаолият шакллари, жумладан, ижтимоий фаолиятини ҳам айнан шу эҳтиёж ва манфаат тақозоси белгилайди.

Бозор муносабатларига ўтиш ва жамият ҳаётини ислоҳ қилишнинг машҳур беш тамойили мамлакатимиз тараққиётини белгилаб берадиган асосий шарт-шароит ҳисобланади.

Президент Ислон Каримов мустақил тараққиёт, миллий ўзликни англаш борасидаги барча заруратларни чуқур ҳис этиб, теран англагани боис ана шу беш тамойил концепциясини Ўзбекистон ривожини учун энг маъқул йўл деб танлади. Буни ўтган йиллар тажрибаси ҳам батамом исботлаб берди. Бинобарин, бозор иқтисодиётининг ўзига хос ривожланиш қонуни ва тамойиллари мавжуд. Уларнинг намоён бўлиши учун дастлаб айнан асосий шарт-шароит

яратилиши — миллий ислоҳот концепцияси ишлаб чиқилиши зарур эди. Аммо баъзи республикалар вазият талабини ҳисобга олмасдан, ҳеч бир тайёргарликсиз “бозор муносабатларига ўтиш”ни мақсад қилиб олди. Лекин бу мақсад кўп ҳолларда аниқ амалий натижалар бермаётир.

Юқорида заруратлар тизими ҳақида гапирган эдик. Бу тизимда ўзига хос манба — ушбу тизимдаги ижтимоий ҳодиса ва жараёнларни вужудга келтириб чиқарадиган бош шарт-шароитлар бўлади. Ватанимиз ва халқимиз учун ана шундай бош шарт-шароит — мустақилликдир. Айни ана шу бош шарт-шароит туфайли биз ислоҳотларни амалга ошириш, янги жамият барпо этиш, озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт асосини мустаҳкамлаш, миллий кадриятларимиз, шаънимиз, гуруримиз, ўзлгимизни улуғлаш, соғлом авлодни вояга етказиш имкониятига эгамиз.

Албатта, инсониятни мутлақ бахтли этиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Бунга фақат Яратганнинг ўзи қодир. Инсоният ҳар қандай шароитда ҳам ўз талаб-эҳтиёжларига мос жамият барпо этишни орзу қилган. Баъзан жамиятдаги қонунлар кишилар манфаатига зид равишда қабул қилинган

бўлса, уларнинг амал қилиши учун ўз-ўзидан ноқулай шарт-шароит вужудга келади. Тарихий тажриба шуни кўрсатмоқдаки, муайян жамиятдаги ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, объектив ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар етарлича эътиборга олинмаса, охир-оқибатда ўша ижтимоий гуруҳлар ўз мақсадларига тўлиқ етиша олмайди. Масалан, ўтган асрда собиқ шўролар даврида ўтказилган ислоҳотлардан бирортаси ҳам мантиқий яқунига етмаган ва қутилган самарани бермаган. Бунинг асосий сабаби тарихий шарт-шароитни ҳисобга олмаслик, ҳавойи режалар билан яшашдир.

Бугунги кунда одамзод тараққиётнинг янги босқичига қадам қўймоқда. Бу босқич юсак тафаккур даври, бўлажак жараёнларни олдиндан кўриб, уларни бошқара олиш даври бўлади, деган башоратлар матбуотда тез-тез кўзга ташланмоқда. Жаҳон халқлари ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлган ўзбек халқи ҳам ўз тараққиётига доир тарихий шарт-шароитни тўғри белгилаб, буюк келажак сари интилмоқда.

**Хуррам ХАЙДАРОВ,**

*фалсафа фанлари номзоди*



## *Aqlning o'lchovi bormi?*

Кўпчиликнинг “ақл нима?” деган саволга инсонга хос ноёб қобилият, деб жавоб бериши шубҳасиз. Дарҳақиқат, одамзод бошқа жонзотлардан шу қобилияти билан ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда, инсон ҳар қандай ташқи таъсирни ақл ёрдамида текширади ва унга жавоб қайтаради. Шу боис илм-фан ақлга ташқи дунёни такрорланмас, ягона ва яхлит ҳолда акс эттирувчи индивидуал қобилият сифатида қараб келди. Бунинг натижасида педагогикада ақлнинг шундай ўзига хос илмий изоҳи кенг тарқалди: ўқувчиларнинг таълим олишда эришган барча ютуқлари уларнинг ақл даражасини белгилашда ёрдам беради. Шунга

асосланиб, XX асрнинг бошида француз руҳшуноси Альфред Бине боланинг ақл қобилиятини таҳлил этиш, унинг заиф томонларини аниқлаш мақсадида махсус тест дастурини ишлаб чиқди ва унинг ташаббуси билан IQ — инсоннинг ақл кўламини ўлчайдиган тест усули вужудга келди. Мазкур усул ақлий ноқисликни аниқлаш, келажакда ўқитувчининг ўқув дастурини ўқувчи қобилиятига мос ҳолда тузиб чиқишини кўзда тутган эди. Бу тест тез орада бутун АҚШ бўйлаб тарқалди. Аммо у яна бир янги усул — қатнашувчиларни ўқув муассасаларини инobatга олган ҳолда саралашни бошлаб берди. Бунга кўра, ўртача кўрсаткич 100 бал-

лга тенг деб ҳисобланар ҳамда 131 балл йиққан ўқувчи истеъдодли талабаларнинг дастури бўйича ўқишга йўлланмани қўлга киритар, шу пайтнинг ўзида 81 балл натижага эришган бошқа ўқувчи эса махсус тайёргарлик мактабларига юборилар эди. Шу тариқа бироз ўзгартиш ва қўшимчалар билан бойитилган тест универсал тест сифатида қарала бошланди. IQни қўллаш орқали ақлни ўлчаш усули таълимнинг барча соҳаларини қамраб олди. Унинг энг кўп тарқалган турларидан бири SAT ҳисобланади. Ўқувчининг ўқишга иштиёқи ва билимдонлик даражасини ўлчайдиган ушбу тест ўқувчининг ўқиш маҳорати, матнни тушуна билиш ва луғат захирасини ўрганишда ҳам ғоят фойдали саналади. Бу тест оддий ва ихчам тузилгани боис AQШнинг деярли барча коллеж ва университетларида талабаларнинг олий ўқув юртларига кириш малакаларини аниқлаш учун хизмат қилган. Бинобарин, ҳозирги пайтда ҳам AQШ таълим тизими ана шу тест маълумотлари асосида фаолият юритади.

Ўтган асрнинг 60-йиллари ўрталарида педагог, олим ва ота-оналар ўртасида IQнинг мукамал эмаслиги ҳақидаги гап-сўзлар кўпая бошлади. Уларнинг талабига кўра, талабалар нима қила олмаслиги билан эмас, балки нимага қобилияти борлиги орқали баҳоланиши лозим эди. Шахсга индивидуал ёндашишни ёқлаб чиққан одамларга америкалик олим Ховард Гарднер кашф этган ақл тушунчасининг янги концепцияси янги назарий асос сифатида таклиф қилинган. Натижада AQШ таълим тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш эҳтиёжи пайдо бўлади ва Гарднер асос солган “Интеллектнинг турли даражалари” назариясини амалиётга татбиқ этиш имконияти туғилади.

Мазкур назария ақл тушунчасини англашнинг турли вариантларига эга бўлган дастури ҳисобланади. Гарднернинг фикрича, ҳар бир алоҳида шахс турли даражали қобилиятга эга, яъни англашнинг бир-бирига тегишли ва мустақил ишлай оладиган қисмлари мавжуд. Буларга мусиқий қобилият, амалий-кенестетик қобилият, мантиқий ва математик қобилият, тил билиш қобилияти, фазовий қобилият, муомала қобилияти ва ички хусусий қобилиятлар қиради. Олимнинг таъкидлашича, қобилият даражаларини фақат шу еттита қисмдан иборат, дея чегара-лаб кўйиш ҳам тўғри эмас. Чунки қобилият ҳам худди гўдакка ўхшайди, гўдак эса ўзига

хос парваришни талаб этади. Ана шу парвариш давомида гўдак қобилиятининг янги қирралари шаклланиб боради. Дарҳақиқат, сўнги йиллар ичида булар қаторига янги қобилият даражаси — табиат ва табиий муҳитни билиш қобилияти ҳам қўшилди. Ҳозирги пайтда олимлар ўртасида янги экзистенциал қобилият борасида муҳокама қизғин давом этмоқда.

Умуман, Ғарбий Оврупо ва Америка олимлари турли хил интегратив ўқитиш ғояларига катта эътибор қаратиб келган. Гарднер назариясига ҳам турли таълим тизимларини тарқатиш ва ишлаб чиқишда қўлланиладиган конвергенция назарияси ғоявий асос бўлиб хизмат қилган. Ушбу дастурнинг муаллифи швейцариялик олим П.Россельё барча педагогик оқимларнинг ривожланишида умумийлик мавжуд, деган ғояни илгари сурган. Олимнинг “қийёсий изланиш” деб номланган глобал кузатув методи билан Гарднернинг ғояларида бироз ўхшашлик ва умумийлик мавжуд. Бундай ўхшашлик француз олимларининг “Педагогик фанлар” номли бир қанча томдан иборат илмий изланишларида ҳам ўз аксини топган. Шунингдек, таълим дастурини ишлаб чиқишда санъат билан ақлий имконият ўртасида алоқа ўрнатиш ғоясини таклиф этган англиялик Т.Жоуснинг қарашлари ҳам Гарднер назариясига анча яқин. Унинг фикрига кўра, ҳиссиёт кишини ўйлашга ундайдиган омилдир. AQШнинг Ванкувер шаҳрида фаолият кўрсатаётган Гарднер мактабида юқорида баён этилган ғоялар амалда жорий этилган. Мактабнинг асосий мақсади янгича ёндашувларни ривожлантиришдан иборат. Мактабда юз нафар талаба таълим олади. Тайёргарлик синфлари ҳам мавжуд. Умумий таркиб тахминан йигирма нафар кишидан ошмайди. Мактаб ўз дастурини тўла-тўқис қўллаш учун устахоналар ва махсус дам олиш хоналари билан таъминланган. Талабалар ҳордиқ чиқарадиган дам олиш масканлари яшил табиат қўйнида жойлашган. Гарднер мактабининг афзаллиги шундаки, унда боланинг илк ақлий имкониятлари аниқланганидан кейин ўқув жараёнида кўпбосқичли “қонуний мафтун этиш” ғояси татбиқ этилади. Бу шартли ғоя замирида боланинг “ўз-ўзини ҳурмат қилиш” кўникмаси ва ички қобилиятини юзага чиқариш усули муҳассамлашган. Ўқув дастурлари, асосан, назарий хулқ-атвор ва амалий билимларни қамраб олади. Ушбу ўқув


дастурида ҳам асосий самара барибир ўқитувчининг маҳорати билан боғлиқ, деб қаралади. Шунингдек, унда ҳар бир талабанинг одат ва кўникмалари, оилавий муҳити, дўстлари, ташкилий даражалар (мактабдаги кулайликлар), ўқитувчи билан ўқувчи ўртасидаги муносабат, мактаб муҳити ва этник одатлар ҳам ҳисобга олинган. Гарднер назарияси қисқача “айтсангиз, унутаман, кўрсатсангиз, ёдлайман, бажариб кўрсам, тушунман” қабилидаги тамойилга таяниб фаолият кўрсатади. Унга кўра, таълим тизимига йўл-йўриқ эмас, табиий юксалиш жараёни сифатида ёндашилган. Гарднер мактаби ўқув дастури қуйидагиларга жиддий эътибор беради: вазиятдан унумли фойдаланиш, ўзига зеб берувчи сўзлардан қочиш, қўйилган масалага сунъий ёндашувни чиқариб ташлаш. Бундан ташқари, талаба ақлини тараққий эттириш йўл-йўриқлари кўрсатилган махсус кундаликлар ҳам тузилган. Талаба уларни тўлғазганидан кейин натижа таҳлил этилади, бироқ унга асосланиб қатъий хулоса чиқарил-

майди. Шунингдек, улар фақат талабага тегишли ҳисобланади ва ҳеч кимга тарқатилмайди. Буларнинг бари Гарднер мактаби фаолияти қай услубда амалга оширилишини ҳам кўрсатади.

Хулоса ўрнида шунга таъкидлаш жоизки, биз қисқача сўз юритган Гарднер мактаби фаолияти ақлнинг ўлчови борми, деган саволга тўлақонли жавоб бера олади. Ҳозир юртимизда таълим-тарбия борасида туб ислохотлар амалга оширилмоқда. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури амалиётга жорий этиляпти. Бу ҳол хорижий мамлакатлар таълим тизимида тўпланган илғор тажрибалардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу жиҳатдан қараганда, Гарднер мактаби тажрибалари биз учун муҳим аҳамиятга эга ва улар келажакда катта ютуқлар келтирса ҳам ажаб эмас.

**Самад КАРИМБЕКОВ,**

*Тошкент давлат Педагогика университети-нинг докторанти*



## “Avesto” va o‘zbek davlatchiligi

Табиийки, ҳар бир инсон ўз халқи тарихига қизиқади. “Биз киммиз ва биздан кимлар етишиб чиққан?” деган савол кўпчиликни ўйлантириши аниқ. Чунки шўролар ҳукмронлиги даврида миллий тарихимизни бузиб кўрсатишди. Асл воқелик ва фактлар сохталаштирилди. Шунинг учун мустақилликка эришганимизнинг дастлабки йиллариданоқ ишончли манбаларни ўрганиш асосида янги тарихимизни яратишга киришдик.

Зардуштийларнинг “Авесто” китоби Марказий Осиё халқлари тарихини ўрганишда энг қадимги ёзма манбалардан бири ҳисобланади. Мелоддан аввалги VII-VI асрларда пайдо бўлган зардуштийлик ислом ёйилгунга қадар минтақамиз халқларининг асосий дини эди. Унинг асосчиси — Зардушт. У тарихий шахс. Лекин унинг айнан қайси вақтда яшагани аниқ эмас. Айрим мутахассислар “Авесто”даги маълумотларга таяниб, унинг мелоддан аввалги иккинчи минг йил-

лик охирилари — биринчи минг йиллик бошларида яшаганини тахмин қилишади. Зардуштни Оврупода Зароастр (мунажжим) дейишади. У яратган таълимот эса “зароастризм” деб аталади.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, “Авесто”нинг илк матнлари (“Гох”лар) Зардушт томонидан битилган. Аммо Александр Македонский босқини даврида бу ёзувлар йўқотилган. Кейинчалик — мелоднинг биринчи асрларида Парфияда аршакийлар шоҳи Валахшнинг ҳаракати билан унинг айрим қисмлари қайта тикланган. Зардуштийликда ёзув ёвузлик худоси бўлган Аҳраманнинг кашфиёти деб ҳисоблангани боис айрим мутахассислар “Авесто”нинг ёзма нусхалари борлигини инкор этишади. Дарҳақиқат, “Авесто”нинг бизгача етиб келган илк ёзма нусхаси сосонийлар шоҳи Хусрав Биринчи (531-79 йиллар) даврида оққа кўчирилган. “Авесто” деган умумий ном худди шу пайтда пайдо

бўлган. “Авесто” сўзининг аниқ бир маъноси йўқ. Баъзилар у “асос”, “қатъий қонунлар” маъносини беради деса, бошқалар унинг маъносини “кўрсатма” ёки “шарафлаш” деб тушунтиради. Тахмин этилишича, сосонийлар давридаги “Авесто” 21 қисмдан иборат бўлган. Бизгача эса улардан фақат “Ясна”, “Виспарад”, “Видовдот”, “Яшт” қисмларигина (шулардан атиги биттаси тўлик) етиб келган.

“Авесто” мелоддан аввалги VI асрга оид асар бўлса-да, унда тасвирланган айрим воқеа-ҳодисалар диннинг шаклланиш босқичларини акс эттиради. Шунинг учун у давлатчилигимизнинг илк даврларини ўрганишда жиддий аҳамиятга эга.

“Авесто”да тасвирланган воқеаларнинг бир даврга тўғри келиши эътиқод шакли ҳақидагина эмас, давлат шаклланиши ҳақида ҳам муайян тахминларга бориш учун имкон яратади. Бу эса зардуштийлик ва давлатчиликнинг шаклланиш босқичлари бир вақтда ва баробар кечганидан дарак беради. Археологик қазималар натижаси шуни кўрсатадики, Марказий Осиё ҳудудидаги дастлабки олов ибодатхоналари энеолит даврига мансуб. Бу даврдаги ибодатхоналар патриархал қишлоқ жамоаларига қарашли бўлиб, ибтидоий кўринишдаги уй-жойлар ичида барпо этилган. Бу даврда одамлар уруғчилик жамиятидан давлатчилик босқичига ўтган. Мана шу далилнинг ўзиёқ давлат шаклланиши баробарида муайян эътиқод — мафкура шакллана боришини, шунга ҳаётий эҳтиёж пайдо бўлишини кўрсатади.

Бронза даврининг ибодатхоналари ҳашамати билан олдингиларидан ажралиб туради. Бу хусусият давлатчиликнинг илк босқичи бўлган шаҳар-давлатларнинг таъсирида вужудга келган. Чунки давлатчиликнинг илк босқичи сифатида бундан уч-уч ярим минг йиллар илгари пайдо бўлган шаҳар-давлатнинг пойтахти сиёсий, иқтисодий, ҳарбий ва диний марказ ҳисобланган. Бу давр ибодатхоналари шаҳарнинг энг тепа қисмида, бошқа бинолардан ажралиб туриши учун, баланд пойдевор устида бунёд этилган. Улар алоҳида мудрофаа деворлари билан ўраб олинган. Ишлаб чиқарувчи ҳўжаликнинг ривожини ва темирнинг кашф этилиши натижасида мелоддан аввалги минг йиллик бошларида шаҳар-давлатлар конфедерацияси, яъни подшоҳликлар пайдо бўлади. Бу ўз-ўзидан зардуштийлик таълимотининг ёйилишига замин яратади. “Авесто”да ўша даврларда жа-

мият қандай аҳволда бўлгани ҳақида муҳим маълумотлар бор.

Уларга асосланиб, миллий давлатчилигимиз мелоддан аввалги биринчи минг йилликда, илк подшоҳликлар даврида пайдо бўлган, деган хулосага келиш мумкин. Шунингдек, “Авесто”да баён этилган давлатчилигимизнинг илк босқичларидаги мавжуд ижтимоий муносабатлар қулдорлик кўринишида бўлмаганини кўрсатади. Холбуки, яқин-яқингача илк давлатларимиз қулдорлик кўринишида бўлган, деб келинди. Афсуски, бу хато фикр ҳозир ҳам айрим дасрикларда учрайпти. Энг ёмони, мазкур фикр тарафдорлари ўз қарашларини “Авесто” асосида ҳам тасдиқламоқчи бўлишади. Гап шундаки, “Ясна”да оиланинг тенг ҳуқуқли аъзолари билан биргаликда унинг иккинчи даражали аъзолари — вира, вайса, парийтерлар ҳақида ҳам маълумотлар бор. Шунга асосланиб, айрим тадқиқотчилар уларни қуллар деб ўйлашган, жамият ҳақида эса у қулдорлик кўринишида бўлган, деган хулосага келишган. Ваҳоланки, худди шу ўриндаги вира, вайса ва парийтерларнинг ҳамма қатори диний маросимларда қатнашгани ва тўлов тўлагани ҳақидаги маълумотлар тадқиқотчилар эътибордан четда қолган. Ахир, ҳамма қатори диний маросимларда қатнашган ва энг муҳими, барча билан биробар тўлов тўлаган кишиларни қул деб бўладими?

Демак, илк давлатчиликдаги ижтимоий муносабатлар қулдорлик кўринишида бўлмагани аён. Бизнингча, уларни ҳозирги илмий атама билан “осиёча ишлаб чиқариш усули”даги давлатлар деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқ. Кўриниб турибдики, “Авесто” — давлатчилигимиз тарихини ўрганишдаги ўта муҳим манбалардан бири. У кўҳна диний китоб сифатидагина эмас, балки халқимиз тарихи, маънавияти ва давлатчилигининг нақадар қадим илдизларга эга экани ҳақида гувоҳлик берувчи қимматли ёдгорлик сифатида ҳам ўрганишга лойиқ. Унинг яратилганига 2700 йил тўлиши ЮНЕСКОдек нуфузли халқро ташкилот доирасида кенг миқёсда нишонланаётганига ҳукуратимизнинг халқимиз тарихини тиклаш борасида олиб бораётган одилонга сиёсати маҳсули сифатида қарашимиз зарур.

**Солижон ҚУДРАТОВ,**  
тарих фанлари номзоди



## Уруғ- ауроғ аналари

Истиклол туфайли эришилган иқтисодий, ижтимоий, маданий ва маънавий ютуқлар билан бир қаторда Ўзбекистон ҳудудида кечган этник жараёнларни тадқиқ этиш, халқимизнинг этник тарихи ва шаклланиш босқичларини илмий ҳолислик билан ўрганиш имкониятига эга бўлди.

Маълумки, ўзбек халқининг келиб чиқиши узоқ тарихий даврга бориб тақалади. Асрлар давомида маҳаллий аҳоли таркибига кўплаб этник гуруҳларнинг қўшилиши, яъни этник муштараклик (ассимиляция) асосида ўзбеклар миллат сифатида шаклланиб келган. Бу жараён турли тарихий шароитда табиий, жўрофий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ва этник хусусиятларига кўра ранг-баранг бир неча тарихий-маданий ҳудудларда ўзига хос тарзда кечган.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Ўзбекистон жанубидаги Қашқадарё аҳолиси уруғ-қабилаларнинг ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб турган. Бу воҳа аҳолиси этник хусусиятларнинг айрим унсурлари бугунги кунгача сақланиб келмоқда.

Воҳа туманларида йирик қабилалар ва уруғлардан ташқари узоқ ўтмишдан асл этник номи сақлаб келатган бир қанча кичик қабилалар ва уруғ авлодлари ҳам мавжуд. Юз, уймавут, месит каби уруғлар шулар жумласидандир. XIX асрнинг бошларида маҳаллий аҳолига аралшиб кетгани сабабли уларнинг баъзи урф-одатлари, уруғ-қабилаларнинг номи билан сақланиб қолган, холос.

Этнографик изланишлар Ўрта Осиё ҳудудида қадимдан яшаб келган элатлар “қонқариндош”, “бир ота”, “насл”, “жинс”, “аймоқ” сингари номлар билан аталиб келганидан далolat беради. Сарой, кенагас, кўнғирот, кутчи, қишлик каби йирик уруғ-қабилаларда эса “авлод” атамаси (айниқса, Шахрисабз ва Китоб туманларидаги қишлоқларда) кўпроқ қўлланилган. Қамаш, Чирокчи, Косон, Касби туманлари ҳамда Зарафшон водийсидаги бир қанча қишлоқларда “тўп” (баъзан “тўда”) ибораси ҳам ишлатилган.

XIX асрнинг ўрталаригача ўзбек қабилалари ҳаётида бошқарув йиғинлари ва маслаҳат кенгашлари катта аҳамият касб этган. Уларда қабилалар раҳбарларини сайлашдан ташқари, энг муҳим масалалар биргаликда ҳал этилган. Йиғин ва маслаҳат кенгашларида қабилалар уруғ бошлиқларига эмас, оқсоқоллар, бийлар, қабиланинг обрўли кайвонилари ҳам қатнашган.

Ўзбеклардаги уруғчилик жамоаси ва уруғ бирликлари айрим сабаблар туфайли XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб таназзулга юз тутган эди. Бунга биринчидан, бой хўжалик бошлиқларининг кўпроқ ўз манфаатини ўйлаб ҳаракат қилгани, энг серҳосил, унумдор ер ва яйловларни тортиб олгани; иккинчидан, обрўли уруғ аъзоларининг оқсоқол лавозимида эга бўлиш учун жон-жаҳди билан курашгани сабаб бўлган. Натижада уруғ ва қабилалар бир неча кичик-кичик гуруҳларга бўлиниб кетган.

XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида мавжуд бўлган уруғлар ҳудудий жиҳатдан бир неча бўлақларга бўлиниб, бир ерда мустаҳкам жойлашмаган бўлса-да, улар бир-бирлари билан доимо ҳамкорликда яшаган ва уруғ-қабилалар хос урф одатларни сақлаб келган. Масалан, хун олиш одати уруғ аъзоларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида узоқ йиллар қўллаб келинган. Агар уруғ-қабиланинг бирон-бир аъзоси бегона уруғга мансуб киши томонидан ўлдирилса, марҳумнинг бутун уруғи унинг хунини олиши лозим бўлган. Бунинг оқибатида баъзан кескин низолар ва ҳатто қуролли тўқнашувлар келиб чиққан, ҳар икки томондан кўплаб кишилар ўлдирилган.

Уруғчилик аъналари оила-ниҳоҳ муносабатларига ҳам сезиларли таъсир этган. Жумладан, ўғил уйлантириш ёки қиз чиқаришда оқсоқолнинг ижозатини олиш талаб этилган. Чунки оқсоқол ўз қавмидагиларнинг наслнасаби, авлод-аждодларини яхши билган ва шу боис оила бошлиқлари маслаҳат сўраб, унга мурожаат этган. Қолаверса, дафн, таъзия ва бошқа оилавий маросим ва расм-русумлари адо этишда ҳам оқсоқолнинг таъсири кучли бўлган.

Хуллас, XIX асрнинг охири — XX асрнинг бошларида Қуйи Қашқадарё воҳасида яшаб келган уруғ-қабилалар вақт ўтиши билан ўзбек миллати таркибига сингиб кетган. Асрлар мобайнида шаклланиб келган уруғ-қабилаларнинг бирлашуви ва уйғунлашуви XX асрнинг 20-30 йилларигача давом этган. Аммо бу жараённинг ўзига хос диалектикаси ҳамда зиддиятлари илмий жиҳатдан ҳали тўлиқ тадқиқ этилганича йўқ. Ўзбек халқининг шаклланиш тарихини ўрганиш эса миллатимиз ўтмиши ва бугунги кунини теран англаш баробарида унинг келажагини аниқроқ тасаввур этиш имконини яратди.

**Зилола ХАЙДАРОВА,**

ЎзФА Тарих институтининг аспиранти



## SUMMARY

**I**n his article titled «Expression of great aspirations», Matnazar Abdulhakim, the well-known poet and publicist, expounds his thoughts that occurred as a result of studying the treatise of «The National Independence Idea: Concept and Principles» by citing vital instances. The author expresses his civic attitude to the issue of understanding the national dignity and his concern about the nation's future. Therein the topicality of the article will certainly attract readers' attention.

**T**he article of «Propaganda of the ideology» by a political scientist Nigora Umarova discusses the necessity of renunciation of old standards and application of new technologies to popularize the national independence idea. Explicit examples given in the article demonstrate that modes of propaganda used at higher education institutions, communities and the mass media are not as effective as expected to be. The authoress believes that new agitation methods should be developed and used in everyday life.

**T**he Art Philosophy heading includes an article named «Image and imagination» by Obidjon Musaeu who observes that works of Kamoliddin Behzod, the great artist of the past, also have philosophical meanings that require specific skills to be understood.

**A** literary critic Sharif Yusupov in his article of «History and renovation» narrates of difficult situation in the Central Asia when it was invaded by tsar's troops. He rebukes Uzbek khans for trying to seek for alliance with the invaders instead of uniting together and argues that documents signed to open the Tashkent gates were spurious. The article elucidates some insufficiently studied facts of our history to readers.

**T**he article titled «Interpreter of nation's soul» by Safer Nagaev is published under the History and Evolution heading. It tells about the life and creative work of Ismoil Gasprinsky, the great enlightener who was renowned as the «father of jadids». He deserves profound respect for his actions taken to enlighten Turkic peoples.

**F**or his short novel of «Road to the silence» the famous writer Khurshid Dustmuhammad has chosen a peculiar style of the Uzbek prose. The novel divulges community disorders in the instance of a single hospital. Emotions and spiritual sufferings of the hero will make readers empathize.

**T**he article of «Speaker who conquered Rome» by Ismatulla Tukhtarov tells about the life of Cicero, the great orator and politician. Cicero experienced severe hardships and passed a hard process before he gained the eloquence.

*Бир дарахт...*



Нашр кўрсаткичи: 869/870  
Баҳоси келишилган нарҳда

# ТАҒАККУР

ТАҒАККУР 3/2001

